



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
QURILISH VA UY-JOY KOMMUNAL XO‘JALIGI VAZIRINING
BUYRUG‘I

2023 yil. “7” dekabr

415-son

ShNQ 2.07.01-03 “Shaharsozlik. Shahar va qishloq aholi punktlari hududlarini rivojlantirish va qurilishini rejalashtirish” shaharsozlik normalari va qoidalariga o‘zgartirishlar kiritish to‘g‘risida

O‘zbekiston Respublikasining Shaharsozlik kodeksi hamda O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “Osiyo taraqqiyot banki hamkorligida Toshkent shahri va Toshkent viloyatida davlat-xususiy sheriklik asosida umumiy o‘rta ta’lim maktablarini tashkil etish to‘g‘risida” 2023-yil 25-maydagi PQ-163-son hamda “Toshkent shahrida davlat va tadbirkorlik subyektlari o‘rtasida o‘zaro manfaatli hamkorlik asosida investitsiya loyihalarini amalga oshirish va shahar infratuzilmasini yaxshilash bo‘yicha huquqiy eksperimentni o‘tkazish chora-tadbirlari to‘g‘risida” 2023-yil 26-iyuldagi PQ-236-son qarorlariga muvofiq

B U Y U R A M A N:

1. ShNQ 2.07.01-03 “Shaharsozlik. Shahar va qishloq aholi punktlari hududlarini rivojlantirish va qurilishini rejalashtirish” shaharsozlik normalari va qoidalariga ilovaga muvofiq o‘zgartirishlar kiritilsin.
2. Mazkur buyruq O‘zbekiston Respublikasi Maktabgacha va maktab ta’limi vazirligi, Favqulodda vaziyatlar vazirligi hamda Sog‘liqni saqlash vazirligi huzuridagi Sanitariya-epidemiologik osoyishtalik va jamoat salomatligi qo‘mitasi bilan kelishilgan.
3. Ushbu buyruq rasmiy e‘lon qilingan kundan e‘tiboran kuchga kiradi.

Vazir



B.Zakirov

Ўзбекистон Республикаси қурилиш
ва уй-жой коммунал хўжалиги
вазирининг 2023 йил 7 декабрдаги
415-сон буйруғига
ИЛОВА

**ШНҚ 2.07.01-03* «Шаҳарсозлик. Шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктлари ҳудудларини
ривожлантириш ва қурилишини режалаштириш» шаҳарсозлик нормалари ва
қоидаларига киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 20.4-банднинг тўққизинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Шаҳар ҳудудида қуриладиган турар жой биносининг умумий майдони (ер устидаги барча қаватлар майдонларининг тўплами) ушбу турар жой биносини қуриш учун ажратилган ер участкаси майдонининг тўрт ярим баробаридан ошмаслиги лозим.».

2. 99-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«99. Умумий ўрта (ўрта махсус) таълим ташкилотининг ҳудудида ҳар бир таълим олувчи учун ажратиладиган умумий майдон ўлчами ушбу ШНҚнинг 21-жадвалига мувофиқ белгиланиши лозим.».

3. 21-жадвалнинг матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«

Т/р	Ўқувчилар сони (киши)	Бир ўқувчига ажратилган умумий ер майдони ўлчами (м ²)
1.	40 — 660 нафар	20
2.	661 — 989 нафар	15
3.	989 нафардан ортиқ	10

».

4. 99.1-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРИЛИШ
ВА УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРИНИНГ
БҲЙРУҒИ**

**ШНҚ 2.07.01-03“Шаҳарсозлик. Шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктлари ҳудудларини
ривожлантириш ва қурилишини режалаштириш” шаҳарсозлик нормалари
ва қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодексига мувофиқ **бўйраман:**

1. ШНҚ 2.07.01-03“Шаҳарсозлик. Шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктлари ҳудудларини ривожлантириш ва қурилишини режалаштириш” шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.
2. Мазкур бўйруқ Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ва Транспорт вазирлиги билан келишилган.
4. Мазкур бўйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Тошкент ш.
2023 йил 12 июнь,
153 сон



Zakirov B. I.

Фавқулодда вазиятлар вазири

Келишилди:



Тошкент ш.
2023 йил 09 июнь,

Kuldashv A. X.

Транспорт вазири

Тошкент ш.
2023 йил 09 июнь,



Махкамов И. Р.

Ўзбекистон Республикаси қурилиш ва
уй-жой коммунал хўжалиги вазирининг
2023 йил 12-июндаги 153-сон буйруғига
ИЛОВА

**ШНҚ 2.07.01-03“Шаҳарсозлик. Шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктлари ҳудудларини
ривожлантириш ва қурилишини режалаштириш” шаҳарсозлик нормалари
ва қоидаларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 20.4-бандда:

қуйидаги таҳрирдаги тўққизинчи ва ўнинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

“Шаҳар ҳудудида қуриладиган турар жой биносининг умумий майдони (ер устидаги барча қаватлар майдонларининг тўплами) ушбу турар жой биносини қуриш учун ажратилган ер участкаси майдонининг уч баробаридан ошмаслиги лозим.

Турар жой биноси умумий майдонининг ер участкаси майдонига нисбати (УМН) ва турар жой биноси қурилиш майдонининг ер участкаси майдонига нисбати (ҚМН) кўрсаткичлари шаҳар бош режасида белгиланади.”;

тўққизинчи хатбоши тегишли равишда ўн биринчи хатбоши деб ҳисоблансин.

2. 21.1-бандда:

қуйидаги таҳрирдаги иккинчи – тўртинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

“Уч ва ундан юқори кўп қаватли турар-жой бинолари ва барча ётоқ ўринлари мавжуд бўлган бинолар орасидаги масофалар мазкур шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларининг 17-иловасида келтирилган ўлчамлардан кам бўлмаслиги лозим.

Маъмурий биноларда мазкур шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларининг 17-иловасида белгиланган масофалар 6 метрдан кам бўлмаган ҳолда икки баробаргача қисқартирилиши мумкин.

Иккита бино орасидаги масофани ҳисоблаш учун йўналиш коэффициентини ($k_{\text{н}}$) мазкур шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларининг 18-иловасига мувофиқ ҳисобланиши лозим.”;

иккинчи – ўн тўртинчи хатбошилар тегишли равишда бешинчи – ўн еттинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

бешинчи – ўн учинчи хатбошилар чиқариб ташлансин;

ўн тўртинчи –ўн еттинчи хатбошилар тегишли равишда бешинчи –саккизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

3. 183-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Турар жой, жамоат ва дам олиш масканларида автотураргоҳларни ҳисоблашнинг нормалари мазкур шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларининг 19-иловасига мувофиқ белгиланиши керак.”.

4. Мазкур ўзгартириш ва қўшимчаларнинг 1–3-иловаларига мувофиқ таҳрирда 17–19-иловалар билан тўлдирилсин.

ШНҚ 2.07.01-03“Шаҳарсозлик. Шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктлари ҳудудларини ривожлантириш ва қурилишини режалаштириш” шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчаларга
1-ИЛОВА

“ШНҚ 2.07.01-03“Шаҳарсозлик. Шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктлари ҳудудларини ривожлантириш ва қурилишини режалаштириш” шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига 17-ИЛОВА

Уч ва ундан юқори қўп қаватли турар-жой бинолари ва барча ётоқ ўринлари мавжуд бўлган бинолар орасидаги масофалар нормалари

2-бино баландлиги H_2	Йул тарафдаги ҳудуд чегарасигача булган масофа	Деворда деразалари бор бино тарзи (бинонинг узун томони)	Деворда деразалари бор бино ён тарзи	Деворда деразалари йўқ бино ён тарзи	Қўшни тараф ҳудуд чегарасигача булган масофа
1-бино баландлиги H_1					
Йул тарафдаги ҳудуд чегарасигача булган масофа	-	$H_2 \times 0,25$	$H_2 \times 0,25$	$H_2 \times 0,25$	-
Деворда деразалари бор бино тарзи (бинонинг узун томони)	$H_1 \times 0,25$	$H_{\max} \times k_{\text{й}}$	$2 \times H_{\max} \times 0,3$	$2 \times H_{\max} \times 0,3$	$H_1 \times k_{\text{й}}/2$
Деворда деразалари бор бино ён тарзи	$H_1 \times 0,25$	$2 \times H_{\max} \times 0,3$	$(H_1 + H_2) \times 0,3^*$	$(H_1 + H_2) \times 0,25^*$	$H_1 \times 0,25^*$
Деворда деразалари йўқ бино ён тарзи	$H_1 \times 0,25$	$2 \times H_{\max} \times 0,3$	$(H_1 + H_2) \times 0,25^*$	$(H_1 + H_2) \times 0,15^*$	$H_1 \times 0,25^*$
Қўшни тараф ҳудуд чегарасигача бўлган масофа	-	$H_2 \times k_{\text{й}}/2$	$H_2 \times 0,25^*$	$H_2 \times 0,25^*$	-

Изоҳ:

H -лойиҳалаштирилган бинонинг баландлиги (ер сатҳидан энг юқори қаватнинг ёпмасигача бўлган масофа);

ёпиқ ички ховлиси бор турар жойларда биноларнинг ички фасадлари орасидаги масофа $H_{max} \times 2,3$ қийматида қабул қилинади;

мансарданинг вертикал ташқи девори 1,5 метргача ва томнинг қиялиги 60° гача бўлганда мансарданинг баландлиги бинонинг баландлигига киритилмайди;


мавжуд мавзеларнинг ва кичик даҳаларнинг кўп квартирали турар жой бинолари оралигида болалар ўйин майдончалари, катталар дам олиш майдончалари, воркаут майдончалари, кийим-кечак қуритиш майдончалари ҳамда автомобилларнинг вақтинчалик тўхташ жойларидан ташқари бошқа объектларни лойиҳалаштиришига йўл қўйилмайди;

*бинонинг ёнгина бардошлилиги I ёки II-даражали бўлган бинолар орасидаги масофаларни ҳисоблаш учун тадбиқ этилади (бунда ҳисобланган қиймат 6 метрдан кам бўлмаслиги керак), бино ёнгина бардошлилигининг бошқа даражаларида бинолар орасидаги масофа мазкур шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларининг I-иловасига мувофиқ белгиланади.”.

ШНҚ 2.07.01-03“Шаҳарсозлик. Шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктлари ҳудудларини ривожлантириш ва қурилишини режалаштириш” шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчаларга
2-ИЛОВА

“ШНҚ 2.07.01-03“Шаҳарсозлик. Шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктлари ҳудудларини ривожлантириш ва қурилишини режалаштириш” шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига
18-ИЛОВА

**Иккита бино орасидаги масофани ҳисоблаш
учун йўналиш коэффиценти ($k_{\#}$) диаграммаси***



*Изоҳ: мазкур коэффицентлар биноларнинг узун томонлари бир бирига нисбатан параллел ёки 45° гача бурчак остида жойлашганда қўлланилади.

ШНҚ 2.07.01-03“Шаҳарсозлик. Шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктлари ҳудудларини ривожлантириш ва қурилишини режалаштириш” шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчаларга
3-ИЛОВА

“ШНҚ 2.07.01-03“Шаҳарсозлик. Шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктлари ҳудудларини ривожлантириш ва қурилишини режалаштириш” шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига
19-ИЛОВА

**Турар жой, жамоат ва дам олиш масканларида
автотураргоҳларни ҳисоблашнинг нормалари**

Автотураргоҳлар жойлашадиган ҳудудлар ва объектлар	Ҳисоб бирлиги	Ҳисоб бирлигига машина-жойлари сони (камида)
Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида жойлашган кўп қаватли турар-жой бинолари	1 та хонадонга	1 та
Бошқа вилоятларда жойлашган кўп қаватли турар-жой бинолари	2 та хонадонга	1 та
Мактабгача таълим ташкилотлари	25 та ўқувчига	1 та
Мактаб	25 та болага	1 та
Олий таълим ташкилотлари	4 та талабага	1 та
Гиббиёт муассасалари: <i>шифохоналар</i>	5 та койкага	1 та
<i>поликлиникалар</i>	5 та қатновчига	1 та
Маъмурий бинолар	10 м ²	1 та
Умумий овқатланиш ва маросимлар ўтказиш бинолари (тўйхоналар)	4 та ўринга	1 та
Маиший ва коммунал хизмат кўрсатиш объектлари	10 м ²	1 та
Масжидлар	10 кишига	1 та
Саноат ва ишлаб чиқариш корхоналари	20 та ходимга	2 та
Сигими 500 кишидан зиёд бўлган спорт бино ва иншоотлари	10 ўринга	1 та
Театрлар, цирклар, кинотеатрлар, концерт заллари, музейлар ва кўргазма мажмуалари	5 та ўриндик	1 та
Маданият ва истироҳат боғлари	0,05 гектарга	1 та
Савдо майдони 200 м ² дан зиёд бўлган савдо марказлари	10 м ² (савдо майдонига)	1 та
Бозорлар	2 та савдо растасига	1 та
Меҳмонхоналар	5 та ўринга	1 та

Аэропорт, вокзаллар ва автостанциялар	5 та йўловчига (тиғиз пайтида)	1 та
Санаторийлар ва дам олиш уйлари	10 та дам олувчига	1 та
Қабристонлар	0,05 гектарга	1 та

Изоҳ:

1. Автотураргоҳларда ногиронлиги бўлган шахслар учун машина жойларининг (ўринларининг) сони ШНҚ 2.07.02-22 талаблари асосида белгиланади.

2. Машина жойларини белгиланган нормаларга етказган ҳолда лойиҳалашнинг имкони бўлмаган тақдирда, лойиҳалаштирилаётган объектдан 500 метргача узоқликда жойлашган ҳудуддаги автомобилларни сақлаш жойларидан фойдаланишга рухсат этилади.

3. Транспорт воситаларини доимий, вақтинча ёки мавсумий сақлаш (туриши) учун мўлжалланган автотураргоҳлар алоҳида ёки қўшиб қурилган, ерусти, ерости ёки бирлашган бино, иншоот (бино ёки иншоотнинг қисми) ёхуд махсус очиқ майдон шаклида маҳаллий шароитдан келиб чиқиб ташкил этилиши мумкин.”.

**ШНҚ 2.07.01-03* “Шаҳарсозлик. Шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктлари
худудларини ривожлантириш ва қурилишини режалаштириш”га
3-сон ўзгартириш**

1. 22-банди қуйидаги таҳрирдаги хатбоши билан тўлдирилсин:

“Ер участкасида турар-жой биноларини қуришда томнинг нишаблигини
ёмғир ва қор эришилан ҳосил бўладиган сувларнинг қўшни участкасига
тушмайдиган қилиб йўналтириш лозим”.

2. 36*-бандда:

қуйидаги таҳрирдаги бешинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Томда ёмғир ва қор эришидан ҳосил бўладиган сувларнинг қўшни ер
участкасига оқишини ташкил этилишига йўл қўйилмайди”;

бешинчи хатбоши олтинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

**ШНҚ 2.07.01-03* «Шаҳарсозлик. Шаҳар ва қишлоқ аҳоли
пунктлари ҳудудини ривожлантиришни ва қурилишини
режалаштириш» га 2-сон ўзгартириш**

1. 166-бандга келтирилган изоҳ қуйидаги хатбоши билан тўлдирилсин:

“Велосипед йўллари қуриладиган ёки реконструкция қилинадиган йўллар бўйлаб участкаларда, транспорт интенсивлиги қунига камида 4 000 га етадиган ҳамда дастлабки беш йилида велосипед ёки мопедларнинг интенсивлиги бир йўналишда 200 велосипед (мопед) га ва 30 минут ичида энг кўп трафик билан ёки қунига 1 000 бирликка етиши мумкин бўлган йўл қисмларида лойиҳалаштирилиши керак.

Батафсил режалаштириш лойиҳаларини, аҳоли турар жойлари ҳудуди қурилиши лойиҳалари ва йўл қурилиши лойиҳаларини ишлаб чиқишда ва амалга оширишда, велосипед ва югуриш йўлакларини, шунингдек, бадминтон, стритбол ва мини-футбол майдончаларини ташкил этишни ҳамда йўналишлари бўйича йўл белгилари билан таъминланиши ва ўрнатилиши ҳисобга олган ҳолда мажбурий тартибда кўзда тутиш лозим”.

ШАҲАРСОЗЛИК НОРМАЛАРИ ВА ҚОИДАЛАРИ

ШАҲАРСОЗЛИК

**ШАҲАР ВА ҚИШЛОҚ АҲОЛИ ПУНКТЛАРИ
ХУДУДЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА
ҚУРИЛИШИНИ РЕЖАЛАШТИРИШ**

ШНҚ 2.07.01-03*

**РАСМИЙ НАШР
(ЎЗБЕКЧА-РУСЧА)**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ
АРХИТЕКТУРА ВА ҚУРИЛИШ ҚЎМИТАСИ**

Тошкент 2009

УДК /69+711.4/(0.83.74)

ШНҚ 2.07.01-03* “Шаҳарсозлик. Шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктлари ҳудудларини ривожлантириш ва қурилишини режалаштириш” / Ўзбекистон Республикаси Давлат Архитектура ва қурилиш қўмитаси – Тошкент, 2009-177 б.

МУҲАРРИРЛАР: Б.А. Ходжаев (раис), А.Р. Тохтаев, Ш.Т. Шоназаров, Х.Х. Очилов.

ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН: ОАЖ «ЎзшаҳарсозликЛИТИ» - Ш.Т.Абдукамилов, техн.номз. А.К.Бахтияров, Н.Ф.Сидельникова, арх.докт. Х.К.Турсунов.

Тошкентбошплан ЛИТИ – арх.номз. Ю.К.Акопджанян, В.М.Михаэлян, Н.С.Нижевская.

Ўзбекистон Республикаси Давархитектқурилиш – арх.номз. Ф.Ф.Бакирханов, М.М.Гафуров.

ШНҚ 2.07.01-03 “Шаҳарсозлик. Шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктлари ҳудудларини ривожлантириш ва қурилишини режалаштириш” га қўшимчалар ва ўзгартиришлар Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти (арх. докт., проф. М.Қ Аҳмедов, т.ф.д., проф. С.М. Бобоев арх.номз., доц. А.Б. Болғаев) ва соҳа мутахассислари (Р.Х. Воҳидов, Л.В. Годунова, Е.П. Гогин, Ш.Д. Давронов, С.М. Зокиров, Н.В. Краснова, Х.Х. Очилов, А.Р. Раҳмонов, Ш.Т. Тўрақулов, Р.Б. Усманаев, К.Т. Усмонов, Р.М. Шодмонов, Ш.Т. Шоназаров, И.С. Шукуров ва бошқалар) томонидан киритилган.

ШНҚ 2.07.01-03 “Шаҳарсозлик. Шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктлари ҳудудларини ривожлантириш ва қурилишини режалаштириш”га Ўзбекистон Республикаси Шаҳарсозлик кодексининг талабларига мувофиқ тарзда ишлаб чиқилган ва тузатишлар ва ўзгартиришлар «Ўзшаҳарсозлик ЛИТИ» ОАЖ, «Тошкентбошплан ЛИТИ» ДУК, «ЎзЛИТТИ» АЖ, «Қишлоққурилишлойиҳа» МЧЖ, Ўзбеккоммуналлойиҳа институтларининг материаллари, Ўзбекистон Республикасининг ИИБ ЁМБ, ФВВ, Давлат табиат қўмитаси, Олий ва ўртамахсус таълим Вазирлиги ЎМҚТ Маркази, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси Давархитектқурилиш қўмитаси ҳамда вилоятлар архитектура ва қурилиш бош бошқармаларининг таклифларига асосланган ҳолда киритилган.

ТАСДИҚЛАШГА ТАЙЁРЛАНГАН - Ўзбекистон Республикаси Давархитектқурилиш қўмитаси архитектура ва шаҳарсозлик бошқармаси - Ш.Т.Шоназаров, Х.Х. Очилов.

ШНҚ 2.07.01-03* Ўзбекистон Республикаси ҳудудида кучга кириши билан **ШНҚ 2.07.01-03** ўз кучини йўқотади.

Мазкур ҳужжат Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси рухсатисиз тўла ёки қисман нусха кўчириб, кўпайтириб расмий нашр сифатида тарқатилиши ман этилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси («Давархитектқурилиш»)	Шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари	ШНҚ 2.07.01-03*
	Шаҳарсозлик. Шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктлари ҳудудларини ривожлантириш ва қурилишини режалаштириш	ШНҚ 2.07.01-03 ўрнига

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. *Мазкур норма ва қоидалар янги шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктларини лойиҳалаштириш ва мавжудларини реконструкция қилишга тегишли бўлиб, уларни режалаштириш ва қурилишига нисбатан қўйилган асосий талабларни ўз ичига олади.

1.1. Мазкур нормалар ва қоидаларда келтирилган талаблар шаҳарсозлик фаолияти объектларига нисбатан шаҳарсозлик ва лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқишда, экспертиза қилишда ва амалга оширишда, шунингдек давлат органлари ва маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан қонунчиликда белгиланган масалалар бўйича қарорлар қабул қилиш учун қўлланилади.

1.2. Мазкур нормалар ва қоидаларнинг талаблари улар кучга кирган пайдан бошлаб янгидан ишлаб чиқиладиган шаҳарсозлик ва лойиҳа ҳужжатларига, шунингдек ҳудудлар, қўчмас мулк ва яшаш муҳитининг мавжуд ҳолатини ўзгаришига олиб келадиган бошқа

турдаги фаолиятларга нисбатан қўлланилади.

2. Тошкент шаҳри ҳудуди ва унинг атрофида қурилиш ва реконструкция ишларининг лойиҳаларини ишлаб чиқишда мазкур меъёрий ҳужжат билан бирга Тошкент шаҳри учун ишлаб чиқилган ва белгиланган тартибда тасдиқланган шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларидан ҳам фойдаланиш лозим.

3*. Шаҳар (шаҳар, ишчи, курорт) посёлкаларини аҳолининг худди шундай лойиҳа сонига эга кичик шаҳарлар учун белгиланган нормалар бўйича лойиҳалаштириш лозим.

Шаҳар посёлкаси мақомига эга бўлмаган вахта посёлкаларини, Ўзбекистон Республикаси «Давархитектқурилиш» қўмитаси билан келишилган алоҳида лойиҳалаш топшириқлари бўйича лойиҳалаштириш керак.

3.1. Шаҳардан ташқарида корхоналар ва объектлар ёнидаги посёлкалар шаҳар туридаги посёлка мақомига эга бўлмаса, тегишли идораларнинг норматив ҳужжатлари бўйича лойиҳаланади, бу каби

Ўзбекистон Республикаси Давархитектқурилиш қўмитасининг архитектура ва шаҳарсозлик Бошқармаси томонидан киритилган	Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг 2009 йил «23» декабр 128-сонли буйруғи билан тасдиқланган	Кучга кириш муддати 2009 йил «28» декабр
--	---	---

ҳужжатлар мавжуд бўлмаганда эса –

аҳолининг худди шундай лойиҳа сонига эга қишлоқ аҳоли пунктлари учун белгиланган нормалар бўйича лойиҳаланади.

3.2. Шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктларини лойиҳалаштиришда фуқаролик ҳимояси бўйича муҳандислик-техник тадбирлари бўлими махсус норматив ҳужжат ҳисобланган ШНҚ 1.03.11-07 «Ўзбекистон Республикасида шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларнинг бош режасида фуқаро муҳофазасининг муҳандислик-техник тадбирлари бўлимининг таркиби, ишлаб чиқиш тартиби,

Атамалар ва таърифлар

Шаҳар ва посёлка чизиғи — аҳоли пункти ерларининг уларни ер фондининг бошқа тоифаларидан ажратиб турадиган, шаҳарсозлик ҳужжатларида белгилаб қўйилган ташқи чегараси

Ер участкаси – аниқ белгиланган чегаралар (қизил чизиқлар)га, майдонга, жойлашувига эга, ҳуқуқий мақоми ва бошқа жиҳатлари ер кадастрида ва давлат рўйхатга олиш ҳужжатларида кўрсатилган ер юзасининг бир қисми.

Иморатлар қурилиши амалга ошириладиган ҳудуд – шаҳарсозлик ҳужжатларида белгиланган чегаралар ва функционал мақсадли тартибга эга иморатлар қурилган ёки иморатлар қурилиши лозим бўлган ҳудуд.

Турар-жой тумани – аҳолига даврий равишда хизмат кўрсатишга мўлжалланган умумий марказга эга бўлган мавзелар ва даҳалар гуруҳи.

тегишли идоралар билан келишиш ва тасдиқлашга доир Йўриқнома» талабларига мувофиқ ишлаб чиқилади.

3.3. Мазкур нормалар ва қоидаларда келтирилган шаҳарсозликка оид атамалар ва тушунчалар Ўзбекистон Республикаси Шаҳарсозлик кодекси ва ҚМҚ 1.01.04-98 “Меъморий-қурилиш атамалари” ҳужжатларида келтирилган таъриф ва тушунчаларга асосланади.

Бундан ташқари, қуйидаги атамалар ва тушунчаларни қўллаш тавсия этилади:

Даҳа – аҳоли пункти режавий тузилмасининг элементи ҳисобланиб, магистраллар ёки турар-жой кўчалари ва ўтиш йўлларининг қизил чизиқлари, шунингдек шаҳар режавий тузилмасининг бошқа элементларидан шаҳарсозликка оид мувофиқлаштиришнинг бошқа чизиқлари билан чегараланади.

Мавзе (микрорайон) – чегараларида шаҳарсозликка оид лойиҳалаш нормативлари асосида тегишли ҳудудларда яшаётган ва бошқа аҳоли учун ижтимоий ва коммунал-маиший хизматлар комплекс равишда таъминланиши амалга оширилувчи, аксарият ҳолларда истиқомат қилиш учун мўлжалланган бир ёки бир неча даҳалардан ташкил топган аҳоли пункти режавий тузилмасининг элементи.

Қизил чизиқ — даҳалар, мавзелар ва режалаштириш тузилмаси бошқа қисмларининг ҳудудларини аҳоли пунктларининг кўчалари, тор кўчалари ва майдонларидан ажратиб турувчи, шаҳарсозлик ҳужжатларида белгилаб қўйиладиган чегаралар.

Умумий фойдаланиш ҳудудлари – аҳолининг эркин ҳаракатланиши учун мўлжалланган ва ҳокимият органларига бириктирилган, шу жумладан мавзе (даҳа)лар ҳудудларидан ташқарида жойлашган – майдонлар, қирғоқ бўйи кўчалари, бульварлар ҳамда мавзе (даҳа)лар ҳудудида жойлашган тор кўчалар ва хиёбонлар.

Қуришни тартибга солиш чизиқлари — бинолар ва иншоотларни жойлаштиришда шаҳарсозлик ҳужжатларида қизил чизиқлардан ёки ер участкаси чегараларидан маълум оралиқ жой ташлаган ҳолда белгилаб қўйиладиган қуриш чегаралари;

Шахсий турар-жой қурилиши объектлари – алоҳида ер участкасида жойлашиб, бир оила истиқомат қилиши учун мўлжалланган, қаватлар сони учтадан ортиқ бўлмаган, алоҳида жойлашган ва/ёки бирлаштирилган турар-жой бинолари.

Бирлаштирилган турар-жой бинолари – сони ўнтадан ошмаган бир нечта блоклардан иборат, қаватлари учтадан ортиқ бўлмаган ва ҳар бири битта оила истиқомат қилишига мўлжалланган, кўшни блок ёки кўшни блоклар билан умумий девор (деворлар)га эга, алоҳида участкада жойлашган ва участкадан умумий фойдаланиш ҳудудига чиқиш йўлига эга шахсий турар-жой бинолари.

Кўп хонадонли турар-жой бинолари – хонадонлари қаватма-қават жойлашган ва кўп хонадонли турар-жой биносининг умумий мулки ҳисобланган ер участкасига эга турар-жой бинолари.

Кам қаватли турар-жой бинолари – мансарда қаватини ҳам қўшиб ҳисоблаганда 1-3 қаватли турар-жой бинолари.

Ўрта қаватли кўп хонадонли турар-жой бинолари – мансарда қаватини ҳам қўшиб ҳисоблаганда 4-8 қаватли турар-жой бинолари.

Кўп қаватли кўп хонадонли турар-жой бинолари - 9 ва ундан кўп қаватли турар-жой бинолари.

Ховлили турар-жой бинолари зонаси – асосан, шахсий турар-жой уйлари билан банд бўлган ва чорва моллари ва паррандаларни сақлашга рухсат этилган ҳудуд.

Коттеж туридаги турар-жой бинолари зонаси - асосан, 1-3 қаватли шахсий турар-жой уйлари билан банд бўлган ва чорва моллари ва паррандаларни сақлашга рухсат этилмайдиган ҳудуд.

Функционал зоналар – ҳудудий режалаштириш ҳужжатлари (бош режалар ва ҳудудий режалаштириш тарҳлари) воситасида ушбу зоналарда амалга ошириладиган қурилишни ривожлантириш параметрларини аниқлаш билан биргаликда ҳудуднинг асосий вазифаларини акс эттирувчи чегараларни белгилаб берувчи зоналар.

Ҳудудий зоналар – шаҳарсозликнинг зоналаштириш (ердан фойдаланиш ва қурилишни амалга ошириш) ҳужжатларида ушбу ҳудудларда жойлашган ер участкаларидан рухсат этилган фойдаланиш турларини, ер участкалари ва капитал қурилиш объектларининг жоиз чегаравий параметрларини аниқлаб берувчи чегаралар ва шаҳарсозлик регламентларини белгиловчи зоналар.

Худудий зонанинг зона ости худуди (ёки “зона ости”) – ер участкаларининг чегаравий жоиз (максимал ёки минимал) ўлчамлари ва/ёки капитал қурилиш объектларининг рухсат этилган қурилиши, реконструкцияси бўйича, ушбу зонанинг бошқа зона ости худудлари учун белгиланган чегаравий жоиз ўлчамлар ва параметрлардан фарқланувчи чегаравий жоиз параметрлари белгиланган худудий зонанинг бир қисми

Кўча, майдон – шаҳарнинг кўча-йўл тармоғининг қизил чизиқлари билан чегараланган умумий фойдаланиш худудлари.

Йўл-кўча тармоғи – одатда, умумий фойдаланиш учун мўлжалланган худудий коммуникация объектлари (майдонлар, кўчалар, тор кўчалар, қирғоқ бўйи кўчалар, бульварлар)нинг ўзаро боғланган тизими.

Шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктининг табиий мажмуавий (ТМ) худуди – асосан, муҳитни ҳимояловчи, табиатни қўриқловчи, рекреацион, соғломлаштирувчи ва ландшафтни ташкил этувчи функцияларни бажарувчи, аксарият ҳолларда, ўсимликли ва (ёки) сувли объектлари мавжуд бўлган худудлар.

Алоҳида муҳофазаланадиган (қўриқланадиган) табиий худудлар (АМТХ) – давлат органларининг қарорига кўра хўжалик фаолиятида фойдаланишдан тўлиқ ёки қисман чиқарилган ва муҳофазаланиши бўйича алоҳида тартиб ўрнатилган табиатини муҳофаза қилиш, илмий, маданий, эстетик, рекреацион ва соғломлаштириш бўйича алоҳида аҳамиятга эга бўлган табиий мажмуалари ва объектлари

мавжуд ер, сув юзалари ва улар устидаги ҳаво бўшлиғи участкалари.

Худудларининг мувофиқлаштирилиши алоҳида шартланган зоналар – қўриқланувчи, санитария-ҳимоя зоналар, Ўзбекистон Республикаси халқлари маданий мероси объектларини (кейинчалик матнда – маданий мерос объектлари) муҳофаза қилиш зоналари, сувни муҳофаза қилиш, ичимлик суви манбаларини муҳофаза қилиш, қўриқланувчи объектлар зоналари ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ белгиланувчи бошқа зоналар.

Кўкаламзорлаштирилган худудлар – табиат мажмуаси худудининг бир қисми бўлиб, унда қуйидагилар жойлашади:

парк, боғ, хиёбон, бульвар каби сунъий яратилган боғ-парк мажмуалари ва объектлар;

юзасининг 70% дан кам қисми дарахтзор ва ўсимликлар билан қопланган турар-жой, ижтимоий-амалий ва бошқа зоналарнинг худудлари.

Зоналаштириш — худудни ривожлантиришнинг шаҳарсозлик жиҳатидан режалаштирилишида шаҳарсозликнинг фойдаланиш турларини ҳамда бу турлардан фойдаланишдаги чеклашларни белгилаб олган ҳолда унинг функционал мақсадга кўра бўлиниши;

Пиёдалар учун мўлжалланган зона – пиёдалар ҳаракатланиши учун мўлжалланган худуд, ушбу худудга хизмат кўрсатувчи махсус транспортдан ташқари бошқа транспорт воситаларининг ҳаракатланиши тақиқланади.

Автотранспорт воситалари сақланиш жойи – шаҳарда доимий

истиқомат қилувчи аҳолига тегишли автотранспорт воситаларининг рўйхатга олинган жойи бўйича сақланиши.

Автотранспорт воситаларининг тўхташ жойи – турли функционал объектларга ташриф буюрган шахсларга тегишли автотранспорт воситаларининг вақтинча тўхташ жойи

Автомобиллар туриш жойи – автомобиллар сақланиши ёки туриши учун мўлжалланган очик майдончалар. Автомобилларни сақлаш учун мўлжалланган жойлар соябонлар, енгил тўсиқлар билан ўралган бокслар ҳамда кўриқдан ўтказиш эстакадалари билан жиҳозланиши мумкин. Автомобилларнинг туриш жойлари кўчадан ташқарида (шу жумладан, транспорт қатнайдиған йўлнинг қисман кенгайтирилган жойида) ёки кўчанинг ўзида (транспорт қантайдиган йўлнинг белгилар билан кўрсатилган қисмида) ташкил қилиниши мумкин

Меҳмонлар учун мўлжалланган автомобиллар тўхташ жойи – турар-жой зоналарига ташриф буюрувчиларнинг автомобиллари туриши учун мўлжалланган очик майдончалар.

Гаражлар – автомобиллар узок муддат сақланиши, жойлаштирилиши, уларга техник хизмат кўрсатиш учун мўлжалланган бинолар.

Автомобиллар туриш жойи-гаражлар – ювиш жойлари, кўриқдан ўтказиш чуқурлари ва эстакада каби оддий қурилмалардан мураккаброқ техник хизмат кўрсатиш жиҳозлари бўлмаган ва автомобилларни сақланиши, туриши учун мўлжалланган бино ва иншоотлар. Автомобиллар туриш жойи-гараж-

лар тўлиқ ёки қисман ташқи тўсиққа эга бўлиши мумкин.

ТХС – автомобилларга техник хизмат кўрсатиш станцияси.

АЁҚС, АГҚС, АГТКС – суюқ мотор ёқилғисида, суюқ ва сиқилган углеводородли газда ишловчи автомобилларга ёқилғи қуйиш станциялари.

Аҳоли пунктлараро ҳудудлар – аҳоли пунктлари чегарасидан ташқаридаги икки ва ундан ортиқ аҳоли пункти ўртасидаги ҳудудлар.

Ишлаб чиқариш ва бошқа турдаги объектларнинг муҳитни муҳофаза қилиш функцияларини бажарувчи санитария-ҳимоя зоналари – амалдаги қонунчиликка мувофиқ, объектнинг атроф-муҳитга зарарли таъсирининг хусусияти ва даражасига боғлиқ равишда, санитария-ҳимоя зонаси белгила-ниши ва ташкил қилиниши зарур бўлган ва шаҳарнинг турар-жой қисмини саноат корхонаси, шунинг-дек бошқа объектлардан ажратиб турувчи махсус вазифалар учун мўлжалланган, шу жумладан махсус вазифаларни бажарувчи дарахтзор-лари мавжуд бўлган ҳудуд.

II. ШАҲАР ВА ҚИШЛОҚ АҲОЛИ
ПУНКТЛАРИ ХУДУДИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ВА
ҚУРИЛИШINI
РЕЖАЛАШТИРИШ
ПРИНЦИПЛАРИ

Аҳолини жойлаштириш тизимида
шаҳар ва қишлоқ аҳоли
пунктларининг жойлашуви

4. Шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктлари умумреспублика миқёсидаги жойлаштириш тизими ва унинг таркибига кирувчи вилоятлар, туманлар, қишлоқ хўжалик корхоналарининг жойлаштириш тизимлари, шунингдек минтақавий жойлаштириш тизимларининг таркибий қисмлари сифатида лойиҳалаштирилиши лозим.

Бунда жойлаштириш тизимлари учун ягона бўлган ижтимоий, ишлаб чиқариш, муҳандислик-транспорт ва бошқа инфратузилмалар, шунингдек жойлаштириш тизимларининг маркази ёки кичик маркази вазифасини бажарувчи аҳоли пунктининг таъсир доирасидаги истиқболли ривожланаётган меҳнат, маданий-маиший ва рекреацион алоқалар шаклланишини ҳисобга олиш зарур.

5*. Турли худудий даражалар учун жойлаштириш тизимлари маркази вазифасини бажарувчи-аҳоли пунктларини таъсир доиралари Ўзбекистон Республикаси худудидаги жойлаштиришнинг Бош схемаси, Ўзбекистон Республикаси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва туманлар (туманлар гуруҳи) худудини режалаштириш схема ва лойиҳаларининг маълумотлари асосида қабул қилиниши лозим.

Барча тизимлар учун аҳоли, ишлаб чиқариш ва табиий шароитлар худудларни функционал макон сифатида ташкил этишни комплекс равишда бошқарадиган асосий ресурс омиллар сифатида хизмат қилишлари лозим.

5.1. Аҳоли пунктлари тизимининг шаклланиш хусусиятлари Республиканинг турли минтақаларида аҳоли жойлашуви ривожланишининг тарихан шаклланганлиги ва табиий шароитлари билан белгиланади:

аҳолиси зич жойлашган ва яхши ривожланган урбанистик тузилмалар ҳамда аҳолининг кенг диапазонли жойлашувига эга, аввалдан ўзлаштирилганлиги ва аҳоли пунктлари тақсимланишининг нисбатан бир текисда бўлган худудлари (Тошкент, Самарқанд, Бухоро вилоятлари, Фарғона водийси ва бошқ.);

қулай табиий-иқлимий минтақалар ва коммуникацион каркаслар бўғинида жамланган майда аҳоли пунктларидан иборат Хоразм ва Қорақалпоғистондаги қадимдан суғорилиб келинувчи худудлар;

Фарғона водийсининг марказий қисми, Қарши, Жиззах чўллари ва Мирзачўлдаги қишлоқ ва шаҳар аҳоли пунктлари анча тарқоқ жойлашган янги суғориладиган ерлар;

дарёларининг воҳаларида катта бўлмаган қишлоқ аҳоли пунктлари жойлашган тоғли худудлар;

кичик қишлоқ аҳоли пунктлари ва яйловларга эга бўлган дашт-чўл худудлар.

5.2. Қадимдан суғориладиган худудлардаги лойиҳалаштириш ишларида қишлоқ агломерациялари, яъни бир нечта қишлоқ аҳоли

пунктларининг битта аҳоли пунктга қўшилиб кетиши бўйича шакланган дастлабки шартлар ҳисобга олиниши зарур.

Саноати ва шаҳарлари жадал ривожланган минтақаларда шаҳар агломерацияларининг шаклланиш тенденцияларини ҳисобга олиш лозим. Шаҳарлар таркибига қўшилиб кетган қишлоқларни ҳам кириштириш зарур.

5.3. Жойлаштириш тизимини шакллантириш жойлаштиришнинг бош схемаси (ЖБС), ҳудудий ташкиллаштиришнинг комплекс бош схемаси (ХТКБС) томонидан белгиланиши, бу тизимларни деталлаштириш эса - вилоят ва туманларни режалаштириш схемалари ва лойиҳаларида акс этиши лозим.

Ушбу ишланмалар асосида шаҳар ва посёлкаларининг бош режалари ишлаб чиқилиши лозим. Шаҳар аҳоли пунктларининг бош режаси ишлаб чиқилишидан 5 йилдан ортиқ вақт илгари бажарилган муайян ҳудуднинг схемаси ва лойиҳаси мавжуд бўлган тақдирда, режалаштираётган ташкилотлар, вазирликлар ва идоралар, илмий тадқиқот ва лойиҳа институтларининг маълумотлари асосида унинг истиқболли ривожланишини аниқлаштириб олиш зарур.

5.4. Аҳоли пунктларини лойиҳалаштиришда уларнинг жойлаштириш тизимидаги бугунги кундаги ва келажакда тутадиган ўрнини ҳисобга олиш лозим. Ана шу тизим асосида мазкур аҳоли пунктларининг юксакроқ даражадаги жойлаштириш тизими марказлари ҳамда лойиҳалаштирилаётган аҳоли пунктларнинг таъсир зонасига кирадиган манзилгоҳ ва ҳудудлар билан ишлаб

чиқариш, меҳнат, маданий-маиший ва рекреацион алоқаларининг ривожланиши белгиланиши зарур.

Турли даражадаги жойлаштириш тизимлари марказлари вази-фасини бажарадиган аҳоли пунктларининг таъсир зоналарининг ўлчамлари туманларни режалаштириш схемалари ва лойиҳалари бўйича ишланмалар асосида қабул қилиниши лозим.

5.5. Шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктларини режалаштириш лойиҳаларини ишлаб чиқишда уларнинг буйсунганлиги, маъмурий-хўжалик аҳамияти, жойлаштириш тизимларида тутган ўрни ва аҳамияти ҳисобга олиниши лозим:

минтақавий марказ – Тошкент;

вилоятлараро субминтақавий марказлар;

ГСНМ маркази ҳисобланган вилоятлар марказлари;

шаҳарлар, шаҳар ва қишлоқ посёлкалари – маҳаллий жойлаштириш тизимлари маркази ҳисобланган қишлоқ маъмурий туманларининг марказлари;

шаҳарлар, шаҳар ва қишлоқ посёлкалари – дам олиш марказлари, саноат ва транспорт марказлари, шунингдек қишлоқ посёлкалари - жойлаштиришнинг маҳаллий тизимлари таркибига кирувчи ва жойлаштиришнинг дастлабки бўғи-ни ҳисобланувчи қишлоқ хўжалик корхоналарининг марказий посёлка-лари.

5.6. Шаҳарлар – ГСНМ марказларида марказ аҳолисидан ташқари бутун гуруҳ тизими аҳолисига ҳам хизмат кўрсатадиган йирик саноат корхоналари, транспорт объектлари ва ижтимоий-маданий-маиший муассасаларни жойлаштириш лозим.

Жойлаштиришнинг маҳаллий тизими марказида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари қайта ишланишини таъминлайдиган ва мазкур туман, ГСНМ марказларида жойлашган корхоналар филиаллари, шунингдек жойлаштиришнинг маҳаллий тизими аҳолисига ижтимоий-маданий-маиший хизмат кўрсатувчи муассасалар эҳтиёжини қондиришга хизмат қиладиган саноат корхоналари жойлаштирилиши лозим.

Қишлоқ хўжалик корхоналарининг марказий посёлкаларида ишлаб чиқариш-таъмирлаш ва хўжаликларнинг омбор объектларини ҳамда қишлоқ хўжалик корхонасининг бутун аҳолисига мавсумий хизмат кўрсатадиган муассасаларни жойлаштириш лозим, бу ерда шунингдек, агросаноат комплекси корхоналари ва ГСНМ марказлари ҳамда маҳаллий жойлаштириш тизимларида жойлашган корхоналарнинг филиаллари ҳам жойлашиши мумкин.

5.7. Маҳаллий жойлаштириш тизимлари учун марказ билан ижтимоий-маданий-маиший алоқа боғлашни 1,5 соатлик, ГСНМ марказлари, вилоятлараро ва минтақавий марказлар учун эса - 2 соатлик қатнаш масофасида ўрнатиш тавсия этилади.

Қатналадиган меҳнат миграцион алоқалар: маҳаллий тизимлар учун 45 дақиқадан, ГСНМ учун 60 дақиқадан ошмаслигини ҳисобга олган ҳолда ташкил қилиниши лозим.

5.8. Суғориладиган минтақада аҳоли пунктлари тармоғининг ўта зич бўлган шароитида аҳоли сонини ҳисоблашда тизимларнинг марказларидаги бошқа аҳоли пунктлари

билан ҳар кунги меҳнат алоқаларини ҳисобга олиш зарур. Жойлаштиришнинг маҳаллий тизимлари марказлари учун тахминий ҳисобкитоб қилишда ишга келаётганлар сонини шаҳар аҳолисини ташкил этадиган гуруҳ сонининг 5-15 % атрофида, ГСНМ марказлари учун эса 5-10 % миқдорида қабул қилиш тавсия этилади.

Шаҳар, шаҳар посёлкасининг меъморий - режавий тузилмасини ҳал қилишда ёндош қишлоқ посёлкалари билан ўзаро алоқаларни ҳисобга олиш, қишлоқ аҳоли пунктлари тузилмасини ҳал қилишда эса уларнинг қишлоқ агломерациясига қўшилиб кетишини назарда тутиш зарур.

5.9. Манзилгоҳларнинг истиқболли ривожланиши куйидаги вилоятлараро жойлаштириш тизимларини шакллантиришга асосланиши лозим:

Тошкент (Тошкент, Сирдарё вилоятлари);

Фарғона (Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари);

Бухоро (Бухоро ва Навоий вилоятлари);

Самарқанд (Самарқанд ва Жиззах вилоятлари);

Қашқадарё (Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари);

Қуйи Амударё (Қорақалпоғистон ва Хоразм вилояти).

Вилоятлараро тизимларнинг марказларида (Тошкент, Фарғона, Бухоро, Самарқанд, Қарши ва Нукус шаҳарларида) лойиҳалаштириш ишлари бажаришда бутун минтақага хизмат кўрсатадиган илм-фан, маданият марказлари, олий ўқув юртлари, хўжалик ташкилотлари, акционерлик жамиятлари, трестлар,

банклар барпо этиш кўзда тутилиши лозим.

6*. Жойлаштириш тизимлари марказлари бўлган ўта йирик, йирик ва катта шаҳарлар худудини ривожлантириш ва қурилишини режалаштириш лойиҳаларини шаҳар билан ягона хўжалик-иқтисодий, муҳандислик-техник, табиий-экологик ва шаҳарсозлик-режалаштириш мажмуасини ҳосил қилувчи шаҳар атрофлари худуди билан биргаликда кўриб чиқиш керак.

Ўта йирик, йирик ва катта шаҳарларга ёндош худудлар қишлоқ хўжалик ер-мулклари, ландшафтлик-рекреацион зоналар, кичик аҳоли пунктлари ва бошқа объектларни ўз ичига олувчи кўкаламзорлаштирилган минтақа сифатида режалаштирилиши керак.

Шу билан бирга, мос тарзда, меҳнат захира ларини ҳисоблаш ва шаҳар кичик тизимларининг ривожланиш кўрсаткичларини аниқлаш марказ-шаҳар атрофидаги аҳоли пунктлар билан ҳар кунги меҳнат ва маданий-маиший алоқаларни ҳисобга олинган ҳолда, 16-иловага мувофиқ меҳнат ресурслари баланси асосида амалга оширилиши керак.

7. Аҳоли пунктлари худудининг ривожланиши ва қурилишини режалаштириш лойиҳаларини меъёрланувчи ривожланиш кўрсаткичларини танлашни аниқлашга имкон берувчи лойиҳадан аввалги илмий-тадқиқот ишлари асосида амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади.

8*. Шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктлари ҳисобланган муддат учун аҳолининг лойиҳавий сонига боғлиқ равишда 1-жадвалга мувофиқ гуруҳларга бўлинади, бунда бош режалар ишлаб чиқиш бўйича

қурилишнинг биринчи навбати 5-7 йил, ҳисобий муддати эса - 20-25 йил қилиб белгиланади.

1-жадвал*

Аҳоли пунктлари гуруҳлари	Аҳоли, минг киши		
	Шаҳарлар	Шаҳар посёлкалари	Қишлоқ аҳоли пунктлари
Ўта йирик	1000 дан ортиқ	-	
Йирик	250 дан 1000 гача	10 дан ортиқ	5 дан ортиқ
Катта	100 дан 250 гача	5 дан 10 гача	3 дан 5 гача
Ўрта	50 дан 100 гача	3 дан 5 гача	1 дан 3 гача
Кичик	50 гача	3 гача	1 гача

Изоҳ*: 1. Шаҳарлар ва шаҳар посёлкаларининг бош режалари тасдиқлангандан кейин ҳар 10 йилда корректура қилиниши лозим.

2. Аҳоли сони 250 мингдан ортиқ бўлган шаҳарлар учун лойиҳалар 2 босқичда ишлаб чиқиш тавсия этилади:

- шаҳар ва унинг атрофи зонаси бош режасининг техник – иқтисодий асослашиши (ТИА);

- шаҳар бош режаси лойиҳаси.

3. Шаҳарлар, шаҳар посёлкалари ва қишлоқ аҳоли пунктларидаги аҳолининг ҳисобланган сони 20,0 минг кишигача бўлса, у ҳолда бош режаларни батафсил режалаштириш лойиҳаси билан бирга кўшиб ишлаш тавсия этилади.

4. Шаҳарнинг истиқболли ривожланиши учун (30-40 йил) назарда тутилган захира худудлари шаҳар чегара чизиғига киритилган бўлиши ва шаҳарнинг келгусидаги эҳтиёжлари учун фойдаланилиши лозим.

9.* Аҳолининг лойиҳавий муддат учун ҳисобланган сони аҳоли пунктининг истиқболли ривожланиши тўғрисидаги маълумотлар асосида, аҳолининг табиий ва механик тарзда ортиши бўйича демографик прогноз ва маятникли

миграцияни ҳисобга олинган ҳолда аниқланиши лозим.

10*. Шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктлари ривожлантирилиши учун ҳудуд меъморий-режавий ечимларнинг техник-иқтисодий, санитария-гигиеник кўрсаткичлар, ёқилғи-энергетик, сув, ҳудудий захира лар, атроф муҳит ҳолатининг вариантларини таққослаш асосида, табиий ва бошқа шароитларнинг келажак-даги ўзгариши бўйича прогнозларни, ушбу ҳудудлардан оқилона функционал фойдаланиш имкониятини ҳисобга олган ҳолда танланиши лозим.

Янги шаҳар ва бошқа аҳоли пунктларини қуриш, мавжудларини реконструкция қилиш учун ҳудудларни танлаш аҳолининг ишлаш, яшаш ва дам олиш жойларини оқилона жойлаштириш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда, ҳудудларнинг табиий ва бошқа шароитларини ўрганиш ва таҳлил қилиш, вариантларнинг техник иқтисодий, санитария-гигиеник ва меъморий-режавий кўрсаткичларини таққослаш асосида амалга ошириш зарур.

Янгидан қурилаётган саноат корхоналари меҳнаткашларини жойлаштириш учун ҳудуд танлаш ушбу корхоналар учун ҳудуд танлаш билан бир вақтда амалга ошириш зарур.

Янгидан қурилаётган шаҳар ва бошқа аҳоли пунктлари учун, ҳамда мавжудларини реконструкция қилиш учун ҳудудларни қишлоқ хўжалик мақсадида фойдаланил-майдиган ёки қишлоқ хўжалиги учун яроқсиз бўлган ерлардан ёки қишлоқ хўжалиги учун сифати ёмон бўлган, фойдаланилган ҳолларда эса

ўзлаштириш учун махсус муҳандислик тадбирларини ўтказиш талаб этадиган ерлардан танлаш лозим.

Шаҳар ва бошқа аҳоли пункти учун белгиланган чегараларда жойлашган, аммо қурилиш объектлари мавжуд бўлмаган ерлар биринчи навбатда ўзлаштирилиши лозим.

Суғориладиган ва захи қочирилган ерлар ва шудгорларда, кўп йиллик мевали дарахтлари ва узумзорлари бор бўлган ер майдонларида, шунингдек сувни муҳофазаловчи, химоя мақсадларида ўтказилган ва бошқа турдаги ўрмонлар билан банд ерларда янги шаҳарларни ва бошқа аҳоли пунктлари, саноат корхоналари, иншоотлар, бинолар ва коммуникацияларни жойлаштириш, мавжудларини реконструкция қилишга фақат истисно тариқасида, кўрсатилган ерларнинг Ер кодексига мувофиқ истеъмолдан чиқарилиши фақат Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарори бўйича амалга оширилишини ҳисобга олган ҳолда, рухсат этилади.

Шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктлари ҳудудларида қуриладиган, саноат корхоналари, бинолар ва иншоотларнинг майдон ўлчамлари минимал зарур катталиқда, иморатлар қурилишининг зичлик меъёрларига риоя қилинган ҳолда қабул қилиниши керак.

Фойдали қазилмалари мавжуд майдонларда иморат қуриш учун ер участкаларини ажратиб берилиши давлат тоғ-кон назорат органлари билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

Бинолар, иншоотлар ва коммуникацияларни жойлаштириш куйидаги ҳолларда рухсат этилмайди:

- шахталар ва фойдали қазилмаларни бойитиш комбинатларининг тоғ жинслари ағдармалари мавжуд бўлган хавфли зоналарида;

- ўпирилишлар, қор кўчкилари ва сел оқимлари, сув омборларидан фавқулодда сув чиқарилиши ва сув босиш хавфи мавжуд бўлган зоналарда;

- сув таъминоти манбалари санитария муҳофазаси доираларининг биринчи зонасида;

- лойиҳаланаётган объектлар курортлардаги даволаш воситаларини ишлатиш билан бевосита боғлиқ бўлмаган ҳолларда, курортлар санитария муҳофазаси доираси зонасида;

- ҳимоя ва санитария-гигиеник функцияларни бажарувчи ва аҳоли дам олувчи масканлар ҳисобланган ўрмонлар, ўрмонли парклар ва бошқа дарахтзорлар эгаллаган шаҳарларнинг яшил зоналари ерларида;

- санитария-гигиеник хизматлар кўрсатувчи ташкилотлар белгилаган муддатлари ўтмагунга қадар органик ва радиактив чиқиндилар билан ифлосланган ерларда;

- табиий мажмуаларга талофат етказиши ёки илмий ва маданий қийматга эга бўлган табиий объектлар сақланишига хавфи мавжуд бўлган ҳолларда кўрикхоналар ва уларнинг муҳофаза қилинувчи зоналарида бино, иншоотлар ҳамда коммуникацияларни жойлаштириш тақиқланади.

- ёдгорликларни сақлаш бўйича тегишли ташкилотларнинг рухсатсиз бинолар, иншоотлар ва комму-

никацияларни тарихий ва маданий мерос ёдгорликларини ҳимоя қилиш зоналарида жойлаштириш тақиқланади;

- кўчмас тарихий ва маданий ёдгорликларни бузиш, кўчириш, ўзгартириш тақиқланади. Фақат алоҳида ҳоллардагина Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси рухсати билан бу қоидага

ўзгартириш киритилиши мумкин.

11*. Худудлардан функционал фойдаланиш устиворлигини ҳисобга олиб, аҳоли пунктининг худуди турар-жой, ишлаб чиқариш ва ландшафт-рекреация қисмларга бўлинади.

Турар-жой худуди турар жой фонди, жамоат бино ва иншоотлари, шу жумладан илмий-тадқиқот институтлари ва уларнинг мажмуалари, кўчалар, майдонлар, парклар ва бошқа умумий фойдаланиш жойлари, шунингдек, санитария-иҳота зоналарини яратишни талаб этмайдиган баъзи коммунал ва саноат объектларини жойлаштириш учун мўлжалланган.

Ишлаб чиқариш худуди саноат корхоналари ва улар билан боғлиқ бўлган илмий муассаса-ларнинг тажриба ишлаб чиқариш объектлари билан биргаликдаги мажмуалари, коммунал-омбор объектлари, ташқи транспорт иншоотлари, шаҳардан ташқари ва шаҳар атрофи автомобиль йўлларини, муҳандислик иншоот-лари ва тармоқларини, шунингдек, ишчиларга хизмат кўрсатиш муассасалари ва корхоналарини жойлаштириш учун мўлжалланган.

Қишлоқ аҳоли пунктларидаги ишлаб чиқариш худуди қишлоқ

хўжалик машиналарини таъмирлаш устахоналари ва гаражлари, уруғ ва ўғит омборлари, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва чорва емлари омборлари, чорвачилик фермалари ҳамда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш ва сақлашга мўлжалланган объектларни жойлаштириш учун мўлжалланган.

Ландшафт – рекреация худуди кўкаламзорлаштирилган ва сув билан таъминланган очик умумий фойдаланиш майдонлари тизимидан, шунингдек, кўчатзор ва санитария-иҳота зоналаридан иборат бўлади.

Мазкур худудлар чегарасида турли функционал мақсадли зоналар ажратилади: турар-жой қурилиши, жамоатчилик марказлари, саноат ва коммунал-омбор, илмий ва илмий-ишлаб чиқариш, ташқи транспорт, оммавий дам олиш ва курорт зоналари, муҳофаза этиладиган ландшафтлар ва бошқалар.

12*. Шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктлари режавий тузилмасини функционал зоналарнинг ихчам жойлашуви ва ўзаро алоқаларини, худуднинг оқилона бўлиниши, худуддан унинг шаҳарсозлик қимматлилигига боғлиқ ҳолда самарали фойдаланиш, меъморий-шаҳарсозлик анъаналари, табиий-иқлимий, ландшафт, миллий-маиший ва бошқа худудий хусусиятларни биргаликда ҳисобга олиш, атроф муҳитни, маданий мерос объектларини ва фуқаро муҳофазаси талабларининг техник-муҳандислик тадбирларини таъминлаган ҳолда шакллантириш лозим.

13*. Ҳар бир қишлоқ хўжалиги корхонаси ва қишлоқ фуқаролари йиғини худудининг режалаштириш ва ривожлантириш лойиҳаси ШНҚ

2.07.04-06 “Қишлоқ хўжалиги корхоналари худудларини меъморий-режавий ташкиллаштириш” меърий хужжатига мувофиқ ишлаб чиқилиши лозим.

III. ШАҲАР АҲОЛИ ПУНКТЛАРИНИНГ ТУРАР-ЖОЙ ХУДУДЛАРИ

Режавий тузилмаси

14*. Шаҳар аҳоли пунктларининг турар-жой худудини режалаштириш тузилмасини жамоат марказлари, турар-жой бинолари қурилиши, кўча-йўл тармоғи, кўкаламзорлаштирилган умумий фойдаланиш худудлари, меҳнат қилиш жойлари зоналарининг ўзаро боғлиқ жойлашувини ҳисобга олган ҳолда, шунингдек аҳоли пунктининг катталиги ва худудининг табиий хусусиятларига асосланган ҳолда, унинг умумий режавий тузилмасига боғлаб шакллантириш керак.

Аҳоли истиқомат қилувчи турар-жой худудига бўлган эҳтиёжни олдиндан аниқлаш учун 1000 кишига мўлжалланган йирик-лаштирилган кўрсаткичларни қабул қилиш керак: турар-жой бинолари қурилишининг ўртача қаватлилиги 3 қаватгача бўлган шаҳарларда - ер участкаларисиз иморат қуриш учун 10-15 га ва ер участкалари билан иморат қуриш учун 20-25 га; 4 дан 9 қаватгача – 8 га.

Фавқулодда табиий-иқлимий шароитларга эга бўлган худудлар (чўл, тоғли жойлар) учун мазкур кўрсаткичлар 30 % гача ўзгартирилиши мумкин.

Изоҳ*: Йирик ва катта шаҳарларда аҳоли истиқомат қиладиган турар-жой худудини майдони 2500 га дан ортик

бўлмаган туманларга магистраллар ёки эни камида 60 м бўлган яшил кўчатзорлар билан ажратиб бўлиш тавсия этилади.

15*. Шаҳар аҳоли пунктларида аҳоли истиқомат қилувчи турар-жой ҳудудларининг қуйидаги тузилмавий элементларини шакллантириш лозим:

одатда, 60 дан 100 гектаргача майдонни эгаллайдиган ва ушбу ҳудудда пиёда қатнашнинг 500 м гача масофасида жойлашган кундалик хизмат кўрсатиш муассасалари мавжуд бўлган ва транспорт кўчалари ва йўллар билан ажратилмаган магистраллараро ҳудуд ёки **мавзе**;

ҳудудида бир нечта мавзе ёки даҳалар ва пиёда қатнашнинг 1500 метрлик масофасида жамоат маркази жойлашган, 500 гектаргача майдонни эгаллайдиган **турар-жой тумани**;

аҳоли истиқомат қилувчи ҳудуднинг энг йирик таркибий қисми бўлиб, 2-4 минг га майдонга эга бўлган **режалаштириш тумани** ҳисобланади, одатда, фақат йирик ва ўта йирик шаҳарларда шаклланади ва ўз таркибига бир неча турар-жой туманлари ва жамоат марказларига олади.

Жамоат марказлари

16. Ўта йирик, йирик ва катта шаҳарлар жамоат марказлари тизими таркибига умумшаҳар маркази, режалаштириш туманларининг

марказлари, турар-жой туманларининг марказлари, маҳаллий марказлар (жумладан мавзе, маҳалла марказлари), бирламчи хизмат кўрсатиш марказлари, дам олиш зоналарининг марказлари, савдо-транспорт марказлари, шунингдек ихтисослашган марказлар (ўқув, тиббий, спорт марказлари ва бошқалар) киради.

Йирик ва катта шаҳарларда барпо этиладиган маъмурий туманлар марказлари режалаштириш ёки турар-жой туманларининг марказлари билан қўшилиши лозим.

Тарихий шаҳарларда умумшаҳар маркази олдиндан пайдо бўлган тарихий муҳит яхлитлигини таъминлаш шарти билан шакллантирилиши керак.

17*. Бўлакланган турар-жой ҳудудлари тузилмасига эга бўлган йирик ва катта шаҳарларда умумшаҳар марказларига шаҳар аҳамиятидаги кичик марказлар қўшилиши керак. Ўрта ва кичик шаҳарларда, одатда, ягона умумшаҳар маркази шаклланиб, унга турар-жой ҳудудларининг маҳаллий марказлари қўшилади (мавзе ёки маҳалла марказлари).

18. Аҳолига хизмат кўрсатиш марказлари тизимини шакллантиришда турли даражадаги марказларнинг ўзаро таъсирини ва 2-жадвалга мувофиқ ҳисобий хизмат кўрсатиш доирасидаги аҳоли сонини ҳисобга олиш лозим.

Шаҳар аҳоли пунктларининг турлари	Жамоат маркази ва у хизмат кўрсатувчи аҳоли сони, минг киши				
	Умум-шаҳар маркази	Режалаштириш тумани маркази, 100-300	Турар-жой тумани маркази, 25-80	Маҳаллий хизмат кўрсатиш маркази (мавзе), 5-15	Бирламчи турар-жой бирлиги маркази (маҳалла), 1-3
Йирик	+*	+	+	+	+
Катта	+*		+	+	+
Ўрта	+**			+	+
Кичик	+**				+
Шаҳар посёлкалари	+				+
Шаҳар аҳоли пункти ичида турли даражадаги марказларнинг хизмат кўрсатиш бўйича ҳисобий радиуслари	Пиёда-транспортда етиб олиш, 45 дақиқагача	Пиёда-транспортда етиб олиш, 45 дақиқагача	800-1500 м, пиёда етиб олиш - 15-20 дақиқа	500 м гача, пиёда етиб олиш - 5-10 дақиқа	150-300 м, пиёда етиб олиш - 1,5-5 дақиқа

Изоҳ: 1.* - 1,5-2,0 соатлик транспорт катнови доирасидаги шаҳар атрофида истиқомат қилувчи аҳолининг 10 % га хизмат кўрсатишни ҳисобга олган ҳолда.

2** - 45-60 дақиқалик транспорт катнови доирасидаги шаҳар атрофида истиқомат қилувчи аҳолининг 20 % га хизмат кўрсатишни ҳисобга олган ҳолда.

3. Чўл ва тоғли ҳудудларда жойлашган шаҳар аҳоли пунктлари учун шу марказлардаги пиёда қатновлари 20-25 % га ўзгартирилиши мумкин.

19*. Қурилишнинг 1-навбати учун жамоат марказлари участкаларининг тахминий солиштирма майдонларини қуйидагича қабул қилиш мумкин:

умумшаҳар марказлари учун – киши бошига 5-7 м²;

турар-жой туманлари (умумий фойдаланиш учун мўлжалланган кўкаламлаштирилган майдонлар ва кўча тармоғисиз) учун - киши бошига – 3-4 м².

19.1. Ижтимоий-амалий объектлар қурилиши учун мўлжалланган функционал зоналарда соғлиқни сақлаш, маданият, савдо, умумий овқатланиш, ижтимоий ва коммунал-маиший соҳа ҳамда тадбиркорлик фаолиятига оид объектлар; олий ва ўрта касбий таълим, маъмурий объектлар, илмий-тадқиқот муассасалари, ибодатхона бинолари, автомобиль транспорти тўхташ жойлари, амалий, молиявий муассасалар ва фуқароларнинг ҳаётий фаолиятини таъминлаш билан боғлиқ бўлган бошқа объектларни жойлаштириш кўзда тутилади.

Ижтимоий-амалий бинолар мавжуд зоналарда фуқароларнинг вақтинча яшаши учун мулжалланган меҳмонхоналар ва бошқа шунга ўхшаш объектлар; ушбу зоналар ҳудудида жойлашган ўқув юртларида ўқиётган шахслар истиқомат

қилиши учун мўлжалланган ётоқ-хоналар, шунингдек ер ости ёки кўп қаватли гаражлар, умумий овқатланиш, савдо объектларини жойлаштиришга рухсат этилади.

19.2. Кўп функцияли ижтимоий-амалий бинолари мавжуд зоналарда ушбу функцияларни амалга оширишга тўсқинлик қилмайдиган ҳажмда кўп хонадонли турар-жой иморатларини жойлаштиришга ҳам рухсат этилади.

Изоҳлар: 1. Ижтимоий-амалий бинолари мавжуд зоналарни шаҳарларнинг марказий қисмларида амалий, молиявий ва ижтимоий фаоллик марказлари сифатида магистраль кўчаларга, жамоат-транспорт тугунларига, саноат корхоналари ва бошқа оммавий қатналувчи объектларга туташган ҳудудларда шакллантириш лозим.

Шаҳарларнинг ижтимоий-амалий зоналари, жойлашаётган объектлар таркиби ва биноларнинг турлари бўйича кўп функцияли (умумшаҳар ва туман) ва махсус жамоат бинолари жамланган зоналарга ажратилиши мумкин.

2. Кўп функцияли (умумшаҳар ва туман) зоналар минимал ўлчамли ер участкаларида жойлашган кенг таркибли функцияларга эга ижтимоий марказлар шаклланиши учун мўлжалланган бўлиб, уларда, асосан, савдо ва умумий овқатланиш корхоналари, бошқарув, бизнес, фан, маданият ва бошқа шаҳар ҳамда туман аҳамиятига молик объектлар, хизмат кўрсатиш соҳасининг зарур муассасалари бўлган турар-жой бинолари, шунингдек катта ер участкалари талаб қилмайдиган (одатда, 1,0 га дан катта бўлмаган) ва санитария-ҳимоя зонасининг кенглиги 25 м дан ортиқ бўлмаган корхоналар ва бошқа объектлар жойлаштирилади.

3. Умумшаҳар аҳамиятига эга кўп функцияли зоналар таркибида умумшаҳар маркази ядроси, тарихий қурилмалар зонаси, шу жумладан, унинг алоҳида шаклланган қурилмаларининг морфотурларини ажратиш мумкин.

Тарихий шаҳарларда умумшаҳар маркази ядросини шаклланган тарихий

муҳит яхлитлигини таъминлаш талабларини ҳисобга олган ҳолда, тарихий қурилмалар зонаси чегарасида тўлиқ ёки қисман шакллантиришга рухсат этилади. Бунда муҳитнинг комплекс функционалигини таъминлаш мақсадида, тарихий жамоат иморатлари билан бир қаторда, турар-жой биноларини ҳам сақлаш, тиклаш ва ривожлантириш лозим.

Тарихий зонадаги турар-жой биноларининг турлари ва қаватлилиги тарихий шаҳар ривожланишининг функционал ва меъморий-маконий хусусиятларини, унинг тарихий-маданий аъёнларини аниқлаш ва мавжуд биноларнинг реконструкциясига, шу жумладан, ер усти ва ер ости сатҳларини фойдаланиш бўйича регламентларга қўйилган талаблар ва тавсияларни белгилаб берувчи тарихий-шаҳар-созлик тадқиқотларга асосланган ҳолда ишлаб чиқилган лойиҳада белгиланади.

4. Махсус ижтимоий соҳа объектлари зонаси шаҳар чегараси ҳамда унинг ташқарисида жойлашган маъмурий, тиббий, илмий, ўқув, савдо (шу жумладан ярмарка ва буюм бозорлари), кўرғазмалар, спорт ва бошқа объектларни ўз ичига олган шаҳар аҳамиятига эга ихтисос-лашган марказлар сифатида шакллан-тирилади.

Кўрсатилган зоналарни жойлаштиришда уларнинг фаолият кўрсатиши хусусиятлари, майдонга бўлган эҳтиёжлари, катта сиғимга эга автотўхташ жойларини ташкил этиш зарурияти, ривожланган транспорт ва муҳандислик инфратузилмасини яратилиши, шунингдек атроф муҳитга ва ёндош бино, иншоотларга таъсир даражаси ҳисобга олиниши керак.

5. Кўп функцияли қурама зоналар шаҳарларнинг шаклланган қисмларида, одатда, таркибида ижтимоий-амалий ва ишлаб чиқариш бино ва иншоотларининг улуши кўп бўлган даҳалардан ташкил топади.

Бу зоналар таркибида ишлаб чиқариш жараёнида ёнғин чиқишдан хавфсиз ва портлаш хавфи бўлмаган; шовқин, тебраниш, электромагнитли ва ионловчи нурланишни, атмосфера ҳавосини, ер усти ва ер ости сувлари ифлосланишини вужудга келтирмайдиган; турар-жой ва

жамоат бинолари учун белгиланган меъёрлардан ошмайдиган, кенглиги 50 м дан ортиқ бўлган санитария-ҳимоя зоналарини талаб қилмайдиган; темир йўлнинг кириш йўллари, шунингдек юк автомобилларининг катта оқимини (бир кеча-кундузда бир йўналишга 50 дан ортиқ бўлмаган) талаб қилмайдиган турар-жой ва жамоат бинолари, фан ва илмий хизмат кўрсатиш муассасалари, ўқув юртлари, бизнес объектлари, саноат корхоналари ва бошқа ишлаб чиқариш объектларини (одатда, участка майдони 5 га дан катта бўлмаган) жойлаштиришга рухсат этилади.

Аралаш зоналарда шаклланиб улгурган турар-жой ва ишлаб чиқариш бино ва иншоотларини реконструкция қилишда корхоналарнинг атроф-муҳитга зарарли таъсирини бартараф қилиш (технологияларни ўзгартиришни орқали зарарсиз жараёнларга ўтиш, қувватларни камайтириш, корхона ёки алоҳидаги ишлаб чиқариш ихтисосини ўзгартириш ёки уни аралаш зона чегарасидан саноат зонасига ўтказиш) назарда тутилиши лозим.

Аралаш хусусиятга эга турар-жой-ишлаб чиқариш зоналари учун шаҳарларда майдони - 10 га, қишлоқ аҳоли пунктлари учун - 3 га дан кам бўлмаган ҳудудлар ажратилиши мумкин.

19.3. Ҳовлили турар-жой биноларига эга бўлган кичик шаҳарлар ва посёлкалар ҳудудларида, шунингдек қишлоқ аҳоли пунктларидаги турар-жой зоналарида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи кичик корхоналар, шунингдек бошқа ишлаб чиқариш объектларини ташкил этишга рухсат этилади.

Қишлоқ аҳоли пунктларида, санитария-эпидемиологик назорат органлари билан келишган ҳолда, аралаш зоналар таркибида кенглиги 50 м дан ортиқ бўлган санитария-ҳимоя зонаси ташкил этилиши талаб қилинмайдиган кичик корхоналар, мини-фермалар ва бошқа қишлоқ хўжалик объектларини жойлаштиришга йўл қўйилади.

Турар-жой бинолари жойлашган функционал зоналарда турар-жой биноларининг ҳар хил турлари (кўп қаватли кўп хонадонли, ўрта ва кам қаватли бинолар, алоҳида турувчи ва ёки бирлаштирилган шахсий турар-жой уйлари ҳам қўшиб ҳисобланади); қўшиб қурилган ёнида қурилган аҳолига ижтимоий-маданий ва маданий-маиший хизмат кўрсатиш объектлари; фуқароларга тегишли енгил автомашиналар учун гаражлар ва автотўхташ жойлари; ибодатхона объектлари жойлаштирилади.

Туй тантаналари, маросимлар ва бошқа маданий-маиший тадбирларни (аҳолига зарарли таъсир кўрсатувчи – шовқин, тебраниш ва ҳ.к.) ўтказиш учун мўлжалланган янги ёпиқ бинолар ҳамда айвонларни жойлаштиришга, шунингдек мавжудларини қайта қуриб, ўзгартиришга йўл қўйилмайди.

Участка майдони, одатда 0,5 га дан ортиқ бўлмаган, ушбу объектлар ўрнатилган участка чегараларидан ташқаридаги атроф-муҳитга зарарли (шовқин, тебраниш, магнит майдони, радиация таъсири, ер, ҳаво, сув ифлосланиши ва бошқа зарарли таъсирларни қўшиб ҳисоблаганда) таъсир кўрсатмайдиган, ижтимоий-амалий ва маиший аҳамиятга эга алоҳида турувчи объектлар, шунингдек кичик ишлаб чиқариш корхоналарини жойлаштиришга йўл қўйилади.

Атроф-муҳитнинг ифлосланиши манбаи ҳисобланмайдиган объектлар учун санитария-ҳимоя зоналарнинг ўлчами 25 м дан кам бўлмаслиги лозим.

Изоҳ. Аҳоли истиқомат қилувчи зона чегарасида жойлашган дала-ҳовли ҳудуд-

лари ҳам турар-жой зоналарининг таркибига киритилади. Бу зоналарга алоқадор ижтимоий, транспорт ва муҳандислик инфратузилмаларнинг ривожланиши келгусида доимий истиқомат қилувчиларни таъминловчи ҳажмларда назарда тутилиши лозим.

Турар-жой қурилиши

20*. Истиқомат қилиш муҳити деганида, чегараси доирасида инсоннинг кундалик маданий-маиший эҳтиёжлари қондириладиган турар-жой бирлиги (хонадон), уй, унинг атрофидаги бошқа турар-жой ва жамоат бинолари, умумий фойдаланиш учун мўлжалланган кўкаламлаштирилган ҳудудларнинг ўзаро боғланган ҳудудий ва ҳажм-макон бирлиги деб қаралиши лозим.

Турар-жой туманлари ва мавзеларининг ҳудудларини қурилиш лойиҳаларини тузишда, турар-жой тузилмаларининг таркиби ва сифимини ҳисоблашда, турар-жой қурилишининг қаватлилиги, турар-жой бинолари ва хонадонлар турини танлашда тадқиқотлар ёрдамида аниқланадиган аҳолининг ижтимоий-демографик хусусиятларини ҳисобга олиш лозим.

20.1. Турар-жой қурилиши зоналарининг режавий тузилмаси ҳудудларнинг шаҳарсозлик ва табиий хусусиятлари ҳисобга олиб, аҳоли истиқомат қилувчи ҳудудларни зоналаш ва режавий тузилмаси билан боғлаган ҳолда яхлит тарзда шакллантирилиши лозим. Бунда санитария-гигиеник меъёрлар ва хавфсизлик талабларига мувофиқ турар-жой зоналарида жойлаштиришга рухсат этилган турар-жой, жамоат бино ва иншоотлари, йўл-кўча тармоғи, кўкаламлаштирилган умумий фойдаланиш ҳудудлари,

шунингдек бошқа объектларнинг ўзаро боғлиқ ҳолда жойлашишини назарда тутиш лозим.

20.2. Турар-жой ҳудудларининг ўлчамларини аниқлашда турар-жой дастурларининг босқичлар бўйича амалга оширилишидан келиб чиқиш зарур.

Турар-жой фонди ва унинг тузилмаси аҳолининг оилавий таркиби, унинг даромад даражаси, ҳар бир оилани алоҳида хонадон ёки уй билан таъминлаш заруриятидан келиб чиққан ҳолда мавжуд ва истиқболдаги уй-жой билан таъминланганлиги, шунингдек автомобиллар сонининг прогнозли даражаси тўғрисидаги аниқ ва прогноз маълумотлар таҳлили асосида аниқланади. Давлат ва бошқа турар-жой фонди учун эса, қонунчиликда белгиланган турар-жой майдонининг ижтимоий меъёрларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

Изоҳ. Йириклаштирилган кўрсаткичлар ўртача турар-жой таъминотининг киши бошига 20 м² ҳисобида келтирилган.

Турар-жой таъминотининг ҳисобий меъёрларини, ҳудудлар, агломерациялар, шаҳарларнинг қурилиш қувватларини ҳисобга олган ҳолда, минтақавий шаҳарсозлик меъёрларида аниқлаштириш тавсия этилади.

20.3. Турар-жой зоналарининг ҳудудлари турар-жой тузилмаларининг куйидаги функционал-режавий кўринишида ташкил этилади:

мавзе ёки магистраллараро ҳудуд) – ҳудудий ўлчамлари, одатда, 5 гектардан 60 гектаргача бўлган қизил чизиқлар чегараси ёки бошқа чегаралардаги қурилмаларнинг асосий режавий элементи;

мавзе ёки магистраллараро ҳудуд)ларда ҳудудни чегараловчи

режага мувофиқ алоҳида уйлар (уй хўжаликлари) ёки турар-жой гуруҳлари учун турар-жой қурилмалари учун ер участкалари ажратилиши мумкин.

Турар-жой тумани – аҳолига даврий хизмат кўрсатишга мўлжалланган умумий марказга эга бўлган мавзе (даҳа)лар гуруҳи сифатида шаклланган бўлиб, одатда, шаҳардаги магистраль кўчалар, темир йўл излари, табиий ҳудудлар (дарё, ўрмон ва ҳ.к.) билан чекланган ҳудудлар чегарасида ташкил топади.

Изоҳлар: 1. Турар-жой тумани, микротуман (мавзе, маҳалла) ҳудудларни режалаштириш ҳужжатлари бўйича объектлар ҳисобланади.

2. Мавзе (даҳа) ҳудудининг бир қисмини эгаллаган айрим ҳудудлар участкаларида ҳудудларни режалаштириш бўйича ҳужжатларни ишлаб чиқишда жойлаштирилаётган объектларнинг атрофдаги қурилмалар билан мослигини ва аҳолига ижтимоий ва маданий-маиший хизмат кўрсатишнинг мавзе (даҳа) учун бўлган талаб даражасини тўлиқ таъминлаш зарур.

3. Мавзе (даҳа)ларнинг турар-жой зоналарида умумий макон (ҳовли) билан бирлаштирилган турар-жой биноларининг гуруҳлари ҳудудида транзит ўтиш йўлақларини қуришга йўл қўйилмайди.

20.4. Турар-жой бинолари қурилган зоналарни режавий ташкиллаштиришда улардаги биноларнинг турлари, қаватлилиги ва зичлиги, ҳамда тарихий-маданий, табиий-иқлимий ва бошқа маҳаллий хусусиятлар бўйича табақалаштиришни назарда тутиш зарур.

Турар-жой биноларининг турлари ва қаватлилиги турар-жой муҳити шаклланиши бўйича ижтимоий-демографик, меъморий-композицион, миллий-маиший, санитария-гигиеник ва бошқа талабларга,

шунингдек муҳандислик инфратузилмасининг ривожланиш ва ёнғин хавфсизлигини таъминлаш имкониятларига мувофиқ равишда белгиланади.

Турар жой зоналари таркибига қуйидагилар киритилиши мумкин:

кўп қаватли (9 қаватли ва ундан юқори), кўп хонадонли турар-жой бинолари зонаси;

ўрта қаватли (4-8 қаватли, мансарда қаватини ҳам ҳисоблаганда), кўп хонадонли турар-жой бинолари зонаси;

кам қаватли (мансарда қаватини ҳам қўшганда 4 қаватгача) кўп хонадонли, ёнида ер участкалари бўлган бирлаштирилган турар-жой бинолари зонаси;

шахсий турар-жой бинолари (алоҳида қурилган ва/ёки бирлаштирилган) зонаси.

Кам сонли халқлар (элатлар) зич жойлашган туманларда турар-жой зоналарини ташкил этишда ва уй-жой бинолари турларини танлашда аҳолининг тарихий шаклланган турмуш тарзини ҳисобга олиш зарур.

Изоҳ: Ердан фойдаланиш ва қурилишни амалга ошириш бўйича ҳудудий ва маҳаллий қоидаларда, ушбу қоидалар бўлмаган ҳолатларда - шаҳарсозлик ҳужжатларида турар-жой биноларининг типологик таснифига аниқликлар киритиш, шунингдек лойиҳа топшириғига мувофиқ тарзда турар-жой зонасида айрим объектларни жойлаштириш бўйича қўшимча чекловлар белгиланишига рухсат этилади.

20.5. Турар-жой бинолари қурилишининг ҳисобий кўрсаткичлари шаклланган ва прогноزلанган ижтимоий-демографик вазиятни, шунингдек Республиканинг тегишли вазирликлари ва идоралари маълумотларига бўйича

аҳоли даромадларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилиши зарур.

Турар-жой билан таъминланганлик бўйича ўртача ҳисобий кўрсаткич қулайликнинг турли даражасига эга турар-жой уйлари ва хонадонларнинг ўзаро нисбатига боғлиқ бўлади.

Зарур маълумотлар бўлмаган ҳолатларда қулайлик даражаси бўйича 1- ва 2- турлардаги турар-жой бинолари ва хонадонлар учун киши бошига -20-30 м², 3- ва 4-турлари учун эса -50 м² қабул қилинади.

20.6. Шахсий турар-жой бинолари ер участкаларининг ўлчамларини белгилашда турли шаҳарлардаги шаҳарсозликка оид вазият, турар-жой биноларининг турлари, турар-жой бинолари қурилиши (муҳити)нинг шаклланиш жиҳатлари, унинг шаҳар тузилмасида жойлашиш шароитларини ҳисобга олиш лозим.

Шаҳарсозлик бўйича ҳудудий меъёрларда, ердан фойдаланиш ва бинолар қурилишини амалга ошириш бўйича қоидаларда кам қаватли биноларнинг асосий турлари аниқлаштирилиши ва уларнинг ҳар бири учун тегишли шаҳарсозлик талаблари белгиланиши мумкин.

Хусусан, катта, йирик ва энг йирик шаҳарлардаги шахсий турар-жой қурилмаларига қарашли ер участкаларидан хўжалик мақсадида фойдаланишга чекловлар кўзда тутилиши тавсия этилади.

Кичик ва ўрта шаҳарларнинг чекка туманларида уй ҳайвонлари ва паррандалар боқишга рухсат этилган ҳовлили шахсий турар-жой қуришга рухсат этилади.

20.7. Турар жой биноларини реконструкция қилишда, одатда,

мавжуд капитал турар-жой ва жамоат бинолари сақланиши ва янги-ланиши зарур.

Ушбу меъёрлар ва қоидаларнинг санитария-гигиеник, ёнғинга қарши, конструктив, қурилиш ва бошқа талабларига риоя қилган ҳолда янги бинолар ва иншоотлар қурилишига, мавжуд турар-жой ва жамоат биноларининг пастки қаватларидан функционал фойдаланишни ўзгартирилишига, бинолар устига янги қават солинишига, мансарда қаватлари қуришга, ер усти ва ер ости маконларидан фойдаланишга йўл қўйилади.

20.8. Кўп хонадонли бинолардаги турар-жой хонадонлари мулкдорлари (шirkат аъзолари)нинг умумий тасарруфида бўлган кўп хонадонли турар-жой бинолари (кондоминиумлари)га қарашли ер участкаларининг чегаралари ҳамда ўлчамлари, қонунчилик ва меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларни ҳисобга олган ҳолда, режалаштириш ҳужжатларида белгиланади.

Уй (хонадон) қошидаги ер участкасининг ўлчами аҳолининг демографик тузилмасини ҳисобга олган ҳолда, уй тури ва бошқа маҳаллий хусусиятларга боғлиқ равишда шаҳарсозлик меъёрлари ва ердан фойдаланиш қонунчилик ҳужжатлари асосида белгиланади.

Якка тартибда амалга ошириладиган турар-жой қурилиши ва шахсий ёрдамчи хўжаликлар учун ер участкаларининг чегаравий жоиз ўлчамлари ўз ўзини бошқариш маҳаллий органлари томонидан белгиланади (15-Иловага қаралсин).

Кўп хонадонли турар-жой биноларида истиқомат қилувчилар учун чорва ва парранда боқишга мўлжал-

ланган хўжалик қурилмалари учун ер участкаси турар-жой зонасининг ташқарисида ажратиб берилиши мумкин;

Шахсий ёрдамчи хўжалигида фаолият юритиш учун, ер участкасининг белгиланган максимал меъёрига етмайдиган қисмини турар-жой зона ташқарисидан ажра-тиб беришга рухсат этилади; кўп хонадонли турар-жой бинолари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлашга мўлжалланган алоҳида турувчи жамоавий ер ости (ер усти) омборларни ташкил қилишга рухсат этилади, ушбу қурилмаларнинг майдони шаҳарсозлик нормаларига, бу каби нормалар бўлмаган ҳолатларда эса – лойиҳа топшириғига асосан белгиланади.

21*. Турар-жой бинолари қурилишини амалга оширишда шаҳарсозлик, демографик, табиий-иқлимий ва бошқа шароитларга мувофиқ ҳолда турар-жой биноларининг қуйидаги турлари қўлланиши керак: кам қаватли, ҳовлили, кам қаватли зич, ўрта қаватли (4-5 қават), баланд қаватли (9-12-16 қават).

Бинолар турини танлашда қўшимча ҳудудларга бўлган эҳтиёжларнинг олдини олувчи ёки ушбу эҳтиёжларни қисқартирувчи энг самарали ер захира ларидан фойдаланишни кўзда тутиш зарур.

21.1. Турар-жой бинолари, турар-жой ва жамоат, шунингдек саноат бинолари ўртасидаги масофалар қуёш нурининг тушиши (инсоляция) ва ёритилганликни ҳисоблашлар асосида, асосий турар-жой бинолари ва хонадонлари ёнидаги ҳовлиларнинг кўриниши чегаралари, шунингдек ёнғинга қарши талаб-

ларга мувофиқ тарзда қабул қилиниши зарур (1-илова).

Кўп хонадонли турар-жой уйлариининг узун томонлари ўртасидаги масофалар (хоналарнинг яққол кўринмаслик талабларидан келиб чиққан ҳолда) қуйидагича қабул қилиниши лозим:

баландлиги 2-3 қават бўлган турар-жой уйлари учун - 15 м кам бўлмаган;

4-5 қаватлилар учун - 25-30 м кам бўлмаган;

яшаш хоналарида деразалари бўлган ушбу биноларнинг узун томонлари ва ён томонлари учун - 10 м дан кам бўлмаган.

9 ва ундан кўпроқ қаватли бинолар учун узун томонлари ўртасидаги масофа - 40-45 м дан кам бўлмаган;

яшаш хоналарида деразалари бўлган ушбу биноларнинг ён томонлари учун - 20-25 м дан кам бўлмаган.

Изоҳ. Реконструкция ва бошқа мураккаб шаҳарсозлик шароитларда кўрсатилган масофалар инсоляция, ёритилганлик меъёрлари, ёнғинга қарши талабларга, шунингдек турар-жой хоналари (истиколат хоналари ва ошхоналари) деразаларидан яққол кўринмасликни таъминланишига риоя қилган ҳолда қисқартирилиши мумкин.

Зилзилалиги 8 балл ва ундан юқори бўлган майдонларда турар-жой биноларининг узун томонлари орасидаги масофалар энг катта бино икки баравар баландлигидан кам бўлмаслиги зарур.

Изоҳ. Мавжуд мавзеларнинг кўп хонадонли бинолари оралиғида, махсус бино ва иншоотлардан (спорт майдонлари, болалар ўйин майдончалари, кийим-кечак қуриши майдончалари, автомобилларнинг вақтинчалик тўхташ жойлари) таш-

қари, ҳар қандай бошқа мақсадли объектларни жойлаштиришга йўл қўйилмайди.

Шахсий турар-жой бинолари ва боғ-дала ҳовли қурилмалари жойлашган туманларда турар-жой бинолари (хоналар, ошхоналар ва айвонлар) деразаларидан қўшни ер участкаларида жойлашган уй ва хўжалик бинолари деворларигача бўлган масофа 6 м дан кам бўлмаслиги (яққол кўрмаслик талабларини, шунингдек қўшни ер участкаларини пана қилмаслик талабларига риоя қилган ҳолда) зарур, хайвонлар ва паррандалар боқиладиган саройларгача масофа эса санитария-гигиеник талабларга мувофиқ аниқланади.

Участка чегарасидан бўлган масофа қуйидагилардан кам бўлмаслиги зарур: турар-жой биноси деворигача 3 м, хўжалик биноларигача – 1 м.

Марказлашган канализация тармоғи бўлмаган ҳолатларда, ҳожатхонадан қўшни бино деворигача масофа 12 м дан, сув таъминоти манбаи (қудуқ)гача эса - 25 м дан кам бўлмаган тарзда қабул қилиниши лозим.

Изоҳ. Чегарадош томорқалардаги турар-жой бинолари, шунингдек хўжалик қурилмаларини, уй эгаларининг ўзаро келишувига биноан, ёнғин хавфсизлиги ва зилзилабардошлик талабларини ҳисобга олган ҳолда, бирлаштиришга рухсат этилади.

21.2. Ижтимоий-амалий ва аралаш зоналарда жойлашган ишлаб чиқариш объектлари участкалари чегарасидан турар-жой ва жамоат биноларигача, шунингдек мактабгача ва умумтаълим, соғлиқни сақлаш ва дам олиш муассасалари участкаларининг чегараларигача

бўлган масофа 50 м дан кам бўлмаган ҳолда қабул қилиниши зарур.

21.3. Шаҳарларнинг шахсий турар-жой бинолари жойлашган туманларида турар-жой зоналари чегарасида жойлаштириладиган омборхона гуруҳларининг ҳар қайсиси 30 блокдан ортиқ бўлмаслиги зарур.

Чорва ва паррандалар учун қурилмалар, санитария-гигиеник талабларни ҳисобга олган ҳолда, турар-жой хоналари деразаларидан қуйидаги масофалардан кам бўлмаслигини назарда тутиш лозим: битта ёки қўшалок қурилмалар -10 метрдан, 8 та блокгача - 25 метрдан, 8 та дан 30 та гача бўлган блокларда – 50 метрдан кам бўлмаслиги керак.

21.4. Кўп хонадонли бинолари мавжуд турар-жой зоналарида мавзенинг кўкаламлаштирилган ҳудудлари майдонлари (мактаб ва мактабгача болалар муассасалари участкаларини ҳисобламаганда), одатда, мавзе ҳудуди майдонининг 25 фоизидан кам бўлмаслиги зарур.

Кийим-кечак қуришиш майдончаларидан бўлган масофа меъёрланмайди; ахлат тўплагичлар майдончаларидан турар-жой бинолари, физкультура майдончалари, болалар ўйнайдиган ва катта ёшдагилар дам олиш майдончалари, шунингдек, мактабгача таълим муассасалари, даволаш муассасалари ва овқатланиш муассасаларигача бўлган масофа 25 метрдан кам бўлмаган ҳолда, хўжалик майдончаларидан турар-жой биносининг энг узоқ кириш жойигача эса 100 метрдан ортиқ бўлмаган (ахлат тортадиган қувири бўлган уйлар учун) ва 50 м (ахлат тортадиган қувири бўлмаган

уйлар учун) масофани қабул қилиш лозим.

Изоҳлар: 1. Чанг бўронлари мунтазам содир бўладиган туманларда хўжалик мақсадлари учун ёпик иншоотлар қуриш шартида, бинолар 9 ва ундан юқори қаватли бўлган ҳолатларда болалар майдончалари, катта ёшдаги аҳоли дам олиш ва физкультура машғулоти учун ўтказиш майдончалари эгаллаб турган ҳудудлар майдонини 50 фоизгача қисқартиришга рухсат этилади.

2. Кўкаламлаштирилган ҳудудларнинг айрим участкалари майдонига дам олиш ва болалар майдончалари, пиёдалар учун йўлқалар, уларнинг майдони участка умумий майдонининг 30 % дан ортиқ бўлмаслик шартида киритилади.

22. Баланд қаватли турар-жой биноларининг (9-12 қаватли) қурилиши тегишли асосланишлар билан бажарилиши керак.

Зичлиги юқори бўлиши билан бирга қаватлар сонини чеклаш шарти мавжуд бўлган барча шаҳар-созлик вазиятларида кам қаватли турар-жой биноларини зич тарзда қурилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Кам қаватли ва томорқали турар-жой бинолари ўрта ва кичик шаҳарлар учун қурилишнинг асосий тури сифатида қўлланилиши мумкин.

Ҳовли (томорқа) ер участкаларининг ўлчамлари шаҳарсозлик вазияти хусусиятларига боғлиқ ҳолда 300-600 м² ташкил этади.

Катта ва йирик шаҳарларда қурилишларнинг асосий тури сифатида ўрта қаватли турар-жой биноларини қуриш қўлланилиши лозим.

23*. Турар-жой туманлари ва мавзелар ҳудудида турар-жой фондининг ҳисобий зичлиги 3- ва 4-жадвалларга мувофиқ қабул қилиниши лозим.

Ҳудудларнинг экологик аҳолини баҳолаш мезонларига мувофиқ аниқланган экологик офатлар ва фавқулодда экологик вазиятлар зоналарида атроф-муҳит муҳофазаси бўйича зарур тадбирларни ўтказмасдан турар-жой биноларининг мавжуд зичлигини оширишга йўл қўйилмайди.

3-жадвал

Мавзе ҳудуди учун умумий майдони 1 га турар-жой фондининг зичлиги, м ²											
Турар-жой уйлари қаватли-лиги	Ер участкалари бўлган турар-жой уйлари		Кўп хонадонли турар-жой уйлари								
	1-2 ҳовли-ли	2 блок-ли	2	3	4	5	6	7	8	9	12
Турар-жой фондининг зичлиги, камида	1200	1800	220 0	390 0	420 0	480 0	510 0	540 0	570 0	630 0	670 0

Изоҳлар: 1. Шаҳар аҳоли пунктларининг ҳудудида қурилиш ва қайта қуриш амалга оширилаётганда турар жой фондининг зичлиги тегишли

асослаш билан ўзгартирилиши мумкин.

2. Турли хил қаватли бинолар қурилишларида турар жой фондининг зичлиги ўрта гармоник

формулага кўра қабул қилиниши керак:

$$\frac{100}{a_1/n_1 + a_2/n_2 + a_3/n_3 + \dots},$$

бу ерда a_1, a_2, a_3 - лойиҳада қабул қилинган қаватлиликдаги турар жой уйларининг умумий майдони, мавзенинг барча турар жой уйлари умумий майдонидан фоизларда;

n_1, n_2, n_3 – турар жой фондининг қабул қилинган бинолар қаватли-

лигига боғлиқ бўлган, 3-жадвалдан аниқланадиган зичлиги, м²/га.

3. Бир мавзе учун белгиланган сонидан камроқ аҳолиси бўлган аҳоли пунктларида турар-жой фондининг зичлигини аниқ-лашда хизмат кўрсатиш муассасалари ва корхоналари, шунингдек, умуман аҳоли пункти учун мўлжалланган яшил ўсимликлар билан банд бўлган ер участкалари ҳисобга олинмайди.

4-жадвал

Турар-жой тумани ҳудуди учун умумий майдони 1 га тенг турар-жой фондининг зичлиги, м ²											
Турар-жой уйлари қаватли-лиги	Ер участкалари бўлган турар-жой уйлари		Кўп хонадонли турар-жой уйлари								
	1-2 ховлили	2 блок-ли	2	3	4	5	6	7	8	9	12
Турар-жой фондининг зичлиги, камида	700	1200	2200	2600	2800	3100	3200	3400	3500	3700	3900

Изоҳлар: 1. Турар-жой фондининг зичлигини ҳисоблашда турар жой районининг майдонидан унда жойлашган хизмат кўрсатиш муассасалари ва корхоналари, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш корхоналари ва бошқа умумшаҳар аҳамиятидаги объектларнинг участкалари чиқариб ташланади.

2. Турар жой туманини магистраль кўчалар чегаралаб турган ҳолларда турар жой туманининг майдонига уни чегаралайдиган магистрал кўчаларнинг ярим эни киритилади.

24*. Олдиндан таркиб топган капитал турар-жой қурилиши устивор бўлган туманларни қайта қуришда таянч қурилманинг бузилиши ҳажми ҳудуд ривожланишининг шаҳарсозлик шароитлари-

дан келиб чиқиб, ҳисоблаб аниқланади.

Тарихий қурилмалар зоналарида мансард қаватларни қуриш тарихий муҳитнинг умумий услуб бирлигига, тарихий ва маданий ёдгорликларнинг тарихий шаклланган ландшафт кўринишларини сақлашга риоя қилган ҳолда йўл қўйилади.

25*. Турар жой қурилишини шаклантиришда ижтимоий хизмат кўрсатиш объектлари мажмуаси билан бирлаштирилувчи **турар-жой бирликлари - маҳаллаларни** ажратиш керак.

“Маҳалла маркази” туридаги бирламчи хизмат кўрсатиш блоки-

нинг тахминий таркиби лойиҳалаштириш топшириғи билан аниқланади.

Изоҳ: “Маҳалла марказлари” да янги айвонлар, шунингдек, туй тантаналарини, маросимларни ва бошқа маданий-маиший тадбирларни (шовқин, тебраниш ва ҳ.к. каби аҳолига зарарли таъсир кўрсатувчи) ўтказиш учун мўлжалланган мавжудларининг ихтисослигини ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бу мақсадлар учун турар-жой бинолари атрофидаги муҳитни шовқин ва тебранишдан сақловчи, шовқинни изоляция қилувчи махсус қурилиш материаллари ва конструкциялари билан қурилган ёпиқ бинолар, шунингдек, ёз пайтида биноларда сунъий иқлим ҳосил қилиш ва ҳавони совутиш тизимлари мўлжалланиши мумкин.

Маҳалла марказларни ва гузарларни турар-жой бинолари атрофидаги муҳитга зарарли шовқин таъсиридан мустасно қилиш учун турар-жой биноларидан ҳисобланган масофада жойлаштириш зарур.

26*. Турар жой ва жамоат бинолари орасидаги масофалар сифатида қуёш тушиши ва ёритиш, асосий турар жой бинолари ва хонадонлар ёнидаги ҳовлиларнинг кўриниш чегараланиши нормалари, шунингдек ёнғинга қарши талаблар кабиларга мувофиқ келадиган энг кам масофалар қабул қилиниши лозим (1-илова).

Турар-жой ва жамоат биноларини жойлаштириш ва мўлжаллаш, турар-жой биноларига 22 мартдан 22 сентябргача бўлган даврда қунига 2,5 соат давомида, ётоқхона, ўйин ва болалар мактабгача тарбия муассасаларида 3 соат давомида узлуксиз қуёш тушиб туришини таъминлаши керак.

Қайта қуриш шароитида хоналарга қуёш тушиши вақти 0,5 соатга қисқариши мумкин.

Изоҳ. Томорқа участкалари бўлган шахсий қурилиш туманлари қурилишларида қуйидаги талаблар қондирилиши лозим:

1. Ҳар қандай бино қурилиши қўшни участка эгалари билан келишилиши.

2. Турар жой уйи ва хўжалик биноларининг қўшни участкалардан кўриниш паналиги таъминланиши.

3. Ўз ҳудудидан муҳандислик тармоқларини киритиш.

4. Пиёда-транспорт ва муҳандислик алоқалари, шунингдек умумий фойдаланиш кўкаламзорларининг сақланишини таъминлаш.

5. Қўшнининг турар-жой уйига қуёш тушиши нормаларини таъминлаш.

27. Тез, тўхтовсиз ҳаракат мавжуд ва йўл ҳаракати бошқариладиган магистраль кўчаларнинг қизил чизиғидан узоқлик масофаси шовқин даражасига қараб ҚМҚ 2.01.08-96 “Шовқиндан сақланиш” га мувофиқ қабул қилиниши лозим.

28. Биринчи қаватида хонадонлар бўлган турар жой уйлари турар жой кўчаларининг қизил чизиғидан камида 3 м узоқликда жойлаштириш лозим.

Қизил чизиқ бўйича ичига жамоат хоналари қурилган ёки улар қўшиб қурилган турар жой уйлари жойлаштириш мумкин.

29. Мавзелар ва даҳалар ҳудудига транспортда кириб бориш, мавзелар ҳудудида жойлашган турар жой уйлари гуруҳларига, хизмат кўрсатиш муассасалари ва корхоналарига кириб бориш йўллари, гаражлар ва автомобилларни тўхташ жойларини жойлаштириш 155-банд кўрсатмаларига мувофиқ кўзда тутилиши керак.

Кириш йўллари ШНҚ 2.07.02-07 “Инсонларнинг ҳаёти ва фаол-ияти муҳитини ногиронлар эҳтиёжлари ва аҳолининг кам ҳаракат-ланувчи

гуруҳларини ҳисобга олган ҳолда лойиҳалаш” талабларига жавоб бериши керак.

30. Магистраллараро ҳудуд (мавзе)ни лойиҳалашда турли мақсадлардаги умумий фойдаланиш майдончаларини жойлаштиришни

кўзда тутиш лозим, уларнинг ўлчамлари ва улардан турар жой ва жамоат биноларигача бўлган масофалар 5-жадвалга кўра қабул қилиниши керак.

5- жадвал

Майдончалар	Майдончалар нисбий ўлчамлари, м ² /киши	Майдончалардан турар жой ва жамоат биноларигача масофалар
Мактабгача ва кичик мактаб ёшидаги болалар ўйини учун	0,7	12
Катталар дам олиши учун	0,1	10
Жисмоний тарбия машғулоти учун	2,0	10-40
Хўжалик мақсадлари учун	0,3	20*
Автомашиналар тўхташ жойлари	0,8	44-жадвалга кўра

Изоҳлар: 1. *- Кир қуришиш майдончаларигача бўлган масофа нормаланмайди.

2. Ахлат йиғиш майдончаларидан жисмоний тарбия майдончаларигача бўлган масофа камида 20 м деб қабул қилиниши лозим.

3. Ит сайр қилдириш майдончаларидан турар-жой ва жамоат биноларигача масофа - камида 40 м.

IV. ҚИШЛОҚ АҲОЛИ ПУНКТЛАРИНИНГ ТУРАР-ЖОЙ ХУДУДЛАРИ

Режавий тузилма

31. Аҳоли жойлашган ҳудуднинг катталиги, аҳоли сони, оиланинг ўртача катталиги, томорқа участкаларининг майдони, қишлоқ аҳоли пунктининг режавий тузилмаси катталиги ва хусусиятлари, ландшафт – иқлим шароитлари турига боғлиқ ҳолда қабул қилиниши лозим.

Дастлабки ҳисоб-китоблар учун аҳоли жойлашган ҳудуднинг катталиги қўлланилган қурилиш турларига қараб 6-жадвал бўйича аниқланиши мумкин.

6-жадвал

Қурилиш тури	Аҳоли жойлашган ҳудуд	
	м ² /киши	киши/га
1-2-хонадонли, томорқали уйлар, м ² :		
2500	210-240	17-15
2000	260-280	21-18
1500	390-460	26-22
1200	330-390	30-26
1000	280-330	36-31
800	480-560	40-36
600	580-670	48-41

Изоҳ. Кичик кўрсаткичлар чўл-саҳро минтақалар учун тавсия этилади.

Жамоат марказлари

32. Қишлоқ аҳоли пунктлари жамоат марказларининг тизимини

туманларни режалаштириш схемалари ва лойиҳалари ҳамда қишлоқ хўжалиги корхоналари ҳудудининг меъморий-режавий ташкиллаш-тирилиши схемалари билан уйғунлаштирган ҳолда, ШНҚ 2.07.04-06 “Қишлоқ хўжалиги корхоналари ҳудудларини меъморий режалаштириш ташкил қилиш” га мувофиқ, қуйидаги таркибда ишлаб чиқиш лозим:

қишлоқ аҳоли пунктининг жамоат маркази;

маҳалла марказлари.

Қишлоқ жойлаштириш тизими марказлари ролини бажарадиган қишлоқ аҳоли пунктларидаги жамоат маркази аҳоли пунктлараро хизмат кўрсатиш маркази вазифа-сини ҳам бажаради.

33. Жамоат марказларининг тузилиши ва таркиби қишлоқ аҳоли пунктининг катталиги, унинг хизмат кўрсатиш тизимидаги роли, шунингдек, қишлоқ аҳоли пунктининг режавий тузилмаси хусусиятларига мувофиқ аниқланиши лозим.

Хизмат кўрсатиш объектларининг ҳисоб кўрсаткичлари VII бўлимга мувофиқ қабул қилиниши лозим.

34*. Узунчоқ ёки бўлинган шаклга эга қишлоқ аҳоли пунктларида, ҳисоб-китобларга мувофиқ, кўшимча равишда хизмат кўрсатиш кичик марказларини кўзда тутиш мумкин.

Йириклаштирилган кўрсаткичлар учун жамоат марказининг ҳудудий катталиги (парк ва текис сиртдаги спорт иншоотларисиз) киши бошига 8-12 м² ҳисобидан аниқланиши керак (каттароқ кўрсаткичлар - кичик аҳоли пунктлари учун).

35*. Жамоат марказининг режавий ҳал этилиши тежамкорлигини ошириш учун марказнинг қурилмаларида биноларнинг йириклаштирилган гуруҳли турларидан фойдаланиш лозим.

Ногиронлар ва аҳолининг кам ҳаракатланувчи гуруҳларининг турар-жой ҳудудида бўлиши учун қулай шароитларни яратишда ШНҚ 2.07.02-07 “Инсонларнинг ҳаёти ва фаолияти муҳитини ногиронлар эҳтиёжлари ва аҳолининг кам ҳаракатланувчи гуруҳларини ҳисобга олган ҳолда лойиҳалаш” талабларини амал қилиш лозим.

Турар жой қурилиши

36*. Турар-жой ҳудудининг асосий таркибий қисмлари сифатида қуйидагилар қабул қилиниши керак:

ўлчами Ўзбекистон Республикаси Ер кодексига асосланган лойиҳа топшириғи билан аниқландиган ҳовлили уй;

бир неча турар-жой гуруҳларидан таркиб топган, “маҳалла” кўринишида шаклландиган турар-жой мажмуаси.

Қишлоқ аҳоли пунктлари турар жой қурилиши қисмларининг таркиби, ўлчамлари ва меъморий-режавий ташкил этилиши оилаларнинг ўзаро қўшничилик мулоқотига оид функционал-маиший жараёнлар билан белгилаб берилади.

Ногиронлар ва аҳолининг кам ҳаракатланувчи гуруҳларининг истиқомати учун қулай шароитларни таъминловчи элементлар ШНҚ 2.07.02-07 “Инсонларнинг ҳаёти ва фаолияти муҳитини ногиронлар эҳтиёжлари ва аҳолининг кам ҳаракатланувчи гуруҳ-

ларини ҳисобга олган ҳолда лойиҳалаш”га мувофиқ аниқланади.

37. Турар-жой мажмуаларининг жамоатчилик ҳудудлари катталигини 7-жадвал бўйича қабул қилиш лозим.

7-жадвал

Ҳудуд вазифаси	1 кишилик норма, м ²	
	Чўл-сахро минтақа -сидаги воҳалар	Текислик ва тоғолди воҳалар
Кўп вазифали болалар ўйин майдонлари	1,5	2,0-2,5
Катталар дам олиши учун майдончалар	1,0	1,0-1,5
Турар жой мажмуаси жамоат маркази (махалла) учун участкалар	0,5	1,0

38. Қишлоқ аҳоли пунктининг аҳоли жойлашган ҳудудини бир суткада 20 мингдан ортиқ автомобиль қатновчи I-тоифали автомобиль йўллари кесиб ўтмаслиги, шунингдек, II ва III тоифали йўллар ҳамда қишлоқ хўжалиги машиналари транзит ўтиши ва мол ҳайдаб ўтиш учун мўлжалланган йўллар ҳам кесиб ўтмаслиги лозим.

39. Қишлоқ аҳоли пунктларининг қурилиши учун асосан ҳовли туридаги кам қаватли 1-2 хонадонли турар жой уйлари кўзда тутилиши лозим.

40*. Томорқали участканинг режавий тузилиши оила ривожланиши ва унинг тузилиши ўзгаришларини ҳисобга олиб, турар жой уйлари ва хўжалик биноларининг келажакдаги ўсиш имкониятини таъ-

минлаши лозим. Ҳайвонлар ва паррандалар учун мўлжалланган қурилмалардан турар-жойнинг истиқомат хоналари ойналаригача масофа 15 м дан кам бўлмаслиги лозим. Ушбу оралик санитария-гигиена талабларига боғлиқ равишда камай-тирилиши мумкин.

V. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҲУДУДЛАРИ

41. Шаҳар аҳоли пунктларининг ишлаб чиқариш ҳудудлари саноат корхоналарини умумий ишлаб чиқариш инфратузилмаси ва ёрдамчи ишлаб чиқаришлар асосида бирлаштирадиган ишлаб чиқариш зоналари кўринишида шакллантириш лозим.

Ишлаб чиқариш зоналари ишлаб чиқариш-технологик, транспорт, санитария-гигиеник ва функционал талабларга мувофиқ ҳолда меҳнаткашларнинг умумий сони 30 минг киши бўлганда шакллантирилиши зарур. Меҳнаткашларнинг кўпроқ сони учун тегишли асослар бўлганда йўл қўйилиши мумкин.

42*. Саноат зоналарининг режалаштирилиши ва қурилиши лойиҳалари ва схемаларида тегишли ишлаб чиқариш соҳаларининг истиқболли ривожланиши бўйича прогнозларни ҳисобга олган ҳолда уларнинг ривожланиши навбатлилигини кўзда тутиш керак.

42.1. Ишлаб чиқариш қурилиши функционал зоналари, муҳандислик ва транспорт инфратузилмалари таркибига қуйидагиларни киритиш мумкин:

коммунал зоналар - коммунал ва омборхона объектлари, уй-жой-коммунал хўжалиги объектлари,

транспорт объектлари, улгуржи савдо объектлари жойлашган зоналар;

саноат зоналари - атроф-мухитга таъсир меъёрлари ҳар хил бўлган ишлаб чиқариш объектлари, шунингдек темир йўлнинг кириш йўллари жойлашган ва одатда, эни 50 метрдан катта бўлган санитария-ҳимоя зоналари ташкил этилишини талаб қиладиган зоналар;

ишлаб чиқаришнинг бошқа турларига оид, муҳандислик ва транспорт инфратузилмалари (илмий-ишлаб чиқариш зоналари, технопарклар).

Ишлаб чиқариш зоналарида ушбу зонада жойлашган корхоналарга хизмат кўрсатувчи авария-қутқарув хизмати объектларининг бинолари ва иншоотлари, зона ҳудудида жойлашган объектлар фаолиятини таъминлаш билан боғлиқ бўлган муҳандислик ва транспорт инфратузилмалари объектлари, ишлаб чиқаришда банд бўлган аҳолига хизмат кўрсатувчи объектларни ва бошқа турдаги объектларни жойлаштиришга рухсат этилади.

Изоҳлар: 1. Ишлаб чиқариш зоналари ҳудудида корхоналар ва бошқа объектларни жойлаштириш ва қайта тиклашда улардан фойдаланиш жараёни хавфсизлигини таъминловчи чораларни назарда тутиш, шунингдек, корхоналарнинг биронтасида авария содир бўлган ҳолда теварак-атрофдаги туташган жойлардаги аҳолини хавфли таъсирдан ҳимоя қилишни ва бошқа корхоналарнинг ишлаш хавфсизлигини таъминлаш бўйича чораларни назарда тутиш лозим.

Ишлаб чиқариш ва бошқа объектларнинг хавфлилик даражаси техник регламентларга мувофиқ қонунларда ўрнатилган тартиб бўйича аниқланади.

2. Тарихий ва маданий ёдгорликлари ҳисобланувчи ва ишлаб чиқариш корхо-

наларини реконструкция қилишда тарихий меросни сақлашга қаратилган чораларни кўзда тутмоқ зарур.

42.2. Ишлаб чиқариш бино ва иншоотлари мавжуд функционал зоналар ва корхоналарнинг санитария-ҳимоя зоналари чегараларида ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган турар-жой уйлари, меҳмонхоналар, ётоқхоналар, боғ-дала ҳовли қурилмаларини, мактаб-гача ва умумтаълим муассасалари, спорт иншоотлари, бошқа жамоат биноларини жойлаштиришга йўл қўйилмайди.

Турар-жой ва саноат зоналарини, турар-жой ҳудудлари ва саноат корхоналарини навбатманавбат жойлаштиришга ҳам йўл қўйилмайди.

Санитария-ҳимоя зоналари рекреация мақсадлари ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун фойдаланилмаслиги лозим.

Изоҳ. Корхоналарнинг санитария-ҳимоя зоналари участкалари корхоналар ҳудуди таркибига қўшилмайди ва шу зоналар ҳудудида қурилишига рухсат этилган объектларни жойлаштиришга йўл қўйилади.

Корхоналарга туташ жойлардаги ифлосланган ҳудудларнинг атроф-мухити муҳофазаси билан боғлиқ бўлган соғломлаштириш, санитария-гигиеник, ҳамда қурилиш ишларига оид бошқа тадбирлар, шунингдек санитария-ҳимоя зонасининг ободонлаштирилиши атроф-мухитга зарарли ташланмалар (чиқиндилар) чиқарувчи корхоналар ҳисобидан амалга оширилади.

42.3. Шаҳарларнинг ишлаб чиқариш зонаси таркибида саноат корхоналари, жумладан, ишлаб чиқаришнинг санитария таснифига боғлиқ ҳолда жойлашган тоғ-кон, кимё ва металлургия саноати

корхоналарини жойлаштириш учун мўлжалланган саноат зонаси, илмий-ишлаб чиқариш зонаси ва коммунал-омборхона зоналари шаклланиши мумкин.

Санитария-ҳимоя зонаси 100 метрдан кам бўлган озиқ-овқат, тиббий, фармацевтика ва саноатнинг бошқа соҳаларига мансуб корхоналарни зарарли ишлаб чиқариш ҳисобланувчи металлургия, кимё, нефть кимёси ва саноатнинг шунга ўхшаш тармоқлари худудида, шунингдек санитария-ҳимоя зоналарида жойлаштирмаслик лозим.

42.4. Саноат зоналарини функционал-режавий ташкил этиш мавзелар (қизил чизиқлар чегарасида) кўринишида бўлиб, уларнинг ичидаги асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқариш корхоналари ўзларининг жойлашиши, юк обороти ва транспорт тури, шунингдек қурилиш навбатига қараб ҳамда санитария-гигиеник ва ёнғинга қарши талабларни ҳисобга олган ҳолда жойлаштирилиши назарда тутилади.

Тоғ-кон саноати (очиқ конлар, тўпланган тоғ жинслари, шлак-тўплагичлар ва ҳ.к.) билан боғлиқ худудлар шаҳар (посёлка) худудлари чегарасидан ташқарида, улардан санитария-ҳимоя зоналарини ва шамол йўналишини ҳисобга олган ҳолда жойлаштирилиши зарур.

Изоҳ. Саноат корхонаси участкасининг меъёрий ўлчами унинг қурилмалари майдонининг амалдаги меъёрий зичлиги кўрсаткичи нисбатига тенг қилиб қабул қилинади.

42.5. Корхоналар ва бошқа объектларни жойлаштиришда экологик меъёрлар ва қоидаларни, шунингдек ер ости сувларини муҳофаза қилиш тўғрисидаги низом

талабларини ҳисобга олган ҳолда ерларнинг, ер усти ва ер ости сувларининг, ҳовузлар сув йиғичлари юзаларининг, атмосфера ҳавосининг ифлосланишига йўл қўймаслик бўйича чораларни назарда тутиш лозим.

42.6. Санитария-ҳимоя зоналарининг ўлчамлари корхоналар, иншоотлар ва бошқа объектларнинг санитария таснифини ҳисобга олган ҳолда белгиланади.

Санитария-ҳимоя зонаси кенглигининг етарлилигини саноат корхоналари чиқиндилари таркибидаги зарарли моддаларнинг атмосферага тарқалиш ҳисоби билан, шунингдек ушбу меъёрларнинг 1 қисми талабларини ҳисобга олган ҳолда тасдиқлаш зарур.

42.7. Портловчи моддалар ва улар асосида ишланган маҳсулотлар (ташкilotлар, қурол-яроғ омборхоналари, базалар, ПМ омборхоналари) тайёрловчи ва сақловчи объектлар учун тақиқланган (хавфли) зоналарни ва майдонларни назарда тутиш лозим.

Бу зоналар ва майдонларнинг ўлчамлари кўрсатилган объектлар тасарруфида турган ижро этувчи ҳокимият ташкilotларининг махсус меъёрий ҳужжатларида белгиланади.

Тақиқланган (хавфли) зоналарни турар жой, жамоат ва ишлаб чиқариш бинолари ва иншоотлари билан қуриш тақиқланади.

Айрим зарурий ҳолларда бинолар, иншоотлар ва бошқа объектларнинг тақиқланган (хавфли) зона худудида қурилиши бу зона ёки ишлаб чиқариш тасарруфида турган ташкilot билан келишилган ҳолда амалга оширилиши мумкин.

42.8. Илмий-ишлаб чиқариш зоналари таркибида илмий ва илмий хизмат кўрсатиш муассасаларини тажрибавий ишлаб чиқаришлар ва улар билан боғлиқ бўлган олий ва ўрта ўқув юртларини, меҳмонхоналарни, хизмат кўрсатиш муассасалари ва корхоналарини, шунингдек муҳандислик ва транспорт коммуникацияларини ва иншоотларини жойлаштириш зарур.

Илмий-ишлаб чиқариш зоналари таркиби ва айрим ИТИ ва тажрибавий ишлаб чиқаришларнинг жойлашиши талаблари атроф-муҳитга таъмири омилларини ҳисобга олган ҳолда аниқлаш лозим.

Илмий ишлаб чиқариш зоналарида санитария-ҳимоя зонаси 50 метрдан ортиқ кенгликни талаб қилмайдиган тажрибавий ишлаб чиқаришни жойлаштиришда қурилмаларнинг аралаш зонаси турида шакллантирилган турар-жой биноларини жойлаштиришга йўл қўйилади.

42.9. Илмий муассасаларнинг ер участкаларининг ўлчамлари (биноларнинг ҳар қаватдаги 1000 м² умумий майдонига), гектар (га) ҳисобида ортиғи билан қуйидагича қабул қилиш зарур:

табиий ва техникавий фанлар - 0,12-0,17

ижтимоий фанлар - 0,08-0,1

Изоҳлар: 1. Бу кўрсаткичлар алоҳида шароитлар ва ишлаш тартибини талаб қилувчи объектларга (ботаника боғларига, обсерваторияларга, элементар заррачаларни тезлашгичларига ва бошқаларга) жорий этилмайди.

2. Келтирилган меъёрларга тажриба майдонлари, полигонлар, захира ҳудудлари, санитария-ҳимоя зоналари кирмайди.

3. Кўрсаткичларнинг кичиги энг йирик ва йирик шаҳарлар учун ва қайта

тиклаш шароитлари учун қабул қилиш лозим.

42.10. Илмий муассасалар участкалари ичида бинолар, майдонлар, кўкаламзорлар, йўллар, йўлаклар ва автотўхташ жойлари билан эгалланган ҳудудлар ажратилади. Бунда бинолар ва иншоотлар участка майдонининг 50 фоиздан ортиқ бўлмаган, спорт майдончалари ва кўкаламлаштирилган ҳудудлар 10 фоиздан кам бўлмаган, йўллар ва йўлаклар 15 фоиздан 25 фоизгача ҳудудни эгаллашлари керак.

Автотўхташ жойларига бўлган талаб илмий муассасалар бинолари тасарруфидаги умумий майдоннинг 1 автомобилга 25 м² бўлган меъёрдан келиб чиқиб, битта автомобиль учун участка майдони 25 м² га тенг қилиб қабул қилинади.

42.11. Коммунал-омборхона зоналарида (майдонларида) озиқ-овқат (озиқ-овқат, гўшт ва сут) саноатини, умумтовар (озиқ-овқат ва озиқ-овқатдан ташқари), ихтисослашган омборхоналарни (музхона, картошка, сабзоват, мева сақланадиган жой), шаҳар аҳолисига коммунал, транспорт ва маиший хизмат кўрсатиш корхоналарни жойлаштириш зарур.

42.12. Омборхоналарни жойлаштиришда ер ости бўшлиқларидан максимал тарзда фойдаланиш керак.

Ишлатиб бўлинган тоғ-кон ер ости лаҳимлари ва ер ости участкаларида объектларни жойлаштиришга яроқли бўлган жойлар мавжуд бўлган тақдирда ташқи таъсирларга чидамлилиги ва ишлашининг ишончилигини таъминлашини талаб қилувчи озиқ-овқат ва саноат товарлар зарур ҳужжатлар сақланадиган жойлар, тақсимловчи

музхоналар ва бошқа объектлар қурилишини амалга оширишга йўл қўйилади.

Объектларни жойлаштириш фойдали қазилмаларни қазиб олиш билан боғлиқ бўлмаган ер ости маконларидан фойдаланиш мақсадидаги аниқ белгиланган меъёрий ҳужжатлар талабларига мувофиқ амалга ошириш зарур.

42.13. Аҳоли пунктларига хизмат кўрсатиш учун мўлжалланган омборхоналар биноларининг майдони ва ҳажми, уларнинг ер участкалари ўлчамлари шаҳарсозлик меъёрлари ёки ҳисоблаш асосида аниқланади.

Картошка, сабзоват ва мева сақланадиган жойларнинг санитария-ҳимоя зонаси ўлчамлари 50 метрдан кам бўлмаган ҳолда қабул қилиш лозим.

42.14. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ташкил этишда турар жой ва ижтимоий-амалий зоналарини ишлаб чиқариш мажмуаларининг салбий таъсиридан, шунингдек, бу мажмуаларнинг ўзларини, агар улар озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлса, бошқа ишлаб чиқариш, транспорт ва коммунал иншоотлари ифлосланишидан ва зарарли таъсиридан ҳимоя қилиш бўйича чораларни назарда тутиш зарур.

Ер тупроғи, ер усти ва ер ости сувлари, юзаки сув тўпланадиган жойлар, сув ҳавзалари ва атмосфера ҳавоси ифлосланишига йўл қўймаслик чоралари санитария меъёрларига мувофиқ бўлиши керак.

42.15. Шаҳарнинг саноат зонаси (тумани) лойиҳавий режасида фуқаро муҳофазасининг муҳандислик-техник тадбирлари бўлими ШНҚ

1.03.11-07

“Ўзбекистон Республикасида шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларининг бош режасида фуқаро муҳофазасининг муҳандислик-техник тадбирлари бўлимининг таркиби, ишлаб чиқиш тартиби, тегишли идоралар билан келишиш ва тасдиқлашга доир йўриқнома” мувофиқ ишлаб чиқиш зарур.

43*. Айрим янги саноат корхоналарини саноат ва турар-жой қурилишини жойлаштириш учун қулай шароитга эга кичик ва ўрта шаҳарларда ёки янги барпо этиладиган шаҳар аҳоли пунктларида жойлаштириш кўзда тутилиши керак.

Йирик шаҳарларда янги саноат корхоналари ва бошқа шаҳар аҳамиятидаги объектлар қурилиши чекланади, саноат зоналарини қайта қуришда технологик бўғимлари ва ёпиқ (чиқиндисиз) мажмуалар қисмлари сифатида зарур бўлган корхоналар ва объектлар бундан мустасно.

Маданий мерос объектларига эга Тошкент шаҳри, шаҳарсозлик фаолияти алоҳида тартибга солинувчи объектларга киритилган аҳоли пунктларида янги саноат корхоналари, тажриба базалари, транспорт ва омбор корхоналарининг қурилиши ва бу турдаги мавжуд корхоналарнинг янги қурилиш ҳисобидан кенгайтирилиши тақиқланади, Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг тегишли қарорларида махсус белгиланган ҳоллар, коммунал мақсадлардаги корхоналар ва объектлар, шунингдек, турар жой-фуқаро қурилиши эҳтиёжларини қондирувчи объектлар бундан мустасно.

44. Янги ва қайта қуриладиган ишлаб чиқариш зоналари таркибида

имкони борича табиий захира лар, хом ашё, материалларнинг тўлиқ ва мажмуий ишлатилишини таъминловчи, атроф муҳитга зарарли таъсири бўлмаган ёки анча камайтирилган ишлаб чиқаришларнинг мажмуалари шаклланишини кўзда тутиш лозим.

45. Аҳоли пунктларининг янги ишлаб чиқариш зоналарини жойлаштириш ва амалдагиларини ривожлантириш учун жой танлашда қуйидагиларни ҳисобга олиш лозим: геологик шароитлар; сейсмик микрорайонлаштириш, ер ости чучук сувларининг тозалигини ҳимоя этиш зоналари, мўлжалдаги корхоналар ва ишлаб чиқаришларнинг туси ва турлари; аҳоли пунктининг умумий режавий тузилмасига мувофиқлиги; транспорт хизмат кўрсатишининг қулайлиги; мавжуд корхоналар билан ишлаб чиқариш ва технологик алоқаларнинг оқилона ташкил этилиши; техник-иқтисодий, санитария-гигиеник кўрсаткичлар, ёқилғи-энергетик, сув ва худудий захиралар, атроф муҳит ҳолатининг меъморий-режавий ечимлари турларини қиёслаш асосида оқилона функционал фойдаланиш; табиий ва бошқа шароитларнинг келажакдаги ўзгариши тахминлари.

46. Мавжуд корхоналар таркибида бошқа йўналишдаги янги ишлаб чиқаришлар ва кичик корхоналарни жойлаштириш уларнинг санитария зарар даражаси асосий ишлаб чиқариш санитария зарар даражасидан ошиб кетмаганда ва экологик шароит ёмонлашувига олиб келмаганда мумкин бўлади.

Мавжуд корхоналар таркибида бошқа йўналишдаги янги ишлаб чиқаришлар ва кичик корхоналарни

жойлаштириш архитектура, санитария инспекцияси ва табиатни муҳофаза этиш идоралари, шунингдек, аҳоли пунктининг бош режасини ишлаб чиқувчи билан келишилиши лозим.

Саноат зоналари

47. Саноат корхоналари, одатда, саноат зоналари худудида, умумий ёрдамчи ишлаб чиқаришлари ёки инфратузилма объектлари бўлган корхоналар гуруҳлари таркибида, қишлоқ аҳоли пунктларида эса ишлаб чиқариш зоналари таркибида, уларнинг ўзаро таъсирини ҳисобга олиб жойлаштириш лозим.

48. Саноат зоналарини жойлаштиришда меҳнаткашларнинг йўл вақтлари энг кам бўлиши учун уларнинг турар жой районлари билан оқилона ўзаро таъсирини таъминлаш керак.

Саноат зоналари худудларининг ўлчамлари ва фойдаланиш интенсивлиги даражаси уларнинг аҳоли пункти тузилишида жойлашуви шароитларига ва унинг худудидаги турли участкалар шаҳарсозлик қийматига боғлиқ ҳолда, корхоналарнинг соҳавий хусусиятлари, уларнинг жойлашувига санитария-гигиеник ва ёнғинга қарши талабларни, юк айланиши ва транспорт турлари, шунингдек, қурилиш навбатларини ҳисобга олиб, ихчам жойлашув ва ер ости майдонларидан фойдаланишни кўзда тутиб, қабул қилиниши лозим.

Бунда корхоналар ходимларига ва саноат зонаси атрофида жойлашган обод худуд аҳолисига барча турдаги хизмат кўрсатишнинг ўзаро боғлиқ тизимини шакллантириш лозим.

49. Саноат корхоналари ва бошқа ишлаб чиқариш объектларининг майдонлари, хизмат кўрсатиш муассасалари ва корхоналари эгаллаган ҳудуд, одатда, саноат зонаси ҳудудидан камида 70% ни ташкил этиши керак.

Изоҳ. Саноат зонаси ҳудудининг эгалланганлиги фоизларда аниқланади, у саноат корхоналари ва улар билан боғлиқ объектларнинг тегишли чегаралар ичидаги майдонлари, шунингдек, хизмат кўрсатиш муассасалари, жумладан, темир йўл бекатлари эгаллаган майдон киритилгандаги йиғиндисининг аҳоли пунктининг бош режасида белгиланган саноат зонасининг умумий ҳудудига нисбатан белгиланади. Эгалланган ҳудудларга корхона майдонидаги лойиҳалаштириш топшириғига мувофиқ белгиланган захира участкалари кириши керак.

50. Саноат корхоналари учун участкалар майдонларининг дастлабки ҳисобланиши техник-иқтисодий асослашлар ёки амалдаги ўхшаш корхоналар бўйича нисбий кўрсаткичлар қўлланиб ўтказилган техник-иқтисодий ҳисоблар билан белгиланади.

Саноат корхоналарига ажратиладиган участкалар майдони бу корхоналарни режалаштириш лойиҳалари билан, саноат корхоналари бош режаларини ишлаб чиқишга қўйиладиган талабларга мувофиқ белгиланади.

51*. Турар-жой ҳудуд ичида атроф муҳит ифлосланиши манбаи бўлмайдиган; нисбатан кўп меҳнат талаб этадиган ва кам захира талаб этадиган, ёнғиндан хавфсиз ва портлашдан хавфсиз ишлаб чиқариш жараёни; белгиланган нормалардан ортиқ шовқин бермайдиган; кириб бориш темир йўллари талаб этмайдиган саноат корхоналарини жойлаштиришга йўл қўйилади.

Бунда саноат корхонаси участкаси чегараларидан турар жой уйлари, болалар мактабгача тарбия муассасаларигача, умумтаълим мактаблари, соғлиқни сақлаш ва дам олиш муассасаларигача бўлган масофа камида 50 м деб қабул қилиниши керак.

Турар жой қурилиши доирасида жойлашган корхонанинг атроф муҳитга зарарли таъсирини йўқ қилиш имкони бўлмаганда корхонанинг қувватини камайтириш, унинг соҳасини ўзгартириш ёки уни турар жой қурилишидан ташқарига ўтказилиши кўзда тутилиши лозим.

52. Санитария-ҳимоя зоналари зарарли чиқиндиларни тозалаш ва зарарсизлантириш ҳамда шовқин даражасини пасайтиришга оид барча техник ва технологик чоралар кўрилганидан сўнг зарарли моддалар концентрациясининг ва шовқиннинг аҳоли жойлашган ҳудудда йўл қўйиладиган энг юқори даражалари таъминланмайдиган ҳолда кўзда тутилиши керак.

Бундай зоналарнинг ўлчамлари корхоналар чиқиндиларида бўлган зарарли моддаларнинг атмосфера ҳавосидаги концентрациясини ҳисоблаш Методикаси ОНД-86 га мувофиқ ҳолда, шунингдек, шовқиндан ҳимоя талаблар ва бошқа талабларни ҳисобга олиб белгиланиши керак.

53*. Санитария-ҳимоя зонасида турар жой уйлари, болаларнинг мактабгача тарбия муассасалари, умумтаълим мактаблари, соғлиқ сақлаш ва дам олиш муассасалари, спорт иншоотлари, боғлар, парклар, боғдорчилик ширкатлари жойлаштирилишига йўл қўйилмайди.

54. Санитария-химоя зоналарининг энг кам кўкаламзорлаштириш майдони бу худудда пайдо бўлувчи чиқиндилар турини ҳисобга олиб, ҳисоблаш йўли билан белгиланиши лозим.

Ҳисоб-китоблар учун маълумотлар бўлмаганда энг кам кўкаламзорлаштириш майдони зонанинг энига боғлиқ ҳолда, фоиз билан қабул қилинади:

300 м гача	- 60
301 – 1000 м	- 50
1001 – 3000 м	- 40

Аҳоли жойлашган худуд томонидан эни камида 50 м ли, зона эни 100 м гача бўлганда эса камида 20 м ли дарахт-бутазор бўлиши кўзда тутилади.

55. Корхоналарнинг ахлатхоналари, шағал ва шох-шабба сақланадиган жойлари, сарқит ва чиқинди ўраларини қуришга фақат бу чиқиндиларни қайта ишлаш мумкин бўлмаганда йўл қўйилади, бунда саноат районлари ва тармоқлари учун одатда марказлашган (гуруҳли) ахлатхоналар қуриш кўзда тутилади. Улар учун участкалар корхоналардан ҳамда ер ости сувларининг санитария химояси зоналарининг II минтақасидан ташқарида ажратилади, бунда ифлослантирувчи моддаларнинг тупроққа ва сизот сувларига тушишига йўл қўймайдиган чоралар кўрилиши ҳамда тегишли назорат идоралари тасдиқлаган санитария нормалари ва хавфсизлик қоидаларига риоя қилиниши лозим.

Кўмир, сланец, маргимуш, кўрғошин, симоб ва бошқа ёнувчи ҳамда заҳарли моддалар бўлган ахлатхоналар турар жой ва жамоат бинолари ва иншоотларидан ҳисоблаб аниқланган ва санитария-эпиде-

миологик хизмат идоралари билан келишилган масофада жойлаштирилиши лозим.

Коммунал-омбор зоналари

56*. Коммунал-омбор зоналари худудида: озиқ-овқат саноати корхоналари; умумтовар (озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат) ва ихтисослашган омборлар (совутгичлар, картошка, сабзавот ва мева омборлари), коммунал транспорт ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш корхоналари жойлаштирилиши керак.

Аҳолига кундалик бевосита хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлмаган омборлар мажмуа тизимини, одатда, аҳоли пунктларидан ташқарида транспорт тугунларига, ташқи, асосан, темир йўл транспорт тармоғига яқин жойда шакллантириш лозим.

Аҳоли пунктлари ва уларнинг яшил зоналаридан ташқарида, шаҳар атрофининг айрим ажратилган омбор районларида санитария талаблари, ёнғинга қарши ва махсус қоидаларга риоя қилган ҳолда давлат захиралари омборлари, нефт ва нефт маҳсулотларининг 1-гуруҳ омборлари, нефть ва нефть маҳсулотларининг тушириб-ортиш омборлари, суюлтирилган газ омборлари, кучли таъсир қиладиган заҳарли моддаларнинг таянч омборлари, озиқ-овқат, ем-хашак ва саноат хом ашёлари, таянч омборлари, портловчи моддалар омборлари ўрмон ва қурилиш ашёларининг таянч омборлари алоҳида жойлаштириш кўзда тутилади.

57. Кичик шаҳарлар ва қишлоқ аҳоли пунктлари учун бир гуруҳ аҳоли пунктларига хизмат кўрсатувчи марказлаштирилган омборлар кўзда тутилиб, бундай омборлар кўпроқ туман марказларида ёки бекат ёнидаги аҳоли пунктларда жойлаштирилади.

58. Ўта йирик, йирик ва катта шаҳарларда коммунал-омбор зоналарини алоҳида-алоҳида, турар жой ва саноат районлари билан транспорт алоқаларини таъминлашни ҳисобга олиб жойлаштириш керак.

Коммунал-омбор зоналаридаги омбор объектлари ва коммунал корхоналар ихтисослашган гуруҳлар қолида, асосан бирлашган кўп қаватли уйларда ҳамда товарларни сақлашга қўйиладиган талабларга риоя қилиб, уларнинг ўзаро таъсирини ҳисобга олиб жойлаштирилиши керак.

59*. Аҳоли пунктларини қайта қуришда турар-жой ҳудудида жойлашган ҳамда санитария ва ёнғинга қарши нормалар талабларига, шунингдек, турар-жой туманининг режавий тузилмасига жавоб бермайдиган омбор ва коммунал объектлар коммунал-омбор зоналарига кўчирилиши керак.

60. Омборлар ва базалар жойлашуви учун ажратиладиган участкалар майдонини ҳисоблаш техник-иктисодий асослаш ёки амалдаги ўхшаш корхоналарга оид техник-иктисодий ҳисоблар билан белгиланади.

Аҳолига хизмат кўрсатиш учун мўлжалланган коммунал-омбор зоналари ер участкаларининг майдони ўта йирик ва йирик шаҳарларда кўп қаватли омборлар қурилишини ҳисобга олиб бир кишига 2 м² ва

бошқа шаҳар аҳоли пунктларида 2,5 м² деб олиниши мумкин. Умумтовар ва ихтисослашган омборлар участкаларининг тахминий ўлчамларини 10-иловага кўра қабул қилиш тавсия этилади.

61. Қишлоқ аҳоли пунктларининг ишлаб чиқариш зоналарида, уларнинг ишлаб чиқариш ихтисосига мувофиқ, қишлоқ хўжалик корхоналарини ҳамда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини бирламчи, тўлиқ ва мажмуий қайта ишлаш корхоналар гуруҳлари ёки айрим кичик корхоналарни жойлаштириш лозим.

Демографик таркиби, бандлик даражаси, маҳаллий анъаналарни ҳисобга олган ҳолда қишлоқ аҳоли пунктларида ҳам доимий, ҳам мавсумий тусдаги саноат корхоналарининг ихтисослашган филиалларини кўзда тутиш керак.

62. Қишлоқ хўжалик ва бошқа қайта ишлаш корхоналари, бинолар ва иншоотларни қишлоқ аҳоли пунктларининг ишлаб чиқариш зонасида жойлаштиришда уларнинг орасида технологик лойиҳалашнинг санитария, ветеринар ва ёнғинга қарши талаблари ва нормаларидан келиб чиқиб, шунингдек, ШНҚ 2.07.04-06 “Қишлоқ хўжалик корхоналари ҳудудларини меъморий режалаштириш ва ташкил қилиш” ни ҳисобга олиб, йўл қўйиладиган энг кичик масофалар белгиланиши зарур.

63. Қишлоқ аҳоли пунктларининг ишлаб чиқариш зоналарига кирувчи электр узатиш, алоқа тармоқлари ва маҳаллий аҳамиятдаги бошқа симли иншоотлари алмашлаб экиш далалари четидан, йўллар ёҳаларида, ўрмон йўллари, мавжуд

трассалар бўйлаб, тегишли меъёрий ва қонуний ҳужжатлар билан белгиланган масофаларда, қишлоқ хўжалик экинзорлари билан банд бўлмаган жойлардан коммуникацияларгача бемалол ета олиш таъминланиб жойлаштирилиши лозим.

64*. Қишлоқ аҳоли пунктларининг ишлаб чиқариш зонаси, одатда, умумий тармоқ темир ёки автомобиль йўллари билан айрим участкаларга бўлинмаслиги керак.

Қишлоқ аҳоли пунктлари ишлаб чиқариш зоналарининг ажра-тилган участкаларида санитария-ҳимоя зоналари ҳисоб бўйича 300 м дан ортиқ бўлган корхоналар ва объектларни жойлаштириш керак.

64.1. Чорвачилик мажмуалари ва фермалари ҳудудида ҳамда уларнинг санитария-ҳимоя зоналарида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналарни, овқатланиш объектларини ва уларга тенглаштирилган объектларни жойлаштиришга йўл қўйилмайди.

64.2. Қишлоқ хўжалик корхоналарини ва бошқа объектларни жойлаштиришда тупрокнинг, ер усти ва ер ости сувларининг, юзаки сув тўплаш жойларининг сув ҳавзалари ва атмосфера ҳавосининг ифлосланишига қарши чораларни назарда тутиш зарур.

VI. ЛАНДШАФТ-РЕКРЕАЦИЯ **ХУДУДЛАРИ**

Минтақавий рекреацион **тизимлар**

65*. Рекреация ҳудудларининг ривожланишини аҳоли пунктлари тизимларининг режавий тузилма-

сидан, мавжуд табиий захиралардан оқилона фойдаланишдан келиб чиқиб, уларни ўзлаштириш муддатларига боғлиқ бўлмаган ҳолда кўзда тутиш лозим.

Бадиий ва маънавий қийматга молик, табиий манзаралари сақланганлиги даражаси юқори бўлган ҳудудларда миллий ва табиий парклар барпо этиш лозим. Миллий ва табиий паркларнинг меъморий-ҳажмий тузилмаси уларнинг ҳудудидан илмий, маданий-маърифий ва дам олиш мақсадларида фойдаланишни кўзда тутиши лозим ва одатда, таркибида кўрикхона-рекреация, рекреация ва хўжалик зоналари ажратилади.

66. Рекреация мақсадлари учун ҳудуд танлаш, рекреация ҳудудини функционал зоналаштириш ва меъморий-режавий ташкил этиш учун асос бўлувчи табиий захираларни мажмуий баҳолаш асосида ўтказилиши керак. Баҳолаш курорт захиралари, манзаралар, санитария-гигиеник хусусиятлар, муҳандислик-қурилиш шароитлари, ҳудудларнинг мавжуд фойдаланишини таҳлил қилиш асосида амалга оширилади.

Рекреация ҳудудларининг чегаралари қуйидагиларни: табиий тўсиқлар (тоғ тизмалари, дарёлар, кўллар ва ҳоказо); давлат табиий паркларини, кўрикхоналар зоналарини, заказникларни ташкил этиш учун яроқли табиий ҳудудларнинг киритилишини ҳисобга олиб белгиланади.

Рекреация ҳудудларига бўлган эҳтиёж ҳисоблари ва турли рекреация зоналарида бир дам олувчи учун майдон нормаси 8-

жадвал бүйича қабул қилиниши
ЛОЗИМ.

Рекреация ҳудудларининг турлари	Аҳоли пунктлари тизимидаги бир кишига майдон нормаси, м ²	Турли рекреация зоналарида бир дам олувчига майдон нормаси, м ²
Узоқ муддатли дам олиш зоналари ва марказлари	0,8-1 / 0,2-0,3	200-400 / 150-300
Қисқа муддатли дам олиш зоналари ва марказлари	10-12 / 2-3	100-150 / 50-100

Изоҳлар: 1. “/” белгиси касрни билдиради, масалан:

$$0,8 - 1 \quad 0,2 - 0,3 = \text{-----}$$

2. Каср суратида тоғ ва тоғ олди ҳудудлари учун, махражида сув ҳавзалари ёнидаги текислик ҳудудлари учун нормалар келтирилган.

67. Кам сувли ҳудудларда дам олиш жойларини ташкил этиш учун мавжуд сув омборларининг соҳилларидан фойдаланиш, шунингдек дам олишда фойдаланиш учун сунъий ҳавзалар яратиш лозим. Улар аҳоли пунктлари тизимларининг асосий шаҳарлари-марказларидан 10-15 км доирасида жойлаштирилиши керак.

Сунъий ҳавзалар соҳилларида дам олиш зоналарининг тузилиши шу объектлардан фойдаланиш талабларига жавоб бериши ва ернинг рекультивацияси, саёз жойлар ва ботқоқликларни йўқ қилиш, сув ҳавзаларини ободонлаштириш ва табиий муҳитни асраш тадбирларини амалга оширишни кўзда тутиши лозим.

68. Табиий ва сунъий сув ҳавзалари асосида жойлаштириладиган пляжлар майдони бир кишига 5 м² ҳисобидан, ихтисослаштирилган муолажа пляжлари ҳудудининг катталиги бир кишига камида 8 м² ҳисобидан қабул қилиниши керак.

Пляжларда бир йўла мижозларнинг сони пляжларнинг бир вақтнинг ўзида хизмати коэффициентларини ҳисобга олиб ҳисобланади:

санаторийлар - 0,6 – 0,8;
дам олиш муассасалари - 0,7 – 0,9;
саломатлик оромгоҳлари - 0,2 – 0,4;
мустақил дам олувчилар - 0,5.

Соҳилларда ташкил этиладиган пляжлар сигимини оширишга сув алмашуви шартларига риоя қилган ҳолда сунъий бурунлар, қўлтиқлар ва ярим оролларни ташкил этиш йўли билан эришилади.

69. Ҳар қандай турдаги рекреация муассасалар участкалари чегарасидан:

турар жой уйларигача - камида 500 м, қайта қуриш шароитида - камида 100 м;

коммунал хўжалик муассасалари ва объектлари, базалар, омборлар ва ҳоказоларгача - камида 500 м;
I, II, III тоифадаги автомобиль йўлларигача - камида 500 м, IV тоифа - камида 200 м;

боғдорчилик ширкатлари ва дала ҳовлиларгача – 300 м масофа бўлиши керак.

Изоҳ. Мураккаб рельеф шароитларида кўрсатилган масофалар лойиҳалаш топшириғига мувофиқ қисқартирилади.

70. Тоғли рекреацион туманларнинг функционал тузилиши муайян табиий-шахарсозлик вазияти, тик зоналаштириш ва ҳоказолар, шунингдек, ҳудуддан фойдаланишнинг мўлжалдаги йўналиши ва 2-иловани ҳисобга олган ҳолда барпо этилиши керак.

Тоғ шароитларида дам олиш жойларини барпо этишда функционал зоналар ҳудудлари ва йўл қўйиладиган рекреацион юкламаси нисбатининг тахминий кўрсаткичлари 9-жадвал бўйича қабул қилиниши керак.

9-жадвал*

Зоналар	Майдоннинг нисбий салмоғи, %	Рекреацион юкламалар, киши/га
Рекреация иншоотлари	2-5	400 гача
Тоғ-спорт	15-20	2-20
Сайёҳлик ва ландшафтлий ўналиш йўлаклари: ўзлаштирилган ландшафт	10-20	22-50
Табиий ландшафтлар	50-70	0,3 – 3
Кўриқхоналар, заказниклар	30 гача	0,1-0,2

71*. Рекреация жойларининг ҳудудида барча дам олувчиларнинг, жумладан, ногиронлар ва аҳолининг кам ҳаракатланувчи гуруҳлари, шунингдек, доимий аҳолининг эҳтиёжларини қондирувчи ҳамда очик ва ёпиқ элементлардан иборат маданий-маиший хизмат кўрсатиш муассасалари тизимини шакллантириш кўзда тутилиши лозим.

Ёпиқ тармоқ мунтазам дам олиш муассасаларида ташкил этилиб,

санаторийлар, дам олиш муассасалари ва меҳмонхоналарини лойиҳалаштириш талабларига мувофиқ ҳисобланади.

Рекреация ҳудудларидаги очик хизмат кўрсатиш тармоғини 10-жадвалга кўра лойиҳалаштириш лозим.

10-жадвал*

Маданий-маиший хизмат кўрсатиш турлари	Ўлчов бирлиги	1000 дам олувчи учун меъёрий кўрсаткич
1	2	3
Умумий овқатланиш корхоналари: кафе ва тамаддихона	ўтириш жойи	28
ошхоналар	-»-	40
ресторанлар	-«-	12
Мустақил овқат тайёрлаш ўчоғи	дона	10
Дўконлар: Озиқ-овқатлар	иш жойи	1-1,5
Саноат моллари	-»-	0,5-0,8
Прокат (ижара) пункти	-«-	0,2
Киномайдончалар	томоша жойи	20
Рақс майдончалари	м ²	20-25
Спорт майдончалари	м ²	3800-4000
Қайиқ станциялари	қайиқ сони	15-20
Ҳовузлар	м ² сув сатҳи	300
Вело- ва чанғи станциялари	жой	200

10-жадвалнинг давоми

1	2	3
Авто тўхташ жойлари Умумий фойдаланиш	Автомо биль	20-25
пляжлари	га	0,8-1,0
Акваториялар	га	1,0-2,0

Изоҳ. Хизмат кўрсатиш тизимининг ҳар бир бўғини рекреация юкларини ўзгаришларига мосланиши лозим: хизмат кўрсатиш марказлари, тармоқлари - мавсумий, маҳаллий элементлар – ҳафталик; объектларнинг майдаланган тармоғи - кундалик.

72. Ререация ҳудудларида аҳоли пунктлари тизимининг асосий магистраллари билан қулай алоқалари бўлган ягона транспорт ва пиёда йўллар тизимини яратиш керак.

Йўл трассалари асосий дам олиш оқимларини тақсимловчи бош йўллар ва айрим рекреация муассасаларига хизмат кўрсатувчи маҳаллий йўлларга бўлиниши лозим.

Транзит транспорт автомобиль ва темир йўллари дам олиш жойларини кесиб ўтмай, уларнинг яқинидан ўтиши шарт. Дам олиш ҳудудидан транспорт магистралларининг ўтказилиши мажбурий бўлганда уни чуқурлаштиришни ёки ер ости ўтишлари ва осма кўприклар қурилишини кўзда тутиш лозим.

73. Дам олиш ҳудуди анча катта бўлганда чегараланган ҳаракат тезлиги бўлган ички автомобиль йўлларини ва йўл-сўқмоқ тармоғини кўзда тутиш керак, бунда йўл қисмлари қуйидаги кенгликда бўлади, м: шоссе йўллари - 9; бош йўллар - 7; бош йўллар - 5; иккинчи даражали хиёбонлар - 2,0-2,5; сўқмоқлар - 1,2-2,0.

Шаҳар ва шаҳар атрофи рекреация зоналари

74*. Шаҳар аҳоли пунктлари ландшафт-рекреация тизимини шаҳар атрофи ҳудудларининг режавий тузилмаси ечими билан уйғунликда лойиҳалаштириш керак.

Шаҳар атрофи рекреация зоналарига транспортда етиб олиш вақти 2,5 соатдан ошмаслиги керак.

75*. Шаҳар атрофи ландшафт-рекреация зонаси ичида қуйидагилар жойлаштирилади:

шаҳар ташқарисидаги парклар, боғлар, кўчатзор ва дарахтзорларнинг бошқа турлари;

дам олиш уйлари, пансионатлар, мотель ва кемпинглар, пляжлар, жисмоний тарбия ва спорт иншоотлари, сайёҳлик, ов ва балиқчилик базалари, спорт-соғломлаштириш оромгоҳлари ва болалар мактабгача тарбия муассасаларининг дала ҳовли боғлари;

даволаш-муолажа муассасалари (тегишли табиий-даволаш омиллари мавжуд бўлганда);

қариялар ва ногиронлар учун интернат-уйлар;

жамоавий боғлар ва дала ҳовли-боғлар.

75.1. Рекреацияга оид функционал зоналар таркибига дам олиш, туризм, жисмоний тарбия ва спорт машғулотлари учун мўлжалланган дарахтзорлар, хиёбонлар, парклар, шаҳар боғлари, ҳовузлар, кўллар, сув омборлари, пляжлар эгаллаган ҳудудларни киритиш мумкин.

75.2. Шаҳарлар ва қишлоқ аҳоли пунктлари чизиғи ичида алоҳида аҳамиятга эга табиатни муҳофаза қилувчи, илмий, тарихий-маданий, эстетик, дам олиш, соғломлаштириш

ва бошқа алоҳида қийматга эга бўлган ер участкаларини ўзида мужассам этган алоҳида муҳофазаланувчи табиат ҳудудлари зоналарини ажратиш мумкин.

75.3. Рекреация зоналари ва алоҳида муҳофазаланувчи табиий зоналар ҳудудларида дам олиш, соғломлаштириш ва табиатни муҳофаза қилишга оид объектларини ишлатиш билан бевосита боғлиқ бўлмаган саноат, коммунал-омборхона ва бошқа объектларнинг янгисини қуриш ва мавжудларини кенгайтириш тақиқланади.

75.4. Жамоат транспортида (транспортни кутиш вақтини ҳисобламаганда) шаҳар ва туман паркларида етиб олиш вақти 20 дақиқадан ошмаслиги зарур.

75.5. Дам олиш аҳамиятига эга зоналари таркибида ҳайвонот боғларини жойлаштириш кўзда тутиш лозим. Ҳайвонот боғларининг чегараларидан турар жой ва жамоат биноларигача бўлган масофа маҳаллий соғлиқни сақлаш идоралари билан келишилган ҳолда, шамол йўналишини ҳисобга олиб 100 м дан кам бўлмаган (шамолга рўпара томондан ва шамолга тескари томондан икки марта кўп) микдорда белгиланади.

75.6. Парклар ва боғларни жойлаштиришда мавжуд ўсимликли ва сув ҳавзали участкаларни имкони борича сақлаш зарур.

Парклар, боғлар ва хиёбонлар ҳудудининг майдонларига ҳисобида камида қўйидагича қабул қилиш лозим: шаҳар парклари - 1,5, режавий туманлар парклари - 10, турар жой туманлари боғлари - 3, хиёбонлар - 0,5. Қайта тиклаш шароитларида кўрсатилган

элементларнинг майдо-нини камайтиришга йўл қўйилади.

75.7. Дам олиш аҳамиятига эга зоналарда жойлашган аҳолининг қисқа муддатли оммавий дам олиш объектларини жойлаштирув тартиби бу зоналарига жамоат транспортида етиб олишни ҳисобга олиб, одатда, кўпи билан 1,5 соатни назарда тутиш зарур.

75.8. Қисқа муддатда оммавий дам олиш объектлари кейинги ҳолларда дам олиш зоналари ҳудудларининг ўлчамлари 1 дам олувчига камида 500-1000 м² ҳисобидан келиб чиқиб қабул қилиш лозим, шу жумладан фаол дам олиш турлари учун унинг кўп фойдаланадиган қисми битта дам олувчига камида 100 м² ташкил этиши керак. Қисқа муддатли дам олиш зонасининг айрим участкаларининг майдонини камида 50 га, чўл ва ярим чўл жойларда камида 30 га микдорда қабул қилиш зарур.

75.9. Алоҳида муҳофазаланадиган табиат ҳудудлари таркибида табиий шифобахш омилларга, энг қулай микроклимий, ландшафт ва санитария-гигиеник шароитларга эга бўлган ерларда даволаш-соғломлаштириш участкаларини ажратиш мумкин. Курортлар ҳудудларида курорт зонасини шакллантирувчи санаторий-курорт ва соғломлаштириш муассасаларини, дам олиш ва туризм муассасаларини, даволанувчилар ва дам олувчиларга хизмат кўрсатиш муассасалари ва корхоналари, курорт паркларини ва бошқа умумий фойдаланиш яшил ҳудудларни, пляжларни жойлаш-тириш лозим.

75.10. Курорт зоналарининг умумий фойдаланиш яшил ҳудуд-

ларининг ўлчамлари санаторий-курорт ва соғломлаштириш муассасаларида битта жой учун 100 м² ҳисобидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Изоҳлар: 1. Ландшафт-рекреация зонаси доирасида шаҳар атрофи ва қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи бинолар ва иншоотлар; шаҳар аҳоли пунктига темир йўл ва автомобиль етиб бориш йўллари; электр узатиш линиялари ва кичик станциялари жойлаштирилиши мумкин.

2. Ландшафт-рекреация зонасида унинг экологик, санитария-гигиеник ва дам

олиш вазифаларини бажаришига салбий таъсир қилувчи хўжалик фаолияти тақиқланади.

3. Чўл жойлардаги курорт зоналарида умумий фойдаланишга мўлжалланган кўкаламлаштирилган ҳудудлар 50% дан ошмаган миқдорга камайтиришга йўл қўйилади.

76*. Аҳолининг ҳар хил турдаги ва шакллардаги дам олишга бўлган меъёрий эҳтиёжининг меъёрий ҳисоби 11-жадвалга кўра қабул қилиш ҳисоблаш тавсия этилади.

11-жадвал

Жойлаштириш шарт-вазиятлари ва табиий дам олиш захиралари	Дам олувчиларнинг тақсимланиши	Шаҳар тоифаси ва дам олувчиларнинг тахминий тақсимооти		
		ўта йирик ва йирик	катта ва ўрта	кичик
Қулай: шаҳарда, 20 ва ундан ортиқ	Ташқарига чиқади	20-30 / 10-20	15-25 / 10-15	5-10 / 0
шаҳар атрофида, 70 ва кўпроқ	Шаҳарда қолади	40-30 / 50-40	45-35 / 50-45	55-50 / 55-50
Нисбатан қулай: шаҳарда, 5-10	Ташқарига чиқади	15-25 / 5-15	15-20 / 5-10	0-5 / 0
шаҳар атрофи зонасида, 15-45	Шаҳарда қолади	45-35 / 55-45	50-40 / 55-50	60-55 / 60
Ноқулай: шаҳарда, 0-3	Ташқарига чиқади	5-10 / 0-5	0-5 / 0	0 / 0
шаҳар атрофи зонасида, 0-10	Шаҳарда қолади	55-50 / 60-55	60-55 / 60	60 / 60

Изоҳлар: 1. «/» белгиси касрни билдиради, масалан:

20-30
20-30 / 10-20 ёки -----
10-20

2. Жадвалда ёзги якшанба кунлари қисқа муддатга дам олувчи шаҳарликлар тақсимотининг шаҳар аҳолиси сонига нисбатан фоизлардаги фарқлама ҳисоб кўрсаткичлари берилган.

3. Сураат ва махражда дам олувчиларнинг таркиби кам ва сераҳоли шаҳарлар учун дам олувчилар кўрсаткичлари келтирилган.

4. Шаҳар ташқарисидаги рекреация ҳудудлари учун дам олувчилар алмашиш коэффицентини - 1, шаҳар ичида - 2 деб олиш керак.

5. Бир вақтда дам олувчи шаҳар ва қишлоқ аҳолиси сонининг нисбатини мавсумдан қатъи назар 6:1 деб олиш тавсия этилади.

77. Шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктларида, одатда, кўкаламзорлаштирилган ҳудудлар ва бошқа очик майдонларнинг узлуксиз тизимини кўзда тутиш зарур.

Шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктлари аҳоли жойлашган ҳудудида жойлашадиган умумий фойдаланиш кўкаламзор ҳудудлари: парклар, боғлар, хиёбонлар, сайр кўчаларининг майдонини 83-84 ва 86-87

бандлар талабларига мувофиқ олиниши керак.

78. Умумий фойдаланиш кўкаламзор худудларининг бир вақтдаги миқдорлари сони ҳисоби одам/га қуйидагилардан ошмаслиги лозим:

шаҳар парклари учун – 150-200;

турар жой туманлари парки учун – 100;

дам олиш зоналари парклари ва гидропарклар учун – 50-70;

сунъий ўрмонзорлар ва табиий манзара участкалари учун - 1-10.

79. Ўта йирик, йирик ва катта шаҳарларда, кичик шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктлари - туман марказларида, шаҳар ва туман миқёсидаги парклар билан бир қаторда, шунингдек, қишлоқлараро зоналар ва қисқа муддатли дам олиш марказларида ихтисослаштирилган болалар парклари (спорт, кўргазма, ҳайвонот ва бошқа) ва ботаника боғлари жойлаштирилиши мумкин, уларнинг катталиги лойиҳалаштириш топшириғига биноан олиниши лозим.

Шаҳар аҳоли пунктлари кўкаламзорлари

80*. Шаҳар аҳоли пунктларидаги турар-жой худудларининг яшил кўчатзорларини лойиҳалаштириш уларнинг худудлари ривожланиши ва қурилишини режалаштириш лойиҳаларининг меъморий-режавий ва муҳандислик масалаларининг бутун мажмуини ҳисобга олган ҳолда, бошқа худудлар ва шаҳар атрофи зоналарининг кўкаламзорлаштирилишининг ечимлари билан уйғунликда амалга оширилиши керак.

Яшил кўкаламзорларнинг қуйидаги таснифига риоя қилиш лозим:

- умумий фойдаланиш кўкаламзорлари;

- фойдаланиши чекланган кўкаламзорлар;

- махсус мақсадли кўкаламзорлар.

81*. Қулай ва чекланган-қулай шароитларда жойлашган ўта йирик, йирик ва катта шаҳарларда бульварлар ва суғориш каналлари ёқасидаги кўкаламлашган худудлар билан ягона тизимга бирлашган шаҳар, туман парклари ва турар жой тумани боғлари кўринишидаги умумий фойдаланиш кўкаламзорларининг ривожланган тизимини яратиш лозим.

Ноқулай ландшафт-иқлим шароитларида хиёбонлар сонини, пиёда йўлаклар ва бульварлар узунлигини ошириш йўли билан парклар майдонини камайтиришга йўл қўйилади.

81.1. Курорт зоналарида ва дам олиш зоналарида жойлашган пляжлар худудининг ўлчамлари битта миқдор учун m^2 ҳисобида камида қуйидагича қабул қилиш зарур:

дарё ва кўл.....8

дарё ва кўл (болалар учун).....4

Қишлоқ хўжалиги учун фойдаланишга яроқли бўлган ерлардаги курорт зонаси ташқарисида жойлашган дарё ва кўл пляжлари ўлчамлари битта миқдор учун $5 m^2$ ҳисобидан келиб чиқиб қабул қилиш лозим.

Ҳаракати чекланган даволашувчилар учун махсус даволаш пляжлари худудининг ўлчамлари битта миқдор учун $8-12 m^2$ ҳисобидан келиб чиқиб қабул қилинади.

81.2. Янги лойиҳаланаётган санаторий-курорт ва соғломлаштириш муассасалари ер участкалари чегарасидан бўлган масофа m ҳисобидан

бида камида қуйидагича қабул қилиш зарур:

турар жой ва жамоат қурил-маларигача (курорт ва дам зонасига хизмат кўрсатишга алоқадор бўлмаган), коммунал хўжалик объектлари ва омборхоналаргача (қайта тиклаш шароитида камида 100 м).....500

умумий тармоқдаги темир йўл-ларигача.....500

тоифали автомобил йўллари-гача:

IA, IB.....500

IB, II, III.....300

IV.....200

V.....50

боғ-дала ҳовли қурилмалари-гача300.

Давлат маҳаллий ва ўзгача тои-фадаги алоҳида муҳофазаланадиган табиат ҳудудлари қонун йўли билан аниқланади.

Алоҳида муҳофазаланадиган табиат ҳудудларининг ўлчамлари ва фойдаланиш тартиби қонун йўли билан белгиланади.

Парклар, ўрмонли парклар, шаҳар ўрмонлари ҳудудида бир вақтдаги мижозлар ҳисобий сони, одам/га тарзида, кўпи билан қуйидагича қабул қилиш лозим:

шаҳар парклари учун.....100

дам олиш зонаси парклари учун.....70

курорт парклари учун.....50

ўрмон парклари учун (ўтлоқ парклари, сувли парклар)10

шаҳар ўрмонлари учун.....1-3.

Мижозлар сони бир вақтнинг ўзида 10-15 одам/га бўлганда яратиш шароитларини ҳисобга олган ҳолда бир кишига умумий фойдаланиш яшил кўкаламзорлар

уларнинг ҳаракатини ташкил этиш учун сўқмоқ-йўл тармоғини, ўрмон ялангликлари чеккаларида эса туп-роқни химояловчи кўчатларни экишни; мижозлар сони бир вақтнинг ўзида 50 одам/га ва ундан ортиқ бўлганда ўрмон ландшафтини паркга айлантириш чораларини назарда тутиш керак.

81.3. Шаҳар ва туман аҳамия-тига эга парклари бўлган ўта йирик ва катта шаҳарларда ўлчамлари лойиҳа топшириғи бўйича қабул қилиниши зарур бўлган ихтисос-лашган болалар спорт, кўрғазма, зоология ва бошқа парклар, бота-ника боғлари назарда тутиш керак.

Болалар паркиннинг тахминий ўлчамлари майдончаларни ва спорт иншоотларини ҳам қўшганда 0,5 м²/одам ҳисобидан қабул қилишга йўл қўйилади.

81.4. Эстетик ва маданий қимматга эга юқори даражада сақ-ланган табиий ландшафтлар ҳудуд-ларида миллий ва табиат паркларни шакллантириш зарур.

81.5. Миллий ва табиат парк-ларини меъморий-ҳажмий ташкил этишда уларнинг ҳудудларини, одатда, кўриқхона, кўриқхона-рекреация, рекреация ва хўжалик зоналарига ажратиш билан бирга илмий, маданий-маърифий ва рекреация мақсадларида фойдала-нишни назарда тутиш лозим.

Парклар ва боғларни жойлаш-тиришда мавжуд дарахтзорлар ва сув ҳавзаларини имкони борида сақлаб қолиш зарур.

82. Шаҳар аҳоли пунктлари катталигини ва кўкаламзорлар майдони нормасини 12-жадвал маълумотларига кўра қабул қилиш тавсия этилади.

12-жадвал

83*. Турли табиат шароитлари ҳисобга олинган шаҳар аҳоли пунктларининг ҳар хил турларидаги қурилиш элементлари бўйича умумий фойдаланиш кўкаламзорлари нормасини ҳисоблаш ва тақсимлашда 13-жадвал маълумотларидан фойдаланиш лозим.

Шаҳар аҳоли пунктлари турлари	Нисбий майдони, м ² /киши, яшил кўчатзорларни яратишнинг турли шароитларида		
	Қулай (текислик ва тоғолди воҳалари)	Чекланган қулай (чўл-сахро воҳалари кўриқ ерлар)	Ноқулай (чўл-сахролар)
Ўта йирик, йирик ва катта	17-19	13-15	-
Ўрта	14-16	11-13	8-10
Кичик	11-13	8-10	4-6

13-жадвал*

Умумий фойдаланиш кўкаламзорлари турлари	Кўкаламзорлар нисбий майдони, м ² /киши, турли ландшафт-иқлим шароитларида жойлашган турли катталиқдаги шаҳарлар учун (16 м ² /киши турар жой билан таъминлаш нормасида)							
	Ўта йирик, йирик ва катта		ўрта			кичик		
	Текислик ва тоғолди воҳалари	Чўл-сахро воҳалари, кўриқ ерлар	Текислик ва тоғолди воҳалари	Чўл-сахро воҳалари, кўриқ ерлар	Чўл-сахролар	Текислик ва тоғолди воҳалари	Чўл-сахро воҳалари, кўриқ ерлар	Чўл-сахролар
Шаҳар парклари	4	3	5	4	3-4	6	5	2-3
Туман парклари	4	3	-	-	-	-	-	-
Хиёбон ва сайргоҳлар	2	2-3	2	1-2	1 гача	2-3	1-2	1 гача
Жами	10	8-9	7	5-6	4-5	8-9	6-7	3-4
Турар жой туманларидаги боғлари	4-5	3	4-5	3-4	2-3	-	-	-
Мавзелардаги умумий фойдаланиш кўкаламзорлари	3-4	2-3	3-4	2-3	2	3-4	2-3	1-2
Жами	7-9	5-6	7-9	5-7	4-5	3-4	2-3	1-2
Ҳаммаси бўлиб	17-19	13-15	14-16	11-13	8-10	11-13	8-10	4-6

Изоҳлар: 1. Тошкент шаҳрида кўкаламзорлар тизимини лойиҳалаштиришда

Тошкент шаҳри учун ишлаб чиқилган ва белгиланган тартибда тасдиқланган

шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларидан фойдаланиш лозим.

2. Лойиҳалашнинг алоҳида шaroит-ларида 13-жадвал нормалари 14-жадвал тавсиялари билан аниқланиши мумкин.

14-жадвал*

Лойиҳалаш шaroитлари	Йўл қўйиладиган аниқлашлар тури
Шаҳар аҳоли пункти ҳудудида қурилишга яроқсиз ва кўкаламзорлаштиришни талаб этувчи катта майдонли участкалар мавжудлиги (оқава анҳорлар ўзанлари, жарлик ва бошқалар).	Ноқулай кўкаламзорлаштирилувчи ҳудудларнинг бу участкаларга интилган аҳолининг дам олишини ташкил этиш мақсадида ҳақиқий майдони оширилиши мумкин. (шаҳар аҳоли пункти учун ўртача етишиш яқинлигида).
Шаҳар аҳоли пунктлари ҳудудида чўмилиш ва сув спорти учун яроқли катта ҳавзалар мавжудлиги	Ҳавзалар майдони шаҳар аҳоли пункти ҳудудлари балансида алоҳида ҳисобга олиниши керак. Умумий фойдаланиш кўкаламзорлари майдонини 1-2 м ² /кишигача ошириш мумкин. Пляжлар, қайиқ станциялари ва шунга ўхшашларни ташкил этиш учун
Шаҳар аҳоли пунктларининг қурилиши ичида умумий кўкаламзорлаштириш нормасини оширувчи майдони катта кўкаламзорлаштириладиган санитария-ҳимоя зоналари ва махсус мақсадли ва чекланган фойдаланиш кўкаламзорларнинг мавжудлиги	Махсус мақсадли ва чекланган фойдаланиш кўкаламзорларининг тахминан икки марта ортиқ майдони аҳолининг дам олиши учун қўлланиши шarti билан 20 % гача камайтириш мумкин..
Ўта мураккаб топографик шaroитлар (кучли кесишган рельеф, ниқоятда катта қияликлар ва шунга ўхшаш)	Тик ён бағирлар, ер тўлдириш ёки ўралар барпо этиш зарурлигида майдонини 10-20 % гача ошириш мумкин; таянч деворлари барпо этилганда майдони 10-20 % га қисқаради..
Шахсий участкаларда ёки хонадон ёнида боғчаси билан турар жой биноларининг юқори нисбий улуши	Умумий фойдаланиш кўкаламзорлари нормасини 30-40 % гача камайтириш мумкин

84. Мавзедаги кўкаламзорларни 15-жадвал бўйича лойиҳалаштириш лозим.

15-жадвал

Мавзелардаги умумий фойдаланиш кўкаламзорлари элементлари	Майдонлари, м²/киши, кўкаламзорларни яратиш шaroитларига боғлиқ		
	Қулай (текислик ва тоғолди воҳалари)	Чекланган қулай (чўл-сахро воҳалари, қўриқ ерлар)	Ноқулай (чўл-сахролар)
Мавзелардаги боғлар, хиёбонлар	1	-	-
Турар жой уйлари гуруҳлари ва маҳалла марказлари қошидаги боғлар	1-1,5	1-1,5	1
Асосий пиёда йўналишларидаги йўлаклар	1-1,5	1-1,5	0-1
Жами	3-4	2-3	1-2

Қишлоқ аҳоли пунктлари **кўкаламзорлари**

85. Қишлоқ аҳоли пунктларидаги кўкаламзорларни лойиҳалашда табиий-иқлим шароитларини ҳудуднинг режавий тузилмаси ва уларни

оқилона жойлаштиришни таъминлаш билан уйғунликда ҳисобга олиш лозим.

Умумий фойдаланиш кўкаламзорлаштиришининг нормаларини 16-жадвал бўйича қабул қилиш керак.

16-жадвал*

Аҳоли пунктнинг тури	Умумий фойдаланиш кўкаламзор нормалари, м ² /киши, қишлоқ аҳоли пунктлари аҳолиси интилувчи аҳоли билан биргаликда сони, киши, бўлганда				
	500 гача	501-1000	1001-2000	2001-5000	5000 ва ундан ортиқ
Хўжаликнинг ёрдамчи посёлкаси	10-12	8-10	6-8	4-6	-
Хўжаликнинг марказий кўрғони	-	12-15	8-10	6-6	4-6
Қишлоқ аҳоли пунктлари – жойлаштириш тизимларидаги хизмат кўрсатиш марказлари	-	-	10-12	8-10	6-8

Изоҳлар*: 1. Хизмат кўрсатиш марказларига интилувчи аҳоли сонини ҳар бир муайян ҳолда маҳаллий шароитга қараб аниқлаш керак. Лойиҳалаштирилаётган қишлоқ аҳоли пунктнинг ҳисобдаги аҳоли сонини аниқлаш учун унинг аҳолиси сонига у хизмат кўрсатиш маркази вазифасини бажарадиган қишлоқ аҳоли пунктлари аҳолисидан 10 % кўшиш керак бўлади.

2. 1-рақам - саҳродаги воҳаларда кўкаламзорлаштириш нормаси, 2-рақам - текислик ва тоғолди воҳаларида.

86*. Паркларни маҳаллий (хўжалик ичидаги, хўжаликлараро ва ҳоказо) жойлаштириш тизимларида хизмат кўрсатиш марказлари вазифасини бажарадиган қишлоқ аҳоли пунктларида лойиҳалаштириш керак.

Паркдаги турли зоналар таркиби ва катталиги лойиҳалаш топшириғига ва ШНҚ 2.07.02-07 “Инсонларнинг ҳаёти ва фаолияти муҳитини ногиронлар эҳтиёжлари ва

аҳолининг кам ҳаракатланувчи гуруҳларини ҳисобга олган ҳолда лойиҳалаш” га кўра белгиланади.

87*. Қишлоқ аҳоли пунктларини лойиҳалашда кўкаламзорлар нормаси элементлар бўйича қайта тақсимланиши мумкин. Кўкаламзорлардан оқилона фойдаланиш мақсадида уларни марказни шакллантирувчи жамоат бинолари олдидаги хиёбонларда, турар жой гуруҳлари ва тузилмалари марказларида жойлаштирилади.

88*. Бульварларни (сайр кўчаларини), одатда, асосий пиёда ҳаракати йўналишларида барпо этиш кўзда тутилиши керак.

89*. Кучли шамоллар, чанг тўзонлари, гармселлар ва ҳоказоларга мойил саҳро ва қўриқ ер ҳудудларида лойиҳалаштириладиган қишлоқ аҳоли пунктлари учун шамол-

нинг устивор йўналиши томонидан 50 м кенгликдаги ихота дарахтзорлари барпо этилиши кўзда тутилиши зарур; бундай ихотани яратиш мумкин бўлмаганда иқлимнинг салбий омилларини юмшатувчи махсус режалаштириш усуллари ва бино турларини ишлаб чиқишни кўзда тутиш керак.

90. Аҳоли пунктларининг бинолари ва иншоотларидан ҳамда муҳандислик ободонлаштириш объектларидан бута ва дарахтларгача бўлган масофани 17-жадвалга кўра қабул қилиш лозим.

91. Чўл ва дашт районларида жойлашган аҳоли пунктлари учун шамолларнинг устивор йўналишини ҳисобга олиб, 304-бандга мувофиқ санитария-ҳимоя ихота дарахтзорларини кўзда тутиш лозим бўлади.

17-жадвал

Муҳандислик ободонлаштириш биноси, объекти, иншооти	Бино, объект, иншоотдан ўққача масофалар, м	
	дарахт пояси	бута пояси
Бино ва иншоотнинг ташқи девори	5	1,5
Трамвай йўлининг чети	5	3
Тротуар ва боғ йўлкаси чети	0,7	0,5
Кўча қатнов қисмининг чети, йўл ёқасининг мустақкам чети ёки ариқ қирғоғи	2	1
Ёритиш тармоғи, трамвай устунни ва таянчи, кўприк таянчи, эстакада	4	-
Поғона ёнбағри асоси ва бошқа	1	0,5
Таянч деворининг асоси ёки ички қирраси	3	1

17-жадвалнинг давоми

Муҳандислик ободонлаштириш биноси, объекти, иншооти	Бино, объект, иншоотдан ўққача масофалар, м	
	дарахт пояси	бута пояси
Ер ости тармоқлари: газопровод, оқава, иситиш тармоғи (канал, тоннелнинг девори ёки каналсиз ўтказишда қобиғи)	1,5	-
водопровод, дренаж	2	-
кучланиш кабелли, алоқа кабелли	2	0,7

Изоҳлар*: 1. Келтирилган нормалар шох-шаббаси 5 м гача бўлган дарахтларга тегишли бўлиб, каттарок дарахтлар учун оширилиши мумкин.

2. Электр узатиш ҳаво линияларидан дарахтларгача бўлган масофани электр қурилмаларни ташкил қилиш қоидаларига белгилаш зарур.

3. Бинолар ёнида экиладиган дарахтлар ШНҚ 2.08.01-05 “Турар жой уйлари” ва ШНҚ 2.08.02-07 “Жамоат бинолари ва иншоотлари” га мувофиқ турар жой ва жамоат иморатларининг қуёш тушиши ва ёритилишига тўсқинлик қилмаслиги керак.

92.* Шаҳар атрофи ва ландшафт-рекреация зоналарини режалаштиришда X ва XI бўлим тавсияларига мувофиқ ҳудудни муҳандислик тайёрлаш ва табиатни муҳофаза қилиш бўйича тадбирлар мажмуасини ўтказиш кўзда тутиш зарур.

93.* Шаҳар аҳоли пунктлари шаҳар атрофи зоналарида шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктлари гуруҳини экиш материаллари билан таъминлашни ҳисобга олиб дарахт ва бута ўсимликларининг ҳамда гулоранжерея хўжаликлари кўчатхона-

ларини ташкил этиш лозим. Кўчатхоналарнинг майдони ва сони лойиҳалаштириш топшириғига кўра белгиланиши лозим.

Кўчатхоналар майдони аҳолининг умумий фойдаланиш кўкаламзор ҳудудлари билан таъминланганлиги даражаси, санитария-иҳота зоналари катталиги, жамоа боғлари ва дала ҳовлили посёлкаларининг ривожланишига қараб 3-5 м²/киши ҳисобидан қабул қилиниши тавсия этилади.

Гул – оранжерия хўжаликларининг умумий майдонини 0,4 м²/киши ҳисобидан қабул қилиш.

93.1. Оммавий тарзда қисқа муддатли дам олиш учун мўлжалланган зоналарини санаторийлардан, болалар ва ўсмирлар учун дам олиш оромгоҳларидан, мактабгача санатория-соғломлаштириш муассасаларидан, боғдорчилик ширкатларидан, умумтармок автомобиль йўлларида камидан 500 м, дам олиш уйларида эса камидан 300 м масофада жойлаштириш зарур.

93.2. Ўрмон парклари, дам олиш зоналари ва курорт зоналари чегарасида автомобиллар тўхташ жойи ўлчамлари лойиҳа топшириғига асосан, агар маълумотлар йўқ бўлса, у ҳолда 9-илова бўйича аниқланади.

93.3. Курорт зонаси табиий даволаш омилларига, ҳамда энг қулай микроклим, ландшафт ва санитария-гигиеник шароитларга эга бўлган ҳудудларда жойлашиши керак. Унинг ичида санатория-курорт ва соғломлаштириш муассасаларини, дам олиш ва туризм муассасаларини, умумкурорт марказини, курорт паркларини ва бошқа умумий

фойдаланиш кўкаламзор ҳудудларни, пляжларни ўз ичига олган даволанувчиларга ва дам олувчиларга хизмат кўрсатиш муассасалари ва корхоналар шакллантириган жамоат марказларини жойлаштириш лозим.

93.4. Курорт зонаси учун ҳудудида рухсат этилган даражадаги шовкин бўлган узоқ муддатли санаторий-курорт муассасаларини ва энг камидан 100 м кўкаламзор зонаси билан катталар учун муассасалардан алоҳида ажратилган болалар санатория-курорт ва соғломлаштириш муассасаларини жойлаштиришни; даволанувчиларга ва дам олувчиларга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлмаган саноат ва коммунал-омборхона объектларини, тураржой ва жамоат биноларини олиб чиқишни; транспорт ҳаракатини ва тўғри ўтувчи транспорт оқимини мустасно қилишни назарда тутиш зарур.

Санатория-курорт ва соғломлаштириш муассасаларининг хизмат кўрсатувчи ходимлари яшайдиган турар жой биноларини курорт зоналаридан ташқари, ишлаш жойига бориш учун зарур бўлган вақти сарфи 30 дақиқа атрофида бўлишини таъминлашни назарда тутиш лозим.

93.5. Курорт зонаси чегарасида жойлашган бир хилдаги ва ихтисослиги бўйича яқин бўлган санатория-курорт ва соғломлаштириш муассасаларини, одатда, тиббий, маданий-маиший ва хўжалик бўйича хизмат марказини таъминловчи ва ягона меъморий-ҳажмий ечимга эга бўлган мажмуаларга бирлаштириш зарур.

VII. ХИЗМАТ КЎРСАТИШ МУАССАСАЛАРИ ВА КОРХОНАЛАРИ

Маданий-маиший хизмат кўрсатиш корхона ва муассасалари

94.* Хизмат кўрсатиш муассасалари ва корхоналари уларнинг турар-жой ва иш жойларига яқинлиги ҳамда жамоат йўловчи транспорти тармоғи билан уйғунликдаги хизмат кўрсатиш марказларини шакллантиришни ҳисобга олган ҳолда жойлаштирилади.

Хизмат кўрсатиш муассасалари ва корхоналарининг сиғимини аҳоли маданий-маиший эҳтиёжларини қондиришнинг реал имкониятларини ҳисобга олиб ҳисоблаш керак. Ҳисоблар учун ижтимоий меъёрий таъминланишнинг кўрсаткичларидан фойдаланиш лозим.

Хизмат кўрсатиш муассаса ва корхоналари ер участкаларининг майдонлари 3-иловада берилган.

Изоҳлар:1. Хизмат кўрсатиш муассасалари ва корхоналарини ҳисоблашнинг меъёрий кўрсаткичлари муайян шароитлар учун лойиҳалаш топшириғига кўра аниқланиши керак.

2. Келтирилган ҳисоб нормалари олий ўқув юртлари, саноат корхоналари ва бошқа меҳнат қилиш жойлари ҳудудидаги

хизмат кўрсатиш муассасалари ва корхоналарини лойиҳалаштиришга тегишли эмас.

3. Мазкур бўлимда кўрсатилмаган хизмат кўрсатиш муассасалари ва корхоналарининг жойлашуви, сиғими ва ер участкалари майдони лойиҳалаштириш топшириғига кўра аниқланиши керак.

4. Тарихий ва курорт аҳоли пунктларининг хизмат кўрсатиш тармоқларини ҳисоблашда дам олишга ва даволанишга келувчи сайёҳларнинг сонини ҳисобга олиш лозим.

95.* Турар жой бинолари қурилган ҳудудларда жойлаштириладиган оммавий маданий-маиший хизмат кўрсатиш муассасалари 18-жадвалга мувофиқ хизмат кўрсатиш доираларидаги пиёда етиб бориш яқинлигида бўлиши керак ва бунда ШНҚ 2.07.02-07 “Инсонларнинг ҳаёти ва фаолияти муҳитини ногиронлар эҳтиёжлари ва аҳолининг кам ҳаракатланувчи гуруҳларини ҳисобга олган ҳолда лойиҳалаш” талабларини ҳам ҳисобга олиш зарур.

Қишлоқ жойларда якка-якка жойлашган оммавий талабга эга хизмат кўрсатиш объектларини марказ ҳисобланган аҳоли пунктларида, уларга 30-дақиқалик транспорт яқинлигида жойлашган аҳоли пунктларида истиқомат қилувчи аҳоли интилишини ҳам ҳисобга олиб жойлаштириш керак.

18 –жадвал*

Муассасалар ва корхоналар	Хизмат кўрсатиш радиуси, м	
	шаҳар	қишлоқ
Умумий турдаги болалар мактабгача муассасалари	300	500
Худди шундай, кам зичликда 1-2-каватли турар-жой биноларида	500	750
Умумтаълим ўқув юртлари: I босқич – бошланғич синфлар	300-500	500-750
II босқич – V-IX синфлар	500-750	750-2000

18 –жадвалнинг давоми

Муассасалар ва корхоналар	Хизмат кўрсатиш радиуси, м	
	шаҳар	Қишлоқ
Ҳордиқ ва жисмоний-соғломлаштириш фаолияти учун мўлжалланган бинолар	200-500	
Маҳалла марказлари (жамоат идоралари, яшаш жойи ёнидаги ҳордиқ жойлари)	150-300	300-750
Савдо, умумий овқатланиш ва маиший хизмат корхоналари: Маҳаллий аҳамиятга эга марказлар кундалиқ қатнов	300-500	500-2000
Даврий қатнов (жумладан ноозик-овқат дўконлари, бозорлар)	1000-1500	транспорт билан 30 дақиқа
Дорихоналар, сут ошхонаси тарқатиш пунктлари, алоқа бўлимлари, банк филиаллари	500	2000 гача (ёки транспорт билан 30 дақиқа)
Шу каби, кам зичликда 1-2-каватли қурилмаларда	600-800	
Поликлиникалар ва филиаллари (қишлоқ жойларда: амбулаториялар, фельдшер-акушер пунктлари)	800-1500	
Туман аҳамиятидаги жисмоний-спорт марказлари	1000-1500	транспорт билан 30-40 дақиқа

Изоҳлар:* 1. Кўрсатилган хизмат кўрсатиш радиуслари болаларнинг махсус ва соғломлаштириш муассасалари, болалар ясли-боғчалари ва ихтисослаштирилган таълим мактаблари (тиллар, математика ва бошқалар), гимназиялар, лицейлар ва ҳоказоларга тегишли эмас.

2. Чўл ва ярим чўл зонасидаги, шунингдек, мураккаб рельефдаги қурилишда пиёда яқинликнинг етишиш радиусларини 20-30 % га камайтириш мумкин

96. Хизмат кўрсатиш муассасалари ва корхоналарининг бинолари ва ер участкалари чегарасидан кўчаларнинг қизил чизиклари ва бошқа биноларгача энг кам масофалари 19-жадвал* бўйича олиниши керак.

Хизмат кўрсатиш муассаса ва корхоналарининг бинолари (ер участкалари)	Хизмат кўрсатиш муассаса ва корхоналарининг бинолари (ер участкалари)дан масофа, м			
	қизил чизикча		Турар жой уйлар деворигача	Умумтаълим мактаб, болалар мактабгача ва даволаш муассасалари биноларигача
	шаҳарларда	қишлоқ аҳоли пунктларида		
Мактабгача таълим муассасалари, умумтаълим мактаблари (бино деворлари)	25	10	Куёш тушиши ва ёритиш нормаларига кўра	Куёш тушиши ва ёритиш нормаларига кўра
Иккиламчи хом ашё қабул пунктлари	-	-	20*	50
Қабристонлар: анъанавий дафн ва крематорийлар	6	6	100* ЎзР Сан Н ва Қ №0227-07	100* ЎзР Сан Н ва Қ №0227-07300
кремациядан сўнг дафн этиш	6	6	50	50

* - эшиклар ва деразалари билан.

Изоҳлар:* 1. Янги жойлаштирилган поликлиникалар, диспансерлар, шифохоналарнинг участкаларини қизил чизикдан камида 6 м масофада жойлаштириш керак

2. Анъанавий дафн қабристонининг ёпилганидан 25 йилдан сўнг турар жой қурилишигача масофалари 50 м гача қисқартирилиши мумкин, тарихий дафнлардан турар жой ва жамоат биноларигача масофалар лойиҳалаштириш топшириғига кўра аниқланиши керак. (ЎзР Сан Н ва Қ №0227-07)

3. Иккиламчи хом ашё қабул пунктлари яшил кўчатзорлар билан чегараланиши керак.

4. Шифохоналарнинг ер участкаларида хўжалик зонасига ҳамда даволаш (юкумлилар учун алоҳида) ва патолого-анатомик корпусларга алоҳида кириб боришлар кўзда тутилиши лозим

97.* Болалар мактабгача тарбия муассасаларининг сиғимларини маҳаллий халқ таълими идоралари белгилайдиган болаларнинг ушбу муассасалар билан қамраб олиниши

кўрсаткичлари, соғломлаштириш ва махсус муассасалар учун эса соғлиқ сақлаш идоралари белгилайдиган кўрсаткичларга мувофиқ ҳисобланиши лозим. Тахминий ҳисоблар учун 20-жадвал маълумотларидан фойдаланиш мумкин.

Болалар мактабгача тарбия муассасаларининг тармоғига, шунингдек, идораларга қаршли муассасалар, ширкат ва хусусий ясли-боғчалар ҳам кириши мумкин.

20-жадвал*

Шахарсоз-лик шароитларининг турлари	Муассасаларнинг таъминланганлик даражаси, мактабгача ёшидаги болаларнинг қамрови фоизи			
	умумий турдаги	соғломлаштириш	махсуслаштирилган	жами
Саноат шаҳарлари ва саноат-аҳоли жойлашган туманлар, янги қурилиш турар жой туманлари	70	8	2	80
Тарихий шаклланган бинолар (эски шаҳар), кам қаватли шахсий турар-жой иморатли туманлари	50	8	2	60
Қишлоқ аҳоли пунктлари	40	5-10	5-10	45-55

Изоҳлар: 1. Янги қурилган аҳоли пунктларида демографик маълумотлар бўлмаганда ўхшаш маълумотлар бўйича қабул қилиш мумкин.

2. Ёпиқ ҳовузлар 100 жойдан ортиқ бўлган сиғимдаги муассасаларда ёки 300 м яқинликдаги болалар муассасалари гуруҳи учун кўзда тутилиши керак.

3. Ер участкаларининг майдони 1 жой ҳисобидан қабул қилиниши керак, м²:

100 жойгача - 40

100 жойдан 320 жойгача - 35

360 ва ундан кўп жойли мажмуаларда - 30.

Реконструкция шароитида участкалар майдони 25% га, рельефда ва янги ўзлаштириладиган ҳудудларда жойлашганда - 15-20 % га камайтирилиши мумкин

4. Ясли ёшидаги болаларнинг гуруҳ майдончаси майдони 1 жойга 7,5 м² ҳисобидан қабул қилиш керак.

5. Мактабгача ёшдаги болаларнинг ўйин майдончаларини умумий турдаги болалар муассасаси участкасидан ташқарида жойлаштириш мумкин.

98. Соғломлаштириш ва махсус болалар муассасалари соғлиқ сақлаш идораларининг топшириғи бўйича жойлаштирилади.

Умумтаълим мактаблари ва мактаб-интернатлар

99*. Мактаблар, гимназиялар, лицейлар, коллежларнинг ҳар хил турлари ва ҳоказоларни ичига олувчи умумтаълим ўқув юртлири болаларнинг у ёки бу таълим босқичи ўқув муассасалари билан қамраб олиниши кўрсаткичлари асосида ҳисобланиши керак. Умум-таълим мактаблари, ўқув-ишлаб чиқариш комбинатлари, мактаб-интернатлардаги жойлар сони ва ер участкаларининг катталиги 21-жадвалга кўра олиниши керак.

99.1. Умумтаълим мактаблари синфларининг меъёрий тўлалиги кўпи билан 35 ўқувчидан (келажакда эса кўпи билан 30 ўқувчидан) иборат бўлган 9 йиллик мактаб ўқитишига умумтаълим мактаблари, ўқув-ишлаб чиқариш комбинатлари, мактаб-интернатлардаги жойлар сони ва ер участкаларининг катталиги 21-жадвал* ва МКМ-01-04* “Общеобразовательные школы и школы-интернаты”, ШНК 4.13.51-04 “Общеобразовательные школы и пришкольные интернаты”

100. Умумтаълим ихтисослаштирилган мактаблар (математика, тиллар), гимназиялар, лицейлар, коллежлар, шунингдек, ширкат ва хусусий ўқув муассасаларининг

сиғимлари жойларнинг умумий сони ҳисобидан, уларни жойлаштириш эса

лойиҳалаштириш топшириғи бўйича қабул қилинади.

21-жадвал*

Жойлаштириш	Муассасалар	Ҳисоб кўрсаткичи, бир сменада ўқиганда қамраб олиш фоизи	Мўлжалий ҳажм ва 1 ўқувчига ер участка майдони, м ²
Турар жой қурилиши (мавзе, даҳа, маҳалла, қишлоқ аҳоли пункти)	Бошланғич мактаб (I-IV с.)	100	40 дан 400 гача - 50 400 дан 500 гача - 60
	Асосий мактаб (V-IX с.)	100	500 дан 600 гача - 50 600 дан 800 гача - 40 800 дан 100 гача - 33
Турар жой тумани, режалаштириш тумани, шаҳар, бошқа аҳоли пунктлари	Мактаблараро ўқув-ишлаб чиқариш комбинатлари	Лойиҳалаш топшириғи бўйича	1000 дан 1200 гача - 21 200 дан 300 гача - 70 300 дан 500 гача - 65
Хўжаликлараро марказ, туман марказлари	Мактаб-интернатлар	Лойиҳалаш топшириғи бўйича (умумтаълим мактаблари бўйича умумий ҳисоб нормаси ҳисобида)	

Изоҳлар: 1. Олти ёшли ва IX-синфни тамомлаган болаларнинг таълим билан қамраб олиниши, шунингдек, мактаблараро ўқув-ишлаб чиқариш комбинатлари билан қамраб олиниши халқ таълими идораларининг топшириғи бўйича, касб таълимига талабларнинг хусусиятини ҳисобга олиб қабул қилиш керак.

2. Ер участкаларининг майдони қайта қуриш шароитида, қиялиги 20% дан ортиқ бўлган рельефда қурилишда, шунингдек ноқулай тупроқдаги қийин кўкаламзорлаштириладиган ҳудудларда 20% га қисқартирилиши мумкин; қишлоқ жойларида тажриба участкаларини, иссиқхоналар ва ҳоказоларни жойлаштиришда лойиҳа топшириғи бўйича орттирилиши мумкин.

3. Мактабларнинг спорт зоналари мавзенинг жисмоний тарбия-соғломлаштириш мажмуаси билан бирлаштирилиши мумкин.

4. Ихтисослаштирилган мактаблар, мактаблараро ўқув-ишлаб чиқариш комбинатларининг ер участкалари лойиҳалаш топшириқларига кўра қабул қилиниши лозим.

100.1. Мактабларга етиб бориш меъёрларини таъминлашнинг иложи бўлмаганда мактаб-интернатлар ва мактаб қошида интернатлар (ётоқхоналар) ташкил этиш зарур.

Мактаб-интернатлар ва мактаб ёнидаги интернатлар ҳажми аниқ шароитлар бўйича лойиҳалаш топшириғида белгиланади.

100.2. Квартал ичи қурилиши шароитида яшил дарахтзорлар ўтказишни ҳисобга олиб мактаб биносини квартал ичи йўлагидан 6 м гача масофада жойлаштиришга йўл қўйилади.

100.3. Мактабни капитал таъмирлашда ва қайта қуришда мавжуд биноларни сақлаш ва мослаштириш сабабини асослашни тузиш, ўқувчилар сони эса уларнинг сиғимлигини ҳисобга олган ҳолда аниқлаш, қурилишга ажратилган ҳудуднинг чекланганлик шароитида эса спорт майдончаларини ва кўкаламзорларини кичрайтириш ҳисобидан

мактаб бинолари участкаларини 20% ортиқ бўлмаган ҳолда ва лойиҳалаш топшириғига мувофиқ қисқартиришга йўл қўйилади.

100.4. Шаҳар посёлкалари мактаблари учун маҳаллий шароитдан келиб чиққан ҳолда ўғил болалар ва қиз болалар учун ҳовлида қўл ювиш жойи бўлган ва алоҳида турган ўрали ҳожатхоналарни назарда тутиш мумкин.

Овқатланиш блоки, ахборот ресурслари маркази ва фаоллар зали биноларининг соддалашган таркибини, назарда тутишга рухсат этилади, катта бўлмаган спорт зали мактаблар учун эса йўриқчи ва анжомлар хоналарини қўшишга йўл қўйилади.

100.5. Мактабдан ташқари муассасалар сифими 22-жадвалга кўра ҳисобланиши керак; ўзлаштириш навбати ва участкалар майдони маҳаллий шароитларга кўра қабул қилиниши керак.

Мактабдан ташқари муассасаларни болаларга асосан турар жойига пиёда яқинликда хизмат кўрсатишни ҳисобга олиб жойлаштириш керак. Йирик мактаблар негизида болалар маданий-қордиқ ва жисмоний-соғломлаштириш марказларини яратиш керак.

22-жадвал

Муассасалар, ўлчов бирлиги	Ҳисоб нормаси	Участка ўлчамлари
Барча мактабдан ташқари муассасалар, қамрови ўқувчиларнинг умумий сонидан фоизда,	10-15	
жумладан:	2,7-3,5	1 жойга 40-50 м ²

санъат мактаблари (муסיқа, бадийй, рақс)		
болалар-ўсмирлар спорт мактаблари	2,3-3,5	-«- 50-70
Ҳордик мактаблари (турли тўгараклар ва клуб бирлашмалари)	3,3-6,0	объектга - «- 60-90
Ёш техниклар станциялари	0,9-1,0	объектга 0,8-1,5 га
Ёш табиётчилар станциялари	0,4-0,5	-«- 1,0-3,0
Ёш сайёҳлар станциялари	0,4-0,5	-«- 0,3-0,8

Ёш техниклар, сайёҳлар ва табиатчилар станциялари, одатда, шаҳар аҳамиятидаги болалар қордиқ марказлари таркибида жойлаштирилади.

Қишлоқ жойларида мактабдан ташқари муассасалар элементлари аҳоли пунктларининг мактаблари ва клублари таркибида кўзда тутилиши лозим. Марказий аҳоли пунктларида аҳоли пунктлари гуруҳи ҳисобидан болалар ҳордик марказлари кўзда тутилиши керак.

Даволаш-профилактика
муассасалари

102. Даволаш-профилактик муассасалари сифими ва участкалари катталигининг меъерий ҳисоб кўрсаткичлари соғлиқ сақлаш идоралари маълумотларга кўра аниқла-

ниши керак. Мўлжал ҳисоб кўрсаткичлари 23-жадвал* бўйича қабул қилиниши керак. Аҳоли пунктлари учун пунктлараро алоқаларни ҳисобга олган ҳолда шифохона ва поликлиникалар учун фарқлама ҳисоб кўрсаткичлари 24-жадвалда келтирилган.

23-жадвал*

Жойлашуви	Муассасалар	Ўлчов бирлиги	1000 кишига сони	Ер участкалари катталиги, га
1	2	3	4	5
Даҳа, мавзе, магистраллараро ҳудуд	Дорихоналар (V-VIII тоифа)	объект	5-10 минг киши	0,2-0,3 ёки ичига қурилган
	Сут тарқатиш пунктлари	объект	-»-	-»-
	Тиббий пункт, шифокор педиатрия пункти (поликлиника, амбулатория филиали)	топширик бўйича	3-5 минг киши	-»-
Турар жой тумани	Умумий йўналиш поликлиникалари,	сменада қатнов	26	объект учун 0,3-0,5
	жумладан: катталар учун		13	0,2-0,3
	болалар учун		13	
	Дорихоналар (I-IV тоифа)	объект	20-40 минг киши	
	Шахсий даволаш муассасалари	-//-	топширик бўйича	0,3-0,5 ёки ичига қурилган
Шаҳар (маъмурий туман), бошқа аҳоли пунктлари	Ихтисослаштирилган ва стационардаги поликлиникалар, диспансерлар (стационарсиз)	сменада қатнов	7-12 (топширик бўйича)	0,3-0,5
	Дорихоналар (I-II тоифа)	объект	топширик бўйича	0,2-0,3
	Барча тур стационарлари, жумладан:	койка	15-12	стационар сифимлиги (жойларда) 1 каравотга м ² 50 -300 м ² 100 -200 м ² 150-150 м ² 300- 400-125м ² 500-600-100 м ² 800-1000 ва ундан кўп - 80 м ²
	катталар учун (жумладан туғруқхоналар)	-//-	9-14	туғруқхоналар учун 0,7 коэффиенти

23-жадвалнинг давоми

1	2	3	4	5
	болалар учун	-»-	6-11	болалар стационарлари учун 1,5 коэффициенти
	Болалар сут ошхоналари	порциялар сони	120-150	0,15
	Қон қуйиш станциялари	объект	50 минг киши ва ундан ортиқ	топшириқ бўйича (0,4-1,0)
	Санитария- эпидемиологик муассасалари (шаҳарСЭС, туманСЭС)	худуд бирлигига объект	топшириқ бўйича	-«- (1,0-2,5)
	Сан-маориф уйи	-//-	-»-	-»- (0,5-1,0)
	Тез тиббий ёрдам станцияси (подстанцияси)	автомашина	махсус транс- портда 10 дақ,	топшириқ бўйича, лекин камида 0,1
	-»-, қишлоқ аҳоли пункти учун	-«-	10 минг киши махсус транс- портда 30 дақ,	-»-
	Фельдшер-акушерлик пункти	-«-	5-10 минг киши аҳоли пунктига	-//-
	Қишлоқ шифокор амбулаторияси	-«-	хўжалик, аҳоли пунктлари гуруҳига	топшириқ бўйича, лекин камида 0,05

Изоҳлар*: 1. Ширкат ва хусусий соғлиқ сақлаш муассасаларини маҳаллий шароитларга кўра давлат муассасаларига кўшимча қабул қилиш керак.

2. Қишлоқ аҳолига хизмат кўрсатиш учун маҳаллий, туман ва вилоят шифохоналарининг жойлаштириш тизимига кирувчи аҳолига хизмат кўрсатиш ҳисобидан тегишли ҳажмини ШНК 2.07.04-06 «Қишлоқ хўжалиги корхоналари худудларини режалаштириш ва ташкил қилиш» кўзда тутиш лозим.

3. Бир ер участкасида бир неча стационар жойлашганда участканинг умумий майдонини умумий ҳажми бўйича олиш керак. Ўта йирик ва йирик шаҳарларда қайта қуриш районларида, шунингдек рельефда кўкаламзорлаштириш ва қурилишга тўсқинлик қилувчи ноқулай тупроқ шароитларида шифохоналар ер участкалари майдонини 20-25 % га камайтириш мумкин.

Шаҳар атрофи зоналарида жойлаштириладиган шифохоналарнинг участкалари майдони ортиши мумкин: юкумли ва онкологик – 15% га, сил ва руҳий – 20 % га; катталар учун тиклаш даволаниши -20%, болалар учун эса 40 % га; туғруқхоналарнинг ер участкаси майдони 0,7 коэффициентли стационар меъёрлари бўйича қабул қилиш лозим.

4. Барча турдаги профилакторийларни лойиҳалаш топшириғига кўра қабул қилиш керак (тахминан 1 минг ходимларга 8 жой).

5. 400 койкагача сифими бўлган касалхоналарнинг ер участкалари тегишли ўлчамлари тегишли равишда асосланганда 50% дан ортиқ бўлмаган миқдорга катталаштириш мумкин.

6. Стационар ва поликлиника (диспансер) ер участкалари ўлчамлари битта даволаш-профилактика қилиш муассасасига бирлаштирилганда тегишли меъёрлар билан аниқланади ва кейин жамланади.

7. Шахсий даволаш муассасалари ер участкалари ўлчамлари давлат даволаш-профилактика муассасалари меъёрлари бўйича аниқланади.

8. Шаҳар чекка чизиғи ичида жойлашган санаторий-профилакторийларнинг ер участкалари ўлчамларини камайтиришга йўл қўйилади, аммо 10% дан ортиқ бўлмаган микдорга камайтириш мумкин.

9. Янги шаҳарлар қурилишида соғлиқни сақлаш муассасаларининг ҳисоб муддатида назарда тутилган меъёрлар чегарасида, тегишли соғлиқни сақлаш идоралари берган лойиҳалаш топшириғига биноан катталар ва болалар учун поликлиникалар, туғруқхоналар ва болалар касалхоналарининг биринчи навбатда қурилиши назарда тутиш лозим.

10. Даволаш-профилактика муассасаларининг жойлашуви, ҳисоб меъёрлари ва ер участкаси ўлчамлари Сан ПиН 0231-07, «Санитарные нормы и правила проектирования, и строительства и эксплуатации лечебно-профилактических учреждений», ШНҚ 4.13.08-06 «Специализированные больницы», 4.13.09-06 «Станции скорой и неотложной медицинской помощи» бўйича қабул қилинади.

24-жадвал

Муассасалар, ўлчов бирлиги	Ҳисоб кўрсаткичлари			
	Вилоят маркази, минтақавий жойлаштириш tizими маркази	Шаҳар (бошқа аҳоли пунктлари), маҳаллий жойлаштириш tizими маркази	Вилоятга қарашли шаҳар (бошқа аҳоли пунктлари)	Туманга қарашли шаҳар (бошқа аҳоли пунктлари)
Барча турдаги стационарлар, 1 минг кишига жой сони,	24,81	19,47	19,47	15,53
жумладан: катталар учун	14,0	12,0	12,0	8,79
болалар учун	10,81	7,47	7,47	6,74
Поликлиника- лар, сменада қатновчилар сони,	38,0	35,5	35,0	33,0
жумладан: катталар учун	19,0	17,5	17,5	16,5
болалар учун	19,0	18,0	17,5	16,5

Турли тоифа дорихоналари хизмат кўрсатиладиган аҳоли сони ҳисобидан 25-жадвалга кўра олиними керак.

25-жадвал

Дорихоналар тоифалари	Хизмат кўрсатилadиган аҳоли сони, минг киши.	Участкалар майдони, объектга гект.
VIII	1-2,5	0,2
VII	2,5-4,0	
VI	4-6	
V	6-8	0,25
IV	8-10	
III	10-14	0,3
II	14-18	
I	18-25	

Изоҳ. II-VIII тоифа дорихоналар турар-жой уйларнинг 1-қаватидаги ички хоналарда жойлашиши мумкин.

102.1. Даволаш муассасаларини тасдиқлаш бош режа ва аҳоли пунктининг мукамал режасига мувофиқ унинг аҳоли жойлашган, кўкаламлаштирилган ёки шаҳар атрофи функционал зоналарининг санитария-гигиеник талаблари бўйича энг қулай бўлган ерларига жойлаштириш зарур.

102.2. Йирик ихтисослашган касалхоналар (рухий, сил касаллиги, юкумли касаллик, онкологик, теританосил касаллиги ва бошқалар) ёки мажмуалар аҳоли жойлашган ҳудуддан камида 500 м масофани сақлаган ҳолда имкони борича кўкаламлашган массивлари бор бўлган шаҳар атрофи зонасида ёки чекка ерларда жойлаштириш лозим.

102.3. Участка танлашда атрофдаги санитария ҳолатни ва шамолнинг устивор йўналишини ҳисобга олиш зарур.

Касалхона муассасаларини аввал ахлатхона, ахлат ва нажаслардан тозалаш майдонлари, мол-ҳайвонлар кўмилган жойлар, қабристонлар ва ҳ.к., шунингдек, органик, кимёвий ва бошқа чиқиндилар учун фойдаланadиган участкаларда жойлаштириш қатъиян ман этилади.

102.4. Даволаш муассаси ҳудудидан шаҳар аҳамиятига эга магистраль муҳандислик коммуникацияларини (сув таъминоти, оқова, иссиқлик таъминоти, электр таъминоти) ўтказишга йўл қўйилмайди.

Аҳоли пунктининг турар-жой зонасига касалхона ва ҳомиладорларга тиббий ёрдам кўрсатувчи муассасаларни жойлаштиришда даволаш-профилактика муассасалари биноларининг қаватлилигини ҳисобга олган ҳолда даволаш ва палатали бинолари қурилмалар қизил чизиғидан 30 м дан ва турар жойлардан 30-50 м яқин бўлмаган ҳолда жойлаштириш лозим.

102.5. Даволаш муассасалари ху-дудларига қаттиқ қопламали қулай кириш йўллари қуриш зарур. Ички ўтиш йўллари ва пиёдалар йўлаклари ҳам шунга ўхшаш қаттиқ қопламага эга бўлиши керак.

Касалхона участкасида даволаш бинолари ва бошқа бинолар оралиғидаги санитария узилишлар қуёш тушиши, ёритиш, шамоллатиш, шовқиндан ва чангдан ҳимоя қилишнинг ва ҳ.к. оптимал шароитларини таъминлаш зарур. Аҳолининг касалхона билан қулай транспорт алоқасини назарда тутиш лозим.

Даволаш муассасалари бинолари олти қаватдан юқори қилиб лойиҳаласлик зарур. Аҳолиси 10 минг киши ва ундан кўп бўлган

шаҳарларда поликлиникалар мўлжалланиши лозим.

Палатали бўлимлари бўлган касалхона биноларидан, туғруқхоналар биноларидан ва стационарли диспансерлардан қурилмалар қизил чизиғига, шунингдек турар жой уйлариғача бўлган масофа камида 30 м, касалхона даволаш-диагностика биноларидан, шунингдек поликлиникалар, аёллар маслаҳатхоналари ва стационарсиз диспансерлардан эса камида 15 м масофада бўлиши зарур.

102.6. Касалхоналар ва стационарли диспансерлар участкаларидаги қурилиш зичлиги 12-15% атрофида бўлиши керак. Қолган ҳудудлар ободонлаштирилган ва кўкаламзорлаштирилган бўлиши зарур. Кўкаламзор ва майсазорларга ажратилган майдон участка умумий майдонининг камида 60% ташкил этиши лозим. Боғ-парк зонасининг майдони бир қойкага камида 25 м²

бўлиши керак. Касалхоналар ва поликлиникалар участкаларининг периметри бўйлаб эни, мос равишда, 10 ва 15 м бўлган икки қатор қилиб ўтказилган юқори танали дарахтларни ва бутазорларни назарда тутиш лозим.

Жисмоний тарбия-спорт иншоотлари

103. Жисмоний тарбия-спорт иншоотлари аҳоли пунктларининг барча турар-жой ҳудудларида, шунингдек, шаҳар атрофидаги яшил зоналарда жойлаштирилиши керак. Жисмоний тарбия-спорт иншоотлари жойлашуви, мўлжалланган ҳисоб кўрсаткичлари, участкаларининг майдони 26-жадвалда келтирилган. Тармоқнинг ҳисоб кўрсаткичлари маҳаллий шароитлар хусусиятларини ҳисобга олиб амалга оширилиши керак.

26-жадвал

Жойлашуви	Иншоотлар	Ўлчов бирлиги	1000 кишига ҳисоб кўрсатки -чи	Ер участка- лари ўлчами
Мавзе, квартал, маҳалла, турар жой мажмуаси)	Болалар ўйинлари, спорт ўйинлари ва жисмоний тарбия-спорт машғулотлари майдончалари	га		0,31
	жумладан: мактабгача ёшидаги болалар учун			0,05
	кичик ёшдаги ўқувчилар учун			0,06
	катта ёшдаги ўқувчилар ва катталар учун			0,2

26-жадвалнинг давоми

Жойлашуви	Иншоотлар	Ўлчов бирлиги	1000 кишига ҳисоб кўрсатки -чи	Ер участкалари ўлчами
	Катталар ва болаларнинг жисмоний тарбия-спорт ва соғломлаштириш машғулотлари учун хоналар	пол майдони, м ²	40-60	лойиҳалаш топшириғи бўйича
Турар жой тумани маркази – спорт иншоотлари ёки спорт маркази зонаси	Жисмоний-спорт иншоотлари мажмуи	га		0,2-0,3
	Спортзаллар	пол майдони, м ²	20-40	лойиҳал. топшириғи бўйича
	Ҳовузлар: Ёпиқ	м ² сув юзаси	10-15	-«-
	Очиқ	- « -	15-20	-«-
Умумшаҳар маркази – спорт иншоотлари зонаси	Жисмоний-спорт иншоотлари мажмуи	га		0,15-0,25
	Спортзаллар	пол майдони, м ²	40	лойиҳал. топшириғи бўйича
	Ҳовузлар: Ёпиқ	м ² сув юзаси	10-15	-«-
	Очиқ	-«-	15-20	-«-

Изоҳлар: 1. Даҳалар ва мавзелардаги катта ёшдаги ўқувчилар ва катталар спорт майдончалари мактабларнинг спорт майдонлари билан биргаликда жойлаштирилиш лозим.

2. 10 минг кишигача бўлган аҳоли пунктларида жисмоний-спорт майдончалари мажмуи ҳудудини 1 минг кишига 0,5 га ҳисобидан олиш керак; марказ кишлоқ аҳоли пунктларида - 1 минг марказ пункти аҳолисига 0,55 га ва интилувчи аҳолига 0,25 га; хўжаликнинг ёрдамчи ва бошқа аҳоли пунктларида – 1 минг кишига 0,3 га. Спорт заллари ва ҳовузларнинг

ҳисобий катталикларини лойиҳалаш-тириш топшириқларига кўра қабул қилиш керак.

104. Маданият ва санъат муассасаларини, одатда, уларнинг ижтимоий-шаҳарсозлик аҳамиятини ва жамоат марказининг меъморий қиёфасини шакллантиришдаги ролини ҳисобга олиб, жамоат марказларида жойлаштириш керак.

Уларнинг жойлашуви, ҳисобий кўрсаткичлари ва участка майдонлари 27-жадвалга мувофиқ қабул қилинади.

27-жадвал

Муассасалар	Ўлчов бирлиги	1000 кишига ҳисобий кўрсаткичи				Ер участкаларининг катталиги
		Жами	Жумладан			
			микротуман (мавзе)	Турар жой тумани маркази	Шаҳар, режалаштириш райони маркази	
1	2	3	4	5	6	7
Маданий-оммавий ишлар ва ҳордиқ олиш учун хоналар	пол майдони, м ²	30-60	30-60			Уй, маҳалла ва болалар-ўсмирлар клубида 1 мижоз жойига 5-7 м ²
Клублар	Мижоз жойи / залдаги жой сони	50-80/35		25-30/20	25-50/15	ёки объект учун 0,6-1,0 га
Кинотеатрлар (видеозаллар, видеомажмуа)		25-30		10-15	15	1 жойга 5 м ²
Ўйин аттракцион ва ўйин автоматлари заллари		2-3		топширик бўйича		ичига қурилган, ёпиқ майдонларда, ёзги хоналарда, йиғма иншоотларда
Театрлар		4-6			4-6	лойиҳалаш топшириғи бўйича (1 жойга 13-20 м ² ёки объектга 1,0-1,7 га)
Концерт заллари	-«-	3-4			3-4	-«-
Цирklar	-«-	3-5			3-5	-«-
Рақс заллари, дискотекалар	пол майдони, м ²	3-5			3-5	Лойиҳалаш топшириғи бўйича (1 жойга 6-12 м ²)
Лекторийлар	жой	1,5-2			1,5-2	лойиҳалаш топшириғи бўйича (1 жойга 6-12 м ²)

27-жадвалнинг давоми

1	2	3	4	5	6	7
Универсал спорт-томоша заллар (ареналар), жумладан сунъий музли	-«-	5-8			5-8	0,8-2 га на объект
Оммавий кутубхоналар	сақлаш бирл./ китобхон жойи	3-1,5/2-3		1,5-2/1,0	1,5-2,5/ 1,0-2,0	0,15-0,3 га на объект
Қўшимча ҳолда марказий шаҳар кутубхона-сида, шаҳар аҳолиси учун, минг киши: 50 дан 100 гача	-«-	0,3/0,3				
100 дан 250 гача	-«-	0,2/0,2	топшириқ бўйича			
Кўргазма заллари, музейлар	объект			топшириқ бўйича		лойиҳалаш топшириғи бўйича объект учун 0,5-1,2 га

Изоҳлар: 1. Нормаларнинг энг кам қиймати ўта йирик шаҳарлар учун олиниши керак. Янги қуриладиган шаҳарлар учун ҳисобий ҳажмини энг катта, участкалар майдонини эса энг кам кўрсаткичлардан олиш керак.

2. Мавсумий томоша иншоотларининг ҳажмлари (ёзги кинолар, концерт ва театр заллари, цирклар) лойиҳалаш топшириқларига кўра стационар иншоотлар ҳисобий нормаларидан ташқари қабул қилиниши керак.

3. Туман ва шаҳар ақмиятидаги жамоат марказлари ичида маданий муассасалар жойлашганида умумий ер участкасининг ўлчамини 25-30 % га камайтириш керак.

4. Марказий шаҳар кутубхоналари учун ҳисоб нормалари пунктлараро вази-

фалари ҳисобидан маҳаллий шароитларга кўра (лойиҳалаш топшириқлари бўйича) аниқланиши керак.

105. 10 минг кишигача бўлган аҳоли пунктларида клубларнинг ҳажми ва участкаларини пунктлараро вазифалари ҳисобидан (30-дақиқалик яқинлигида) маҳаллий шароитларга кўра (лойиҳалаш топшириқлари бўйича) аниқланиши керак. Мўлжал ҳисоблари учун қабул қилиш мумкин:

аҳоли пункт - мижоз жойлари,	
минг киши	сони
1,0 гача	300
1 дан 2,0 гача	250-200

2 дан 5,0 гача 200-190

5 дан 10,0 гача 190-140

10 дан 20,0 140-80

106. Қишлоқ аҳоли пунктларида кутубхоналарни, одатда, клублар таркибида, лойиҳалаш топшириқларига кўра жойлаштириш керак;

**Савдо, умумий овқатланиш
ва маиший хизмат кўрсатиш
корхоналари**

107. Савдо, умумий овқатланиш ва маиший хизмат кўрсатиш корхоналарининг ҳисоб кўрсаткичлари ва участка ўлчамлари 28-жадвал* бўйича олиниши лозим. Савдо-маиший хизмат кўрсатиш корхоналар тармоғига турли идораларга қарашли, шу жумладан давлат ва

тахминий ҳисобий кўрсаткичи – 30-дақиқалик яқинликда 1 минг кишига 3-5 минг сақлаш бирлиги ва 2-5 ўқувчи жойи (кичик аҳоли пунктлари учун каттароқ ҳисобий кўрсаткичи олинсин).

хусусий корхоналар киради. Ҳисобий кўрсаткичлар белгиланган тартибда маҳаллий шароитларни ҳисобга олиниб аниқланиши керак.

Савдо, умумий овқатланиш ва маиший хизмат кўрсатиш корхоналарини, одатда, мажмуаларга бирлаштириб, улардан фойдаланиш теълигига қараб шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктлари таркибий қисмлари жамоат марказлари ичида жойлаштириш керак.

28-жадвал*

Корхоналар, ўлчов бирлиги	Шаҳар аҳоли пунктлари		Қишлоқ аҳоли пунктлари	Ер участкалари майдони
	Жами	жумладан турар жой зоналарида кундалик хизмат		
1	2	3	4	5
Дўконлар, 1000 кишига м ² савдо майд.	200-280		250-300	Савдо корхоналари, савдо майд. м ² , 100 м ² савд. май.га участка майдони: 250 гача – 0,08 га 250 дан 650 гача – 0,08 га 650 дан 1500 гача – 0,05 га 1500 дан 3500 гача - 0,3-0,02 га Маҳаллий аҳамиятдаги савдо марказлари, хизмат кўрсатилаётган аҳоли сонига нисбатан, минг киши: 4 дан 6 гача - 0,4-0,6 га 6 дан 10 гача - 0,6-0,8 га 10 дан 15 гача - 0,8-1,1 га 15 дан 20 гача - 1,1-1,3 га Қишлоқ аҳоли пунктлари ва кичик шаҳарлар савдо марказлари, аҳолиси сони,
жумладан: озик-овқат моллари	80-100	70	90-100	
ноозик-овқат моллари	120-180	30	160-200	

28-жадвалнинг давоми

				МИНГ КИШИ: 1 гача - 0,1-0,2 га 1 дан 3 гача - 0,2-0,4 га 3 дан 4 гача - 0,4-0,6 га 5 дан 6 гача - 0,6-1,0 га 7 дан 10 гача - 1,0-1,2 га
Бозор мажмуалари, 1 минг киши, м ² савд.май./савд. жойи	20-40/4-7	12-18/2-3	топширик бўйича	Бозор мажмуасининг савдо майдонида, м ² 600 гача – 1 м ² савд.май.га 14 м ² 600 дан 3000гача – «- 10 м ² 3000 дан ортиқ - «- 6-8 м ²
Мавсумий бозор савдоси, м ² савдо майдони	топширик бўйича (асос. ҳажмидан 50-100%)	топширик бўйича (асосий ҳажмидан 50-100%)	топширик бўйича (асосий ҳажмидан 50-100%)	
Умумий овқатланиш корхоналари, 1 минг кишига	25-40	6-8	20-30	Жой сонида, 100 жойга га 50 гача – 0,2-0,25 га 50 дан 150 гача - 0,2-0,15 га 150 дан ортиқ - 0,1 га
Овқатланиш корхоналарининг мавсумий жойлари	топширик бўйича (30-60 % асосий ҳажмидан)	топширик бўйича (асосий ҳажмидан 50-100%)	топширик бўйича (асосий ҳажмидан 50-100%)	
Кулинария дўконлари, 1 минг кишига 1 м ² савд.майд.	6	3	-	
Маиший хизмат кўрсатиш корхоналари, 1 минг кишига 1 иш жойи,	7-9	2	5-7	10 иш жойи учун, корхоналар қуввати иш жойлари ҳисобида 10-50 - 0,1-0,2 га 50-150 – 0,05-0,08 га 150 дан ортиқ - 0,03-0,04 га 0,5 – 1,2 га
жумладан: бевосита хизмат кўрсатиш	3-5	2	3-4	
буюртмаларни марказлаштирилган бажариш ишлаб чиқариш корхоналари	4		2-3	
Коммунал хизмат кўрсатиш корхоналари: Кир ювиш корхоналари, 1 минг кишига сменасига кг кийим-чоёшаб,	70-120		30-40	
жумладан: ўз-ўзига хизмат кўрсатиш кирхоналари, объект	10	10	10-20	0,1-0,2 га 1 объектга
Кир ювиш фабрикалари	60-110		20	0,5-1,0 га 1 объектга

28-жадвалнинг давоми

Кимёвий тозалаш корхоналари, 1000 кишига сменасига кг буюм,	10		2,5-3,5	
жумладан: ўз-ўзига хизмат кўрсатиш	4		1-1,2	0,1-0,2 га 1 объектга
Кимё. тозалаш фабрикалари	6		1,5-2,3	0,5-1,0 га 1 объектга
Ҳаммом, 1000 кишига жой	5		7	0,2-0,4 га 1 объектга

Изоҳлар:* 1. Ноозиқ-овқат моллари дўконларини ҳисоблаш нормасига 1 минг кишига 10 м² савдо майдони ҳисобидан воситачилик дўконлари киради.

2. Буюртмалар дўконлари, ширкат ва хусусий дўконларни лойиҳалаш топшириғи бўйича ҳисоб нормасига қўшимча қабул қилиш керак (тахминан 1 минг кишига 5-10 м²).

3. Боғдорчилик ширкатлари посёлкаларидаминг кишига 50-80 м² ҳисобидан озиқ-овқат дўконларини кўзда тутиш керак.

4. Саноат корхоналарида озиқ-овқат моллари буюртмаларини бериш пунктларини кўзда тутиш керак, 1 минг ходимга м² иш майдони: 60 – корхона турар-жой худудидан узоқда жойлашганида; 36 – корхона турар-жой худуди ёнида жойлашганида; 24 – корхона турар-жой худуди ичида жойлашганида. Ҳисоб кўрсаткичлари ва жойлашуви лойиҳалаш топшириқлари бўйича қабул қилинади.

5. Сайёҳлик марказлари ва курорт аҳоли пунктлари шаҳарларида савдо-маиший корхоналар ҳажмини келадиган вақтинча аҳолини ва мавсумий кенгайиш имконларини ҳисобга олиб қабул қилиш керак.

6. Ишлаб чиқариш корхоналари, ўқув юртларида, муассасалар ва ташкилотларда овқатланиш корхоналарининг ҳажмини идора нормалари бўйича ҳисоблаш керак (энг кўп кишилик сменадаги 1 минг ходимга тахминан 200 жой).

7. Умумий овқатланишнинг тайёрлов корхоналарини маҳаллий шароитлари

бўйича ҳисоблаш керак – мўлжалда 1 минг кишига суткасига 300 кг.

8. Йирик ва ўта йирик шаҳарлар оммавий дам олиш зоналари учун умумий овқатланиш корхоналарининг ҳажми 1 минг кишига 1,1-1,8 жой ҳисобидан қабул қилиниши лозим (доимий ва мавсумий фойдаланиш жойлари нисбати маҳаллий шароитларга кўра лойиҳалаш топшириғи бўйича қабул қилиниши керак).

9. Ишлаб чиқариш корхоналари ва бошқа меҳнат қилиш жойлари учун маиший хизмат кўрсатиш корхоналари ҳисоб кўрсаткичи лойиҳалаш топшириғи бўйича қабул қилиниши керак.

10. Савдо корхоналари муҳандислик тизимлари ва коммуникациялари билан мустақил таъминланганда, шунингдек уларнинг худудида ёрдамчи бино ва иншоотлар жойлашганда участка майдони 30-50 % га оширилиши мумкин (лоийҳалаш топшириғи бўйича).

11. Кирхона-фабрикаларни ҳисоблаш кўрсаткичи сменада 40 кг гача ижтимоий бўлимга хизмат кўрсатишни ҳисобга олиб берилган.

12. Ҳаммомларни ҳисоблаш кўрсаткичи аҳоли жойлашган турар жой фонди бўлган жойларда 1 минг кишига 3 жойгача камайтирилиши мумкин.

107.1. Бозор мажмуаларини, дўконларини ва иморатларини шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктлари аҳолисига бир хил хизмат кўрсатишни таъминлашни ҳамда қулай транспорт алоқалари билан боғлаш-

ни ҳисобга олиб жойлаштириш зарур.

107.2. Шаҳарлар ва қишлоқ аҳоли пунктларининг бош режасини лойиҳалашда ва қайта тиклашда Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг 2008 йил 2-январь 1-сон буйруғи билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси шаҳарлари ва қишлоқ аҳоли пунктларида бозорларни лойиҳалаштириш бўйича тавсияномалар» талабларига амал қилиш лозим.

107.3. Катта бўлмаган бозорлар маҳсулотларни бевосита истеъмолчиларга чаканалаб сотишни ҳисобга олган ҳолда шаҳарнинг марказий туманларига жойлаштириш тавсия этилади.

Қувват 10-30 савдо ўрнига эга бўлган жуда кичик бозорларни (бозор павильонларини) маҳалла марказларига ва аҳолиси 5 минг кишигача бўлган аҳоли пунктларида жойлаштириш зарур.

Қуввати 50-100 савдо ўрнига эга бўлган ва тўрт хил савдодан (қишлоқ хўжалик маҳсулоти бўлган деҳқон; озиқ-овқат маҳсулотлари; саноат моллари ва хўжалик моллари) ташкил топган микроту-манларда 2 км гача ва аҳолиси 5 мингдан 25 минггача бўлган турар-жой массивларида ажратилган ҳолда алоҳида-алоҳида жойлаштириш лозим.

Қуввати 150-400 савдо ўрни ва 5-7 км хизмат кўрсатиш радиусига эга 100-150 минг кишига мўлжалланган бозор бирлашмалари ва бозор мажмуаларини (қишлоқ хўжалик маҳсулотлари бўлган деҳқон; озиқ-овқат; буюм; хўжалик моллари)

ажратилган ҳолда алоҳида-алоҳида жойлаштириш зарур.

107.4. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиш жойларини экологик ва гигиеник мулоҳазасига кўра ёпиқ майдончаларда ва расталарда, қолганларини эса павильонларда жойлаштириш лозим.

Деҳқон бозорлари сотиш расталари саноат товарлари ва хўжалик моллари магазинлари билан тўлдирилиши ҳамда улар орқали асосий ва иккинчи даражали магистраль кўчалар ўтказиш йўл қўйилмайди. Кичик ва ўрта бозорларда саноат товарлари учун алоҳида сотиш ўринларини жойлаштиришга йўл қўйилади.

107.5. Қуввати 600-1200 савдо ўрнига эга катта деҳқон ва буюм бозорларини катта шаҳарларда жойлаштириш зарур.

Зарур қурилиш материалларини, автомобиль эҳтиёт қисмларини, паррандаларни сотиш бўйича ихтисослашган аралаш ўртача бозорларни шаҳар чеккасига жойлаштиришга йўл қўйилади.

Автомобиль ларни, қурилиш материалларини, ҳайвонларни сотиш бўйича катта бозорлар шаҳар аҳолиси жойлашган ҳудуддан ташқарида, иккинчи даражали кириш йўлларидаги алоҳида ҳудудларга жойлаштириш лозим.

Маъмурий-хўжалик ва коммунал муассасалар

108.* Бошқариш, молия ташкилотлари ва муассасалари ҳамда алоқа корхоналари, одатда, шаҳарлар, режалаштириш, турар жой ва саноат районларининг жамоат марказларида жойлаштирилиши керак. Мазкур муассасалар ер участка-

ларининг ҳисоб кўрсаткичлари ва ўлчамлари 29-жадвалга кўра олиниши лозим.

109. Коммунал хўжалик корхоналари ер участкаларининг жойла-

шуви, ҳисоб кўрсаткичлари ва ўлчамларини 30-жадвал бўйича қабул қилиш лозим.

29-жадвал

Муассасалар ва корхоналар, ўлчов бирлиги	Ҳисоб нормаси	Ер участкалари майдони
Бошқариш ташкилотлари ва муассасалари, объект (жумладан туман ва шаҳар ҳокимиятлари, бошқа муассасалари)	лойиҳалаш топшириғи бўйича	1 ходимга, м ² : 44-18,5 – 3-5 қаватли биноларда 13-11 - 9-12 «-» 10 - 16 «-» Посёлка ва қишлоқ йиғинида 1 ходимга, м ² : 60-40 – 3 қаватгача биноларда
Турар жой тузилмасининг маҳалла маркази, объект	1,5-3,0 минг кишига	0,6-0,9 га объект учун
Касаба кўмиталари уйлари, объект	топшириқ бўйича	0,3-0,6 га
Милиция ва давлат автоназорати бўлимлари, объект	«-»	шаҳар аҳамиятидаги объектга 0,35-0,5 га туман аҳамиятидаги объектга 0,2-0,4 га
Лойиҳа ташкилотлари	«-»	1 ходимга, м ² , қурилиш қаватлилигида 30-15 – 2-5 9,5-8,5 – 9-12 7 – 16 ва ундан ортиқ
Туман (шаҳар) халқ судлари, иш жойи	30 минг кишига 1 судья	объект учун га, судьялар сонидан 0,15 - 1 0,3 - 5 0,4 – 10 0,5 – 25
Вилоят судлари, иш жойи	вилоятда 60 минг кишига 1 суд аъзоси	
Юридик маслақатхоналар, иш жойи	10 минг кишига 1 юрист-адвокат	
Нотариал идора, иш жойи	30 минг кишига 1 нотариус.	
Алоқа бўлими, объект (жумладан йирик етказиш алоқа бўлимлари, алоқа тармоқлари, почтаамтлари, матбуот агентликлари, телеграфлар, телефон станциялар, радио ва телевидение объектлари ва бошқалар)	Алоқа Вазирлиги нормалари ва қоидалари бўйича	Шаҳар аҳоли пунктлари учун, гуруҳи: IV-V (9 минг кишигача) – 0,07-0,08 га III-IV (9-18) – 0,09-0,1 га II-III (20-25) – 0,11-0,12 га қишлоқ аҳоли пунктлари учун, гуруҳи: V-VI (0,5-2,0 минг киши) – 0,3-0,35 га III-IV(2-6 минг киши) – 0,4-0,45 га

29-жадвалнинг давоми

Муассасалар ва корхоналар, ўлчов бирлиги	Ҳисоб нормаси	Ер участкалари майдони
Банк бўлимлари, иш юритувчи ғазналар	10-30 минг кишига 1 ғазна	объект учун: 2 ғазна – 0,2 га 7 ғазна - 0,5 га
Жамғармабанк бўлимлари ва филиаллари, иш юритувчи жой: шаҳар аҳоли пунктларида	2-3 минг кишига 1 иш. жой (ойна)	3 иш. жойга – 0,05 га
қишлоқ аҳоли пунктларида	2-3 минг кишига 1 иш. жой (ойна)	20 иш. жойга – 0,4 га

30-жадвал

Муассасалар ва корхоналар, ўлчов бирлиги	Ҳисобланган кўрсаткичи	Участкалар майдони
Турар жой-фойдаланиш ташкилотлари, объект: мавзе	10-20 минг кишига 1 объект	0,3 га
турар жой тумани	30-80 минг кишига 1 объект	0,6-1,0 га
Иккиламчи хом ашё пункти, объект	6-10 минг кишига 1 объект	0,01 га
Шаҳар муҳандислик хизматлари бинолари, объектлар (жумладан, санитария, шаҳар ирригацияси, шаҳар кўкалам.хўжалиги)	лойиҳалаш топшириғи бўйича	0,2 - 1,5 га
Ёнғин деполари, минг киши аҳолиси бўлган пунктларда ўт ўчирувчи автомобиллар сони: 1 гача	1	0,6-0,8 га - объект учун
1 дан 5 гача	1 - 5 минг кишига	0,8-1,2 ->-
5 дан 20 гача	1 -<< 5 -<<	1,2-1,5 -<<
21 дан 50 гача	1 -<< 5 -<<	1,5-3 -<<
51 дан 100 гача	1 -<< 6 -<<	-<< -<<
101 дан 200 гача	1 -<< 7 -<<	-<< -<<
201 дан 500 гача	1 -<< 8 -<<	-<< -<<
500 дан ортиқ	лойиҳалаш топшириғи бўйича	
Меҳмонхоналар, 1 минг кишига жойлар: кичик ва ўрта шаҳарлар учун катта ва йирик шаҳарлар учун	6-10 10-15	Меҳмонхона сифими, жой, майдони – 1 жойга м ² 25 дан 100 гача - 55 100 дан 500 гача - 30 500 дан 1000 гача – 20

Жамоат ҳожатхоналари	1 минг кишига 1 жиҳоз	
----------------------	--------------------------	--

30-жадвалнинг давоми

Дафн қилиш хизмати идораси	лойиҳалаш топшириғи бўйича	
Мотам-маросимларини ўтказиш уйи	шу каби	
Анъанавий дафн этиш қабристони	-«-	1 минг кишига 0,24 га
Кремациядан сўнгги кутига дафн қилиш қабристони	-«-	1 минг кишига 0,02 га

Изоҳ. Аҳолиси 250 минг киши ва ундан ортиқ бўлган маъмурий туманларга бўлинган шаҳарларда шаҳар хизматлари участкаларининг энг катта нормасидан

40 % миқдорда ер участкалари бўлган туман муҳандислик хизматларини кўзда тутиш керак.

Ўт ўчириш деполарини ёнғин муҳофазаси ҳудудий идоралари топшириғи билан ҳисоблаш ва жойлаштириш керак. Ҳисоб кўрсаткичларини 30-жадвал бўйича олиш керак. Хизмат кўрсатиш доирасини умумий фойдаланиш йўллари бўйича ўлчаб 3000 м деб олиш керак.

Умумий турдаги меҳмонхоналар ва мотелларни лойиҳалаш топшириғи бўйича ҳисоблаш ва жойлаштириш керак.

Санаторий-курорт ва саломатлик муассасалари

110. Санаторий-курорт, соғломлаштириш, дам олиш ва сайёҳлик муассасаларининг сиғими тегишли идоралар берган маълумотлар асосида ва лойиҳалаш топшириғи бўйича ҳисобланади. Мўлжалий кўрсаткичлар 31-жадвал бўйича олинishi зарур.

31-жадвал

Муассасалар	Ўлчов бирлиги	Ҳисоб кўрсаткичи		Муассаса сиғими, жой, ер участкаси майdonи, 1 жойга м ²
		Доимий жойлар	Мавсумий жойлар	
1	2	3	4	5
Санаторийлар жумладан касалликлар: сил бўлмаган нафас олиш аъзолари	000 киши/жой:	Соғлиқ сақлаш идоралари топшириғи бўйича 0,43 (0,25)		500 гача – 150 сиғими 1000 жойдан ортиқ санаторий мажмуалари – 120
қон айланиши аъзолари	-»-	0,64		
ҳазм қилиш аъзолари	-«-	0,58 (0,11)		
ҳаракат аъзолари	-»-	0,36 (0,14)		
асаб тизими	//	0,32 (0,08)		
бод	-//-	0,15		
буйрак	-»-	0,08 (0,02)		
гинекологик	«	0,17		

Сил санаторийлари	«	0,64 (0,36)		
-------------------	---	-------------	--	--

31-жадвалнинг давоми

Мақтабгача тарбия муассасалари дала ҳовлилари	«	лойиҳалаш топш. бўйича		120-140
Болалар саломатлик оромгоҳлари	«	8	30	150-200
Спорт-саломатлик оромгоҳлари	«	10	15-20	150-200
Дам олиш базалари, пансионатлар	«	8-9	10	120-130
шу жумладан болалар билан	«	(5)	(7)	140-150
Сайёҳлик базалари	«	5	5-9	70-100
Кемпинглар	«	-	5-9	130-150
Курорт меҳмонхоналари	«	лойиҳалаш топш. бўйича		65-75
Сайёҳлик меҳмонхоналари	«	-»-		50-75

Изоҳлар: 1. Санаторийлар учун қавс ичида болалар учун маълумотлар берилган; дам олиш уйлари ва пансионатлар учун қавс ичида – болали оилалар учун.

2. Санаторийлар қисқа муддатли ва узоқ дам олиш зоналари ичида жойлашганда масофаларни таъминлаш лозим:

оммавий дам олиш зоналари, болалар оромгоҳлари, мактабгача муассасалар чорбоғлари, кемпинглар ва мотелларгача – 500 м;

дам олиш уйлари, сайёҳлик базаларигача – 300 м.

3. Санаторий-курорт ва дам олиш муассасалари участкалари чегарасигача I ва II тоифа темир ва автомобиль йўллари-дан масофа – 300 м, лекин автомобиль йўлларигача 20 дақиқалик пиёда юришдан ошмасин.

4. Аҳоли пунктлари турар жой уйлари ва саноат корхоналаригача масофа – санитария-эпидемиологик станциялар талабларига кўра;

5. Муассасалар участкаси майдонларини маҳаллий шароитларга кўра уларнинг ёзги кенгайишини ҳисобга олиб қабул қилиш керак.

6. Овчилик ва балиқчилик базалари маҳаллий шароитларга кўра жойлаштирилади (лойиҳалаш топшириғи бўйича).

7. Дам олувчилар учун маданий-маиший хизмат кўрсатиш элементларини ҳисоблаш объектларнинг вазифа мақсадлари ва мавсумий иншоотлар ёзги кенгайиши ва фойдаланишига талабларни ҳисобга олиб идора ШНҚ 2.07.02-07 “Инсонларнинг ҳаёти ва фаолияти муҳитини ногиронлар эҳтиёжлари ва аҳолининг кам ҳаракатланувчи гуруҳларини ҳисобга олган ҳолда лойиҳалаш” нормалари бўйича ҳисоблаш керак.

111. Санаторий-курорт, саломатлик, дам олиш ва сайёҳлик муассасалари учун жой танлашда қуйидагиларни ҳисобга олиш керак:

табiiй даволаш омиллари (санаторий-курорт муассасалари учун);

табiiй шароитлар хусусиятлари, жумладан маданий омиллар, шунингдек, сайёҳлик ва сайр учун қизиқ бўлган объектлар мавжудлиги; санитария-гигиеник шароит-

лар; ижтимоий инфратузилманинг зарур қисмлари билан таъминлаш талаблари.

Олий ва ўрта махсус ўқув юртлари

112*. Олий, ўрта махсус ва касб-хунар ўқув юртлари аҳоли пунктларида махсус ишланмалар бўйича тегишли вазирликлар ва идоралар топшириғига кўра жойлаштирилади. Ўқув юртларининг ўқитувчилар ва хизмат кўрсатиш ходимлари шаҳар ташкил этувчи гуруҳга киради.

112.1. Ўқитиш муддати 3-йиллик бўлган ўрта махсус ва касб-хунар ўқув юртлари 9-йиллик умумтаълим мактабларини тугатган ўқувчиларнинг ўрта таълимни тугатиши билан бир вақтнинг ўзида академик лицейларда ихтисослашган, чуқурлаштирилган таълимни ва ҳар хил йўналишдаги коллежларда касб-хунар таълимни олишга мўлжалланган.

112.2. Ўрта махсус ўқув юртларидаги ўринларнинг ҳисобий сони умумтаълим мактабларининг 9-синфини тугатган ўқувчиларни 100% қамраб олишга бўлган келажақдаги талабларга мувофиқ мос келиши

зарур. Биринчи навбатда камида 75% қамраб олишни назарда тутиш лозим (демографик ҳолатни ҳисобга олиб, 15-17 ёшли ўсмирларни қам-раб олишни ҳисоблаганда).

Ўқув юртларининг ўқитувчилар ва хизмат кўрсатиш ходимлари шаҳар ташкил этувчи гуруҳга киради.

Ҳисоблашларда ИКН-1-05 “Средние специальные учебные заведения – академические лицеи и профес-сиональные колледжи” ва ШНК 4.13.52-04 «Академические лицеи и профессиональные колледжи» меъёрий ҳужжатларига амал қилиш зарур.

113*. Турли йўналишдаги ўқув юртлари учун ер участкалари майдони ўқувчи ва талабалар сонига боғлиқ ҳолда 32-жадвалда келтирилган. Ўрта махсус ўқув юртлари, академик лицейлар ва касб-хунар коллежларининг участкалари қайта қуриш зоналари шароитида 20 % га, олий ўқув юртлари, асосан, гуманитар йўналишдаги - 30-40 % га камайтирилиши мумкин.

Қишлоқ хўжалиги йўналишидаги коллежларнинг ўқув хўжаликлари (тажриба участкалари) ўқув биноларидан узоқда ва 50 га гача, лекин камида 20 га майдонда жойлаштириш мумкин.

32-жадвал*

Ўқув юртлари	Ўқувчилар сони, киши	1 ўқувчига мўлжаллий участка майдони, м²
Ўрта махсус ўқув юртлари, шу жумладан: Академик лицейлар	360, 450 540 720, 810 900	90 60 50 44
Касб-хунар коллежлари, йўналиши:	360 450	100 74

саноат, транспорт, алоқа	540	67
	720	67
	900	67

32-жадвалнинг давоми

Ўқув юртлари	Ўқувчилар сони, киши	1 ўқувчига мўлжаллий участка майдони, м ²
қурилиш, коммунал хўжалик	360	100
	450	71
	540	67
	720	67
	900	67
тиббиёт	360	110
	450	85
	540	75
	720	63
	900	63
педагогика ва ижтимоий- иқтисодий	360	130
	450	90
	540	70
	720	64
	900	64
хизмат кўрсатиш	360	135
	450	100
	540	85
	720	85
	900	83
қишлоқ хўжалиги	360	130
	450	110
	540	100
	720	84
	900	77
Олий ўқув юртлари: Ўқув зонаси: университетлар, техник институтлар	-	40-70
қишлоқ хўжалиги	-	50-70
тиббий, фармацевтик иқтисодий, педагогик,	-	30-50
маданият, санъат, архитектура	-	20-40
малака ошириш институтлари	Йўналишига мувофиқ, K=0,5	
Спорт зонаси		10-20
Талабалар ётоқхоналари зонаси		15-30

Изоҳлар*: 1. Ер участкалар майдони махсус зоналар учун зарур майдонсиз (полигонлар, қишлоқ хўжалиги далалари ва бошқалар) келтирилиб, уларнинг ўлча-ми

лойиҳалаш топшириғига кўра белги-ланади.

2. Ўқув залларида ўқувчилар яқка тартибдаги машғулоти учун компьютерлар билан жиҳозланган ахборот марказлари-

нинг алоҳида хоналарини назарда тутиш зарур.

3. Ўрта махсус ўқув юрларининг сиғимлилиги ва ҳудудларининг умумий майдони ҳудудларининг умумий майдони ИКН-1-05 “Средние специальные учебные заведения – академические лицеи и профессиональные колледжи”га мувофиқ қабул қилинган.

Интернат-уйлар ҳамда қариялар ва ногиронлар учун махсус яшаш уйлари

114. Қариялар, уруш ва меҳнат фахрийлари, курси-аравада ҳаракатланувчи ногиронлар учун интернат-

уйлар сиғимини ҳисоблаш ижтимоий таъминот идоралари маълумотлари, физиологик нуқтаи назарда заиф бўлган ногиронлар ва руҳий хаста (психоневрологик) беморлар учун интернат-уйлар – соғлиқ сақлаш идоралари маълумотлари асосида олиб борилиши керак. Муассасаларнинг сиғими, жойлашуви ва участкалар ўлчами лойиҳалаш топшириқлари билан белгиланади. Мўлжалий ҳисоб кўрсаткичлари ва участка ўлчамлари 33-жадвал бўйича қабул қилинади.

33-жадвал

Муассасалар	Ҳисоб кўрсаткичи	Ер участкалари ўлчами	Изоҳ
Қариялар, уруш ва меҳнат фахрийлари учун интернат-уйлар, пуллик пансионатлар, 1 кишига жой (60 ёшдан)	15-20	Интернат сиғимида, жойлари: 50 - 1 жойга 200 м ² гача 100-200–1 жойга 150 м ² гача 200 – 300 – 1 жойга 100 м ²	Аҳоли жойлашган ҳудудларда, яшил зоналарда, шаҳар атрофи зоналарида жойлашади. Участкалар майдонини 20% гача қискартириш мумкин: парклар, яшил зоналар ёнида, корхоналар санаторий-профилакторийларида жойлашганда; шунингдек қуриш шароитида, чўл зонасидаги қурилишда
Жисмоний заиф катта ёшдаги ногиронлар учун интернат-уйлар, 1 кишига жой (18 ёшдан) Болалар интернат-уйлари, 1 кишига жой (4-17 ёшда)	2	сиғимида, жойлари: 200 гача–1 жой учун 150 м ² 200 дан 300 гача–1 жойга 100 м ²	
Психоневрологик интернатлар, 1 кишига жой (18 ёшдан)	1,5-3	сиғимида, жойлари: 200 гача – 1 жойга 150 м ² 200 дан 300 гача – 1 жойга 100 м ²	Асосан шаҳар атрофи зоналарида жойлашади

Махсус уй-жойлар ва хонадонлар гуруҳлари: уруш ва меҳнат фахрийлари ва яқка қариялар учун, 1 кишига жой (60 ёшдан) курси-аравада ўтирувчи ногиронлар ва уларнинг оиласи учун, минг кишига, бутун аҳолидан, жой	60		Турар жой худудларидаги аҳоли истиқомат қилувчи жойларда жойлаштирилиши керак
	0,5		

Аҳоли пунктлариаро хизмат кўрсатиш

115. Жойлаштириш тизимлари шаҳар марказларида хизмат кўрсатиш муассасалари ва корхоналари ҳажмини ҳисоблашда уларнинг таъсир доирасида жойлашган кичик шаҳар ва қишлоқ пунктларидан

мойил аҳолини қўшимча ҳисобга олиш керак:

ўта йирик, йирик ёки катта шаҳарда – 2 соатгача;

кичик ва ўрта шаҳарда – 1 соатгача.

Мўлжалий ҳисоблар учун 34-жадвал маълумотларидан фойдаланиш мумкин.

34-жадвал

Хизмат кўрсатиш муассасалари ва корхоналари номи	Ўлчов бирлиги	Жойлаштириш тизими 1000 кишига нормаси	
		маҳаллий жойлаштириш тизими маркази	минтақавий жойлаштириш тизими маркази
1	2	3	4
Дўконлар: озик-овқат	савдо майд. м ²	5	2
ноозик-овқат	-»-	8	4
Умумий овқатланиш корхоналари	жой	6	3
Концерт заллари	-«-	0,8	0,5
Театрлар	-«-	1,0	0,5
Цирклар	-«-	1,0	1,0
Универсал спорт-томоша заллари	-«-	2,0	2,0
Клублар, маданият уйлари ва саройлари	-«-	1,0	0,5
Кутубхоналар	минг жилд	0,5	0,3
Кинотеатрлар	жой	1,0	0,5
Дорихоналар	объект	+	+
Поликлиникалар:	сменада қатнов сони	1,0	1,0
болалар учун			
катталар учун	-»-	2,0	1,0
Шифохоналар:	каравот	24-жадвалдаги меъёрларда ҳисобга олинган	24-жадвалдаги меъёрларда ҳисобга олинган
болалар учун			
катталар учун	-»-		
Тез ёрдам станцияси	автойўл	0,1	

Санитария-эпид. станциялар	объект	1,0	
Маърифат уйлари	жой	0,3	
ҳаммомлар	-«-	0,2	
Маиший хизмат кўрсатиш корхоналари:	иш жойи	0,5	
бевосита хизмат кўрсатиш			
ишлаб чиқариш корхоналари	-»-	4,0	0,5
буюртмаларни марказлаштириб бажариш:	сменада қуруқ буюм, кг	30	
Кир ювиш фабрикаси			

34-жадвалнинг давоми

1	2	3	4
Кимёвий тозалаш фабрикаси	сменада тозаланадиган буюм, кг	1,5	
Қариялар, меҳнат ва уруш фахрийлари учун интернат-уйлар (60 ёшдан)	жойлар	2,5	
Болалар интернат-уйлари (4 – 17 ёш)	-«-	1,0	
Психоневрологик интернатлар (18 ёшдан)	-«-	1,0	
Ветшифохона, ветбаклабораторияси билан биргаликда	объект	1,0	

VIII. ТРАНСПОРТ ВА КЎЧА-ЙЎЛ ТАРМОҚЛАРИ

116. Аҳоли пунктлари кўчалари, оммавий йўловчи транспорти, ташқи транспорт иншоотлари, транспорт воситаларига хизмат кўрсатиш иншоотлари тармоқларини жойлаштириш тизимида энг кам вақт ва иқтисодий сарфлар билан юк ва йўловчиларни ташиш имконини таъминлайдиган ягона тизим шаклида кўзда тутиш лозим.

117.* Аҳоли пунктнинг транспорт тизимини лойиҳалашда унинг босқичма-босқич, транспорт тизимининг яхлитлигини ва аҳоли пункти ривожланишининг ҳар бир босқичида кутиладиган транспорт ва йўловчилар оқимларини ўтказишни таъ-

минлайдиган ривожланишини кўзда тутиш мумкин.

Қабул қилинган транспорт тизими тубдан қайта қурилмаганда ҳам аҳоли пунктнинг ҳисоб муддатидан кейинги ўсиши имконини таъминлаши керак.

118. Транспорт тизими келажакдаги кўча ҳаракати оқимлари ва йўловчилар оқимлари ҳақидаги ҳисоб маълумотлари асосида лойиҳаланиши керак.

119*. 100 минг кишидан ортиқ шаҳар аҳоли пунктлари учун кўча ҳаракати оқимлари ва йўловчилар оқимлари миқдори ҳисоблар асосида аниқланади.

Магистраллар схемасини танлаш, кўчалар ўлчамини ва кўндаланг кесими элементларини белгилаш, оммавий йўловчилар транспорти

умумий схемасини ва айрим турларини танлаш турларини таққослаш асосида ўтказилиши керак.

120*. Кўча ҳаракати оқимлари, автомобиль сақлаш жойлари сони, шунингдек, шаҳарга бошқа аҳоли пунктларидан келаётган автомобиллар сонини маҳаллий давлат идоралари маълумотига кўра ҳисобланиши лозим.

Аҳолиси 100 минг кишидан ортиқ бўлган шаҳар аҳоли пунктларида юк автомобиллари сони ва уларнинг кўчаларда ҳаракатининг кўплиги ҳисобланиб белгиланади.

Камроқ аҳолиси бўлган шаҳар аҳоли пунктлари учун юк автомобиллари сони 1000 кишига 25-40 автомобиль нормасидан келиб чиқиб белгиланади.

121*. Яшаш жойидан иш жойигача бориш учун сарфланадиган вақт 90% меҳнаткашлар учун (бир томонга) қуйидагидан ошмаслиги зарур, дақ;

кишлоқ аҳоли пунктлари учун – 30;

сони қуйидагича бўлган шаҳар аҳоли пунктлари учун:

100 минг кишигача - 30;

101 дан 250 минг кишигача - 35;

251 дан 500 минг кишигача - 40;

501 дан 1000 минг кишигача -

45.

1000 минг кишидан ортиқ бўлган шаҳар аҳоли пунктлари ва агломерациялар учун энг кўп вақт сарфлари 55 дақиқাগача бўлиши керак.

Ташқи транспорт

122*. Темир йўл, автомобиль ва ҳаво транспортининг йўловчи вокзалларини аҳоли пунктининг маркази билан, вокзаллараро, турар жой ва

саноат зоналари билан ва ташқи автомобиль йўллари билан транспорт алоқаларини таъминлаган ҳолда жойлаштириш керак.

Аэропортларида йўловчи ўтиши йилига 2 млн. дан ошадиган шаҳар аҳоли пунктларида, шунингдек, жойлаштириш тизимлари марказларида аэропортлар бирлашмасини барпо этганда, аэровокзаллар қурилишини кўзда тутиш лозим.

123. Темир йўл умумий тармоғининг янги сортловчи бекатларини шаҳар аҳоли пунктларидан ташқарида, янги техник йўловчи бекатлари, захирадаги кўчма таркиб корхоналари, юк бекатлари, контейнер майдончалари ва юклар узоқ сақланадиган янги омбор бинолари – аҳоли жойлашган ҳудуд ташқарисида жойлаштириш лозим.

Аҳоли жойлашган ҳудудлар ичида бўлган юк бекатлари ҳудудида жойлашган узоқ вақт сақланадиган тахланмайдиган юклар омборлари ва майдончалари коммунал-омбор зоналарига кўчирилиши лозим.

124. Йирик ва ўта йирик шаҳар атрофлари зоналарида транзит поездларни ўтказиш учун айланма темир йўллар кўзда тутилиб, уларда умумтармоқ аҳамиятидаги сортловчи ва юк бекатларини жойлаштириш лозим.

Техник-иктисодий асослари бўлганда темир йўллардан шаҳар ичи ва шаҳар атрофидаги алоқалардан фойдаланиш кўзда тутилади.

125*. Темир йўлларнинг ҳар хил сатҳларда кесишувини I, II тоифадаги йўллар учун – аҳоли пунктларидан ташқарида, III, IV тоифадаги йўллар учун – аҳоли жойлашган ҳудудлардан ташқарида кўзда тутилиши керак.

Аҳоли пунктларининг ҳудудида темир йўлларнинг кўчалар ва автомобил йўллари, шунингдек оммавий электр йўловчи транспорти йўналишлари билан бир сатҳда кесишувлари ШНК 2.05.02-07 «Автомобиль йўллари» ва ҚМҚ 2.05.09-97 «Трамвай ва троллейбус йўналишлари» талабларига мувофиқ кўзда тутилади.

126*. Турар жой қурилмалари темир йўлдан, четки темир йўл ўқидан бошлаб, 100 м кенгликдаги санитария-ҳимоя зонаси билан ажратилиши керак. ҚМҚ 2.01.08-96 «Шовқиндан ҳимояланиш» талабларига мувофиқ махсус шовқиндан ҳимоя тадбирлари таъминланганда санитария-ҳимоя зонасининг эни кўпи билан 50 м га камайтирилиши мумкин.

Сараловчи бекатлардан турар жой қурилмаларигача масофалар юк айланиши, ташиладиган юкларнинг портлаш хавфи, шунингдек, йўл қуйиладиган шовқин ва вибрациялар даражасини ҳисобга олган ҳолда ҳисоблаш асосида қабул қилинади.

Темир йўлдан боғ участкаларигача бўлган санитария-ҳимоя зонасининг эни камида 50 м бўлиши керак.

127. Санитария-ҳимоя зонасида, темир йўл тармоқланишидан ташқарида автомобиль йўллари, гаражлар, автомобиллар тўхташ жойлари, автомобилларга хизмат кўрсатиш корхоналари, омборлар ва коммунал-маиший муассасаларини жойлаштириш мумкин. Санитария-ҳимоя зонаси майдонининг камида 50% кўкаламзорлаштирилиши керак.

128*. Умумий тармоқнинг I, II ва III тоифадаги автомобиль

йўллари, аҳоли пунктларини айланиб ўтадиган қилиб лойиҳалаш зарур.

Ушбу йўллар ер тўшамаси ёқасидан қурилмаларгача масофалар ер ёни концентрацияларни (РД 118.0027714. 19-92 «Табиат муҳофазаси. Табиий муҳитни ифлослантирувчи чиқиндиларни ташлаш ва ахлатларни жойлаштириш учун тўловларни белгилаш бўйича услубий кўрсатмалар», Ўзбекистон Республикаси Давтабиатқўмитаси; «Автомобиль транспортдан зарарли моддалар чиқарилишини ҳисоблаш бўйича услубий кўрсатмалар», А.И.Воейков номли ГГО, 1984) ва шовқин даражаларини (мазкур ҳужжатнинг «Шовқин, вибрациялар, электромагнит майдонлар ва радиациядан сақланиш» бўлими), ҳисоблаш асосида олиниши керак, лекин у камида:

қурилмалар чизиғигача – 100 м, боғдорчилик ширкатларигача – 50 м, III тоифали йўллар учун мувофиқ равишда 50 ва 25 м га тенг қабул қилиниши лозим.

Қурилишларни автомобиллар шовқини ва чиқинди газларидан сақлаш учун йўл ёқалаб камида 10 м кенгликдаги дарахтзор яратилиши кўзда тутилади.

Умумий тармоқ йўллари аҳоли пунктлари орқали ўтганда уларни шаҳар ёки қишлоқ кўчалари деб ҳисоблаб, ушбу нормалар талабларини ҳисобга олиб лойиҳалаштириш зарур.

129*. Аэродромлар ва вертолётдромларни ҚМҚ 2.05.08-97 «Аэродромлар»га мувофиқ аҳоли жойлашган ҳудуд ва аҳолининг оммавий дам олиш зоналаридан учишларнинг хавфсизлигини ва аҳоли жойлашган ҳудуд учун санитария нормалари билан белгиланган мумкин бўлган

авиация шовқини ва электромагнит нурланиши даражаларини таъминлайдиган масофада жойлаштириш лозим.

Кўрсатилган талабларга, шунингдек амалдаги аэропортлар зонасида янги аҳоли жойлашган ҳудудларни ва оммавий дам олиш зона-

ларини жойлаштиришда ҳам риоя қилиш лозим.

130. Аэродромлар чегараларидан аҳоли жойлашган ҳудудгача масофалар, уларнинг келажакдаги ривожланишини кўзда тутиб, 35-жадвал бўйича қабул қилиниши керак.

35-жадвал

Аэродром учиш-қўниш йўли ўқининг аҳоли жойлашган ҳудудга нисбатан йўналиши	Самолетларнинг аҳоли жойлашган ҳудудга нисбатан трасса йўллари	Аэродром тоифасига боғлиқ масофа, км					
		А	Б	В	Г	Д	Е
кесиб ўтади	кесиб ўтади	30	30	20	10	5	5
кесиб ўтади	кесиб ўтмайди	17	15	15	-	-	-
кесиб ўтмайди	кесиб ўтмайди	6	6	6	5	2	1

Изоҳлар*. 1. Аэродром тоифаси фуқаролик авиацияси аэродромларини технологик лойиҳалаш нормаларига мувофиқ белгиланади.

Янги лойиҳаланаётган завод аэродромларини аҳоли пунктларининг аҳоли жойлашган ҳудудидан камида 6 км масофада жойлаштириш мумкин, бунда учиш-қўниш йўллари ўқининг йўналишлари ва самолётлар учишларининг трасса йўллари аҳоли жойлашган ҳудудни кесиб ўтмай, унинг чегарасидан камида 6 км четрокда ўтиши керак бўлади.

2. Мавжуд аҳоли жойлашган қурилмаларнинг аэродром учиш-қўниш ўқидаги шовқин таъсири зонасига тушган ҳолларда, уларда Янги аҳоли жойлашган ҳудудларнинг ривожланиши тақиқланади.

131. Учишларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида аэродромлар районларида объектларнинг жойлашуви аэродромлар қарашли бўлган корхоналар ва ташкилотлар билан келишилиши керак (7-илова).

132. Дарё портлари аҳоли жойлашган ҳудуддан ташқарида, турар

жой қурилмаларидан камида 100 м масофада жойлаштирилиши керак.

Янги дарё портларининг ихтисослашган районлари чегарасидан турар жой қурилмаларигача масофалар олиниши камида:

қайта юклаш ва чанг қилувчи юкларни сақлаш жойлари чегарасидан – 300 м;

енгил ёнувчан ва ёнилғи суюқлик сиғимлари ва қуйиш-олиш қурилмалари бўлган омборлардан, тоифасига қараб қуйидагича белгиланади:

I – 200 м

II ва III - 100 м

Изоҳлар: 1. Дарё портлари ҳудудида сувга тушиш йўллари ва ўт ўчириш машиналарининг сув олиши майдончаларини кўзда тутиш лозим.

2. Кичик юк айланиши бўлган портларларда йўловчи ва юк ташиш туманларини бир йўловчи-юк ташувчи туманга бирлаштириш мумкин.

133. Юк туманларининг соҳил кенглиги қуйидагилардан ошмаслиги керак:

дарё портлари учун – 300 м, пристанлар учун – 150 м, оммавий юкларни қайта юклаш ва навигациялараро сақлаш учун мўлжалланган ихтисослашган дарё портлари учун – 400 м.

Тегишли асослашда худуднинг мазкурнинг эни оширилиши мумкин.

134*. Тез ёнувчан ва ёнилғи суюқликлар омборларини дарё порти туманлари хўжалик-ичимлик сувини олиш филтрлари, турар жой қурилмалари, аҳоли оммавий оромгоҳлари, пристанлар, дарё вокзаллари, кемалар туриш жойлари, гидроэлектростанциялар, саноат корхоналари ва кўприклардан камида 500 м қуйироқда жойлаштириш зарур.

Уларнинг бу объектлардан тепароқда, I тоифа омборлари учун камида 5000 м, II ва III тоифадагилар учун эса – 3000 м масофада жойлашувига йўл қўйилади.

135. Соҳил базалари ҳамда спорт клублари ва айрим фуқароларга тегишли кичик кемалар туриш жойлари шаҳар атрофида, аҳоли пунктларида эса аҳоли жойлашган худуд ва оммавий дам олиш зоналаридан ташқарида жойлаштирилиши керак.

Кўча-йўл тармоғи

136. Аҳоли пунктлари кўчалари тизимининг режавий ечимлари аҳоли пунктларининг барча функционал зоналари орасида қулай алоқалар, марказий ва тарихий зоналаридан автомобиллар транзит оқимларини

четлатиш, юк ва енгил автомобиллар оқимлари ажратилишини таъминлаши лозим. Кўча тармоғи шаҳарга ташқи автомобиль йўлларида қулай киришни таъминлаши керак.

137. Магистраль кўча тармоғининг ўртача зичлиги аҳоли пункти қурилмалари худудида кўрилаётган худуднинг чегарасидан ўтувчи кўчалар узунлигини ҳисобга олиб, 2,2-2,4 км/км² доирасида бўлиши керак.

138. Қайта қурилаётган аҳоли пунктлари марказий қисмларининг капитал бинолар қурилган кўчаларнинг қатнов қисми тор бўлганда, параллель кўчалар орасида масофа 350 м дан ошмаганда, бир томонлама ҳаракат кўзда тутилади.

Қайта қуриш шароитида фақат оммавий йўловчи транспорти ва пиёдаларни ўтказиш мўлжалланган кўчаларни ҳам барпо этиш мумкин.

139*. Кўчалар ва йўллар тоифалари ҳаракати интенсивлиги, транспорт қатновининг тезлиги ва таркиби, шунингдек функционал вазифасига мувофиқ қабул қилинади.

Аҳоли пунктлари кўча-йўл тармоғининг таснифи ва асосий таърифлари 36- ва 37-жадвалда берилган.

Режа ва кўндаланг кесими элементлари ШНК 2.05.02-07 «Автомобиль йўллари»га мувофиқ қўлланади.

Мураккаб рельеф ёки қайта қуриш шароитида ҳаракатнинг ҳисобланган тезлигини пасайтириш ва шаҳар кўча ва йўллари режаси ва кўндаланг кесими таърифини 38-жадвалга кўра олиш мумкин бўлади.

Қишлоқ аҳоли пунктлари кўча ва йўллари таснифини 39-жадвалга мувофиқ олиш керак.

140*. Турли транспорт воситалари ҳаракатининг интенсивлигини

ҳисоблашда уларни қуйидаги коэф-
фициентларни қўллаш билан бир ҳи-
соб автомобилига келтириш лозим:

енгил автомобиллар - 1

юк автомобиллари, юк

кўтариши, т:

2,0 гача - 1,5

2,0 дан 5 гача - 2,0

5 дан 8 гача - 2,5

8 дан ортиқ - 3,5

автопоездлар – ШНҚ 2.05.02-07

«Автомобиль йўллари»га мувофиқ

автобуслар – 2,5

троллейбуслар – 3,0

улама автобуслар и троллей-
буслар,

трамвайлар – 4,0

мотоцикл, мопедлар – 0,5

141. Кўча қатнов қисмида бир
ҳаракат йўлагининг транспорт воси-
таларини ўтказиш имконияти транс-
порт турлари, ҳаракатнинг ҳисоб-

ланган тезлиги, узунасига қиялиги,
ҳаракат йўллари сони, транспорт
воситалари бир ҳаракат йўлагидан
иккинчисига чап ёки ўнг бурилиш
учун ўтиши тезлигига боғлиқ ҳисоб-
ланади.

Илк ҳисоб-китоблар учун кўча
қатнов қисми бир йўлагининг ўтка-
зиш имкониятлари турли сатҳларда
кесишганда - 1200-1500 келтирилган
авт/соат,

бир сатҳида - 750-850 келти-
рилган авт/соат миқдорида қабул
қилинади.

Изоҳ: Бир сатҳда кесишишда ўтка-
зиш имкониятлари светофорлар билан
бошқариладиган чорраҳалар учун чап ёқ-
лама ҳаракат бўлмаганда аниқланган.
Чорраҳада чап ёқлама ҳаракат бўлганда
ҳаракат йўлагининг ўтказиш имконияти
чап ёқлама ҳаракат интенсивлигига муво-
фиқ ҳолда пасаяди.

36-жадвал

Кўчалар ва йўллар тоифалари	Кўчалар ва йўлларнинг асосий вазифалари
1	2
<p>I. Шаҳар аҳамиятидаги магистраль кўчалар:</p> <p>тўхтовсиз ҳаракат</p>	<p>Аҳоли пунктнинг ичидаги функционал зоналараро алоқалар, ташқи автомобиль йўллари билан алоқалар. Транспортнинг барча турларини ўтказиш. ҳаракати тўхтовсиз. Магистраль кўчалар билан турли сатҳларда кесишиш.</p>
<p>тартибга солинадиган ҳаракат</p>	<p>Аҳоли пункти режавий каркас ўқини ҳосил қилади. Тартибга солинадиган магистраллар бўйлаб аҳоли пункти ривожланади, уларда оммавий қатнов объектлари жойлашади, оммавий йўловчи транспорти, енгил автомобиллар ва пиёдаларнинг кучли ҳаракати бўлади.</p>
<p>II. Туман аҳамиятидаги магистраль кўчалар</p>	<p>Туманларнинг асосий ўқлари. Бошқа магистраль кўчаларга чиқиш. Барча транспорт турларининг ўтиши.</p>
<p>III. Маҳаллий аҳамиятга эга кўчалар:</p> <p>турар жой қурилишидаги кўчалар</p>	<p>Турар жой туманларининг ичида транспорт ва пиёда алоқалар. Магистраль кўчаларга чиқиш. Енгил, махсус ва районга хизмат кўрсатувчи юк транспортининг ўтиши.</p>

ишлаб чиқариш ва коммунал-омбор зоналарида кўчалар	Ишлаб чиқариш ва коммунал-омбор зоналари ичида транспорт алоқалар. Енгил, юк ва махсус транспортнинг ўтиши.
дахалардаги тор кўчалар	Транспорт воситаларининг тузар жой бинолари ва қурилиш объектларига бориши. Енгил, махсус ва хизмат кўрсатувчи юк транспортининг ўтиши.

142. Тўхтовсиз ҳаракат магистраллари ва юк йўллари енгил ва юк автомобилларининг катта оқимлари ўтишига мўлжалланган. Уларни қуриш зарурати кўча ҳаракати оқимларини ҳисоблаш билан асосланади.

143. Аҳоли пунктларида тўхтовсиз ҳаракат магистраль кўчалари энг кучли транспорт оқимлари йўналишларида кўзда тутиш керак. Тўхтовсиз ҳаракат магистраллари йўлини аҳоли пункти марказидан четда лойиҳалаштириш зарур.

144. Тўхтовсиз ҳаракат магистралларида марказий қатнов қисмлари ва бир томонлама ҳаракатли маҳаллий ўтишларнинг барпо этилишини кўзда тутиш керак.

Тўхтовсиз ҳаракат магистральлари ўтишларининг эни аҳоли пункти ичида кўпи билан 11,25 м, аҳоли пунктдан ташқарида - 7,5 м ни ташкил этади.

Изоҳ. Қурилиб бўлган ҳудуд шароитида маҳаллий ўтишлар эни 10 м гача камайтирилиши мумкин.

37-жадвал

Кўчалар тоифаси	Ҳаракатнинг ҳисоб тезлиги км/с	Ҳаракат йўлагининг эни, м	Ҳаракат йўлагининг сони	Қизил чизиқлардаги энг катта эни, м	Тротуарнинг энг катта эни, м	Тархдаги эгриликнинг энг кичик радиуси, м	Узунасига энг катта нишаблик, %	Вертикал эгриларнинг энг кичик радиуслари, м	
								қавариқ	боғиқ
И. Умумшаҳар аҳамиятидаги магистраль кўчалар:	100	3,75	6-8	-	4,5	500	50	6000	1500
тўхтовсиз ҳаракат									
тартибга солинувчи ҳаракат	80	3,75	4-8	60	4,5	400	50	6000	1500
II. Туман аҳамиятидаги магистраль кўчалар	60	3,75	3-4	45	3,0	250	60	4000	1000
III. Маҳаллий аҳамиятга эга кўчалар:	40	3,5	2-3	25	2,25	125	80	500	250

турар жой қурилишида									
ишлаб чиқариш ва коммунал- омбор зоналарда	60	3,5	2-4	35	1,5	250	50	4000	1000

38-жадвал

Кўчалар тоифаси	Ҳаракатнинг ҳисоб тезлиги км/с	Ҳаракат йўлагининг эни, м	Ҳаракат йўлагининг сони	Тархдаги эгриликнинг энг кичик радиуси, м	Узунасига энг катта нишаблик, %	Тик эгриликларнинг энг кичик радиуслари, м	
						Қавариқ	Ботик
I. Умумшаҳар аҳамиятидаги магистраль кўчалар: тўхтовсиз ҳаракат	60	3,5	4-8	250	60	4000	1000
тартибга солинувчи ҳаракат	60	3,5	4-8	125	60	2000	500
II. Туман аҳамиятидаги магистраль кўчалар	40	3,5	2-4	50	70	1000	250
III. Маҳаллий аҳамиятдаги кўчалар: турар жой қурилмаларида	40	3,5	2-3	125	80	500	250
ишлаб чиқариш ва коммунал-омбор зоналарда	40	3,5	2-4	50	70	500	250

39-жадвал

Қишлоқ аҳоли пунктлари кўчалари тоифалари	Асосий вазифаси	Ҳаракат- нинг ҳисоб тезлиги. км/соат	Ҳаракат йўлининг эни, м	Ҳаракат йўли sonи	Тротуар пиёдалар қисми эни, м
Посёлка йўли	Қишлоқ аҳоли пунктининг умум тармоқ ташқи йўллари билан алоқаси	60	3,5	2	-

Бош кўчаси	турар жой ҳудудларининг жамоат маркази, ташқи йўллар билан алоқаси	40	3,5	2-3	1,5-2,25
Турар жой қурилмаларидаги кўчалар:					
асосий	обод ҳудуд ичида бош кўчаси билан алоқа	40	3,0	2	1,0-1,5
иккинчи даражали	Асосий турар жой кўчаларнинг алоқалари	30	3,0	2	1,0
тор кўчалар	Кўча билан маҳалла ичидаги уйлар алоқаси	30	3,0	2	-
Пода ҳайдаш йўллари	Пода ҳайдаб ўтиш учун	-	3	1	-

145. Тўхтовсиз ҳаракат магистраллари қатнов қисми четидан турар жой қурилмаларигача масофани камида 50 м деб олиш лозим. Шовқин пасайтирувчи қурилмалардан фойдаланганда бу масофа 25 м гача камайтирилиши мумкин.

146. Тўхтовсиз ҳаракат магистраллари марказий қатнов қисмларининг бошқа умумшаҳар аҳамиятидаги магистраллар ва йўллар билан, шунингдек темир йўллар билан барча кесишувлари турли сатҳларда, камида 1500-2000 м масофада жойлашиши керак.

147. Умумшаҳар аҳамиятидаги ҳаракати тартибга солинадиган магистраль кўчаларнинг бошқа транспорт йўллари билан кесишуви одатда бир сатҳда кўзда тутилади. Тегишли техник-иқтисодик асослаш бўлганда бу кесишувларда турли сатҳлардаги чорраҳалар ҳам қурилиши мумкин.

148. Умумшаҳар аҳамиятидаги магистраль кўчаларнинг бошқа кўчалар билан кесишуви бир-биридан камида 500 м масофада бўлиши мумкин. Тор кўчалар умумшаҳар аҳамиятидаги магистраль кўчаларга чорраҳадан камида 100 м масофада туташуви мумкин.

149. Тартибга солинадиган ҳаракат чорраҳаларига яқин йўл қатнов қисмини тўхташ чизиғидан камида 50 м масофадан 1-2 ҳаракат йўлига кенгайтириш зарур.

150*. Кўча ва йўл чорраҳаларида, шунингдек, пиёдаларнинг ўтиш жойларида кўриниш учбурчакларини кўзда тутиш лозим. Тенг ёнли «транспорт-транспорт» кўриниш учбурчаги томонларининг ўлчами транспортнинг тезлиги 40, 60 ва 80 км/соат бўлганда мос ҳолда камида, м: доирасида доимий ва кўчма буюмлар (дўконлар, реклама фургонлари, кичик меъморий шакллар), жумладан, дарахтлар ва 0,5 м дан баланд буталар жойлашуви ман этилган зона учун: 15, 30 ва 45; бинолар ва бошқа капитал иншоотлар жойлашуви тақиқланган зона учун – 25, 40 ва 65.

«Пиёда-транспорт» тўғри бурчакли кўриниш учбурчаги томонлари ўлчамларини транспорт тезлиги 40 км/соат бўлганда 8x40, 60 км/соат бўлганда эса - 10x50 м қилиб олиниши керак.

151*. Аҳоли пунктлари кўча-йўлларининг ер тўшамаси ён-атроф ҳудуднинг ва таянч иморатларнинг

баландлик қийматларини ҳисобга олиб лойиҳаланиши керак.

Ер тўшамаси ва йўл қопламаларининг конструкцияларини ШМҚ 2.05.02-07 «Автомобиль йўллари» га мувофиқ лойиҳалаштириш керак.

152. Транспортнинг бир томонлама бир ёки икки йўлли ҳаракати бўлган кўча ва йўлларнинг қатнов қисми 750 м гача бўлган радиусли горизонтал эгриликлар участкаларида 40-жадвалга мувофиқ кенгайтирилиши керак.

40-жадвал

Радиуслар, м	Ҳар бир ҳаракат йўлига кенгайиш, м
551 дан 750 гача	0,2
401 « 550 «	0,25
301 « 400 «	0,3
201 « 300 «	0,35
151 « 200 «	0,6
91 « 150 «	0,7
51 « 90 «	0,8

153*. Икки тасмали йўлларнинг узунасига нишаби 40 % дан ортиқ ва узунлиги 300 м дан ортиқ бўлган участкалардаги кўтарилишларда кўшимча йўлакни кўзда тутиш лозим.

Икки тасмали йўлдан ўтиш ва унга қайтиш узунлиги камида 70 м бўлиши керак.

154. Берк кўчалар қатнов қисмларини айланиш радиуси камида 15 м бўлган майдончалар ёки 20 х 20 м ўлчамли айланиш майдончалари билан тугаши лозим. Айланиш майдончаларида оммавий транспорт охирги пунктлари ва автотранспорт тўхташ жойларини ташкил этиш мумкин эмас.

155. Микротуман, (мавзе) ва даҳалар ҳудудига кириб боришлар, шунингдек, биноларга тўппа-тўғри

борадиган ўтиш йўллари бир-биридан камида 300 м масофада, қайта қурилатган туманлардаги периметрик қурилмаларда – камида 180 м масофада кўзда тутилиши керак.

Тор кўчалар ва пиёда йўлаклар турар жой ва жамоат бинолари деворларидан камида 5 м узоқда жойлаштирилиши лозим.

156. Кўп қаватли қурилмалар зонасида 3 минг кишидан ортиқ аҳолиси бўлган турар жой бинолари гуруҳига олиб борувчи эни 5,5 м икки ҳаракат йўлаги ва эни 1,5 м тротуарлари бўлган тор кўчалар қабул қилиниши лозим.

Бир томонлама ҳалқа транспорт ҳаракати бўлган ва узунлиги кўпи билан 300 м бўлган тор кўчаларнинг тротуарлари бўлган ҳолда эни 3,5 м бир ҳаракат йўлаги қилиб қабул қилинишига йўл қўйилмайди. Бир йўлакчи тор кўчаларда кўпи билан 100 м оралик билан эни 6 м ва узунлиги 15 м бўлган айрилиш майдончаларини кўзда тутиш зарур.

157. Узунлиги 150 м дан ошмаган боши берк тор кўчалар тротуар билан бирлаштирилган ҳолда, камида эни 3,5 м қилиб қабул қилиниши, боши берк тор кўчалар ўлчамлари 12х12 м бўлган айланиш майдончалари ёки йўл ўқи бўйича камида 20 м радиусли ҳалқа билан тугаши зарур.

158. Турар жой ва жамоат биноларига ўт ўчириш машиналарининг етиш йўлларини 1-иловага мувофиқ лойиҳалаш керак.

159. Кўча ва йўллар қатнов қисмларининг қайрилиши радиуслари тротуарлар ва ажратувчи йўллар четидан камида 15 м деб олиниши керак. Қайта қурилатган шаҳарларда олдиндан шаклланган қури-

лишда ушбу радиусни 5 м гача камайтиришга йўл қўйилади.

160. Тўхтовсиз ҳаракат магистралларида эни 4 м ли марказий ажратувчи йўллар кўзда тутилади. Ажратувчи тўсин (ихота тўсиғи) бўлган марказий ажратиш йўлининг эни тўхтовсиз ҳаракат магистралларида 2 м гача камайрилиши мумкин.

Эни 5 м дан кам бўлган марказий ажратиш йўлида ҳаракат хавфсизлигини таъминлашга алоқаси бўлмаган иншоотларни ўрнатиш мумкин эмас.

161. Тротуарлар пиёда қатнов қисмининг эни пиёда ҳаракатнинг 0,75 м бўлган бир йўл қаторига қолдиқсиз баробарлигида қабул қилиниши лозим. Тротуарлар пиёда қисми энига дўконча, тўхташ бекатлари, ўриндиқлар ва ҳоказоларни жойлаштириш учун зарур майдонлар киритилмайди. Тротуарларнинг эни 37-, 38- ва 39-жадвалларга мувофиқ олиниши керак. Асослашлари бўлганда тротуар эни оширилиши мумкин, лекин икки баробаригача бўлган миқдорда.

Қайта қуриш шароитида бир қаватли қурилишда турар жой кўчалари ва тор кўчаларнинг кўндаланг кесимида тротуарни бино пойдевори бўйлаб кетган йўлак билан қўшиб юборишга йўл қўйилади.

Кўча қатнов қисмидан пиёда ўтишларнинг эни камида 4 м қабул қилиниши керак.

162. Қизил чизиклар ёқалаб жойлашган тротуарларда ҳаракат йўлагини ўтказиш имконияти 700 пиёда/соат, кўча қатнов қисмидан бир сатҳдаги пиёда ўтишда – 1200 пиёда/соат, ер ости пиёда ўтишларда

- 1500 пиёда/соат миқдорида қабул қилинади.

163*. Тротуарларнинг узунасига нишаблиги уларнинг нишабли қисми узунлиги 30 м дан ошмаганда кўпи билан 60%, тоғ шароитларида эса - кўпи билан 80 % бўлиши мумкин.

Катта нишабларда ва улар узун бўлганда зиналар қуриш кўзда тутилиши лозим. Тротуарлар болалар ва ногиронлар аравачаларининг ҳаракатини ШНК 2.07.02.07 - “Инсонларнинг ҳаёти ва фаолияти муҳитини ногиронлар эҳтиёжлари ва аҳолининг кам ҳаракатланувчи гуруҳларини ҳисобга олган ҳолда лойиҳалаш” талабларига мувофиқ таъминлаши зарур.

164. Тўхтовсиз ҳаракат магистралларининг марказий қатнов қисмларидан пиёда ўтишларни одатда турли сатҳларда барпо этиш лозим.

165. Пиёда ер ости йўлакларнинг энг кам эни 3 м, бир томонлама зиналар эни – 2,25 м (ер ости йўлакнинг иккала охирида ҳар бирининг эни 2,25 м бўлган иккита зина қурилиши шарти билан) қабул қилинади. Барча пиёда йўлакларда болалар ва ногиронлар учун эни камида 1 м бўлган тушиш жойлари кўзда тутилиши лозим.

Пиёда ер ости йўлакларида маданий-маиший хизмат кўрсатиш объектларини жойлаштириш ёнғин хавфсизлиги қоидаларига қатъий риоя қилган ҳолда ва Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЁМБ ва МХХ билан келишилган ҳолда йўл қўйилади.

166. Туман аҳамиятидаги магистраль кўчаларда, ажратиш йўллари билан ажратилган велосипед йўлакларини кўзда тутиш мумкин.

Аҳолининг оммавий дам олиши зоналарида ва бошқа кўкаламзорлаштирилган ҳудудларда велосипед йўлаклари бошқа кўча, йўллар ва пиёда ҳаракатидан алоҳида қилиб кўзда тутилиши керак. Велосипед йўлаклари бир томонлама ва икки томонлама ҳаракатли қилиб барпо этилади, бунда велоёйлак четидан энг кам хавфсизлик масофаси, м:

йўл қатнов қисмигача, транспорт иншоотлари таянчлари, дарахтларгача - 0,75;

тротуарларгача – 0,50;

автомобиллар тўхташ жойлари ва оммавий транспорт бекатларигача - 1,50 м бўлиши керак.

Изоҳ. Кўчаларнинг қатнов қисми четидан велосипед тасмаларини жуфт чизик билан кўрсатиб барпо этиш мумкин. Велосипед йўлагининг эни транспорт оқими йўналишидаги ҳаракатда камида 1,2 м ва қарама-қарши ҳаракатда камида 1,5 м бўлиши керак. Тротуар ёнида барпо этиладиган велосипед тасмасининг эни камида 1,0 м бўлиши керак. Велосипед йўлининг четидан хавфсизлик масофаси камида, ўтиш йўлигача – 1,0 м, тротуаргача – 0,5 м бўлиши керак.

167. Турар жой, жамоат ва дам олиш ҳудудларида механик бўлган ногиронлар аравачалари ўта оладиган пиёда йўллар кўзда тутилиши керак.

Оммавий йўловчилар транспорти

168. Аҳолиси 100 минг кишидан кўп бўлган шаҳар аҳоли пунктлари учун оммавий йўловчи транспорти турлари ва йўналишлари ҳисоблар асосида танланади.

Қурилишнинг биринчи навбатидаги мўлжалий ҳисоблар учун транспорт ҳаракати бирлигини 100 дан 250 гача минг киши аҳолиси бўлган шаҳар аҳоли пунктлари учун

300-350 та, 250-500 минг киши аҳолиси учун – йилига бир кишига 350-425 сафар деб қабул қилиш керак. Ҳисоблаш муддатига транспорт ҳаракати катталигини мос равишда бир йилда кишига 350-425 ва 425-470 сафар деб қабул қилинади.

169. Аҳолиси 10 минг киши-гача бўлган ва ҳовлиси бўлган яқка тартибдаги иморатлари мавжуд аҳоли пунктларида яшаш жойларидан ишхонагача масофа 1500 м дан ошмаганда, шаҳар ичи оммавий йўловчи транспорти кўзда тутилмаслиги мумкин.

170. Қурилган ҳудудларда ер усти оммавий йўловчи транспорти йўналишларининг зичлиги йўловчи оқимларининг интенсивлигига боғлиқ ҳолда, одатда, 1,5-2,5 км/км² қабул қилинади. Йирик ва ўта йирик шаҳарларнинг марказий туманларида бу тармоқнинг зичлигини 4,5 км/км² гача ошириш мумкин.

171. Оммавий йўловчи транспорти оддий турларининг ташиш имкониятлари йўловчи салонининг бўш майдони тўлиши 4 киши/м², тезюрар турлари учун – 3 киши/м² нормаси билан аниқланади.

Оммавий йўловчи транспорти ҳар хил турларининг қатнов тезлиги ва ташиш имкониятлари 41-жадвалга мувофиқ олиниши керак.

41-жадвал

Транспорт	Ўртача қатнов тезлиги, км/с	Транспорт йўналишининг бир томонга ташиш имконияти, км/с
Автобуслар сифими: 60 гача йўловчи	18-20	3-4

60 дан ортик йўловчи	18-20	5-6
Автобус-тезюрарлар	20-25	8-10
Троллейбуслар	18	4-6
Трамвай сизими: 120 гача йўловчи	18-20	6-8
120 дан ортик йўловчи	18-20	9-12
Тезюрар трамвай сизими: 120 гача йўловчи	25-30	12-20
120 дан ортик йўловчи	25-30	20-24
Метрополитен, поездлар таркиби:		
5 вагон	40-45	25-30
8 вагон	40-45	45-50
Электрлаштирилган темир йўл	50-60	35-60
Монорельс йўл	60-70	10-30

172*. Яшаш жойи ёки ишхонадан оммавий йўловчи транспортнинг энг яқин бекатигача пиёда етишнинг узоклиги 400 м дан ошмаслиги керак. Ўта йирик, йирик ва катта шаҳарларнинг якка тартибдаги иморатлари мавжуд ҳудудларда бу катталиқ 600 м гача, ўрта ва кичик шаҳарларда эса – 800 м гача оширилиши мумкин.

Ўта йирик ва йирик шаҳарларнинг умумшаҳар марказида оммавий йўловчи транспорти бекатларигача пиёда етишнинг узоклиги 250 м, оммавий дам олиш ва спорт зоналарида – 800 м дан ошмаслиги керак.

Мураккаб рельеф шароитида бу миқдор босиб ўтиладиган пастбалиқнинг 10 метри учун 50 м га қисқартирилиши керак.

172.1. Қариялар ва ногиронлар учун хонадонлари бўлган махсус турар жой уйларида ногиронлар учун мўлжалланганлари экологик

жиҳатдан қулай шароитли (зарарли шовқин таъсири бўлган ва табиат муҳити ифлосланган зоналар ташқарисида), оммавий транспорт бекатларига ва ижтимоий инфратузилмалар элементларига қулай етишилиши кўпи билан 150-200 м қилиб қилиб ҳисобга олган ҳолда қабул қилиш лозим.

173. Шаҳар транспортининг ер усти турлари учун бекатлар орасидаги масофа 600 м дан, тезюрар йўналиш автобуслари учун 800-1200 м дан, метрополитен учун 1000-2000 м дан, электр темир йўл учун 1500-2000 м дан ошмаслиги керак.

174. Тўхтовсиз ҳаракат магистралларида оммавий йўловчи транспортининг йўналишларини ташкил этиш фақат маҳаллий тор кўчалар бўйича рухсат этилади. Марказий қатнов қисмларидан эса тезюрар автобуслар йўналишларини фақат бекатлари марказий қатнов қисмларидан четда, ҳаракат тезлашуви ва пасайиши учун ўтиш йўллари бўлган махсус чўнтақларда барпо этилганида ташкил этиш мумкин. Йўлларнинг эни 42-жадвал бўйича олиниши керак. Ҳаракатнинг тезлашуви ва пасайиши учун йўлларни асосий қатнов қисмларидан эни камида 0,75 м бўлган айирувчи чизик ёки белги билан ажратиш зарур.

42-жадвал

Бўйлама нишаблик, %	Ўтиш-тезлик йўлининг узунлиги, м		Тезликни ошириш ва пасайтириш йўлининг узунлиги, м
	тезлашиш учун	пасайтириш учун	
- 40	140	110	80

- 20	160	105	80
0	180	100	80
+ 20	200	95	80
+ 40	230	90	80

175. Трамвай йўллари асосан алоҳида тўшамада жойлаштирилиши керак. Икки йўлли алоҳида трамвай тўшамасининг эни бутун трамвай йўналиши давомида майдончаларини ҳисобга олганда камида 10 м, бир йўлли – 3,8 м деб қабул қилиниши керак.

Трамвайга чиқиш майдончасининг узунлиги поезднинг ҳисоб узунлигидан 5 м ортиқ, эни эса камида 1,5 м катталиқда қабул қилиниши керак.

176. Автобус ва троллейбусларнинг тўхташ жойларини чорраҳадан сўнг камида 20 м масофада жойлаштириш лозим.

Бир томонга йўналишларнинг тўхташ жойларини чорраҳанинг бир тарафида, майда донабой сотиш учун кўпи билан 3,0 м² майдонли савдо павильони жойлашиши эҳти-молини ҳисобга олиб жойлаштирилиши зарур.

Бир чиқиш майдончасининг узунлигини бир томонга йўналишлар учун 20 м, бир неча томон йўналишлари учун 30 м ва ундан ортиқ деб қабул қилиш керак. Чиқиш майдончаларининг энг кам эни 1,5 м бўлиши лозим.

Тўхташ ва чиқиш майдончалари кўча қатнов қисмини торайтириш ҳисобига қурилишига йўл қўйилмайди.

Оммавий транспортнинг тўхташ жойлари ШНҚ 2.07.02.07 - “Инсонларнинг ҳаёти ва фаолияти муҳитини ногиронлар эҳтиёжлари ва аҳолининг кам

ҳаракатланувчи гуруҳларини ҳисобга олган ҳолда лойиҳалаш” 3.23 ва 3.24 пунктлари талабларига мувофиқ лойиҳаланиши керак.

177. Ўта йирик ва йирик шаҳарларда шаҳар транспортининг охирги бекатларини ташкил этиш учун нозимлар дўкончалари, ҳайдовчилар учун дам олиш хоналари, кўчма таркибининг вақтинча туриши учун майдончалар ва чиқиш майдончалари билан жиҳозланган, майдони 1-1,5 га бўлган махсус майдончалар кўзда тутилиши керак. Бундай охирги бекатларда шаҳар оммавий йўловчи транспортининг камида 90% йўналишлари тамомланиши керак.

178. Саёз сатҳда жойлашган метрополитен йўллари бўйлаб (ер сиртидан рельс тепасигача кўпи билан 12 м) эни одатда 40 м бўлган техник зона кўзда тутилиб, унинг ичида капитал бино, иншоотларнинг қурилиши ва ер ости муҳандислик тармоқларининг жойлаштирилишига метрополитенни лойиҳалаштирувчи ташкилот билан келишилган ҳолда йўл қўйилади.

Автомобиллар ва бошқа транспорт воситаларига хизмат кўрсатиш бўйича иншоотлар ва корхоналар

179*. Фуқароларга тегишли 100 % автомобилларни доимий сақлаш жойларини уларнинг эгалари яшаш жойидан кўпи билан 800 м масофада кўзда тутиш лозим. Қайта қуриш жойлари ва шаҳарларнинг тарихий зоналарида бу масофа 1500 м гача оширилиши мумкин. Ногиронларга қарашли транспорт воситаларини сақлаш учун бокс туридаги гаражлар ногирон яшаш жойидан кўпи билан

200 м пиёда етиш масофасида кўзда тутилиши керак.

Ногиронлар учун машиналар тўхташ жойлари ШНК 2.07.02.07-“Инсонларнинг ҳаёти ва фаолияти муҳитини ногиронлар эҳтиёжлари ва аҳолининг кам ҳаракатланувчи гуруҳларини ҳисобга олган ҳолда лойиҳалаш” 3.25 ва 3.26 пунктлари талабларига мувофиқ лойиҳаланиши керак.

180. Сақлашни ташкил этиш учун қурилишнинг биринчи навба-тида қутилган автомобиллар сонини очиқ тўхташ жойларида жойлаштиришга зарур бўлган ҳудудни ажратиш керак. Ҳисоб муддатида ва ундан кейинги даврда ҳисоб муддатига қутилаётган автомобиллар сонини жойлаштириш учун етарли бўлган сифимдаги ер ости ва кўп қаватли гаражлар ажратилган ҳудудда кўзда тутилади.

Ногиронлар (мавзе) лойиҳасида мажбурий тартибда жорий автомобиллаштириш даражаси ва мазкур нормалар талабларини ҳисобга олган ҳолда автомобилларни сақлаш жойлари кўзда тутилиши керак.

Микротуманда (мавзеда) жойлаштирилган гараж ва автотўхташ жойларининг ҳудудлари микротуманнинг (мавзенинг) зичлигига киради. Қайта қурилатган шаҳарларда шахсий транспортни тўхта-тиш-сақлаш масалаларини ҳал этиш учун учун махсус лойиҳалар бажарилиши керак.

181. Енгил автомобиллар гаражи ва автотўхташ жойлари ер участкаларининг майдонларини уларнинг қаватлилигига боғлиқ ҳолда бир машина-жой учун m^2 да олиш керак:

гаражлар учун: 1-қаватли- 30

2-қаватли	- 20
3-қаватли	- 14
4-қаватли	- 12
5-қаватли	- 10
ер усти тўхташ жойлари учун	- 25
кўкаламзорларни ҳисобга олган ҳолда ер усти тўхташ жойлари учун	- 35.

182*. Гаражларга кириш ва улардан чиқишгача энг кам масофалар: магистраль кўчалар чорраҳаларидан – 50 м, маҳаллий аҳамиятидаги кўчалардан – 20 м, оммавий йўловчи транспорти бекатларидан – 3 м бўлиши керак.

Ер ости гаражларига кириш ва улардан чиқишлар турар жой, жамоат бинолари деразаларидан ҳамда болалар ва даволаш муассасалари участкаларидан камида 15 м узоқликда бўлиши керак.

Ер ости гаражларининг шамоллатиш шахталари ҚМҚ 2.04.05-97 «Иситиш, шамоллатиш ва кондиционирлаш»га мувофиқ кўзда тутилиши керак.

Ногиронларнинг транспорт воситаларини сақлаш учун тўхташ жойлари-гаражлари яшаш жойларидан узоғи билан 20 м масофада жойлаштириш зарур.

183*. Турар жой уйлари ёнида енгил автомобилларнинг вақтинча сақлаш очиқ тўхташ жойлари фуқароларга тегишли автомобиллар сонининг 15 % ҳисобидан кўзда тутилиши керак.

Жамоат ва дам олиш марказларида тўхташ жойлари ҳисобланишининг нормалари 43-жадвалга кўра қабул қилиниши керак.

Репеация хуудлари, оромгох объектлари, бино ва иншоотлар	Ҳисоб бирлиги	Ҳисоб бирлигига машина-жойлар сони	
		ҳисоб муддати	1 навбат
1	2	3	4
Бинолар ва иншоотлар:	100 ишловчига	7-14	4-7
Маъмурий-хўжалик муассасалари			
Илмий ва лойиҳа ташкилотлари, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари	100 ишловчига	7-11	4-5
Саноат корхоналари	икки туташ сменада 100 ишловчига	5-7	3-4
Шифохоналар	100 каравот	2-4	1-2
Поликлиникалар	100 қатнов	1-2	1-2

43-жадвалнинг давоми

1	2	3	4
сиғими 500 дан зиёд кишилик бўлган минбарли спорт бинолари ва иншоотлари	100 ўрин	2-4	1-2
Театрлар, цирklar, кинотеатрлар, концерт заллари, музейлар, кўрғазмалар	100 жой ёки бир вақтда келувчилар	7-11	4-5
Маданият ва истироқат боғлари	100 бир вақтда келувчилар	4-5	2-3
Савдо майдони 200 м ² дан зиёд бўлган савдо марказлари, универмаглар, дўконлар	100 м ² савдо майдони	4-5	2-3
Бозорлар	50 савдо жойлари	14-18	7-9
Умумшаҳар аҳамиятидаги ресторанлар ва кафелар	100 жой	7-11	4-5
Олий даражадаги меҳмонхоналар	100 жой	7-11	4-5
Бошқа меҳмонхоналар	100 жой	4-5	2-3
Барча тур транспортнинг вокзаллари	тиғиз пайтида 100 олис ва яқинга қатновчи йўловчилар	7-11	4-5
Тезюрар йўловчи транспортнинг охири (периферия, четдаги) ва зона бекатлари	тиғиз пайтида 100 йўловчи	4-7	2-4
Дам олиш хуудлари ва оромгох объектлари: Дам олиш зоналарида пляжлар ва парклар	100 бир вақтда келувчилар	5-14	3-7
Ўрмон-парклар ва кўрикхоналар	-»-	5-7	2-4
Қисқа муддатли дам олиш базалари (спорт, чанғи, балиқ овлаш, овчилик базалари ва бошқалар)	-«-	7-11	4-5
Мўъжаз флотнинг соҳил базалари	-«-	7-11	4-5

Дам олиш уйлари ва санаторийлар, санаторий-профилакторийлар ва сайёҳлик базалари	100 дам олувчи ва хизмат кўрсатувчи ходимлар	2-4	1-2
Меҳмонхоналар (сайёҳлик ва курорт меҳмонхоналари)	->-	2-5	2-3
Мотеллар ва кемпинглар	-<<-	хисоб сиғими бўйича	хисоб сиғими бўйича
Дам олиш зоналарида умумий овқатланиш, савдо ва коммунал-маиший хизмат кўрсатиш корхоналари	Залларда 100 жой ёки бир вақтдаги келувчилар ва ходимлар	5-7	2-4

Изоҳ*. Жамоат жойларидаги ва тўхташ жойларидаги жойлар сони ШНК 2.07.02.07-“Инсонларнинг ҳаёти ва фаолияти муҳитини ногиронлар эҳтиёжлари ва аҳолининг кам ҳаракатланувчи гуруҳларини ҳисобга олган ҳолда лойиҳалаш” 3.26 пунктига мувофиқ қабул қилинади.

184. Вақтинча сақлаш тўхташ жойларидан вокзаллар йўловчи хоналари ва темир йўл бекатларига, савдо марказлари ва универмагларга бўлган масофа кўпи билан 150 м, бошқа объектлар учун – кўпи билан 300 м бўлиши керак.

185*. Автомобилларнинг вақтинча ва доимий сақлаш учун мўлжалланган очик тўхташ жойлари ва гаражлари, техник хизмат кўрсатиш

станцияларидан турар жой уйлари ва жамоат бинолари деразаларига, болалар ва даволаш муассасалари участкаларига бўлган масофалар камида 44-жадвалда келтирилган каби қабул қилиниши керак. Автомобиллар тўхташ жойлари учун очик майдончалар шундай йиғиб жойлаштирилиши керакки, уларнинг сиғими камида 20 машина-жой бўлсин.

44-жадвал

Масофалар ҳисобланадиган бинолар	Масофа, м							
	Ер усти, ер усти-ер ости гаражлари ва очик майдончалар енгил автомобилларнинг сони учун					Техник хизмат кўрсатиш станциялари, постлар сони учун		
	10 гача	11- 50	51-100	101- 300	300 дан зиёд	10 гача	11- 30	30 дан зиёд
Турар жой уйлари: олд томонидан	12	15	25	35	50	15	25	50
деразасиз ён томонидан	12	10	15	25	35			
Жамоат бинолари	10	10	15	25	25	15	20	20
Мактаблар ва болаларнинг боғча-ясилси	15	25	25	50	х	50	х	х
Стационар туридаги даволаш муассасалари	25	50	х	х	х	50	х	х

Изоҳлар: 1. X – Давлат санитария назорати идоралари билан келишилган ҳолда аниқланади

2. I ва II даража ёнғинга бардош берувчи гаражлар учун уларда бинолар ва

186*. Техник хизмат кўрсатиш станцияларини 200 енгил автомашинага 1 пост ҳисобидан, уларнинг ер участкаси майдонини (га) станция учун қўйидагича қабул қилиб лойиҳалаш зарур:

3-5 пост учун	-0,3-0,5
10 пост учун	- 1,0
15 « «	- 1,5
25 « «	- 2,0
40 « «	- 3,5

186.1. ТХС (техник хизмат кўрсатиш станцияси) шаҳар (посёлка) бош режаси асосида, марказий ва бош кўчаларда барпо этишни тақиқланган ҳолда магистраль кўчалар бўйлаб бир-биридан камида 1,5-2,0 км масофада жойлаштириш зарур.

Йирик ТХС шаҳарлар ва посёлкаларнинг коммунал-омбор ва саноат зоналарида жойлашиши керак.

ТХС ички режасини шундай ечиш керакки, унда ТХС боксларидан чиқишга ёки постлар сонига боғлиқ бўлмаган ҳолда уларнинг магистраль кўчалар томонидан кўришига йўл қўйилмаслиги керак.

186.2. Шахсий турар жой қурилмалари худудларида ва шаҳар (посёлка)нинг худудида ТХС жойлаштиришда санитария-гигиеник нормаларига, экологик ва ёнғинга қарши талабларига риоя қилиш лозим.

186.3. Ҳар хил турдаги машиналарни ювиш қурилмаларини жойлаштиришда ҳам юқоридагиларга ўхшаш талабларга риоя этиш зарур.

участкалар тарафига очиладиган деразалар ва киришлар бўлмаганда 25 % га қисқартиришга рухсат берилади.

Ювиш қурилмалари учун майдонлар 1 машинага 30-35 м² ўлчамда қабул қилинади.

187*. Аҳоли пунктларида автомобилларга ёнилғи қўйиш станцияларини (АЁҚС) турар жой ва жамоат қурилмалари даҳаларидан режавий ажратилган ер участкаларида, умумий эҳтиёжни ҳисобга олиб аҳоли пунктнинг автомобиллашуви даражаси, ҳаракат интенсивлиги ва истеъмол талабига боғлиқ ҳолда жойлаштириш керак. Муайян жойлашув учун АЁҚС турини танлаш унинг қуввати ва технологик ечимларига боғлиқ ҳолда, 4-иловада келтирилган таснифга кўра, шунингдек, шаҳарсозлик чекловлар ва табиат муҳофазасига оид қонунчилик талабларини ҳисобга олиб ўтказилиши керак.

АЁҚС лар санитария-гигиеник, иқтисодий, ёнғинга қарши ва бошқа меъёрий талабларга риоя қилиш шарти билан ҳайдовчилар ва транспорт воситаларига сервис хизмат кўрсатиш: чакана савдо, тез овқатланиш, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш, ювиш ва мойлаш хоналари ва алоҳида объектлари бўлган автоёнилғи қўйиш мажмуалари (АЁҚМ) каби лойиҳаланиши ҳам мумкин. Бу объектларнинг таркиби ва уларнинг жойлашувига талаблар ёнғин назорати идоралари билан келишилган лойиҳалаш топшириғига кўра қабул қилиниши керак.

188. АЁҚС 1200 енгил автомобилга бир ёнилғи-қўйиш колон-

каси ҳисобидан лойиҳалаштирилиш керак. АЁҚС қурилиши учун ер участкаси майдони (га) қуйидагича қабул қилинади:

2 колонка учун	- 0,1
5 « «	- 0.2
7 « «	- 0,3
9 « «	- 0,35
11 « «	- 0,4

189. Транспорт воситаларига хизмат кўрсатиш пунктлари бўлган АЁҚС (автомобилларга техник хизмат кўрсатиш, ювиш, мойлаш) фақат саноат ва коммунал-омбор зоналари кўча-йўллари бўйлаб, уларнинг ҳудудида ва аҳоли пунктларидан чиқишда жойлаштирилиши лозим. Бу АЁҚС ларни аҳоли жойлашган ҳудудлар ва дам олиш зоналари ичида жойлаштириш тақиқланади. Транспорт воситаларига техник хизмат кўрсатиш пунктлари бўлмаган АЁҚС ларни жойлаштиришга талаблар ҳам худди шундай қабул қилиниши керак.

190*. АЁҚС лар: йирик шаҳарларда умумшаҳар ва район аҳамиятидаги магистраль кўчалар бўйлаб, ўрта ва кичик шаҳарларда - магистраль кўча-йўллари бўйлаб, шунингдек, саноат ва коммунал-омбор зоналари кўчалари бўйлаб ва уларнинг ҳудудларида транспорт ҳаракати йўналишларидан, шунингдек ёқилғининг хили ва тавсифига боғлиқ бўлмаган ҳолда бир-биридан камида 2,5-3,0 км масофада жойлаштирилиши керак.

АЁҚС ёки АГҚС ларни қайта тиклашда ушбу объектларни лойиҳалашдаги амалдаги нормалар ҳисобга олиниши зарур.

Амалдаги ёнғинга қарши ва санитария-экологик нормаларга риоя қилиш имкони бўлмаган ҳолларда шаҳар (посёлка) чегарасида тегишли ҳудуд ажратилиши билан объект ёпилиши лозим.

АЁҚС (АГҚС) атрофидаги ёнғинга қарши санитария-химоя зонаси қандайдир бошқа иншоотлар барпо этиш ҳуқуқи бўлмаган ушбу АЁҚС (АГҚС) эгалар маблағлари ҳисобига ободонлаштирилиши ва кўкаламзорлаштирилиши зарур.

АЁҚС ларни пиёда юриш кўчаларида ва квартал (даҳа) ичи тор кўчаларида жойлашуви тақиқланади.

191*. АЁҚС қурилиши учун ажратилган ер участкалари кўчаларнинг қизил чизиғи орқасида ёки қисман уларнинг чегараси ичида (агар шаҳарсозлик ҳужжатларида бу ҳудуд кўча ўтиш йўлининг кейинчалик кенгайиши кўзда тутилмаганда) жойлаштирилади.

Қизил чизиқлар доирасида ер участкаларини ажратиб, АЁҚСларни жойлаштириш фақат вақтинча, белгиланган тартибда келиши ва тасдиқлаш шarti билан рухсат этилади.

192*. АЁҚС ларни жойлаштириш уларнинг қурилиши учун тегишли шаҳарсозлик ҳужжатлари билан кўзда тутилган ер участкаларида олиб борилиши керак.

Бошқа ҳолларда, бу ҳужжатлар бўлмаганда ёки уларнинг амал қилиш муддати тугаганда АЁҚС ер участкасини танлаш ва жойлашувини келишиш жорий қонунчилик талабларига мувофиқ, белгиланган тартибда келишилган ва тасдиқланган объектнинг жойлашуви шаҳарсозлик асосланиши асосида амалга оширилади.

193*. АЁҚС сиғимлари ер ости ёки ер устида жойлашиши мумкин.

200 минг киши ва ундан кўп аҳолиси бўлган шаҳарларнинг марказий зич қурилган ҳудудларида янги АЁҚС ларнинг фақат кам қувватли, “А” ва “Б” турдаги сиғим-ларнинг ер ости жойлашувидаги, техник хизмат кўрсатиш пунктлари бўлмаган ҳамда қўлланиши мумкин-лиги белгиланган тартибда давлат назорати идораларининг эксперт хулосаси билан тасдиқланган ёнғиндан хавфсиз технология ва экологик хавфсиз жиҳозларни қўллаган ҳолда (5- ва 6-илова) қурилишига рухсат этилади.

Аҳоли пунктлари ичида “В” туридаги АЁҚС жойлаштирилишида суяқ ёнилғини сақлаш учун ер усти сиғимларининг энг кўп биргаликдаги ҳажми қўлланиши мумкинлиги белгиланган тартибда давлат назорати идораларининг эксперт хулосаси билан тасдиқланган ёнғиндан хавфсиз технологик ва экологик хавфсиз жиҳозларни қўллаган ҳолда (5- ва 6-илова) 80 куб. м дан ошмаслиги керак. Бунда ҳар бир сиғимнинг алоҳида ҳажми 20 куб. м дан ошмаслиги керак.

“А” ва “Б” турлардаги катта қувватли АЁҚС ларни саноат ва коммунал зоналарида, объектларнинг санитария-ҳимоя зоналарида улардан фойдаланишнинг қонунчиликда белгиланган тартибига мувофиқ жойлаштириш лозим.

АЁҚС иншоотларидаги портлашдан хавфли қурилмалар ва ифлосланиш манбаларидан энг яқиндан – ер усти ёнилғи сиғимлари девори ва ёнилғи қуйиш колонкалари (ЁҚК) корпусидан, технологик қудуқлар, ер ости

сиғимларнинг нафас олиш қурилмаларидан, аварияли сиғимлар ва тозалаш иншоотларининг тортиб олувчи шамоллатиш шахталари, ёнилғини сиғимларга қуйиш тармоғидан:

турар жой ва жамоат биноларининг ташқи деворларигача;

ҳовлили, дала ҳовли ва боғ уйлари, болалар мактабгача муассасалари, умумтаълим мактаблари, стационар даволаш - профилактик муассасалари, санаторийлар, санаторий-профилакторийлар, умумий ва махсус турдаги интернат-уйлар, дам олиш муассасалари, жисмоний-спорт ва жисмоний-саломатлик мажмуалари участкаларининг четигача, шунингдек, ўйин, жисмоний тарбия ва спорт, дам олиш майдончаларигача ва кишиларнинг оммавий йиғилиш жойларигача бўлган масофалар ШНҚ 2.09.20-08 “Автомобилларга ёқилғи қуйиш станциялари” норматив ҳужжатида биноан ҳисобланади.

“Г” турдаги кичик ва ўрта қувватли контейнерли АЁҚСларнинг қўлланишига автоҳўжаликлар, саноат корхоналар участкаларида санитария оралиқлари, ёнғинга қарши масофаларга ва табиат муҳофазаси қонунчилиги талабларига ҚМҚ 2.09.14-97 «Нефть ва нефть маҳсулотлари омборлари» га мувофиқ риюя қилинганда йўл қўйилади.

АЁҚС дан ён-атрофдаги иншоотларгача бўлган санитария оралиқларнинг камайтирилишига ушбу ҳудудда келиб чиқиши геологик ва техноген каби хавфли ҳолатлар (тектоник, сейсмик, ўпирилиш, сел, карст ҳолатлари ва ер усти шаклининг бошқа ўзгаришлари, сизот сувлар тошиши, тошқинлар) мавжуд бўлганда йўл қуйилмайди.

194*. Янги АЁҚС ларни жойлаштириш ва мавжудларини қайта қуриш АЁҚС иншоотларидан энг яқиндагисидан яқин атрофдаги бинолар, иншоотлар ва муҳандислик тармоқларигача бўлган масофа ШНК 2.09.20-08 “Автомобилларга ёқилғи қуйиш станциялари” норма-тив хужжатларга мувофиқ, сани-тария оралиқлари ва ёнғинга қарши масофаларга риоя қилиб, йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидаларини ҳисобга олиб амалга ошириш зарур.

Аввал амалда қўлланилган ШНК 2.07.01.03 “Шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктлари ҳудудларини ри-вожлантириш ва қурилишини режа-лаштириш”да келтирилган 45- ва 46-жадваллар шу муносабат билан норматив хужжатдан чиқарилган.

Изоҳ. саноат, коммунал-омбор, ил-мий-ишлаб чиқариш, автотранспорт корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари ҳамда автотранспортга хизмат кўрсатиш корхоналарининг участкаларида ўз эҳти-ёжлари учун жойлаштириладиган АЁҚС иншоотларидан ушбу корхоналарнинг ишлаб чиқариш, маъмурий ва маиший бинолар, омбор бинолари ташқи деворларигача масофаларни ШНК 2.09.20-08 “Автомобилларга ёқилғи қуйиш станциялари” га олиш керак, лекин озик-овқат маҳсулотлари ва тиббий препаратлар ишлаб чиқариш корхоналари учун масофалар алоҳида олинади

194.1. АЁҚС ва АГҚС ҳудудига участка танлашда қуйидаги талабларга амал қилиш лозим:

шаҳарлар, аҳоли пунктлари ҳудудларида, магистраль ва иккинчи даражали кўчалар бўйлаб фақат I ва II тоифали кўчма таркибига эга автомобилларга ёқилғи қуйиш учун мўлжалланган АЁҚС (АГҚС)ларни жойлаштиришга йўл қўйилади;

сиғими 10 дан 40 м² гача бўлган резервуарлари ва сони 2 дан 4 гача

ёқилғи қуйиш колонкаларига бўлган АЁҚС (АГҚС)лар ўртасидаги масофа 2,5-3,0 км дан кам бўлмаслиги зарур;

АЁҚС участкаси чегарасидан турар жой ва жамоат бинолари деворларигача узилишлар камида 25 м. АЁҚС ҳудудидаги портлаш хавфи бўлган технологик қурилмалар ва жиҳозлардан жамоат ва турар жой бинолари ва иншоотлари деворларигача бўлган узилишлар эса ШНК 2.9.20-08 “Автомобилларга ёқилғи қуйиш станциялари” 3-илова 1-жадвали талабларига мувофиқ бўлиши керак.

Ушбу АЁҚС лардаги ёқилғи сақлаш резервуарлари ер остида жойлашган бўлиши лозим;

Умумий сиғими 60 м³ гача бўлган ер устидаги бир деворли резервуарлари бўлган “А” туридаги контейнерли АЁҚС лар ва 100 м³ гача бўлган ер устидаги бир деворли резервуарлари бўлган “А” туридаги модулли АЁҚС лар аҳоли жойлашган ҳудудлардан ташқарида, саноат ва омборхона зоналарида ёки шаҳарлар ва аҳоли жойлаштириш зарур;

ушбу АЁҚС лардан унга тегишли бўлмаган объектларигача бўлган масофалар ШНК 2.9.20-08 “Автомобилларга ёқилғи қуйиш станциялари” 3-илова 1-жадвалига мувофиқ қабул қилиниши лозим;

шаҳарлар ва аҳоли сони 50 минг ва ундан ортиқ бўлган йирик аҳоли пунктлари ҳудудларида ва чегарасида кўп ёқилғи АЁҚС ларни жойлаштиришга йўл қўйилмайди;

АЁҚС ва АГҚС ҳудудларини ҳар хил турдаги озик-овқат ва буюм магазинлари билан бирга қўшмаслик зарур. Объект ҳудуди ичида ёнғинга қарши нормаларга риоя қилган

шароитда майда автомобиль эҳтиёт қисмларини сотиш бўйича катта бўлмаган магазинларни жойлаштиришга йўл қўйилади;

шаҳарнинг марказий қисмида ВСН 01-89 бўйича кўчма таркибли III ва IV тоифали автомобилларга ёқилғи қуйиш учун АЁҚС ларни жойлаштирамаслик лозим;

кичик аҳоли пунктларида ва ҳаракат интенсивлиги кичик бўлган йўлларда кичик АЁҚС ларни автомобилларга техник хизмат кўрсатиш билан бирлаштирилишини кўзда тутишга йўл қўйилади.

194.2. АЁҚС ларни йўлларнинг чорраҳаларида бурчакли қилиб жойлаштиришга рухсат берилмайди. Шундай жойлаштириш зарурияти бўлганда эса, АЁҚС га кириш ва чиқиш жойлари чорраҳа қизил чизиқлари кесишган жойдан камида 100 м нарида жойлашмоғи лозим.

Автомобиль йўлларида ёқилғи қуйиш станцияларини йўлнинг иккала томонига шундай жойлаштириш керакки, бунда келаётган ва кетаётган автомобилларнинг ҳаракати тўхтамаслиги зарур.

194.3. АГҚС ларни аҳоли жойлашган ҳудудларга жойлаштирганда турар жой ва жамоат биноларидан бўлган масофа ШНҚ 2.9.20-08 “Автомобилларга ёқилғи қуйиш станциялари” 3-илова 2-жадвали талабларига биноан қабул қилинади. АГҚС ва қурилмалар орасидаги бўш жойлар ёнғинга қарши хавфсизлик талаблари майсзорлар ва қалин ўтказилмаган дарахтларни қўллаган ҳолда кўкаламзорлаштирилиши лозим.

194.4. АЁҚС ларни жойлаштиришда атроф-муҳитнинг экологик ҳолатини ҳисобга олиш зарур:

автоцистерналардан ёқилғини тўкишдаги ва автомобиллар бакига ёқилғи қуйишдаги таралар, шунингдек АЁҚС ҳудуди атмосфера ёнғинлари туфайли ҳосил бўлган нефть маҳсулотлари ифлосликлари атрофдаги қурилмаларнинг ички муҳитига кирмаслиги зарур.

194.5. АЁҚС ва АГҚС ларни лойиҳалашда ШНҚ 2.9.20-08 “Автомобилларга ёқилғи қуйиш станциялари” га қатъий риоя қилиш керак.

194.6. АЁҚС ва АГҚС лар бош режаларини лойиҳалаганда уларни ИИБ ЁХБ, ДСЭНМ, Давлат ёнғин хавфсизлиги назорати, Давлат Табиат қўмитаси, Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ЁКХШТ (автоёул) идоралари билан келишилади.

195*. АЁҚС жиҳозларидан атроф бинолар ва иншоотларгача тозалиқ оралиқлари ўлчами атмосфера ҳавосининг кимёвий ва товуш ифлосланиши ҳисобларига кўра, лекин камида 50 м белгиланади. “А” ва “Б” туридаги кичик ва ўрта қувватли АЁҚС лар учун бу жиҳозлардан хизмат кўрсатилаётган автотранспорт воситаларигача санитария оралиқлари белгиланган тартибда давлат назорати идораларининг эксперт хулосаси билан тасдиқланган ёнғиндан хавфсиз технологик ва экологик хавфсиз жиҳозларни қўллаган ҳолда (5- ва 6-илова) камайрилиши мумкин, лекин кичик АЁҚС учун 25 м ва ўрта АЁҚС учун 40 м гача. Бунда ифлослантирувчи моддалар атмосфера ҳавосига чиқишининг ҳисоб кўрсаткичлари унинг негиз даражасини ҳисобга олган ҳолда гигиеник меъёрлари ва экологик хавфсизлик

меъёрларидан ошмаслиги керак. Санитария ораликлари камайтирилиши давлат санитария-эпидемиологик назорати, давлат ёнфин хавфсизлиги назорати идоралари ва Давлат Табиат қўмитаси билан белгиланган тартибда келишилади.

196*. Кўча-йўлларнинг бўйлама нишаби 40 % дан ортиқ ва режада эгрилик радиуслари 250 м дан кичик бўлган жойларида АЁҚС жойлаштириш мумкин эмас. АЁҚС ер усти иншоотлари қатнов қисмининг четигача масофа ШНК 2.9.20-08 “Автомобилларга ёқилғи қуйиш станциялари” 3-илова 1-жадвал талабларига мос равишда қабул қилиш лозим.

Ҳар бир йўналишда 1-2 ҳаракат йўлакли йўлларда АЁҚС га кириш транспорт воситалари йиғиладиган, асосий ҳаракат йўлагига тенг энли, эни 30 м тенг қўшимча йўлак барпо этилиши керак, лекин у АЁҚС га киришдан аввал 50 м ва ундан чиқишда 15 м узунликда бўлиши керак. Ўтиш қисми асосий энидан қўшимча йиғилиш йўлагига ўтишнинг узунлиги камида 15 м бўлиши керак. 1 ҳаракат йўлагига 300 авт/соатдан ошмайдиган ҳаракат оқими бўлган кўчаларда жойлашган АЁҚС лар учун йиғилиш йўлагини кичик АЁҚС ларда 30 м ва ўрта АЁҚС ларда 40 м гача қисқартириш мумкин.

197. АЁҚС худуди қатнов қисмидан хавфсизлик оролчаси билан ажратилади, унинг эни транспорт тўсиғи, тротуар жойлашувининг шартларига кўра белгиланади. АЁҚС худудига кириш ва чиқиш алоҳида,

ҳар бирининг эни камида 4,2 м ва эгрилик радиуси камида 10 м бўлиши лозим. Кириш ва чиқиш бирга қурилганда, улар орасида эни камида 1 м бўлган, қатнов қисмидан 0,1 м кўтарилган хавфсизлик орол-часи кўзда тутилиши керак.

198. АЁҚС ва АЁҚМ худудларида ёнилғи сифимларининг ёнида автоцистерналар учун икки томони очик ўтиш билан таъминланган қуйиш майдончалари кўзда тутилиши керак.

199*. АЁҚС худудидан кириш ва чиқишдан энг кам масофалар:

магистраль кўча билан кесишиш чорраҳасигача (унинг қатнов қисмининг яқинроқ чети) - 100 м;

маҳаллий аҳамиятдаги кўча ёки тор кўча билан чорраҳагача (унинг қатнов қисмининг энг яқин қисми) - 35 м;

ишлаб чиқариш ва турар жой уйларининг деразаси, умумтаълим мактаблари, болалар мактабгача тарбия ва даволаш муассасалари участкалари, дам олиш майдонларигача – ШНК 2.9.20-08 “Автомобилларга ёқилғи қуйиш станциялари” 3-иловадаги 1-жадвал талабларига мос ҳолда қабул қилинади.

200. 187-199-бандларда баён қилинган талаблар ҳам янги, ҳам қайта қурилаётган АЁҚШ ва АЁҚМ ларга тегишли бўлади.

201. Идора енгил ва юк автомобиллари, автокорхона автомобиллари гаражлари, трамвай ва троллейбус деполари шаҳарларнинг sanoat зоналарида жойлаштирилиши керак. Участкаларнинг тавсия қилинган майдони 47-жадвалда берилган.

Корхоналар	Ҳисоб бирлиги	Объектлар сизими	1 объектга ер участкаси майдони, га
Кўчма таркибга техник хизмат кўрсатиш ва жорий таъмирлаш ишларининг тўла мажмуи билан автотранспорт корхоналар, автобуслар учун очиқ тўхташ жойи билан	Автобус	100	1,6
		200	3,2
		300	4,8
		500	8,0
Юк автомобиллари учун	Автомобиль	100	1,5
		200	2,4
		300	3,6
		500	6,0
Енгил таксомоторлар учун	Таксомотор	100	1,0
		200	1,7
		300	2,6
		500	4,25
-»-, енгил автомобиллар учун ёпик тўхташ жойи билан	-«-	300	1,2
		500	1,6
Таъмир устахоналарисиз трамвай депоси	Вагон	100	6,0
		150	7,5

47-жадвалнинг давоми

Корхоналар	Ҳисоб бирлиги	Объектлар сизими	1 объектга ер участкаси майдони, га
-»-, таъмир устахоналари билан	-«-	200	8,0
		100	6,5
Троллейбус парклари	Машина	100	3,5
		200	6,0

Изоҳ. Ер участкаларини ажратиш нормалари курилаётган корхоналарни шаҳарнинг сув, иситиш, электр таъминоти ва оқова сувлар тармоқларига уланишини кўзда тутди. Автомобилларга ёнилғи қуйиш шаҳар автомобиль ёнилғи қуйиш шохобчаларида амалга оширилади.

IX. МУҲАНДИСЛИК **ЖИҲОЗЛАНИШИ**

202. Шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктларида аҳолиси сони, иқлимий, жуғрофий ва бошқа шароитларидан қатъий назар зарур санитария-гигиеник шароитларни ва аҳолининг меҳнати, маиший турмуши ва дам олиши учун қулайликларнинг юксак

даражасини таъминловчи муҳандислик жиҳозланиш ва ободонлаштиришни кўзда тутиш лозим.

Муҳандислик жиҳозланиши мажмуий тарзда, одатда, турар жой, саноат ва бошқа туманларга хизмат кўрсатиш учун сув таъминоти, оқова тармоғи, электр, иссиқлик ва газ таъминоти, алоқа ва бошқа муҳандислик тизимларини мужассамлантириб лойиҳаланиши лозим. Тегишли техник-иқтисодий асосла-нишда яқиндаги шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктлари эҳтиёжларини таъминлаш учун туман сув, иссиқлик таъминоти, оқова тармоғи тизим-

лари ва бошқалар тузилишини кўзда тутиш зарур.

203. Сув, иссиқлик, газ, электр ва б. таъминоти манбаларини танлаш, белгиланган муддатларда сув, электр энергияси, газ ва ҳоказоларнинг ҳисоб миқдорини олиш имкониятини тасдиқлайдиган манфаатдор ташкилотлар билан келишилган бўлиши керак.

204. Сув таъминоти ва оқова тармоғи, иссиқлик, газ ва электр таъминоти, алоқа тизимлари ва бошқа тизимларни ҳисоблаш, жумладан, манбалар доираси, иншоотлар жойлашуви тегишли тизимларни лойиҳалаш бўйича ҚМҚ бўлимлари талабига мувофиқ бўлиши керак.

Сув таъминоти ва оқова тармоғи

205. Сувни тозалаш станциялари учун ер участкалари майдони уларнинг унумига қараб, минг м³/сут, лойиҳага кўра, лекин кўпи билан, га:

0,8 гача	1
0,8 дан 12 гача	2
12 « 32 «	3
32 « 80 «	4
80 « 125 «	5
125 « 250 «	12
250 « 400 «	18
400 « 800 «	24

Изоҳлар: 1. Ер ости манбаларидан сув олиш майдонлари гидрогеологик изланишлар материалларига кўра ҳисоблар асосида олинади.

2. Ер участка майдонлари кейинчалик иш чизмаларига кўра аниқланади.

206. Оқова тармоғи тозалаш иншоотлари учун ер участкалари майдони 47-жадвалда кўрсатилганидан ортиқ қабул қилинмаслиги лозим.

Оқова тармоқ тозалаш иншоотларининг унуми, минг м ³ /сут	Ер участкалари майдони, га		
	Сунъий яратилган шароитда оқовани кўшимча тозалайдиган тозалаш иншоотлари	Лойка майдонлар	Оқоваларни чуқур тозалаш биологик ҳовузлари
0,7 гача	0,5	0,2	
0,7 дан 17гача	4	3	3
17 «40»	6	9	6
40 «130»	12	25	20
130 «175»	14	30	30
175 «280»	18	55	

Изоҳлар: 1. Табiiй яратилган шароитларда биологик тозалаш иншоотларнинг майдони ҳисобларга кўра олинishi керак.

2. Унумдорлиги 280 минг м³/сут дан ортиқ тозалаш иншоотлари ер участкалари майдони белгиланган тартибда ишлаб чиқилган лойиҳалар, ўхшаш иншоотлар лойиҳалари ёки санитария-эпидемиологик хизмат идоралари билан келишувда ихтисослашган ташкилотлар маълумотига кўра олинishi керак.

3. Маҳаллий оқова тизимлари тозалаш иншоотлари ер участкалари майдони замин шароитлари ва оқова сувлар миқдорига кўра, лекин кўпи билан 0,25 га, уларнинг санитария-ҳимоя зоналари эса ҚМҚ 2.04.03-97 «Оқова тармоғи. Ташқи тармоқ ва иншоотлар» талабларига мувофиқ олинishi керак.

4. Ер участкалари майдони кейинчалик ишчи чизмалар бўйича аниқланади.

207. Марказлаштирилган оқова тизими бўлмаганда барча вақтинча ечимлар марказлашган оқованинг умумий схемаси қисмлари бўлиши керак. Кўрғонча қурилишда замин шароитларини ҳисобга олиб септиклар қурилиши тавсия этилади ёки санитария-эпидемиологик хизматининг маҳаллий идоралари билан келишиб оқова станциялари кўзда

тутилиши керак. Оқова станциялари ва уларнинг санитария-ҳимоя зоналари учун ажратилдиган ер участкалари ўлчамлари 51-жадвал бўйича ва ҚМҚ 2.04.03-97 «Оқова тармоғи. Ташқи тармоқ ва иншоотлар»га мувофиқ олиниши керак.

208. Сув таъминоти манбалари ва сув қувурлари иншоотларининг санитария муҳофазаси ва санитария-ҳимоя зоналари ҚМҚ 2.04.02-97 «Сув таъминоти. Ташқи тармоқ ва

иншоотлар», оқова тармоқ иншоотларидан санитария-ҳимоя зоналари эса ҚМҚ 2.04.03-97 «Оқова тармоқ. Ташқи тармоқ ва иншоотлар» талабларига мувофиқ қабул қилиниши керак.

209. Аҳоли пунктларининг бош режаси лойиҳасини тузишда келтирилган шакл бўйича сув баланси тузилиши лозим. (47-жадвал).

49-жадвал

Истеъмолчилар	Сарфлар, м ³ /сут					
	ҳисоб муддати учун			қурилишнинг 1-навбати учун		
	ичимлик сув	техник сув	оқова	ичимлик сув	техник сув	оқова
Хўжалик-ичиш эҳтиёжлари: аҳоли	+		+	+		+
ҳисобга олинмаган сарфлар (20 %)	+	+	+	+	+	+
Жами	+	+	+	+	+	+
Суғориш: йўл қопламаси	-	+	+	-	+	+
кўкаламзорлар: сув қувурлари тармоғидан	+	+	+	-	+	+
ирригация тармоғидан	-	+	+	-	+	+
Жами	+	+	+	-	+	+
Ишлаб чиқариш эҳтиёжлари		+	+	-	+	+
саноат соҳалари бўйича:		+	+	-	+	+
Жами		+	+	-	+	+
Ҳаммаси		+	+	-	+	+
Сарфни қоплаш бўйича таклифлар						

Изоҳлар: 1. Аҳолининг хўжалик-ичимлик эҳтиёжлари учун солиштирма сув истеъмоли ҚМҚ 2.04.02-97 «Сув таъминоти. Ташқи тармоқ ва иншоотлар» га мувофиқ қабул қилиниши керак.

2. Саноат ва қишлоқ хўжалиги корхоналарининг ишлаб чиқариш ва хўжалик-ичимлик эҳтиёжлари учун сарфлар тегишли соҳа лойиҳа ташкилотлари ва бевосита фаолият кўрсатувчи корхоналар маълумотларига кўра олинади.

3. Маҳаллий саноат сув сарфлари ҳисобга олинмаган сарфлар билан хўжалик-ичимлик эҳтиёжларга сувнинг жами сарфи 20 % миқдориди ҳисобга олинади.

Санитария тозалаш

210. Қаттиқ ва суюқ маиший ахлатларни зарарсизлантириш усуллари техник-иқтисодий ҳисоблар, жойнинг табиий-иқтисодий шароитлари асосида, аҳоли пунктлари гуруҳига боғлиқ ҳолда танлаш лозим. Йирик ва ўта йирик шаҳарлар учун маиший ахлатларни ва тозалаш иншоотлари қўйқаларини саноат қайта ишлаш корхоналарини кўзда тутиш тавсия этилади.

Маиший ахлатлар йиғилиши нормаларини 48-жадвал тавсияларига мувофиқ қабул қилиш мумкин.

211. Маиший ахлатларни ташиниш, зарарсизлантириш ва қайта ишлаш корхоналари ва иншоотларининг ҳамда баъзи оқова иншоотларининг ер участкалари ва санитария-ҳимоя зоналари майдонини 49-жадвал бўйича қабул қилиш керак.

50-жадвал

Маиший ахлат	1 кишига йилда маиший ахлат миқдори	
	кг	л

Қаттиқ: сув таъминоти, оқова, марказий иситиш, газ билан жиҳозланган турар жой уйларида	190-225	900-1000
Бошқа тураржой уйларида	300-450	110-1500
Жамоат уйлари ҳисобга олиб шаҳар бўйича умумий миқдори	280-300	1400-1500
Ҳожатхоналардан суюғи (оқова бўлмаганда)	-	2000-3500
Кўча, майдон ва парк қаттиқ қопламалари 1 м ² дан супуриндиси	5-15	8-20

Изоҳлар: 1. Ахлат йиғилиш нормаларининг каттароқ миқдорлари ўта йирик ва йирик шаҳарлар учун олинмиши керак.

2. Йирик ўлчамли маиший ахлатнинг йиғилиши нормалари қаттиқ маиший ахлатлар келтирилган қийматларининг таркибида 5 % деб қабул қилиш лозим.

51-жадвал

Корхоналар ва иншоотлар	Ўлчов бирлиги	Ер участкалари майдони, га	Санитария-ҳимоя зоналари ўлчами, м
Маиший ахлатни саноат асосида қайта ишлаш ва зарарсизлантириш корхоналари, қуввати йилга минг тонна 100 гача	йилига 1000 т. учун га	0,05	300
100 дан ортиқ	->-	0,05	500

51-жадвалнинг давоми

Корхоналар ва иншоотлар	Ўлчов бирлиги	Ер участкалари	Санитария-ҳимоя зона-
-------------------------	---------------	----------------	-----------------------

		майдо- ни, га	лари ўлчами, м
Янги компост омборлари	-	0,4	100
Қаттиқ маиший ахлатни йиғиш ва сақлаш полигопи	-	0,02- 0,05	500
Компостлаш далалари	1 бирл. учун га	0,5-1,0	500
Ассенизация далалари	->-	2-4	1000
Оқова станциялари	-//-	0,2	30*
Ахлат қайта юклаш станциялари	-//-	0,2	100
Зарарсизлан- тирилган қуйқани йиғиш ва кўмиш далалари (курук модда бўйича)	йилига 1000 т. учун га	0,05	300

Изоҳ. * - кўрсатилган масофа энг кам масофадир.

Электр, иссиқлик, совуқлик ва газ таъминоти, алоқа, радио ва телевидение

212. Электроэнергияси сарфи, иссиқлик, газ ва электр таъминоти манбаи қувватига бўлган талаб куйидагича аниқланади:

саноат ва қишлоқ хўжалик корхоналари учун – ишлаётган корхоналар буюртмалари, янги, қайта қурилаётган ёки ўхшаш корхоналар лойиҳалари, шунингдек маҳаллий шароитларни ҳисобга олиб йирик-лаштирилган кўрсаткичлар бўйича;

хўжалик-маиший ва коммунал эҳтиёжлар учун ҚМҚ 2.04.07-99

“Иссиқлик тармоқлари” ва ҚМҚ 2.04.08-96 “Газ таъминоти. Лойиҳалаш нормалари”га мувофиқ.

Электр истеъмолининг йирик-лаштирилган кўрсаткичларини 52-жадвалга мувофиқ қабул қилиш мумкин.

52-жадвал

Аҳоли пунктларининг ободонлаштириш даражаси	Электр истеъ- моли, 1 киши- га кВт.соат /йил	Электр энг кўп юкла- нишдан фойдалан иш, соат/йил
Стационар электрплиталар билан жиҳозлан- маган шаҳарлар:		
кондиционер- ларсиз	1700	5200
кондиционерли	2000	5700
Стационар электрплиталар жиҳозли шаҳарлар (100% қамрови):		
кондиционер- ларсиз	2100	5300
кондиционерли	2400	5800
Шаҳар посёл- калари ва қишлоқ аҳоли пунктлари (кондиционерсиз)		
Стационар электрплита билан жиҳозланмаган	950	4100
Стационар электрплиталар б-н жиҳозланган: (100 % қамрови)	1350	4400

Изоҳ. Электр истеъмолининг йирик кўрсаткичлари катта шаҳарлар учун келтирилган. Уларни шаҳарлар гуруҳи коэффицентлари билан олиш зарур:

Ўта йирик	1,2
Йирик	1,1
Ўрта	0,9

Кичик 0,8

Келтирилган йириклаштирилган кўрсаткичлар турар жой ва жамоатчилик бинолари, коммунал – маиший хизмат кўрсатиш корхоналари, ташқи ёритиш, шаҳар транспорти (метрополитенсиз), сув таҳминоти, сув чиқариш ва иссиқлик таъминоти бўйича электр таъминоти кўзда тулади.

213*. Кучланиши 11 кВ ва ундан юқори бўлган ҳаво электр узатиш линиялари аҳоли жойлашган ҳудуддан ташқарида ўтказилиши лозим.

Ўта йирик ва йирик шаҳарларнинг обод ҳудудларида пасайтирувчи кичик станцияларга кучланиши 110 кВ ва ундан юқори электр узатиш линиялари кабель линиялари орқали тегишли йўлаклар яратиш шартида ўтказилиши лозим.

Умумий энергетик тизимларга кирувчи электр узатиш линиялари саноат зоналари ҳамда қишлоқ хўжалик корхоналари ишлаб чиқариш зоналари ҳудудида жойлашуви мумкин эмас.

Шаҳарларни қайта қуришда кучланиши 35-110 кВ ва ундан юқори бўлган электр узатиш линияларини аҳоли жойлашган ҳудудлардан ташқарига чиқариш ёки ҳаво линияларини кабель линияларига алмаштириш, бўшаган ҳудудларда турар жой ва жамоатчилик биноларини қуриш мақсадга мувофиқ бўлганда эса, мавжуд чуқур киришли пасайтирувчи очик кичик станцияларини ёпиқлари билан алмаштиришни кўзда тутиш лозим.

214. Шаҳар аҳоли пунктлари аҳоли жойлашган ҳудудида 4 қаватли ва ва ундан баланд бинолар қурилиши жойларида 20 кВ гача кучла-

нишли электр тармоқлар, шунингдек, курорт мажмуалари ҳудудида барча кучланишлар тармоқлари, одатда, кабель линиялари билан кўзда тутилиши керак.

Ташқи ёритиш тармоғининг ҳаво линияларига йўл қўйилади.

215. Трансформатор қуввати 16 минг кВа ва юқорироқ бўлган пасайтириш станциялари ва аҳоли жойлашган ҳудудларда жойлаштириладиган ҳаво линияларининг кабелларга ўтиш пунктлари, курорт мажмуалари ҳудудида эса барча трансформатор кичик станциялари ва тақсимлаш мосламалари ёпиқ турда бўлиши лозим. Ушбу ҳудудларда очик кичик станцияларни қўл-лаш лойиҳада асосланиши лозим. Кичик станциялар ва ҳаво линияларининг кабельга ўтиши пункт-ларига киришда кабель ва ҳаво линиялари кириши ва чиқиши учун техник йўллар кўзда тутилиши лозим.

216. Ёпиқ пасайтириш кичик станциялари ҳамда 110-220 кВ кучланишли комплект ва тақсимлаш мосламалари учун ер майдони 0,8 га бўлиши, ҳаво линияларининг кабель линияларига ўтиш пунктлари майдони эса 0,1 га дан ошмаслиги зарур.

217. Алоҳида турадиган тақсимлаш пунктларини ва ҳар бири 1000 кВа қувватига эга бўлган кўпи билан 2 та трансформаторли 6-20 кВ кучланишли кичик станцияларни жойлаштиришда ва шовқиндан сақлаш чораларини кўришда уларнинг турар жой ва жамоат биноларидан узоқлиги камида 10 м, даволаш профилактика муассасалари биносигача камида 25 м бўлиши лозим.

Тақсимлаш пунктларини ва 10 кВ кучланишгача металл трансфор-

матор кичик станциялари атрофини тўсиқ билан ўраш лозим.

Мактаблар ва болалар муассасалари ҳудудларида тақсимлаш пунктлари ва трансформатор кичик станцияларини жойлаштириш мумкин эмас.

218. Аҳоли пунктларининг иссиқлик таъминотини тасдиқланган иссиқлик таъминоти схемаларига мувофиқ кўзда тутиш зарур.

Иссиқлик ва совуқ таъминоти тизимларини танлашда асосий таъсир этувчи омилларнинг барчаси, жумладан техник-иқтисодий, энергетик, шаҳарсозлик, ижтимоий ва экологик омиллар ҳисобга олиниши зарур.

219 Бир ва икки қаватли қурилмалар ҳудудларида иссиқлик таъминоти схемаси бўлмаганда, марказий иссиқлик таъминоти тизимларини жамоат ва турар жой бинолари гуруҳи учун қозонхоналар шаклида кўзда тутиш мумкин.

Шаҳар аҳоли пунктларида тегишли техник-иқтисодий асослаш билан ҚМҚ 2.04.05-97 «Иситиш, шамоллатиш ва кондиционерлаш» талабларига мувофиқ марказлаштирилган совуқ таъминоти тизимларини кўзда тутиш керак.

220. Турар жой ҳудудларида жойлаштириладиган алоҳида иситиш қозонхоналари учун ер майдони ўлчамлари 53-жадвалга мувофиқ кўзда тутилиши лозим.

53-жадвал

Иссиқхоналарнинг иссиқлик унуми, Гкал/соат (МВт)	Иссиқхоналар ер участкаларининг майдони, га	
	қаттиқ ёнилғида ишлайдиган	газ-мазут ёнилғи-сида ишлайдиган
5 гача (6 гача)	0,7	0,7
5 дан 10 гача (6 дан 12)	1,0	1,0
10дан 50гача (12 дан 58)	2,0	1,5
50 « 100 « (58 « 116 «)	3,0	2,5
100 « 200 « (116 « 233 «)	3,7	3,0
200 « 400 « (233 « 466 «)	4,3	3,5

Изоҳлар: 1. Иссиқ сув истеъмолчиларини бевосита сув олиш орқали таъминловчи иситиш қозонхоналари, шунингдек ёнилғиси темир йўл орқали келтириладиган қозонхоналар ер участкалари майдонини 20% га кенгайтириш зарур.

2. Кул-шлак ағдариладиган жойлар аҳоли жойлашган ҳудуддан ташқарида жойлаштирилиши лозим.

3. Иссиқхоналарнинг санитария-химия зоналари ўлчами амалдаги нормалар билан аниқланади.

221. Газ тўлдирувчи станциялар (ГТС) ер участкалари майдони уларнинг унумига боғлиқ, лойиҳага кўра, лекин кўпи билан унумли станцияларга гектар ҳисобидан қабул қилинади:

10 минг т/йил	6
20 минг т/йил	7
30 минг т/йил	8

ГТС дан турли мақсадли бино ва иншоотларгача бўлган масофани ҚМҚ 2.04.08-96 “Газ таъминоти. Лойиҳалаш нормалари” га мувофиқ қабул қилиш лозим.

222. Газ тўлдириш станциялари (ГТС) ва оралик баллон омборлари ер участкалари майдонлари 0,6 га дан ошмаслиги лозим. Улардан турли мақсадли бино ва иншоот-ларгача бўлган масофани ҚМҚ 02.04.08-96 “Газ таъминоти. Лойиҳа-лаш нормалари” га мувофиқ қабул қилиш лозим.

223. Алоқа радиоэшиттириш ва телевидение ёнғин ва кўриқлаш сигнализацияси муҳандислик ускуналари тизимларини диспетчеризациялаш корхоналари, бино ва иншоотларини жойлаштириш белгиланган тартибда тасдиқланган меъёрий ҳужжатлар талабларига мувофиқ амалга оширилиши лозим.

Радио уйлари ва телемарказлар биноларини жойлаштиришда халал берувчи манбалардан минимал узоқлашиш талаблари кўрсатилган 52-жадвалга амал қилиш лозим.

54-жадвал

Халал берувчи манбалар	Халал берувчи манбалардан энг кам масофа, м	Изоҳ
Трамвай ва троллейбус линиялари, автомобиль, шаҳар йўллари	60	ТМ ёки РУ студия биносидан
Темир йўллар, метрополитеннинг ташқи линиялари	100	объект чегарасигача

54-жадвалнинг давоми

Халал берувчи манбалар	Халал берувчи манбалардан энг кам масофа, м	Изоҳ
Таркибида рентген, электр даволаш хоналари, юкори частотали қуритиш ва иситиш бўлган корхоналар, илмий-тадқиқот, даволаш-тиббий ва ўқув муассасалари	100	-»-
РУ ва ТМ таркибига кирмайдиган саноат корхоналари, йирик гаражлар ва автобазалар.	250	-«-
РПС таркибига кирмайдиган барча турдаги узатувчи радиостанциялар	1000	-«-
Кучланишли электр узатиш линиялари: 20 кВ гача 150 кВ гача 500 кВ гача	400 700 1000	-«- -«- -«-

Изоҳ. Халал берувчи манбалардан йўл қўйиладиган масофалар барча тоифа РУ ва ТМ қурилиши учун танланган майдонларда уларнинг қийматига яраша аниқланиши мумкин.

Мухандислик тармоқларининг жойлашуви

224. Мухандислик тармоқлари жойлашуви қуйидагиларни таъминлаши керак:

ҳам ер усти, ҳам ер ости маконидан оқилона фойдаланиш;

қурилишнинг энг кам қиймати, мухандислик тармоқларининг сақланиши ва ишончли ишлаши, улардан фойдаланишнинг қулай ва хавфсизлиги;

транспорт ҳаракати учун энг кам тўсқинлик, йўл қопламалари ва кўкаламзорларнинг сақланиши, аҳолининг нормал турмуш шароити.

225. Аҳоли пунктининг бош режаси қурилишнинг 1-нчи навбати лойиҳаси, саноат тармоғини режалаштириш лойиҳаси турар жой туманининг батафсил лойиҳаси ва микротуман (мавзе, даҳа) лойиҳасини ишлаб чиқишда лойиҳалар таркибига кирувчи мухандислик тармоқлари схемасида мухандислик тармоқлари жойлашадиган техник зоналар қуйидаги мақсадларда кўрсатилиши лозим:

магистраль йўллар тизими ва мухандислик тармоқлари тизимининг режавий ажратилиши;

мухандислик тармоқларининг қурилиш ва фойдаланиш сарфларининг камайишини таъминлайдиган юкори ихчамлиги;

зарур ер ости маконини келгузишдаги ётқизишлар учун захира қилиш;

мухандислик тармоқлари тизими турар жой тумани ва микротуман (мавзе, даҳа)нинг меъморий - режавий ечими билан узвий боғлаш;

кўкаламзорларни ҳам муҳандислик тармоқларини қуриш даврида, ҳам фойдаланишда сақлаб қолиш.

226. Тармоқларни қуриш харажатларини камайтириш мақсадида магистраллараро ҳудуд ичида техник зоналарни жойлаштириш рухсат этилади.

227. Муҳандислик тармоқларининг техник зоналари одатда, буталар ва юзаки илдизли кам қимматли дарахтлар ўтказилган майдонлар шаклида жойлаштирилади. Техник зоналарни тротуарлар билан қўшиб юборишга рухсат этилади.

228. Техник зоналар эни келгусидаги ётқизишлар ҳисобга олинган муҳандислик тармоқлари миқдори билан белгиланади.

229. Мавзе, даҳа тармоқлари мавзе (даҳа) қурилишининг ташқи четида эмас, балки, қуйидаги мақсадларда қурилиш ичида юкланиш ўқларига яқинроқ жойлаштирилиши керак:

мавзе (даҳа) тармоқлари узунлигини, шунингдек уйларга кириш ва уланишларни қисқартириш;

иссиқ-совуқ пунктлари, тортиш ва ҳайдаш станциялари, газ тақсимлаш пунктлари, трансформатор кичик станциялари, телефон шкафлари ва бошқаларни битта бинода – махсус муҳандислик тармоғида жойлаштириш учун қулай шароитларни юзага келтириш;

мавзе (даҳа) тармоқларини умумий траншеяларда, бинолар техник ер ости ва ертўлаларда жойлаштириш учун қулай шароитларни юзага келтириш;

тармоқлардан фойдаланиш учун шароитларни яратиш;

кўчаларда микротуман (мавзе) муҳандислик тармоқлари миқдори-

ни, шаҳар муҳандислик тармоқларини ва кўкаламзорларни жойлаштириш шароитларини яхшилаш мақсадларида қисқартириш.

230. Мавзе (даҳа) қурилмасини лойиҳалашда оқова, тарновлар ва дренажларнинг аниқ схемасини қўйиш имконини, шунингдек бинолар қурилишининг мустақил навбатини тузиш учун муҳандислик ускуналари (иссиқ-совуқ пунктлари, насос станциялари ва бошқалар) ва тармоқларнинг микротуман (мавзе, даҳа)га киришларини рельеф бўйича паст томондан жойлаштириш зарур.

231. Бевосита биноларга ёндош участкаларнинг ободонлаштирилиши яхшиланиши учун:

бинолар остидаги техник бўлимлар ва ертўлалардан (сейсмик ҳудуд ва тупроқ туридан қатъи назар) транзит иссиқлик тармоқлари ва сув қувурларини ажратилган бўлинмаларда жойлаштирган ҳолда ўтказиш учун максимал фойдаланиш;

иссиқлик тармоғи ва сув қувурларининг кириши, шунингдек, оқова сувларининг чиқиши, асосан, биноларнинг ён чет қисмидан ўтказилиши;

газ қувурларининг кириши биноларнинг ҳовли томонидан ўтказилиши;

алоқа кабель тармоқлари (қувурларда) биноларнинг ён қопламаси тагида, электр кабеллар – бевосита ён қопламалар бўйлаб жойлаштирилиши;

муҳандислик тармоқларининг умумий ҳандақда ва зич қурилиш районларида, иктисодий асосланганда эса – умумий коллекторларда ётқизилишини кўзда тутиш лозим.

Турар жой бинолари, мактаблар ва болалар боғчалари ертўлаларида

0,4 6 ва 10 кВ кучланишли кабельли электр линияларини ўтказиш ва паст вольтли шчитларни ўрнатиш мумкин эмас.

232. Мураккаб замин шароитларида (лёссли, чўкувчи, сизот сувларининг юқори сатҳи) қурилиш участкаларида ва мураккаб режавий шароитларда ер усти ва ердан қўтарилган иссиқлик тармоқларини ўтказиш мумкин.

233. Турар-жой ҳудудлар ичида иссиқлик тармоқларининг каналсиз ётқизиши тақиқланади. Унга саноат зоналари ҳудудида унинг йўллар қатнов қисмлари ва тротуарлардан ташқарида жойлашуви шарти билан рухсат берилади.

234. Кўчаларда ва тор кўчаларда техник зоналарни жойлаштиришда уларнинг йўналишини ҳисобга олиш керак. Техник зоналар, одатда, кўчаларнинг жанубий ва ғарбий томонларида жойла-шиши керак, бу уларнинг бошқа томонидан жануб ва ғарбга қаратилган бинолар олд қисмига соя тушишини таъминлайдиган қалин кўкаламзор йўллари барпо этиш имконини беради.

235. Микротуман (мавзе) техник зоналари схемасини ечишда қиймати ва иссиқлик таъминоти ҳамда рельеф шароитига кўра оқова тармоқларини «белгиловчи тармоқлари» бўлади.

236. Бир техник зонада ётқизиш чуқурлиги ва қувур материаллари тахминан бир хил қувурлар ётқизиши керак.

237. Муҳандислик тармоқлари жойлашувчи техник зоналарда бу тармоқлар кузатув қудуқлари, камее-ралари ва коверларидан камида 3 м масофада бўлиш шарти билан пиёда йўлқалар, аҳолининг мустақил маш-

ғулотлари учун спорт майдонча-лари ва болалар майдончаларини жойлаштириш мумкин.

238. Мавзедаги ер ости муҳандислик тармоқларининг энг оқилона схемасини танлаш тармоқларни ётқизишнинг турли вариантлари техник-иқтисодий ҳисобларни қиё-лаш асосида аниқланиши керак.

Микротуман (мавзе, даҳа) қурилмаси режавий ечимлари турларининг муҳандислик тармоқлари узунлиги ва ихчамлиги нуқтаи назаридан самарадорлиги 1000 м² умумий майдондаги тармоқлар зичлиги кўрсаткичлари билан белгиланади, улар одатда 55-жадвалда келтирилган кўрсаткичлардан ошмаслиги лозим.

55-жадвал

Муҳандислик тармоқлари ва жиҳозлар қисмлари	Ўл-чов бир-лиги	қурилиш қаватлилиги			
		2 блок	4	5	9
Сув қувурлари	м	106	36	34	36
Оқова тармоғи	-«-	123	46	40	28
Иссиқлик тармоғи	-«-	90	31	25	20
Газ қувурлари	-«-	108	36	30	20
Электркабель 10 кВ	-«-	57	33	28	21
Электркабель 0,4 кВ	-«-	-	71	60	37
Ташқи ёритиш: кабеллар	-«-	-	48	38	30
ёриткичлар	шт	3	1,5	1,3	1
Телефонлаштириш	м	105	42	35	28
Радиолаштириш	-«-	97	50	39	34
Ирригация ва тарновлар	-«-	125	55	49	37

Изоҳ. 2 қаватли қурилган микротуман (мавзе)да 0,4 кВ ва ташқи ёритиш электр линиялари ҳаво орқали ўтказиш тартибида қабул қилинади.

239. Ер ости тармоқларининг кўчанинг кўндаланг кесимида жойлашуви уларнинг лойиҳаланаётган туманда транспорт ва пиёда ер ости йўллар, эстакадалар, метрополитен йўналишлари ва ҳоказоларни ҳисобга олиб жойлашуви схемалари асосида аниқланади.

Микротуман (мавзе) муҳандислик тармоқларини янги турар жой қурилиши ҳудудларида магистраль кўчаларнинг қизил чизиги ичида жойлаштириш тақиқланади.

240. Умумшаҳар ва туман аҳамиятидаги магистраль кўчаларда бевосита кўчага хизмат кўрсатувчи ва уларсиз шаҳар транспортининг нормал ишлаши мумкин бўлмаган тармоқларни (шаҳар электр транспорти кабелли, кўча ёритиш кабелли, кўча ҳаракатини тартибга солиш кабелли, тарновлар ва ҳоказо), шунингдек, транзит сув қувурлари, иссиқлик тармоқлари, газ қувурлари, оқова суви коллекторлари ва махсус мақсадли тармоқларни жойлаштириш мумкин.

241. Кўчанинг кўндаланг кесимида ер ости муҳандислик тармоқларини қизил чизикдан тахминан қуйидаги тартибда жойлаштириш тавсия этилади: телефон канал тармоғи, электрокабеллар, иссиқлик тармоғи, газ қувурлари, сув қувурлари, оқова тармоғи, тарнов; бунда тармоқларнинг тик ҳолати уларга эркин уланишни таъминлаши керак.

242. Ёритиш кабеллари ёритиш устунлари ёнида транспорт кабеллари эса (трамвай, троллейбус) кўчанинг қатнов қисми четида ётқизилади.

243. Оқова тармоғи ва сув қувури одатда кўкаламзор зонасида жойлашади.

244. Кабель тармоқлари, одатда, тротуарлардан бирининг тагида жойлашиши керак. Кўчанинг иккинчи томонидаги тротуар иссиқлик тармоғини жойлаштириш ёки келгусидаги ётқизишлар учун қўлланади.

245. Иссиқлик қувури, сув қувури ва кўп сонли кабелларни бир вақтда ётқизишда, ривожланган ер ости хўжалиги бўлган шаҳар магистралларини қайта қуришда, кўчанинг кўндаланг кесимида тармоқларни алоҳида ётқизиш учун жой бўлмаганда, магистраль кўчалар ва темир йўллар билан кесишганда муҳандислик тармоқларини умумий ҳандақларда ётқизиш кўзда тутилиши керак.

Трансформатор кичик станциялари ва АТС лардан чиқишда, шунингдек кўп сонли алоқа электр кабелларини ётқизиш мўлжалланаётган кўчаларда, одатда, кабель ҳандақлари лойиҳаланиши лозим.

Муҳандислик тармоқларини бевосита тупроқда ётқизишда техник жиҳатдан мақсадга мувофиқ бўлган барча ҳолатларда қувурларни умумий ҳандақда биргаликда ётқизишни кўзда тутиш лозим.

Ёнувчи суюқликлар ва газлар қувурлари ва кучланиш кабелларини биргаликда ётқизиш тақиқланади.

246. Муҳандислик тармоқлари орасида, шунингдек, улардан бинолар ва иншоотлар пойдеворигача масофалар бу тармоқлардаги камеералар, қудуқлар ва бошқа қурилмалар ўлчами ва жойлашуви, монтаж ва таъмир шароитларидан келиб чиқиб энг кам миқдорда белгиланиши керак.

247.* Энг яқин ер ости муҳандислик тармоқларидан бино ва иншоотларгача текис масофалар (ёруғда) одатда кўпи билан 56-жадвалда кўрсатилгандек килинади.

56- ва 57-жадвалдаги масофалар иншоотлар хавфсизлиги ва ишончилиги талабларини таъминловчи тегишли техник тадбирлар бажарилганида камайтирилиши мумкин.

56-жадвал

Муҳандислик тармоқлари	Ер ости тармоқларидан текис (ёруғда) масофа								
	бино ва иншоотлар пойдеворида	корхона тўсиқлари, эстакадалар, алоқа тармоғи таянчлари пойдеворида	чекка йўл ўқида		автойўлларда		хаво линиялари таянч пойдеворида		
			эни 1250 мм темир йўллар, камида тўшама ва ўра тагига хандак чуқурлиги	эни 750 мм темир йўллар ва трамвай	йўл чети тоши, қатнов қисми чети, йўл четининг мустахкамланган чизиғи	хандак ташқи чети ёки тўшама чети	1 кВ гача ва ташқи ёритиш, трамвай ва троллейбус алоқа тармоғи	1 дан 35 кВ гача	35 кВ дан ортик
Сув қувири ва босимли оқова	5	3	4	2,8	2	1	1	2	3
Ўзи оқар оқова ва тарновлар	3	1,5	4	2,8	1,5	1	1	2	3
Дренажлар	3	1	4	2,8	1,5	1	1	2	3
Ёнувчан газлар қувурлари, босими, МПа (кгс/см ²): паст, 0,005 гача (0,05)	2	1	3,75	2,8	1	1	1	5	10
ўрта, 0,005 (0,05) дан ортик 0,3 (3) гача	4	1	4,8	2,8	1,5	1	1	5	10
юқори, 0,3 (3) дан ортик 0,6 (6) гача	7	1	7,8	3,8	2,5	1	1	5	10
юқори, 0,6 (6) дан ортик 1,2 (12) гача	10	1	10,8	3,8	2,5	1	1	5	10
Иссиқлик тармоғи (канал, тоннел ташқи деворидан)	2	1,5	4	2,8	1,5	1	1	2	3

Барча кучланиш кабеллари ва алоқа кабеллари	0,6	0,5	3,3	2,8	1,5	1	0,5	5	10
Каналлар, тоннеллар	2	1,5	4	2,8	1,5	1	1	2	3
Ташқи ҳаво-ахлат қувурлари	2	1	3,8	2,8	1,5	1	1	3	5

Изоҳлар: 1. Танг шароитларда юқори босимли газ қувурларидан бино ва иншоотларгача бўлган масофани “Газ таъминоти. Лойиҳалаш меъёрлари” 2.04.08-96 ҚМҚ га мувофиқ қабул қилиш лозим.

2. Агарда канал туби бино (иншоот) асосидан 0,5 м ва ундан ортиқ баландликда жойлашган бўлса иссиқлик тармоқларини бино (иншоот) пойдеворига яқин жойлаштиришга рухсат этилади.

3. Жадвалда кўрсатилган кабеллардан ҳаво линиялари таянчлари пойдеворигача масофа энг кам бўлиб, кучланишли кабеллардан масофага тегишлидир. Алоқа кабелларидан масофа махсус нормаларга мувофиқ қабул қилинади.

4. 110-120 кВ кучланишли кабеллардан тўсиқлар, корхоналар, эстакадалар, контакт тармоғи ва алоқа линиялари пойдеворигача бўлган масофа 1,5 м бўлиши зарур.

5. Кучланишли кабеллардан электрлашган темир йўл чизигигача масофа камида 10,75 м бўлиши лозим.

6. Тармоқлар линиялар ва иншоотлар пойдевори асосидан пастда жойлаштирилганда жадвалдаги маофани тупроқ турига кўра ошириш ёки пойдеворни мустаҳкамлаш зарур.

7. Ер ости муҳандислик тармоқларини қувурлар таянчлар ва эстакадалари, алоқа тармоғи пойдеворлари доирасида жойлаштиришга пойдеворлар чўкиши, тармоқдаги аварияларда таянч ва эстакадалар пойдеворлари шикастланиши эҳтимолини йўқ қилувчи чораларни амалга ошириш шарти билан рухсат этилади. Сув даражасини пасайтириш орқали ётқизилиши лозим бўлган муҳандислик тармоқларини жойлаштиришда улардан бино ва иншоотларгача масофани таянч тупроқлари мустаҳкамлигининг эҳтимолий

бузилиши зоналарини ҳисобга олган ҳолда белгилаш зарур.

8. Ер ости муҳандислик тармоқларидан суғориш каналларигача (канал қирғоғигача) бўлган масофани қўйидагича қабул қилиш лозим: паст ва ўрта босимли газ қувурлари, шунингдек сув қувурлари, канализация, тарновлар, суяқ ёнилғи қувурларидан – 1 м, юқори босимли - босими 0,6 МПа (6 кг с/см²) гача бўлган газ қувурлари, иссиқлик қувурлари, хўжа-лик-маиший ва ёмғир оқовасидан – 2 м, кучланишли кабеллар ва алоқа кабелларидан - 1,5 м, кўча тармоғи суғориш каналларидан бино ва иншоотлар пойдеворларигача - 5 м.

9. Камида 20 м чуқурликда жойлашган метрополитен ер ости иншоотлари темирбетонли ёки ёпиштириладиган гидроизоляцияли бетонли қопламаларидан текислик бўйича сув, оқова тармоғи, иссиқлик тармоғи учун – 5 м, 10 кВ гача кучланишли кабеллар учун – 1 м, 10 кВ дан юқори кучланишли кабеллар учун – 3 м масофа бўлиши лозим; ёпиштириладиган гидроизоляцияли қопламалар қўлланганда ушбу иншоотлардан масофани 8 метргача, оқова тармоқларигача – 6 м қабул қилиш лозим.

10. Сув қувурлари ва оқова тармоқларини ҳандақли ўтказишда I-турдаги тупроқ шароитларида тармоқлардан бино ва иншоотлар фундаменти гача горизонтал масофа камида 5 м, II турдаги тупроқ шароитида қўйидаги жадвалдаги каби бўлиши лозим:

Чўкувчи тупроқ қалинлиги, м	Масофа, м, қувурлар диаметри учун, мм		
	100 гача	100 дан 300 гача	300 дан ортиқ
5 гача	чўкмайдиган тупроқлар каби		

5 дан 12 гача	5	7,5	10
12 дан ортиқ	7,5	10	15

II турдаги чўкувчанликка эга тупрок шароитида бино ва иншоотларни куришда тупрокнинг чўкувчанлик хоссалари йўқотилганидан сўнг қувурларнинг ташқи юзасидан бино ва иншоотлар фундаментлари кесимигача бўлган масофа чўкувчан бўлмаган тупроқдаги сингари қабул қилинади.

Жадвалдаги масофаларга рияз этишининг иложи бўлмаганда қувурлар сув ўтказмайдиган каналлар, туннеллар ва тагликларда, фавқулудда тушиб қолган сувларни текшириш қудуқларига чиқариб юбориш қурилмалари билан ётқизишли лозим.

11. Курилиш, жамоат марказлари, савдо мажмуалари, кўчалар ва йўлларни қайта куришда бинолар ва тармоқлардан фойдаланиш хавфсизлиги ва ишончилиги талабларини таъминловчи тегишли техник тадбирлар бажарилганда лойиҳалаштириладиган бино ва иншоотлар тагида мавжуд муҳандислик тармоқларини сақлаб қолишга рухсат этилади.

248. Қўшни ер ости муҳандислик тармоқлари орасида текис масофа уларнинг параллель жойлашувида, одатда, 55-жадвалдагилардан ортиқ қабул қилинмайди.

249. Муҳандислик тармоқлари ўзаро кесишганда энг кам тик масофалар 56-жадвал бўйича қабул қилинади.

250. Иссиқлик тармоғи канали ирригация тармоғи билан кесишганда иссиқлик таъминоти ва ирригация лойиҳаларида иссиқлик каналига сув ҳамда қуйқа киришини бартараф этувчи чора-тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилиши лозим.

251. Газ қувурлари турли мақсадли каналлар ва туннеллар билан кесишганда уларни ушбу қурилмалар устида ёки остида канал ёки

туннелнинг ташқи деворларидан икки томонига 2 м чиқадиган ғилофларда жойлаштирилиши лозим. Босими 0,6 МПа (6 кгс/см²) гача бўлган газ қувурларини турли мақсадли туннеллар орасидан ғилофда ўтказишга рухсат этилади.

252. Қувурларнинг темир йўл ва трамвай йўллари, автомобиль йўллари билан кесишиши, одатда, 90° бурчакда кўзда тутилиши лозим. Айрим ҳолларда, тегишли тарзда асосланган ҳолда кесишиш бурчагини 45° гача камайтириш мумкин.

Газ қувурлари ва иссиқлик тармоқларидан остряклар, крестовиналар учи ва сўрувчи кабелларнинг рельсларга уланиш жойларигача бўлган масофа трамвай йўллари учун - камида 3 м, темир йўллар учун - 10 м бўлиши лозим.

253*. Бевосита ерга ётқизиландиган кабель линияларининг электрлаштирилган рельсли транспорт билан кесишиш жойлари йўл ўқиға нисбатан 75-90° бурчак остида кўзда тутилиши лозим.

Кесишиш жойлари остряклар, крестовиналар охири ва сўрувчи кабелларнинг рельсларга уланиш жойларигача бўлган масофа трамвай йўллари учун - камида 3 м, темир йўллар учун - 10 м бўлиши лозим.

Кабель линияси ҳаво линиясига ўтган тақдирда кўтарма таглиги ёки темир йўл ёки автомобиль йўли тўшамаси четидан камида 3,5 м юзага чиқиши лозим.

Темир йўл ва трамвай йўллари билан кесишиш жойларида рельс таглиги ва телефон канализацияси орасидаги тик масофа камида 0,5 м бўлиши лозим.

254*. Метрополитен иншоотларининг муҳандислик тармоқлари

билан кесишиши 90° бурчак остида кўзда тутилиши лозим, қайта қуриш шароитида кесишиш бурчагини 60° гача камайтиришга рухсат этилади.

Муҳандислик тармоқларининг метрополитен станция иншоотлари билан кесишиши мумкин эмас.

Кесишиш участкаларида қувурлар бир томонга нишаб бўлиши ва ҳимоя конструкциялари (пўлат ғилофлар, монолит бетон ёки темир-бетон каналлар, ҳандақлар, туннеллар) ичида бўлиши лозим. Метрополитен иншоотлари ташқи қопламасидан ҳимоя конструкциялари охиригача масофа ҳар бир томонга камида 10 м бўлиши, қоплама ёки рельс таглиги (ер усти линияларида) ва ҳимоя конструкцияларигача тик масофа камида 1 м бўлиши лозим.

Газ қувурларини тоннеллар тагида ўтказиш мумкин эмас.

Изох: Метрополитен иншоотлари билан кесишиш жойларида босимли қувурлар пўлатдан ясалган ва кесишиш участкасининг икки томонидан сув чиқариш

қурилмали кудуқлар ҳамда тиргак арматура ўрнатилган бўлиши лозим.

255. Ер ости муҳандислик тармоқлари йўловчилар ўтиш жойлари билан кесишганда қувурларни туннеллар остидан, электр ва алоқа кабелларини туннеллар устидан ўтказиш лозим.

256. Саноат корхоналари ва омборларини таъминлаш учун тез ёнувчи ва ёнилғи суюқликлари, шунингдек суюлтирилган газ қувурларини обод ҳудуддан ўтказишга рухсат этилмайди.

Магистраль қувурларни аҳоли пунктлари ҳудудидан ташқарида ҚМҚ 2.05.06-96 «Магистраль қувурлар» га мувофиқ ётқизиш лозим. Аҳоли пунктлари ҳудудидан нефть маҳсулотлари қувурларини ўтказишда ҚМҚ 2.05.12-97 «Шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктлари ҳудудидан ўтказиладиган нефть маҳсулотлари қувурлари» талабларига амал қилиш лозим.

57-жадвал

Муҳандислик тармоқлари	Горизонтал бўйича масофа, м												
	сув қувуригача	оқова сув тармоқгача	дренаж ва ёмғир оқовасигача	босимли газ қувурларигача, МПа (кгс/см ²)				барча кучланишли кабелларгача	алоқа кабелларигача	иссиқлик тармоқларигача		каналлар, тоннелларгача	ташқи ҳаво ахлат қувурларигача
				паст 0,005 (0,05) гача	ўрта 0,005 (0,05) дан 0,3 (3) гача	юқори				канал, тоннелнинг ташқи девори	каналсиз ётқизиш қобиғи		
						0,3 (3) дан 0,6 (6) гача	0,6 (6) дан 1,2 (12) гача						
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14
Сув қувурлари	1-изоҳ қар.	2-изоҳ қар.	1,5	1	1	1,5	2	0,5*	0,5	1,5	1,5	1,5	1

Маиший оқова тармоғи	2-изоҳ қар.	0,4	0,4	1	1,5	2	5	0,5*	0,5	1	1	1	1
Ёмғир оқова тармоғи		1,5	0,4	0,4	1	1,5	2	5	0,5*	0,5	1	1	1
Босимли газ қувурлари, МПа (кгс/см ²): паст 0,005 (0,05) гача		0,5	0,5	0,5	0,5	0,5	0,5	0,5	1	1	2	1	2
Ўрта 0,005 (0,05) дан 0,3 (3) гача		0,8	0,8	0,8	0,5	0,5	0,5	0,5	1	1	2	1	2
юқори 0,3 (3) дан 0,6 (6) гача		1,5	2	2	0,5	0,5	0,5	0,5	1	1	2	1,5	2
юқори 0,6 (6) дан 1,2 (12) гача		2	5	5	0,5	0,5	0,5	0,5	2	1	4	2	4
Барча кучланишли кабеллар		0,5*	0,5*	0,5*	1	1	1	2,0	0,1-0,5*	0,5	2	2	2
Алоқа кабеллари		0,5	0,5	1	1	1	1	1	0,5	-	1	1	1
Иссиқлик тармоқлари: канал, тоннелнинг ташқи деворидан		1,5	1	1	2	2	2	4	2	1	-	-	2
каналсиз ётқизиш қобиғидан		1,5	1	1	1	1	1,5	2	2	1	-	-	2
Каналлар, тоннеллар		1,5	1	1	2	2	2	4	2	1	2	2	-
Ташқи ҳаво ахлат қувурлари		1	1	1	1	1,5	2	2	1,5	1	1	1	1

* - Электр қурилмалар ўрнатиш қоидалари (ПУЭ) талабларига мувофиқ.

Изоҳлар: 1. Сув қувурларининг бир нечта линияларини параллель ётқизишда орасидаги масофа техник ва муҳандис-геологик шароитларига боғлиқ ҚМҚ 2.04.02-97 «Сув таъминоти. Ташқи тармоқлар ва иншоотлар» га мувофиқ олиниши керак.

2. Маиший оқова сув ва хўжалик-ичиш сув қувурининг орасидаги энг кам масофа қуйидагича олинади: темирбетон ва асбестцемент қувурлардан сув қувури-гача - 1,5 м; диаметри 200 мм гача бўлган чўян қувурлардан сув қувуригача -0,7 м; диаметри 200 мм дан ортиқ қувурлардан - 1 м; пластмасса сув қувуригача -0,7 м.

3. Газ қувурларини параллель ётқи-зишда - бир ҳандакка икки ва ундан кўп газ қувурлари босимидан қатъий назар, ёнма-ён жойлаштирилганда улар ораси-даги масофа қуйидагича бўлиши лозим: 300 мм диаметри қувурлар учун 0,4 м ва диаметри 300 мм дан ошиқ қувурлар учун 0,5 м.

4. 55-жадвалда пўлат газ қувурлари-гача бўлган масофа кўрсатилган. Нометалл газ қувурларини жойлаштириш «Газ таъ-миноти. Лойиҳалаш меъёрлари» 2.04.08-96 ҚМҚ га мувофиқ кўрилади.

5. Қувурлар билан қудуқ ёки камее-ранинг ташқи девори ўртасидаги масофа - қувурларнинг қудуқ (камера) деворига қарши пайвандланган ва йиғма бирикиш жойлари бўлмаган ҳолда камида 0,15 м бўлиш зарур. Қудуқ ва камераларни, пўлат

кувурлардаги туткич, даста билан айланиб ўтишга рухсат этилади.

6. Муҳандислик тармоқларини оқова билан параллель ўтказишда оқова сув қувурини бошқа тармоқда ўрнатилган қудук туби бетони билан монолитлашга рухсат этилади.

7. Бошқа иншоотларнинг қудук ва камералари, шунингдек умумий хандақлар орқали ҳар қандай муҳандислик тармоқлари кесиб ўтишига рухсат этилади. Бунда лойиҳалаштирилаётган муҳандислик тармоғи қудук, камера ёки умумий хандақ четидан ҳар томонга 0,5 м четга чиқувчи ва уларда жойлашган арматура ва ускуналардан фойдаланишга, таъмирига ҳалал бермайдиган ғилофга солиниши шарт.

8. Сув қувурини иссиқлик тармоғи билан бир хандаққа ётқизишда, сув қувури билан иссиқлик тармоғи канали орасидаги масофа иссиқлик-техник жиҳатдан ҳисобланиши зарур.

9. Кучланишли ток кабелларини иссиқлик тармоғи билан параллель ҳолда, оралиқ масофани жадвалдаги масофадан камроқ қилиб ётқизишда иссиқлик тармоғи шундай теплоизоляцияга эга бўлиши керакки, йилнинг ҳар қандай фаслида

кабелларнинг иссиқлик тармоғидан қўшимча тарзда исиши 10 кВ кучланишгача бўлган кабеллар учун 10 градусдан ва 220 кВ кабеллар учун 5 градусдан ошмаслиги керак.

10. Асбест ва полиэтилен қувурли телефон канализациясидан бошқа тармоқларгача масофа телефон канализациясида қузатув қудуқлари ўрнатилиши ҳисобга олинган ҳолда белгиланиши зарур.

11. Кўрсатилган масофаларни кучланиши 35 кВ гача бўлган кабель линиялари учун махсус изоляциясиз кабелларда 0,5 м гача ва кабелларни қувурларга жойлаштиришда 0,25 м гача камайтиришга рухсат этилади. Суюқ ёнилғи ва газ қувурлари бундан мустасно. 110-220 кВ ли мой тўлдирилган кабель линиялари учун яқинлашиш масофаси 50 м дан ошиқ бўлмаган участкаларда қувурларгача бўлган масофани қувурлар ўртасида механик шикастланишга йўл қўймайдиган ҳимоя девори мавжуд бўлгандагина текислик бўйича 0,5 м гача камайтиришга рухсат этилади. Суюқ ёнилғи ва газ ўтказиш қувурлари бундан мустасно. Қувурлар ости ва устидан кабеллар ўтказишга йўл қўйилмайди.

58-жадвал*

Тармоқлар номи	Тармоқлар орасидаги (ёруғда) масофалар, м							умумий хандақлар
	сув қувурлари	оқова ва тарновлар	газ қувурлари	иссиқлик тармоқлари	кучланиш кабеллари	алоқа кабеллари		
						зирҳли	блок ва қувурларда	
Сув қувурлари	0,1	0,1	0,1	0,1	0,25	0,1	0,1	0,2
Оқова ва тарновлар	0,1	0,1	0,1	0,1	0,25	0,1	0,1	0,2
Газ қувурлари	0,1	0,1	0,1	0,1	0,25	0,1	0,1	0,1
Иссиқлик қувурлари	0,1	0,1	0,1	-	0,5	0,1	0,1	-
Кучланиш кабеллари	0,25	0,25	0,25	0,5	-	0,2	0,1	0,1
Зирҳли алоқа кабеллари	0,1	0,1	0,1	0,1	0,2	-	-	0,1
-«-, блок ва қувурларда	0,1	0,1	0,1	0,1	0,1	-	-	0,1
Умумий хандақлар	0,2	0,2	0,1	-	0,1	0,1	0,1	-

Изоҳ. Танг шароитларда жадвалдаги масофаларни камайтиришга рухсат этилади, бунда лойиҳаларда махсус қистирмалар ўрнатиш кўзда тутилиши керак.

Х. ХУДУДЛАРНИНГ
МУХАНДИСЛИК
ТАЙЁРГАРЛИГИ ВА ХАВФЛИ
ГЕОЛОГИК ҲАМДА
ГИДРОГЕОЛОГИК
ҲОДИСАЛАРДАН
МУҲОФАЗАСИ

257. Аҳоли яшаш пунктларининг муҳандислик тайёргарлиги истиқболли қурилиш ҳудудларини шаҳарсозлик жиҳатдан ўзлаштирилишини таъминлаш, қурилиш ва унинг узоқ муддатли барҳарорлиги учун энг қулай шароитларни яратишдан, қурилиш учун хавфли ҳисобланган физик-геологик (ер кўчиши, силжиш, чўкиш, суффозия), гидрологик ва гидрогеологик жараёнлар ривожланишини бартараф этишдан иборат.

258. Ҳудуднинг муҳандислик тайёргарлигига оид тадбирлар таркиби аҳоли пунктларининг бош режаларини ишлаб чиқишдан камидан 1 йил олдин тузиладиган иқлим тавсифномалари, физик-геологик, гидрогеологик тадқиқотлар ва радиоэкологик текширув билан белгиланади.

259. Муҳандислик тайёргарлик тадбирларини қуйидаги турларга ажратиш лозим:

Бутун ҳудудга тааллуқли умумий чоралар:

кўкаламзорларни сунъий суғориш;

сувни тўсиб олиб кетиш, табиий ёки сунъий гидрографик тармоқни меъерга солиш, қирғоқбўйини белгилаш ва ободонлаштириш;

антисейсмик тадбирлар;

тик режалаштириш.

Алоҳида аҳоли пунктлари ҳудудларига тегишли махсус чоралар:

сизот сувларининг сатҳи юқори бўлган ҳудудларда уларнинг сатҳини пасайтириш;

ер кўчиши, силжиши ва турли мақсадли сув оқимларининг қирғоқларини емирилишдан ҳимоя қилиш;

сел оқимлари ва тошқин сувлари босиб кетишидан ҳимоя қилиш; ер чўкишига қарши тадбирлар.

Сунъий суғориш, сув
ободончилиги, сувни тўсиб четга
олиб кетиш

260. Суғориш тизимлари суғориш, сув чиқариш-декоратив ва микроиқлимий вазифаларни ўзида жамлаши, қаттиқ қопламаларни намлаш, ювиш ва сунъий сув ҳавзаларини оқар сув билан таъминлаши лозим.

261. Суғориш тизимининг бир вақтнинг ўзидаги харажати қуйидаги формула асосида аниқланади:

$$Q_{\text{тиз}} = Q_{\text{суғ}} + Q_{\text{оқар}} + Q_{\text{сеп}} + Q_{\text{хав}},$$

бу ерда, $Q_{\text{суғ}}$ – кўчатзорларни

суғоришга бериладиган сарфи;

$Q_{\text{оқар}}$ – тармоқ оқими ва тўлишини яратиш учун зарур бўлган сув сарфи;

$Q_{\text{сеп}}$ – қаттиқ қопламаларга сепиш ва ювиш учун сарф;

$Q_{\text{хав}}$ – ҳавзалар оқарлигига сарфи.

262. Суғоришга доир сув сарфини суғориш тартиби, ҳудуд баланси, ҳудуднинг айрим қисмларини кўкаламзорлаштириш фоизига мувофиқ суғориш нормалари асосида аниқлаш лозим. Суғориш нормалари яшил майдонларнинг дендрологик

таркиби ҳамда гидромодуль худудлаштириш асосида қабул қилинади.

263. Қаттиқ қопламаларни ювиш ва намлашдаги сув сарфи суткасига 1 м² қопламага 1 л ҳисобидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

264. Чуқурлиги камида 1,5 м бўлган ҳавзаларда сув сарфи барча сув миқдорининг алмашувидан келиб чиққан ҳолда 3 гектаргача бўлган майдонда - чўмилиш мавсумида тўрт марта, 3 га дан ошиқ майдонда эса - мавсумда уч марта аниқланади.

265. Тармоқ оқарлигига сарфлар қуйидагича аниқланади:

тақсимлаш тармоғи
бўйича – бош сарфининг камида 1/3 қисми;

суғориш тармоғи
бўйича – тасарруф худудига тақсимлаш тар-моғидан бериладиган оқимлар сони ва қуйқа бермайдиган тезликларда энг секин тўлиши бўйича.

266. Кўкаламзорларни суғориш усуллари аҳоли пунктларининг сув билан таъминланганлиги, таснифи ва улар худудларининг функционал зоналаштиришини ҳисобга олиб қабул қилиниши керак.

267. Юқори ободонлаштириш талаблари ва кўп ер ости коммуникациялари бўлган ўта йирик, йирик ва катта шаҳарларда бетонли ариқлар тармоғини лойиҳалаш зарур.

268. Кам қаватли қурилмалар устун бўлган ўрта ва кичик шаҳарлар, туман марказлари ва кўрғонча туридаги қурилишли қишлоқ аҳоли пунктлари нишаблар ва худуд шароитларига кўра ҳам бетонли, ҳам тупроқ ичидаги очиқ тармоқ билан суғорилиши мумкин.

269. Аҳоли пунктлари марказларининг ва шаҳар шакллантирувчи магистраллар бўйлаб қурилмаларнинг худудини очиқ тармоқлардан сув тиндириб ёки сизот сув олиш қудуғидан оладиган стационар босимли тармоқларидан ёмғирлатиб суғориш афзал.

270. Маданий мерос объектлари (тарихий қурилиш) бўлган аҳоли пунктларида суғориш анъанавий усуллар билан ва маданий мерос объектлари (тарихий қурилма) ва алоҳидаги ёдгорликларнинг муҳофазасига талабларни ҳисобга олиб кўзда тутилиши керак.

271. Сув қуйиш” орқали суғоришга фақатгина махсус мақсадли кўкаламзор худудларда - шамол ва шовқиндан сақлаш учун барпо этилган ихоталарда, сув олиш иншоотларини санитария-муҳофазаси зоналари, корхоналар ва коммунал тузилмаларнинг санитария-химоя зоналарида руҳсат этилади.

272. Сув таъминоти етарли бўлмаган худудларда сув сарфини анча камайтириш имконини берувчи суғориш усуллари (томчилаб суғориш, боши берк жўяк-ариклар бўйи-ча инфилтрация усулида суғориш) ни назарда тутиш тавсия этилади.

273. Аҳоли пунктларини суғоришда сув манбалари сифатида ер усти сувлари (каналлар, дарёлар, кўллар, сув омборлари), ер ости - сизот сувлари ва оқова тизимининг қум филтрларида тозаланган оқова сувларидан фойдаланилади. Сув таъминоти тахчил худудларда кузги-қишки ва эрта баҳорги юзаки ёғин сувлари тўпланадиган ҳовузларини, булоқ сувлари каптажи (сувни қувур ичига олиш)ни назарда тутиш лозим.

274. Суғориш сувининг сифатига талаблар унинг минераллашганлик даражаси билан аниқланади, тузлар таркиби 1-2 г/л бўлишига рухсат этилади, бундан камроқ микдорларни такрор шўрланишига ёрдам берувчи гидрогеологик шароитларда қабул қилиш зарурдир.

275. Чўмилишга мўлжалланган сув ҳавзаларини тўлдирувчи сув сифати санитария талаблари билан тартибга солинади.

276. Очиқ суғориш тармоғи қисмларини чўкувчан тупроқларда жойлаштиришда ҚМҚ 2.06.03-97 «Суғориш тизимлари. Лойиҳалаш нормалари» талабларига; ёмғирлаштириш тармоғини ўрнатишда хўжалик-ичимлик сув қувурлари нормаларига амал қилинади.

277. Суғориш тизими иншоотларини ҚМҚ 2.02.02.-98 «Гидротехник иншоотлар асослари», ҚМҚ 2.05.03-97 «Кўприклар ва қувурлар», ҚМҚ 2.06.01-97 «Гидротехник иншоотлар. Асосий лойиҳалаш қоидалари» ва ҚМҚ 2.06.03-97 «Суғориш тизимлари. Лойиҳалаш нормалари» талабларига мувофиқ лойиҳалаш лозим.

278. Магистраль гидрографик тармоқни тартибга солиш ва қисман қайта трассалашни фақатгина ҳудудни ўзлаштириш учун янада қулай шароит яратиш, тармоқдан фойдаланиш шароитларини яхшилаш, энг кам қирғоқбўйи майдонларини барпо этиш учун кўзда тутилади.

279. Қирғоқбўйи майдони ўлчамлари сув омборлари ва бошқа сув ҳавзалари, дарё ва магистраль канал ва ҳандақларнинг сув муҳофазаси зоналари тўғрисидаги Низом билан белгиланади.

280. Юза оқовасини ташкил этиш ва янги ўзлаштирилаётган ерларни ёмғир, қор ва ёндош ҳудудларни суғоришдан ортиқча сувлари тошишидан ҳимоя қилиш аҳоли пунктининг суғориш тармоғи билан ва аҳоли пунктларидан ўтувчи транзит гидрографик тармоғининг иш тартиби билан уйғунлашган бўлиши лозим.

281*. Алоҳида ҳандақнинг бутун ҳавзаси ҳудудидан ёмғир оқовасини ҳисоблаш ёмғирнинг энг кўп интенсивлиги усулида ҚМҚ 2.04.03-97 «Оқова. Ташқи тармоқлар ва иншоотлар» га мувофиқ, кичик (маҳаллий) сув йиғиш майдонлари учун эса ШНҚ 2.05.02-07 «Автомобиль йўллари» ва идора нормаларига мувофиқ бўлиши лозим.

282. Ҳандақ тармоғига юза сувни буриш, одатда, очиқ ариқлар суғориш тармоғи билан унинг жала оқовасини ўтказиш имкониятини ҳисоблаб текшириб кўзда тутилади. ўта йирик, йирик ва катта шаҳар аҳоли пунктлари марказлари зоналарида, шунингдек саноат корхоналари ҳудудларида, шаҳар шакллантирувчи магистралларнинг жадал қурилиши ҳудудларида, ёпиқ қувурли жала тармоғи ёки металл панжаралар билан ёпилган лотоклар кўзда тутилиши мумкин.

283. Магистраль кўчалар ва майдонларда очиқ жала тармоғи қатнов қисмига ёнма-ён, ёпиқ жала тармоғи – кўчатзор зонасида, қатнов қисмининг чети бўйлаб жала қабул қилувчи қудуқлар қурилади.

284. Ўта йирик, йирик ва катта шаҳар аҳоли пунктлари ҳудудида фақат жала ва дренаж оқовасини қабул қилувчи ҳандақ тармоғи ёпиқ

59-жадвал

бўлиши лозим. ўрта ва кичик шаҳар аҳоли пунктлари ҳудудида ҳандак тармоғи очик бўлиши мумкин, тармоқ бўйлаб қирғоқ тасмаси белгиланади. Ёпиқ ҳандақлар «қурук» даврнинг суғориш тармоғининг охирги қолдиқларидан иборат сарфларини ўтказишига ҳисоб-китоб орқали текшириб туриш лозим. Қуйқа берувчи тезликлар юзага келганда ҳандақнинг бош қисмига ювиш оқимларини юборишни кўзда тутиш керак.

285. Суғориш тизимларининг очик оқизиб юбориш ва транзит каналларини жала ва транзит сарфларининг биргаликда ўтказишга ҳисоблаб текшириш лозим.

286. Гидрографик тармоққа (дарёлар, анҳорлар) оқизишдан аввал жала оқовасини ҚМҚ 2.04.03-97 «Оқова. Ташқи тармоқлар ва иншоотлар»га мувофиқ тозалаш лозим.

Очик ёки ёпиқ манбалардан сув олишда, шунингдек, суғориш ва оқова сувларини гидрографик тармоққа оқизишда сув хўжалиги органлари билан келишиш лозим.

**Тик (вертикал) режалаштириш,
дренаж**

287. Ҳудудни тик режалаштириш, одатда, ер массаларининг ноли баланс мувозанати билан белгиланади (жарликларни кўмиш, сув босадиган ва тошадиган ҳудудларга ер солиш бундан мустасно). У жала оқовасини тупроқ эрозиясига йўл қўймайдиган тезликда оқизиб юборилишини таъминлаши лозим. Ер сатҳи нишабликларини тупроқ хоссаларига кўра 59-жадвал бўйича қабул қилиш керак.

Тупроқлар	Сатҳ нишаблари, %, ёгинларнинг йиллик миқдорига кўра, мм			
	150 гача	151-300	301-450	450 ва ортик
Лойли	2-50	2-50	3-50	3-50
Қумли	2-30	10-30	20-30	30
Лёсс, майда қум	2-10	3-10	5-10	10
II турдаги чўкувчан тупроқлар	2-10	3-10	5-10	5-10

Тупроқ-ўсимлик қатлами вақтинча сақлаб, кейинчалик фойдаланилиши лозим.

288. Сизот сувларнинг даражаси юқори участкаларда уни пасайтириш зарур қуриши нормасини таъминлайдиган ёпиқ дренажлар қурилиши орқали кўзда тутилади. Кичик шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктлари бундан мустасно, уларда қуришнинг зарур меъёри жала сувлари ҳандақлари билан қўшилган ҳандақ тармоғи ёрдамида таъминланади.

289. Дренаж турини муҳандислик-геологик ва гидрогеологик тадқиқотлар асосида танлаш лозим. Сув чиқарилган тошлоқ, қумлоқ, қумлоқ-тупроқли ерларда чиқарилган сувлардан (улар яроқли бўлган ҳолларда) суғориш ва техник эҳтиёжлар учун фойдаланиш билан тик ёки биргаликдаги дренажни кўзда тутиш зарур. Сувни чиқариш лаёқати паст бўлган қумлоқ ва соғтупроқ участкаларда ўзи оқар ёки мажбурий оқизиладиган текислик дренаж кўзда тутилади.

290. Оқизиш каналлари, жарликлар ва эски ўзанларга ёндош тор қирғоқ бўйларида қувурсиз (қатлам, призмали) дренажлар билан бирга

чизикли дренажлар кўзда тутилиши керак.

291. Дренаж тизимларини ҳисоблаш ва лойиҳалаш ишлари махсус тадқиқотларга асосланган ҳолда ҚМҚ 1.02.07-97 «Қурилиш учун муҳандислик тадқиқотлари»га мувофиқ амалга оширилиши зарур.

Хавфли геологик жараёнлардан **ХИМОЯ ҚИЛИШ**

292. Барча турдаги қурилишлар учун антисейсмик тадбирларни ҚМҚ 2.01.03-96 «Сейсмик район-ларда қурилиш» га мувофиқ ишлаб чиқиш лозим.

Аҳоли пунктларининг бош режаларини ишлаб чиқишда Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг Сейсмология институти томонидан ишлаб чиқилган микросейсмораёнлаштириш хариталарига ва Давархитектқурилиш кўмитаси томонидан тасдиқланган «Шаҳарсозлик, режалаштириш ва жойлаштириш учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудини тупроқ шароитларига кўра районлаштириш схемаси»га амал қилиш лозим.

293. Сейсмик даража ижобий ўсишини келтириб чиқарувчи омиллар (геодинамик жараёнлар, сув босиши, сизот сувларининг аста-секин нураши ва бошқалар) сабабли мураккаблашган ҳудудлар қурилишдан чиқарилиши керак, ҳудудий захиралар танг бўлган ҳолда бу омиллар тегишли тадбирларни амалга ошириш орқали нейтралланиши лозим.

294. Қирғоқлари эрозия жараёнлари (ўпирилиш, жарликлар ҳосил бўлиши) кучайган очик сув оқимлари бўйича қирғоқларни мустаҳкамлаш

тадбирлари ҳудуддан функционал фойдаланиш билан узвий боғланиши лозим. Сарфлари фақат жала сувлардан ташкил топадиган очик сув оқимларининг туби бўйлаб қувур ва дренаж хандақларини ўрнатиб қисман ёки бутунлай ер билан тўлдиришга, ҳудуддан кўкаламзорлаштириш, кўп поғонали транспорт иншоотлари, коммунал қурилмалар, савдо дўконлари барпо этишга рухсат этилади.

295. Қирғоқни муҳофаза қилиш тадбирларини лойиҳалаштириш ҚМҚ 2.06.01-97 «Гидротехник иншоотлар. Асосий лойиҳалаш қоидалари», ҚМҚ 2.06.04-97 «Гидротехник иншоотларга тушадиган юк оғирлиги ва таъсирлар (тўлқин, муз, кемалар таъсири)»га биноан амалга оширилиши лозим.

296. Сел хавфи бор ҳудудларда селдан ҳимоя тадбирлари аҳоли пунктлари бош режаларини ишлаб чиқишда сел оқимларидан сақланиш минтақавий схемалари билан узвий боғлиқ ҳолда кўзда тутилиши зарур.

Иқтисодий асослашда умумий тусдаги тадбирлар (селга қарши тўғонлар қуриш, сой ва сувсиз сойликларда кўшимча сиғимлар яратиш, сел оқимларини ҳосил қиладиган ҳудудни дарахтзорга айлантириш), ҳамда муайян аҳоли пунктини ҳимоя қилишдан иборат хусусий чоралар (очик сув оқимларини кенгайтириш, аҳоли пунктининг юқори томонидаги ҳудудни марзалар билан ўраб мустаҳкамлаш, очик сув оқимларида селга қарши дамбалар қуриш) қабул қилиниши мумкин

297. Дарёнинг қуйи поғоналарида жойлашган аҳоли пунктларини тошқин сувлар босишидан

ҳимоя қилиш ҳудудни сизот сувлари даражасидан камида 0,5 метрга кўтаришгунча ер билан ёки ўтириндидан тўлдириш, ёки ҚМҚ 2.06.05-98 «Тупроқ материалларидан барпо этиладиган дамбалар» ва ҚМҚ 2.06.01-97 «Гидротехник иншоотлар. Асосий лойиҳалаш қоидалари»га мувофиқ дамбалар қуришни кўзда тутиш лозим.

298. Тошқин сувларининг ҳисоб горизонти сифатида қурилиб бўлган ёки қурилиши мўлжалланган ҳудудлар учун - сувнинг 100 йилда бир марта такрорланувчи энг юқори даражаси ва парк ва текислик иншоотлари ҳудудлари учун 10 йилда такрорланувчи юқори даражаси қабул қилинади.

299. Чўкувчанликка қарши тадбирлар муҳандислик-геологик туманлаштириш харитасига асосан тупроқлар чўкувчанлик турини ҳисобга олган ҳолда белгиланади.

XI. АТРОФ МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ

Шаҳарсозлик экологияси ва табiiй захиралардан оқилона фойдаланиш

300. Шаҳарсозлик лойиҳалашнинг барча босқичларида атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табiiй захиралардан оқилона фойдаланишга доир мажмуавий тадбирлар 8-иловага мувофиқ «Атроф-муҳитга таъсир тўғрисидаги баёнот лойиҳаси» таркибида амалга оширилиши лозим.

301. Атроф муҳитни муҳофаза қилиш тадбирлари тизимида куйидагилар қиради:

Шаҳарсозлик тадбирлари:

табiiй каркас сақланиши ва ривожланиши (сув оқимлари ва улар бўйлаб кўкаламзорлаштириш, дарахтзорлар);

ҳудуднинг режавий ташкилоти схемалари ва лойиҳаларини ишлаб чиқишда дарёлар, сойлар, каналлар, сув омборлари бўйидаги сув муҳофазаси зоналари, шунингдек курорт захира ларининг қатъий тартибдаги санитария зоналари ва ер ости сувлари конлари шаклланиши зоналаридан функционал фойдаланиш талабларини таъминлаш;

ўта йирик ва йирик шаҳарлар атрофида яшил зоналарни барпо этиш;

амалдаги экологик ва шаҳарсозлик қонунчилигига зид ҳолда жойлашган ишлаб чиқариш турлари ихтисосини ўзгартириш ё бошқа жойга кўчириш;

йўл-транспорт тизимини ривожлантириш ва қайта қуриш.

Муҳандислик-техник тадбирлар:

саноат ва энергетика объектларни қайта қуриш, чиқиндисиз технологияларни жорий этиш;

муҳандислик инфратузилмаси ва коммунал хўжаликни юқори технологик даражада ривожлантириш;

шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларини муҳандислик ускуналари билан тўлиқ ҳажмда таъминлаш.

302. Табiiй каркасни сақлаш ва унинг атроф ҳудудга фаол таъсирини таъминлаш мақсадида табiiй каркас ва у таъсир кўрсатаётган ҳудуд майдонлари нисбатини 1:3 даражасида сақлаш лозим.

303. Шаҳарларнинг атроф яшил зоналари дам олиш, санитария-

гигиеник ва хўжалик мақсадларида фойдаланилиши керак. Яшил зоналарда уларнинг ўз экологик, санитария-гигиеник ва дам олиш вазифаларини бажаришига салбий таъсир этувчи хўжалик фаолияти тақиқланади.

304*. Чўл ва ярим чўл зоналарида жойлашган шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктлари атрофида шамолчангдан ҳимоя қилувчи дарахтзорлар барпо этиш, эрозияга учраётган тепаликлар, жар ва сойликларни кўкаламзорлаштириш чораларини кўзда тутиш лозим.

Ҳимоя ихотазорлари эни камида: ўта йирик ва йирик шаҳарлар учун – 500 м, катта ва ўрта шаҳарлар – 100 м, кичик шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктларида - 50 м бўлиши керак.

305. Шаҳарлар ва қишлоқ аҳоли пунктларини қуриш ва ривожлантириш учун ҳудудлар асосан қишлоқ хўжалиги учун яроқсиз ерлардан иборат бўлиши лозим.

Суғориладиган ва қурилган ерларда, шудгор майдонларда, кўп йиллик мевали дарахтлар ва узумзорлар мавжуд бўлган ер участкаларида, шунингдек сувни муҳофаза қилиш, шамолчангдан сақловчи дарахтзор майдонларда қурилишга фавқулодда ҳоллардагина рухсат этилади, баҳолаш кўрсаткичлари юқори бўлган ерларда эса - тақиқланади. Қурилиш ман этилган ерлар рўйхати маҳаллий ҳокимият органлари томонидан белгиланади.

306. Фойдали қазилмалар конлари чегаралари ичида аҳоли пунктлари, саноат зоналари ва бошқа халқ хўжалиги объектларини лойиҳалаштириш ва қуриш тақиқланади.

Фойдали қазилмалар жойлашган майдонларда иморатлар қуриш ва ер ости иншоотлари барпо этишга фавқулодда ҳоллардагина, фойдали қазилмаларни қазиб олишга тўсқинлик юзага келмаслиги ва қурилишнинг иқтисодий мақсадга мувофиқлиги исботланиши шarti билан давлат ер ости бойликларини бошқариш ва тоғ-кон назорати идораларининг рухсати билангина йўл қуйилиши мумкин.

Фойдали қазилмаларни қазиб олиш ва қайта ишлаш, шунингдек бошқа хўжалик фаолияти оқибатида бузилган ерлар тикланиши лозим.

307. Қуйидаги ерларда бинолар, иншоотлар ва магистраль коммуникациялар барпо этишга рухсат этилмайди:

қўриқхоналар, ботаника боғлари, дендрологик парклар ва сувни муҳофаза қилиш зоналарида агар қуриладиган объектлар уларга хизмат қилишга мўлжалланмаган бўлса, қурилиши мумкин эмас;

шаҳарларнинг яшил майдонларида қуриладиган объектлар дам олиш, спорт ёки шаҳар атрофи хўжалигига хизмат кўрсатишга мўлжалланмаган бўлса, қурилиш ишлари тақиқланади;

гидрометеорологик станцияларни ҳимоя қилиш зоналарида;

қуриладиган объектлар сув манбаларидан фойдаланишга боғлиқ бўлмаса, сув таъминоти манбалари санитария муҳофазаси биринчи зонасида ва сув қузури иншоотлари майдончаларида;

қуриладиган объектлар курортлар табиий шифобахш воситаларидан фойдаланиш билан боғлиқ бўлмаса курортларнинг санитария муҳофазаси биринчи зонасида;

радиоактив чиқиндилар билан ифлосланган ҳудудларда (Ўзбекистон Республикаси Санитария-назорат идоралари белгилаган муддат тугагунча);

кўмир, сланец шахталари ва руда бойитиш фабрикаларининг чиқинди тупроқ чиқариш зоналарининг хавфли жойларида, ер кўчадиган, сел оқимлари юзага келадиган, қор кўчкиси содир бўладиган ва органик чиқиндилар билан ифлосланган ер участкаларида;

тўғонлар ёки дамба бузилиши натижасида эҳтимолий офатли тошқин зоналарида (офатли тошқин зонаси – тошқин 1,5 м ва чуқурроқ бўлиб, бинолар ва иншоотлар бузилиши, инсонлар ўлими, корхоналар ускуналарининг ишдан чиқишига олиб келиши мумкин бўлган ҳудуддир);

сейсмик районларда фаол ёриқларга бевосита ёндош зоналарда;

магистраль кувурларнинг ҳимоя зоналарида.

Атмосфера ҳавоси, сув, тупроқ, ер ости бойликлари ва ўсимликларни муҳофаза қилиш

308*. Аҳоли жойлашган ҳудудларни атмосфера ҳавосини ифлослантириш манбалари бўлган, шунингдек юқори ёнғин хавфи мавжуд ишлаб чиқариш корхоналарига нисбатан шамолга рўпара тарафдан (кўпроқ эсувчи шамол йўналиши учун) жойлаштириш керак. Атмосфера ҳавосининг алоҳида тозалигини талаб этувчи корхоналарни атмосфера ҳавосининг ифлосланиши манбалари бўлган кўшни корхоналарга нисбатан устун

шамол йўналишида жойлаштириш керак эмас.

Чорвачилик, паррандачилик ва қайвонотчилик корхоналари, захарли кимёвий моддалар, биопрепаратлар, ўғит сақлаш омборлари ва бошқа ёнғин-портлашдан хавфли бўлган омбор ва ишлаб чиқаришлар, ветеринария муассасалари, чиқиндиларни қайта ишлаш объект ва корхоналари, иссиқхоналари, тозалаш иншоотлари, очиқ турдаги гўнг омборлари обод ҳудуд ва ишлаб чиқариш зонасининг бошқа корхона ва объектларига нисбатан шамолдан пана тарафида (устун шамол йўналиши учун) жорий меъёрий ҳужжатларга мувофиқ жойлаштирилиши лозим.

Изоҳ*. Атмосфера ҳавосини зарарли моддалар билан ифлослантириш манбалари ва санитария ораликлари 500 м дан ортиқ бўлган корхоналарни 1 м/сониягача тезликдаги устун шамоллари, узоқ ёки тезтез қайтарилувчи сокинликлар, инверсиялар, туманлар бўлган туманларда жойлаштирилиши мумкин эмас (йил ичида 30-40% дан кўп, қиш давомида – 50-60 кун).

309. Табiiй муҳитнинг замонавий ва келажакдаги ҳолатини баҳолашда манзара таркибий қисмларининг тикланиш қобилиятини ва ҳудудларга антропоген таъсир манбалари тақсимланишининг ўзига хослигини ҳисобга олиш керак.

310. Атмосфера ҳавосидаги зарарли моддалар концентрациялари майдонини ҳисоблаб аниқлаш лозим. Энг кўп концентрацияларнинг ҳисоб майдони муаммоли зоналар (энг юқори йўл қўйиладиган нормалардан ошувчи) нуқтаи назаридан таҳлил қилинади. Оғир вазиятли участкалар ва болалар, даволаш, дам олиш ва профилактик муассасалар жойлашиш жойлари

майдалаб (10 м ҳисоб қадами билан) чиқиндилар салбий таъсири чегарасини аниқлаш учун кўриб чиқилиши лозим.

311. Концентрацияларни ҳисоблаш учун бирламчи маълумот сифатида худудни ифлослантиришга энг кўп қисса кўшувчи асосий саноат корхоналари чиқиндиларининг кўрсаткичларидан фойдаланиш лозим (Давлат Табиат қўмитасининг маҳаллий идоралари билан келишув бўйича). Ҳисобларда ҳам барқарор, ҳам кўчма манбалар чиқиндиларини ҳисобга олиш керак.

Чиқиндилар миқдори Ўзбекистон Республикаси Давлат Табиат қўмитаси тасдиқлаган дастурларни қўллаб ҳисобланади.

Изоҳ. Агар худуд аэропортнинг таъсир зонасида бўлса, барча тур самолётларнинг чиқиндиси Ўзбекистон Республикаси Давлат Табиат қўмитаси тасдиқлаган услубиёт бўйича ҳисобга олинади.

312. Ҳисоб натижаларини муҳит экологик ҳолатини меъёрга солиш тадбирларини ишлаб чиқиш учун у ёки бу манбаларни ифлосланиш даражасига қўшган ҳиссасига қараб фарқлаб кўриб чиқиш лозим.

Изоҳ. Шаҳарсозлик ва ташкилий-маъмурий тадбирлар технологик ва муҳандис-техник тадбирлар билан бирга ишлаб чиқилади, уларга:

ишлаб чиқариш майдонларида жойлашган чиқинди манбалари ва турар жой қурилишининг жойи ўзгартирилиши;

санитария-ҳимоя зоналарини ташкил этиш;

саноат зоналарини ташкил этиш;

магистралларни қайта қуриш, айланма йўллар, тез ҳаракатли магистралларни ташкил этиш қиради.

313. Табиат муҳофазаси тадбирларини ишлаб чиқишда сифатли ер ости суви конлари мавжудлигини ҳисобга олиш лозим. Чучук ер ости

суви конлари бўлган зоналарда шаҳарсозлик фаолияти тегишли ташкилотлар (Давлат табиат қўмитаси ва Ўзбекгидрогеология) билан келишилиши керак.

314. Юзадаги ва ер ости сувлари муҳофазаси сув оқимлари, сизот сувлар ва кўрилаётган худуддаги уларнинг ифлосланиши манбаларининг замонавий аҳволи Сув муҳофазаси зоналари тўғрисидаги Низом асосида қурилиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мақкамасининг 07.04.1992 даги №174-сонли Қарорига мувофиқ амалга оширилиши лозим.

315. Шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқишда сув муҳофазаси зоналарининг энг кам эни:

Сув омборлари учун – сувнинг энг кам таянч сатҳида қирғоқ белгисидан, бошқа ҳавзалар учун – сувнинг кўп йиллик ўртача сатҳидан:

катта сув омборлари ва бошқа ҳавзалар атрофида - (ҳажми 1,1 дан 10 км³ гача) - 300-500 м;

ўрта сув омборлари ва бошқа ҳавзалар атрофида (ҳажми 0,6 дан 1 км³ гача) – 200-300 м;

кичик сув омборлари ва бошқа ҳавзалар атрофида (ҳажми 0,2 дан 0,5 км³ гача) – 100-200 м;

жуда кичик сув омборлари ва бошқа ҳавзалар атрофида (ҳажми 0,1 км³ дан кичик) – 100 м гача бўлади.

дарёлар учун – ўртача кўп йиллик сув сатҳидан:

катта дарёларда (сув сарфи 100 м³/сек дан кўп) – 300-500 м;

ўрта дарёларда (сув сарфи 5 дан 100 м³/сек гача) – 100-300 м;

кичик дарёларда (сув сарфи 2 дан 5 м³/сек гача) – 50-100 м;

жуда кичик дарёларда, сойларда (сув сарфи $2 \text{ м}^3/\text{сек}$ гача) – 50 м гача.

Дарёлар, кўл ва сув омборлари сув муҳофазаси зоналарида тақиқланади:

қаттиқ маиший ахлат ва қайта ишланмаган саноат чиқиндилари учун полигонлар, захарли кимёвий моддалар, ўғитлар ва ёнилғи-мойлаш материаллари омборлари, захарли кимёвий моддаларни апаратурага солиш майдончалари, чорвачилик мажмуалари ва фермалар, дафн этиш жойларининг жойлашуви;

табиат муҳофазаси ва давлат санитария-эпидемиологик назорат идоралари билан келишилмасдан ишлаб чиқариш ва ижтимоий соқаянги объектларини қуриш ва мавжудларини кенгайтириш.

Дарё, сойлар ва сув омборлари соҳилларидаги сув муҳофазаси зоналари ичида қирғоқ бўйи ажратилиб, унда хўжалик фаолияти кескин чекланади ва бирор саноат-фуқаро иморатлари, турар жой, ижтимоий-маиший ва маданий объектларнинг қурилиши тақиқланади.

Сув омборлари қирғоқ бўйларининг энг кам эни ёндош ерлар турлари ва ён бағирлар тиклигига боғлиқ, ҳавзалар ҳажмини ҳисобга олиб белгиланади:

шудгорда ва кўп йиллик дарахтзорда ён бағирлар тиклиги 3 градусгача бўлса - 35 м гача, 3 дан 8 градусгача – 35-40 м;

барча ҳолларда қирғоқ бўйи эни камида 20 м белгиланади.

Дарё ва сойларнинг қирғоқбўйи эни:

шудгор ва кўп йиллик экинзорда ён бағирлар тиклиги 3 гра-

дусгача бўлса - 35-55 м, 3 градусдан ортиқ – 55-100 м;

пичанзор ва яйловларда ён бағирлар тиклиги 3 градусгача бўлса – 25-35 м, 3 градусдан ортиқ – 35-50 м;

ўрмон майдонлари ва дарахт-бутазорларида ён бағирлар тиклиги 3 градусгача бўлса – 35-55 м, 3 градусдан ошиқ – 55-100м белгиланади.

Энг катта қийматлари энг кўп эрозия бўлаётган тупроқларга тегишлидир.

316. Юза ва ер ости сувларини соғломлаштириш тадбирлари уларнинг ифлосланиш манбаларини йўқ қилиш, аҳоли пунктларининг муҳандислик таъминоти, аҳоли пунктлари ҳудудида ҳавзалар соҳилида қурилиш қоидаларига риоя қилишни кўзда тутиши керак.

317. Тупроқлар ва ўсимликларнинг муҳофазаси ифлослантирувчилар таркиби, ифлосланиш жараёнларининг тезлиги, манзара шароитлари ва тупроқ қатлами хусусиятларига боғлиқ ҳолда мажмуий амалга ошириш керак.

318. Бўлимни ишлаб чиқишда тупроққа атмосфера ёғинлари, қўнувчи чанг ва аэрозоллар билан саноат чиқиндиларининг кириши, тупроқнинг газсимон бирикмаларни бевосита сингдириб, уларнинг ўсимликлар ютиб олишини ҳисобга олиш ҳамда экологик жиқатдан эқтимолий хавфли объектлар атрофида чанг-газ тутиб қолувчи дарахтзорлар билан санитария-ҳимоя зоналарини барпо этишни кўзда тутиш керак.

Шовқин, вибрациялар, электрмагнит майдон ва радиациядан ҳимоя қилиш

319. Турар жой қурилишларида шовқин манбалари автомобиль ва темир йўл транспорти, темир йўл транспорти объектлари, фуқаролик авиацияси самолётлари ва вертолётлар, коммунал-транспорт ва саноат корхоналари, очик трансформатор кичик станциялари, насос қурилмалари ва иссиқхоналар бўлади.

320. Турар жой ва жамоат бинолари ҳамда уларга ёндош ҳудудлар учун йўл қўйиладиган шовқин даражалари «Турар жой ва жамоат бинолари ва турар жой қурилиши ҳудудида йўл қўйиладиган шовқиннинг санитария нормалари», шунингдек ҚМҚ 2.01.08-96 «Шовқиндан ҳимоя қилиш» бўйича олинади.

321. Авиация шовқинининг йўл қўйиладиган даражалари ГОСТ 22283-88 «Авиация шовқини. Турар жой қурилишида шовқиннинг йўл қўйиладиган даражалари ва уларни ўлчаш усуллари» га мувофиқ белгиланади.

322. Шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктлари кўчалар ва йўлларида транспорт оқимларининг шовқин тавсифлари ГОСТ 20444-85 «Шовқин. Транспорт оқимлари. Шовқин тавсифларини ўлчаш усуллари» га мувофиқ ўлчаш зарур.

323. Транспорт оқимлари, рельсли транспорт, коммунал-транспорт объектлари ва бошқа шовқин манбаларидан товуш эквивалент даражалари - $LA_{эқв}$, дБА бош режа босқичида 9-иловининг 1-б-жадваллари бўйича аниқланади.

324. Аэродромларда ва аэропортларда самолётлар учуши ва қўнишида товушнинг ҳисобланадиган энг кўп ва эквивалент дара-

жалари «Фуқаролик авиацияси аэропортларининг атрофларида турар жой қурилишининг шовқин шароитлари юзасидан чекланиш зоналари белгиланиши бўйича тавсиялар»га мувофиқ белгиланади, СССР Давлат қурилиш қўмитаси, НИИСФ, М., 1987.

325. Товуш даражасининг дарахтзорлари ихоталари билан дБА даги $LA_{кўк}$ пасайтирилиши 9-иловининг 7-жадвалига кўра олинishi керак.

326. Турар жой биноларида вибрацияларнинг йўл қўйиладиган даражалари ҚМҚ 2.05.04-97 «Метрополитенлар» ва «Турар жой уйларида йўл қўйиладиган вибрациялар санитария нормалари» № 1304-75 га мувофиқ келиши лозим.

327. Радиотелевизион узатиш станциялари, фуқаролик авиациясининг радиолокация станциялари, юқори кучланишли электр узатиш ҳаво линияларини жойлаштиришда № 0096-00-сонли «Аҳолини радиотехник объектлар яратувчи электрмагнит майдонлардан ҳимоя қилишнинг вақтинча санитария нормалари ва қоидалари», № 2284-81-сонли «Электрмагнит майдонининг даражасини аниқлаш ва фуқаролик авиацияси ОВЧ-, УВЧ- ва СВЧ-радиотехник воситаларини жойлаштиришга гигиеник талабларни аниқлаш бўйича услубий кўрсатмалар» ҳамда «Электр қурилмалар ўрнатиш қоидалари» (ПУЭ) га асосланиш лозим.

Радиациядан ҳимоя қилишни таъминлашда Ўзбекистон Республикаси Давлат Геология қўмитаси «Қизилтепагеология» Давлат геологик корхонаси ўтказадиган шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларининг

радиоэкологик тадқиқоти натижаларини ҳисобга олиш лозим.

328. Радиоактив моддаларни ишлаб чиқаришда, ишлов беришда, қўллаш, саклаш, ўзгартириш, зарарсизлантириш ва кўмилишида радиацион хавфсизлик таъминланиши «Радиацион хавфсизлик нормалари» (НРБ 76/87) ва «Радиоактив моддалар ва ионлаштирувчи нурланишларнинг бошқа манбалари билан ишлашнинг асосий санитария нормалари» (ОСП 72/87) га мувофиқ амалга оширилади.

ХП. АҲОЛИ ПУНКТЛАРИ **ҚУРИЛИШИДА МАДАНИЙ** **МЕРОС ОБЪЕКТЛАРИНИ** **МУҲОФАЗА ҚИЛИШ**

329*. Аҳоли пунктлари ҳудудини ривожлантириш ва қурилмаларини режалаштириш лойиҳаларида маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва фойдаланиш талабларига риоя қилиш лозим. Бунда шаҳарсозлик фаолиятини алоҳида тартибга солишни чегаралари (маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш зоналари, қурилишнинг тартибга солиниши ва табиий манзарани муҳофаза қилиш зоналари) белгиланиши керак. Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш зоналари алоҳида бинолар ва иншоотлар, уларнинг ансамбллари ва мажмуалари, шунингдек бошқа қимматбаҳо тарихий-маданий шаҳарсозлик мажмуалари ва элементлари учун кўзда тутилади.

Изоҳ. Маданий мерос объектларининг сақланиши, қайта таъмирланиши ва фойдаланиши Ўзбекистон Республикасининг “Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва фойдаланиш тўғрисида”

амалдаги Қонуни ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари билан тартибга солинади.

329.1. Шаҳарсозлик лойиҳалаштиришнинг барча босқичларида “Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш лойиҳаси” таркибининг тадбирлар мажмуаси 11-иловага мувофиқ кўзда тутилиши лозим.

329.2. Жаҳон маданий мероси рўйхатига киритилган Бухоро, Самарқанд, Шахрисабз, хўжалик ва бошқа турдаги фаолият маданий мерос объектларини гуруҳли муҳофаза қилиш ва қурилмаларнинг бадий ўзига хослигини сақлаш бўйича шаҳарсозлик чораларини ҳисобга олиб амалга ошириш зарур.

329.3. Таркибида умумдавлат ва маҳаллий аҳамиятга эга маданий мерос объектлари бўлган шаҳарлар ва аҳоли пунктларидаги шаҳарсозлик фаолияти Ўзбекистон Республикаси қонунларига биноан алоҳида тартибга солинади.

329.4. Шаҳарсозлик ҳужжатларини тайёрлашда “Маданий мерос объектларига туташиб турган ҳудудлар қурилиши бўйича Регламент” ишланади.

330*. Маданий мерос объектларининг (шаҳар-қўриқхоналар, тарихий ансамбллари, ландшафт мажмуалари, алоҳида жойлашган архитектура, халқ меъморчилиги, этнография, археология ёдгорликлари, қадимги қабристонлар (некрополлар), мақбаралар, (алоҳида турган қабрлар) шаҳарсозлик муҳофазаси “Маданий мерос объектларига туташиб турган ҳудудлар қурилиши бўйича Регламент”га мувофиқ амалга оширилиши лозим.

Регламент барча ҳудудий даражаларда (республика, минтақа, агло-

мерация, шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктлари, шунингдек, аҳоли пунктларидан ташқаридаги объектлар), меъморий-шаҳарсозлик лойиҳалаштиришнинг барча босқичларида амалга оширилиши ва маданий меросни сақлашнинг узоқ муддатли дастурларида изчил ечилиши зарур.

331. Тарихий аҳоли пунктларини мажмуий қайта қуришда тарихий зоналарнинг ижтимоий ўзгартирилишига оид бўлган ва шу зоналарда яшовчи аҳоли манфаатларини, миллий маданиятнинг маънавий ва моддий бойликларини сақлаш ва ривожлантиришга интилишини акс эттирувчи дастурларни ишлаб чиқиш керак.

Изоҳ. Тарихий аҳоли пунктлари бўйича шаҳарсозлик лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари бўйича ишлари Вазирлиги билан келишилиши лозим.

332*. Аҳоли пунктлари ҳудудларининг ривожланиш ва қурилмаларини режалаштириш лойиҳаларида маданий мерос объектларининг бузилиши, кўчирилиши ёки ҳолатида ўзгаришларни кўзда тутиши мумкин эмас.

Фавқулодда ҳолларда уларнинг ҳолатини ўзгартириш бўйича таклифлар маданий меросни муҳофаза қилиш давлат идоралари билан олдиндан келишилгандан сўнг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига кўриб чиқиш учун тақдим этиш керак.

Олдиндан таркиб топган қурилмалар ҳудудларида қимматли тарихий муҳитини шаҳарсозлик муҳофаза қилиш мажмуий қуриш-таъмирлаш усуллари билан таъминланиши керак, шу билан бир вақтнинг ўзида меъморий ва маданий қиймати

бўлган биноларни қайта таъмирлаш бўйича ишлар, мавжуд биноларни қайта қуриш, замонавийлаштириш ва капитал таъмирлаш ишлари, муҳит характерини бузмайдиган ҳолда танланган янги қурилиш ишлари, ҳудуднинг муҳандислик жиҳозланиши ва ободонлаштирилиши ишларини кўзда тутиш ва олиб бориш зарур.

Анъанавий режалаштириш тузилмаларини ва халқ меъморчилиги элементларини сақлаш билан бирга тарихий шаклланган каркасни сақлаш ва ривожлантириш, ҳамда анъанавий турар жой қурилмаларини регенерация қилиш (қайта яроқли ҳолатини тиклаш) маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш бўйича меъморий-шаҳарсозлик тадбирлари тизимига киритилиши лозим.

333*. Маданий мерос объектларидан транспорт ва муҳандислик коммуникацияларигача бўлган масофалар камида қўйидагича бўлиши лозим:

тез ва тўхтовсиз ҳаракат магистралларининг қатнов қисмлари, саёз қурилган метрополитен линияларигача мураккаб рельеф шароитида - 100 м; текис рельефда - 50 м; сув қувурлари, оқова тармоғи ва иссиқлик таъминоти тармоқларигача (тақсимловчиларидан ташқари)-15 м; бошқа ер ости муҳандислик тармоқларигача - 5 м.

Қайта қуриш шароитларида муҳандислик тармоқларигача ушбу масофалари камайрилиши мумкин, лекин улар камида: сув олиб боровчи тармоқларгача - 5 м; сув

олиб бормайдиган тармоқларгача – 2 м бўлиши лозим.

Бунда қурилиш ишларини амалга оширишда махсус техник тадбирларни ўтказишни таъминлаш лозим.

Маданий мерос объектларидан суғориладиган дарахтзор ва кўк-ламзорлаштириш тизимларигача бўлган масофалар камида қуйидагича бўлиши зарур:

- мураккаб рельеф шароитида - 50м;
- текис рельефда - 100м.

334*. Алоҳида тартибга солинадиган шаҳарсозлик фаолияти объектларига ва умумдавлат ва маҳаллий аҳамиятга эга маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва қайта тиклаш билан боғлиқ бўлган шаҳарсозлик лойиҳалаштиришидан аввал тарихий зоналарнинг уларни аҳоли пунктининг тизимига кириши учун истиқболий сақланиши ёки ўзгартирилишини белгилаб берувчи лойиҳадан аввалги илмий-асосланган тадқиқотлар ўтказилиши керак.

ЁНГИНГА ҚАРШИ ТАЛАБЛАР

1.* Турар жой уйлари, жамоат ва саноат корхоналарининг ёрдамчи бинолари орасидаги ёнғинга қарши масофалар 1-жадвал бўйича, саноат ва қишлоқ хўжалиги корхоналарининг ишлаб чиқариш бинолари

орасида эса ҚМҚ «Саноат корхоналарининг бош режалари» ва ШНҚ 2.01.02-04 «Био ва иншоотлар ёнғин хавфсизлиги» бўйича қабул қилиниши керак.

1-жадвал

Бинонинг ёнғинга бардош бериши даражаси	Биоларнинг ёнғинга бардош бериш даражасидаги масофалар, м		
	I, II	III	IIIa, IIIб, IV, IVa, V
I, II	6	8	10
III	8	8	10
IIIa, IIIб, IV, IVa, V	10	10	15

Изоҳ. Биоларнинг ёнғинга бардош бериш даражаси бўйича таснифи ШНҚ 2.01.02-04 «Био ва иншоотлар ёнғин хавфсизлиги» бўйича қабул қилиниши лозим.

Ёнғинга бардош беришнинг I ва II даражаси бўлган турар жой, жамоат ва ёрдамчи биолардан ёнғинга бардош беришнинг I ва II даражаси бўлган ишлаб чиқариш бинолари ва гаражларигача энг кам масофалар 9 м, полимер ёки ёнувчан материаллардан иситувчи қўлланган қопламаси бўлган ишлаб чиқариш биоларигача – 15 м дан кам бўлмаслиги керак.

Тор кўчадан хонадонгача йўлнинг умумий энг кўп узунлиги кам қаватли зич қурилишда тор кўчаларга иккала учи билан тегувчи очик ўтиш йўлаклари бўлганда кўпи билан 60 м ва боши берк йўлакда – кўпи билан 45 м бўлиши керак.

Изоҳ. Пиёда коммуникацияларнинг тавсия этилган узунлиги турар жой бинолари учун ШНҚ 2.08.01-05 «Турар жой бинолари» га мувофиқ, 4-қаватга зинадан чиқиш узунлиги ҳисобга олинган ҳолда ёнғин хавфсизлиги нормаларига мос келади (чунки IV иқлимий минтақада лифтсиз қурилиш 4-қаватли уйлар билан чекланган).

2. Биолар ва иншоотлар орасидаги масофа деб ташқи деворлари ёки бошқа конструкциялари орасидаги ёруғда масофаси ҳисобланади. 1 м дан ортиқ девордан чиқиб турувчи био ёки иншоотнинг ёнувчан материаллардан ишланган конструкциялари мавжудлиги шартидаги ушбу конструкциялар орасидаги масофа қабул қилинади.

3. Биоларнинг деразаларсиз деворлари орасидаги масофа 20 % га қисқартирилиши мумкин, ёнғинга бардош беришнинг IIIa, IIIб, IV, IVa

ва V даражаларидаги бинолардан ташқари.

4. Сейсмиклиги 9 балл бўлган минтақаларда турар жой бинолари орасидаги, шунингдек, турар жой бинолари ва ёнғинга бардош беришнинг IVa ва V даражаларидаги жамоат бинолари орасидаги масофалар 20 % га оширилиши керак.

5. Каркасли ва шчитли конструкциялардаги ёнғинга бардош беришнинг V даражасидаги 2-қаватли бинолар учун, шунингдек, ёнувчан материаллар билан ёпилган бинолар учун ёнғинга қарши масофалар 20% га оширилиши лозим.

6. Ёнғинга бардош беришнинг I ва II даражаларидаги бинолар орасидаги масофа юқориқ бинонинг иккинчи бино қаршисидаги девори ёнғинга қарши бўлган шароитдагина 6 м дан камроқ бўлиши мумкин.

7. Томорқа ер участкасидаги бир ва икки хонадонли турар жой уйлари ва хўжалик иморатларидан (гараж, ҳаммом) қўшни ер участ-каларидаги турар жой уйлари ва хўжалик иморатларигача масофалар 1-жадвал бўйича қабул қилинади.

8. Турар жой уйлари орасида, шунингдек, турар жой уйлари ва хўжалик иморатлари (сарой, гараж, ҳаммом) орасидаги масофалар қурилишнинг умумий майдони, шу жумладан уларнинг орасидаги қуриб тўлдирилмаган майдони ҳам, ШНК 2.08.01-05 “Турар жой уйлари” га мувофиқ худди шундай ёнғинга бардош бериш даражасидаги ёнғинга қарши деворларсиз битта бино қурилмаси (қавати)нинг энг кўп йўл қўйиладиган майдонига тенг бўлганда меъёрланмайди.

9. Томорқа участкаларидан ташқарида жойлашган хўжалик иморат-

лари (сарой, гараж, ҳаммом) орасидаги масофалар блоклаб қурилган хўжалик иморатларнинг қурилиш майдони 800 м² дан ошмаган ҳолда меъёрланмайди. Блоклаб қурилган хўжалик иморатлари гуруҳлари орасидаги масофалар 1-жадвалга кўра олиниши керак.

10. Саноат корхоналарининг турар жой, жамоат ва ёрдамчи бинолари бир-биридан 1-жадвалда кўрсатилган масофаларда жойлаштирилади. Ёнғинга бардош беришнинг I ва II даражаси бўлган турар жой, жамоат ва ёрдамчи бинолардан ёнғинга бардош беришнинг I ва II даражаси бўлган ишлаб чиқариш биноларигача энг кам масофалар 9 м, полимер ёки ёнувчан материаллардан иситувчи қўлланган қопламаси бўлган ишлаб чиқариш биноларигача – 15 м дан кам бўлмаслиги керак.

11. Бир ва икки хонадонли турар жой уйлари томорқа ер участкаларида меъёрланмайдиган масофаларсиз бир жуфт доирасида жойлаштирилади, лекин бундай уй жуфти ва уларнинг хўжалик иморатларида қўшни ер участкаларидаги иккинчи уйлар жуфтигача ва уларнинг хўжалик иморатларигача масофалар 1-жадвалда кўрсатилганидан кам бўлмаслиги керак.

12*. Хўжалик саройлари ва гаражлари участка уйи турар жой хоналаридан қўшни уйгача (айвони ва деразали деворигача) масофалари бир жуфт уй ичида камида 7 м бўладиган қилиб жойлаштирилади, ёки сарой ва гаражнинг бир ёки икки хонадонли уй ёнига қуриш кўзда тутилади.

Ёқилғи сақланадиган омборларни бир кишига 0,8 м², лекин бир

хонадонга камида 4 м² миқдорда, микротуман (мавзе) ҳудудида турар жой уйлари ошхона плиталари ва ванна колонкалари билан жиҳозланганда, муҳандислик-геологик шароитларга кўра ертўлалар барпо этиш мумкин бўлмаганда кўзда тутилади.

Саройлардан турар жой уйлари гача масофалар камида 1-жадвалда кўрсатилишича, энг узоқ уйга киришгача эса – кўпи билан 100 м қабул қилинади.

Хўжалик саройлари орасидаги масофалар ёнғинга бардош беришнинг V даражасидаги бинонинг умумий қурилиши майдони ҚМҚ 2.09.12-98 “Омбор бинолари” бўйича қабул қилинганда меъёрланмайди.

13*. Молхона ва паррандахоналар турар жой уйигача уларнинг энг яқинидан масофаси якка ва иккилик саройлар учун камида 15 м, 8 блоккача бўлган гуруҳли саройлар учун 25 м, 8 блокдан ортиқ гуруҳли саройлар учун 50 м билан жойлаштирилиши керак.

Энг узоқдаги саройгача масофа 130 м дан ошмаслиги керак.

150 блокдан ортиқ молхона ва паррандахона гуруҳлари аҳоли жойлашган ҳудуддан ташқарида жойлаштирилади.

Блокланган саройлар гуруҳининг қурилиш майдони 800 м² дан ошмаслиги керак. Саройлар гуруҳлари орасидаги масофалар ҚМҚ 2.09.12-98 «Омбор бинолари» бўйича қабул қилиниш керак.

14. Қишлоқ клублари ва маданият уйлари ёнғинга бардош беришнинг IV ва V даражасидаги қўшни бинолар ва иншоотлардан 1-жад-

валда кўзда тутилганига нисбатан 30 % га ортиқроқ масофада жойлаштирилади.

15.* Тор кўчалар ва пиёда йўллари лойиҳалашда ўт ўчириш машиналарининг турар жой ва жамоат биноларига, шу жумладан, ичига ва ёнига қурилган хоналари бўлган биноларга етиб бориши имконини ва ўт ўчирувчиларнинг автозиналар ёки автокўтаргичлардан исталган хонадан ёки хонага ета олишини таъминлаш лозим.

Тор кўчанинг четидан бино деворигача бўлган масофа одатда 9 қаватгача бўлган бинолар учун 5-8 м ва 9 ва ундан ортиқ қаватли бинолар учун 8-10 м қабул қилинади.

Бу зонада тўсиқлар, электр узатиш ҳаво линияларини жойлаштириш ва дарахтларни қатор қилиб ўтқозиш мумкин эмас.

Кириш йўллари бўлмаган биноларнинг олд томонлари бўйлаб эни 6 м бўлган ўт ўчириш машиналари ўтишига яроқли йўллари уларнинг қоплама ёки тупроққа йўл қўйиладиган босишини ҳисобга олиб барпо этиш мумкин.

16. Турар жой ва жамоат биноларидан нефть ва нефть маҳсулотлари сақланадиган 1-тоифа омборларгача масофалар ҚМҚ 2.09. 19-98 «Нефть ва нефть маҳсулотлари омборлари» га мувофиқ, иссиқхоналар, дизелли корхоналар, электр-станциялар ва бошқа энергетика объектлар таркибида кўзда тутилдиган II тоифа ёнилғи суюқликлар омборларигача эса 2-жадвалда белгиланганлардан кам бўлмаган масофалар қабул қилинади.

2-жадвал

Омбор ҳажми, м ³	Омборгача масофалар, м, турар жой ва жамоат биноларининг ёнғинга бардош бериши даражасида		
	I, II	III	IIIa, IIIb, IV, IVa, V
100 гача	20	25	30
101 дан 800 гача	30	35	40
801 дан 1000 гача	40	45	50

Изоҳ. Болалар мактабгача тарбия муассасалари, умумтаълим мактаблари, мактаб-интернатлар, соғлиқни сақлаш муассасалари, томоша ва спорт иншоотларидан ҳажми 100 м³ гача бўлган омборларгача масофалар икки марта оширилади, ҳажми 100 м³ дан ортиқ бўлган омборлар учун – ҚМҚ 2.09.12-98 «Омборлар бинолари» га мувофиқ қабул қилинади.

17. Суюлтирилган газлар сифимларидан турар жой ва жамоат уйлари гача, газ тўлдириш станцияларига тегишли бўлмаган саноат ва коммунал-маиший корхоналаргача масофалар ҚМҚ 2.09. 19-98 «Нефть ва нефть маҳсулотлари омборлари» га мувофиқ қабул қилинади.

Суюлтирилган газлар омборларидан бинолар ва иншоотларгача масофалар ҚМҚ 2.09. 19-98 «Нефть ва нефть маҳсулотлари омборлари» га мувофиқ қабул қилинади.

18. Бинолар ва иншоотларгача газ тўлдириш пунктлари ва баллон-

ларнинг оралиқ омборларидан, яқка турган газ тақсимлаш пунктларидан, суюлтирилган газ сифимларидан бўлган масофалар ҚМҚ 2.09.19-98 «Нефть ва нефть маҳсулотлари омборлари» га мувофиқ қабул қилинади.

19. Нефть маҳсулотлари тарқатиш колонкаларидан бинолар ва иншоотларгача бўлган масофалар ҚМҚ 2.09. 19-98 «Нефть ва нефть маҳсулотлари омборлари» га мувофиқ қабул қилинади.

20. Дарё ва сув ҳавзаларига ўт ўчириш машиналари билан келиб сув олиш учун етиб бориш йўллари кўзда тутилиши керак.

21. Шаҳар аҳоли пунктлари қурилиши чегараларидан ўрмон массивларигача бўлган масофалар камида 50 м, қишлоқ аҳоли пунктлари қурилмалари ва боғдорчилик ширкатлари участкаларидан масофалар эса камида 15 м бўлиши керак.

Тавсия этилган**Дам олиш ҳудудлари юкланишининг йўл қўйиладиган мўлжалий кўрсаткичлари**

Фойдалинилаётган ҳудудлар турлари	Машғулотлар турлари	Дам олиш юкланиши, киши/га			Умумий сифимни аниқлаш учун тавсия этиладиган юкланиш, киши/га	Эслатмалар
		экологик	технологик	рухий		
1	2	3	4	5	6	7
Тоғли туманлар: Сўқмоқлар тармоғи	Сайрлар	5-10	-	6,5-1	5	Йўллар доирасида чекланмаган ёки 800 м сўқмоққа 1 гуруҳ
Тик ён бағирли водий-сайёҳлик йўлаги:	Саёҳат туризми	1-2	-	0,5-1	2	
Чодир тикиш зонасидаги яланглик	Туризм	-	300	20-30	100	
Учиш учун тоғ ён бағирлари	Чанғи спорти	-	2-20	-	20	Меъёрий талаблар
Тоғ дарёлари ва жилғалари қирғоқлари	Чўмилиш, дам олиш	5-7	-	2-5	5	Бир ванна – тўғонга
Тоғ сув омборларининг соҳиллари	-“-	-	1000	100-500	500	
Текислик туманлари:	Сайрлар	10-20	-	2-5	10	Ободончилигига қараб оширилади
Сув ҳавзалари қирғоқ бўйининг ўзгартирилган манзараси						
Табиий пляжлар	Чўмилиш, дам олиш	-	1000-1500	100-200	1100	Энг кўп ободонлаштирилишини ҳисобга олиб
Сунъий пляжлар	-“-	-	2000-2500	150-500	1500	
Анҳорлар ва сув омборларидаги сунъий акваториялар	Чўмилиш	-	600-800	150-500	500	Асосий ҳавзадан дамба, туғон ёки сув ажратиш анҳори билан ажратилган аквагория
Сув ҳавзаларининг акваториялари	Мусобақалар	-	1-5	0,5-1	5	Сув спортининг турига қараб
Дарёлар ва қўллар соҳиллари ёқалаб овчилик мулклари	Ов	-	1-2	-	2	Хавфсизлик шартларини ҳисобга олган ҳолда
Балиқчилик мулклари	Балиқ овлаш	-	10-20	-	15	Қирғоқдан овлашда 50-100/км ²

Тавсия этилган**Биоларнинг қурилиш ҳажмлари ва ер участкалари майдони, аҳолига хизмат кўрсатиш муассасалари ва корхоналари меъёрий ҳисоблари**

Хизмат кўрсатиш корхоналарининг номи	Ўлчов бирлиги	1000 аҳолига норма		Биоларнинг қурилиш ҳажми, м ²				Ер участкасининг майдони, м ²			
		1 навбат	ҳисоб муддати	1 навбат		ҳисоб муддати		1 навбат		ҳисоб муддати	
				ўлчов бирлиги	1000 аҳолига	ўлчов бирлиги	1000 аҳолига	ўлчов бирлиги	1000 аҳолига	ўлчов бирлиги	1000 аҳолига
1. Кундалик хизмат кўрсатиш муассасалари:											
Мактаблар	ўрин	165-280	175-280	24,0	3960-6720	24,0	4200-6720	20-38	3300-10640	20-38	3500-10640
Болалар боғча яраси	ўрин	70-125	90-155	33,0	2310-4125	33,0	2805-5115	33-35	2310-4375	33-35	2805-5425
Озиқ-овқат дўконлари	м ² , савдо майдони	60	70	11,4	798	11,4	798	4-5/2	240-300/120	4-5/2	280-350/140
Саноат моллари дўконлари	-//-	25	30	10,2	255	10,2	408	4-5/2	100-125/50	4-5/2	160-200/80
Умумий овқатланиш хонаси	ўтир.жой	8	8	25,4	304,8	25,4	406,4	23-28/5	276-336/60	23-28/5	368-448/80
Маданий-оммавий ишлар учун биолар	м ² , пол майдони	50-60	50-60								
РФБ (ЖЕК) (16 минг кишигача микро-туман учун объект)	объект	0,06-0,1	0,06-0,1	3045,0	304,5	3045,0	304,5	4000	400	4000	400

Алоқа бўлими, омонат касса (6-8 минг кишига объект)	-//-	0,1- 0,16	0,1-0,16	2506,0	350,8- 401	2506,0	350,8- 401	600/300	84-96/ 42-48	600/300	84-96/ 42-48
Дорихона (1 микротуманга 1 объект)	-//-	0,1- 0,16	0,1-0,16	1257,0	201,1	1257,0	188,6	500/250	80/40	500/250	75/37,5

3-илованинг давоми

Хизмат кўрсатиш корхоналарининг номи	Ўлчов бирлиги	1000 аҳолига норма		Биноларнинг қурилиш ҳажми, м ²				Ер участкасининг майдони, м ²			
		1 навбат	ҳисоб муддати	1 навбат		ҳисоб муддати		1 навбат		ҳисоб муддати	
				ўлчов бирлиги	1000 аҳолига	ўлчов бирлиги	1000 аҳолига	ўлчов бирлиги	1000 аҳолига	ўлчов бирлиги	1000 аҳолига
Устахоналар ва сартарошхоналар билан мажмуий қабул пунктлари	1 ходим- қабул	2,0	2,0	95,6	200,8	95,6	267,7	-/15	-/31,5	-/15	-/42
Кир ювиш хоналарининг қабул пунктлари	1 кг қуруқ мато сменада	80	110	0,85	68	0,85	93,5	-/0,15	-/12	-/0,15	-/16,5
Кимёвий тозалаш қабул пунктлари	1 кг ишлов бер. буюм сменада	3,5	4,0	2,0	7	2,0	8	35	122,5	35	140
Иккиламчи хом ашё қабул қилиш пунктлари (20 минг кишигача микротуман учун 1 объект)	объект	0,1	0,1	630,0	63	630,0	63	100	10	100	10
Жами					8979- 14234,2	10253,5- 15673,7			7147,5- 7234,5		8122- 18534
2. Даврий хизмат кўр- сатиш муассасалари:											
Озиқ-овқат дўконлари	м ² савдо майдони	20	30	11,4	228	11,4	228	2,7-4/1,5	54-80/30	2,7-4/15	54-80/30

Саноат моллари дўконлари	-//-	120	150	13,3	1064	13,3	1380	1,1-2,7/ 1,5	88-216/ 120	1,1-2,7/ 1,5	110- 270/150
Кулинария дўкони	-//-	6	6								
Умумий овкатланиш корхонаси	ўтир. жой	26	32	25,3	404,8	25,3	607,2	10-23/5	160-368/ 80	10-25/5	240-552/ 120
Болалар музика мактаби (камида 100 ва энг кўпи 500 жой)	%% ўқувчилардан			36,0	144-180	36,0	180-216	20	80-100	20	100-120

3-илованинг давоми

Хизмат кўрсатиш корхоналарининг номи	Ўлчов бирлиги	1000 аҳолига норма		Биоларнинг қурилиш ҳажми, м ²				Ер участкасининг майдони, м ²			
		1 навбат	ҳисоб муддати	1 навбат		ҳисоб муддати		1 навбат		ҳисоб муддати	
				ўлчов бирлиги	1000 аҳолига	ўлчов бирлиги	1000 аҳолига	ўлчов бирлиги	1000 аҳолига	ўлчов бирлиги	1000 аҳолига
Болалар бадиий мактаби (камида 50 ва энг кўпи 250 жой)	бир сменада жой	2,7	2,7	-	-	-	-	20-25	40-75	20-25	60-100
Болалар санъат мактаби (25000 ва ортиқ аҳолиси бўлган шаҳар аҳоли пунктида 150-420 жой)	-//-	-	-	-	-	-	-	20-25	30-50	20-25	40-75
Болалар спорт мактаби	%% ўқувчи жойи	2,3	2,3	32,0	224	32,0	320 420-504	30-35 85-130	210-245 340-650	30-35 85-130	300-350 425-730
Ёш техниклар станцияси (аҳолиси 150000дан ортиқ шаҳарда) камида 100 ва энг кўпи 500 жой	%% ўқувчи жойи сменада	0,9	0,9	24,0	16,8-24,0	24,0	28,8	40-50	28-50	40-50	48-60
Ёш тиббиётчилар станцияси (аҳолиси 150000дан ортиқ	-//-	0,4	0,4	24,0	9,6	24,0	14,4	100-120	40-48	100-120	60-72

шаҳарда) камида 100 ва энг кўпи 500 жой											
Болалар сайр-саёхат станциялари (150 минг киши ва ортик аҳолиси бўлган шаҳарларда) камида 50 ва энг кўпи 300 жой	-//-	0,4	0,4	24,0	3,6	24,0	4,8	20	3	20	4
Концерт зали камида 200 жой	жой	3-4	3,5-5	18,0	54-72	18,0	63-90	20-30	60-120	20-30	70-150

3-илованинг давоми

Хизмат кўрсатиш корхоналарининг номи	Ўлчов бирлиги	1000 аҳолига норма		Биноларнинг қурилиш ҳажми, м ²				Ер участкасининг майдони, м ²			
		1 навбат	ҳисоб муддати	1 навбат		ҳисоб муддати		1 навбат		ҳисоб муддати	
				ўлчов бирлиги	1000 аҳолига	ўлчов бирлиги	1000 аҳолига	ўлчов бирлиги	1000 аҳолига	ўлчов бирлиги	1000 аҳолига
Театрлар (аҳолиси 150 минг киши ва ошиқ шаҳарларда) катталар учун камида 500 жой, болаларга-300	-//-	4-6	5-6	72,0	288-432	72,0	360-576	20	80-120	20	100-160
Цирклар (аҳолиси 250 минг кишидан ортик шаҳарларда) камида 1200 жой	-//-	-	3,5-5	95,0	332,5-475	95,0	332,5-475	6	18-24	6	21-30
Универсал спорт томоша зали (аҳолиси 150000 ва ошиқ шаҳарларда) камида 1000 жой	-//-	5-8	6-9	100,0	500-800	100,0	600-900	6-8	30-64	6-8	36-72

Клублар, маданият саройлари	томоша залида жойлар/ кел.ўринлар	35/70	40/80	33,5	1172,5	33,5	1340	13-20	455-700	13-20	520-800
Кутубхоналар: а) марказий, шаҳар аҳоли пунктлари аҳолиси, минг киши:	минг сақл. бирлиги/ ўқиш жойи			75,0		75,0		30-40		30-40	
20 гача	-//-	-	5/3,3								
21 дан 50 гача	-//-	-	3/2,5								
51 дан 100 гача	-//-	-	2,8/1,5								
101 дан 250 гача	-//-	-	2,7/1,4								
250 дан ортик	-//-	-	2,6/1,3								

3-илованинг давоми

Хизмат кўрсатиш корхоналарининг номи	Ўлчов бирлиги	1000 аҳолига норма		Биноларнинг қурилиш ҳажми, м ²				Ер участкасининг майдони, м ²			
		1 навбат	ҳисоб муддати	1 навбат		ҳисоб муддати		1 навбат		ҳисоб муддати	
				ўлчов бирлиги	1000 аҳолига	ўлчов бирлиги	1000 аҳолига	ўлчов бирлиги	1000 аҳолига	ўлчов бирлиги	1000 аҳолига
б) туман, шаҳар аҳоли пунктлари аҳолиси минг киши:		киши		69,0		69,0		30-40		30-40	
20 дан 50 гача	-//-	-	1,5-20,8-1,0								
51 дан 100 гача	-//-	-	1,5-0,8								
101 дан 250 гача	-//-	-	1,5-0,8								
250 гача	-//-	-	1,5-0,8								
Рақс заллари	жой	6	6								
Лекториялар	-//-	2	2								
Аттракцион ва ўйин автоматлари заллари	пол майдони, м ²	3	3								
Кинотеатрлар	жой	20-30	25,5-35	16,0	320-480	16,0	480-800	5	100-150	5	150-250

Дорихоналар	объект	0,02	0,02	4756,0	142,7	4756,0	142,7	2000	60	2000	60
Поликлиникалар	смен киши	-	35	37,0	962	37,0	1295	8-10	208-260	8-10	280-350
Шифохоналар	каравот			295,0	3540	295	8991,4	100-200	1200-2400	100-200	1358-2706
Тез ёрдам станциялари	автомашина	0,1	0,1	800,0	80	800	80	700	70	700	70
Қон қуйиш станциялари (аҳолиси 50 минг кишидан ортиқ шаҳар аҳоли пунктларида)	объект	1	1	5200	104-52	5200	104-52	1500-2000	30-15	1500-2000	30-20
Шаҳар СЭС-250 минг кишигача шаҳар аҳоли пунктларида	шаҳарга объект	1	1	8800	440-35,2	8800	440-35,2	18000	900-72	18000	900-72

3-илованинг давоми

Хизмат кўрсатиш корхоналарининг номи	Ўлчов бирлиги	1000 аҳолига норма		Биноларнинг қурилиш ҳажми, м ²				Ер участкасининг майдони, м ²			
		1 навбат	ҳисоб муддати	1 навбат		ҳисоб муддати		1 навбат		ҳисоб муддати	
				ўлчов бирлиги	1000 аҳолига	ўлчов бирлиги	1000 аҳолига	ўлчов бирлиги	1000 аҳолига	ўлчов бирлиги	1000 аҳолига
Туман СЭС (аҳолиси 250000 дан ортиқ шаҳар аҳоли пунктларида)	150-250 минг кишига объект	1	1	8800	52,8	8800	52,8	12000	72	12000	72
Тозалик-маориф уйи (аҳолиси 20000 кишидан ортиқ шаҳарда)	объект			13500	540-136	13500	540-135	5000-10000	200-100	5000-10000	200-100
Бозор	м ² савд.май.	24-40	24-40	27,3	54,6	27,3	81,9	35-140	70-280	35-140	105-420
Тураб жой-фойдаланиш ташкилотлари ва уларнинг базалари 250	шаҳарга объект	1	1	6500	195-84,5	6500	195-84,5	5000-7000	150-91	5000-7000	150-91

минг кишигача шаҳарларда											
а) туман 250 минг кишидан ортиқ шаҳарларда	150-250 000 га 1 объект	1	1								
Меҳмонхоналар	ўрин	3-5	6	103	309-515	103	618	30-55	90-275	30-35	180-33
Мотеллар (сиғими камида 100 жой)	-//-	5	9	99	495	99	891	100	500	100	900
Шаҳар аҳоли пунктларидаги ўт ўчириш деполари, аҳолиси, минг киши: 8 гача	автоюриш	2	2								
8,1 дан 20 гача	-//-	0,25	0,25								
21 дан 50 гача	-//-	0,2	0,2								
51 дан 100 гача	-//-	0,15	0,15								
101 дан 250 гача	-//-	0,14	0,14								

3-илованинг давоми

Хизмат кўрсатиш корхоналарининг номи	Ўлчов бирлиги	1000 аҳолига норма		Биноларнинг қурилиш ҳажми, м ²				Ер участкасининг майдони, м ²			
		1 навбат	ҳисоб муддати	1 навбат		ҳисоб муддати		1 навбат		ҳисоб муддати	
				ўлчов бирлиги	1000 аҳолига	ўлчов бирлиги	1000 аҳолига	ўлчов бирлиги	1000 аҳолига	ўлчов бирлиги	1000 аҳолига
251 дан 500 гача	-//-	0,125	0,125								
501 дан 1000 гача	-//-	0,1	50,1								
1001 дан 2000 гача	-//-	0,066	0,066								
2000 дан ортиқ	-//-	0,05	0,005	25	25	25	25	6	6	6	6
Жамоат ҳожатхоналари	1 жиҳоз	1	1	58	406/174	58	290/174	50-100	350	50-100	250-500/150
Ҳаммомлар	жой	5							500/150-300		300

Шаҳар аҳоли пунктларидаги музейлар, аҳолиси, минг киши											
50 гача	шаҳарга объект	1	1	21000	420	21000	630	5000-3000	100-150	5000-8000	150-240
51дан 100 гача	-//-	-	1-2								
101 дан 250 гача	-//-	-	2-3								
251 ва ундан ортиқ	-//-	-	3-5								
Болалар сут ошхонаси	порция	120	120	0,1	12	0,1	12	0,5-0,7	80-84	0,5-07	60-84
Спорт заллари	м ² пол майдони	36-50	60-80	11	1650	-	-	-	-	-	-
Ёпик сузиш ховузи	м ² сув юзаси	5	8	15	75	15	120	-	-	-	-
Очиқ ҳовуз	-//-	12-17	12-17								
Маъмурий-хўжалик ташкилотлари	ишлаётганлар	10	10	45	450	45	450	12-20	120-200	12-20	120-200
Ветшифохона, ветлабораторияси билан	шаҳарга объект	1	1	5700	570-57	5700	570-57	5000	500-50	5000	500-50

3-илованинг давоми

Хизмат кўрсатиш корхоналарининг номи	Ўлчов бирлиги	1000 аҳолига норма		Биноларнинг қурилиш ҳажми, м ²				Ер участкасининг майдони, м ²			
		1 навбат	ҳисоб муддати	1 навбат		ҳисоб муддати		1 навбат		ҳисоб муддати	
				ўлчов бирлиги	1000 аҳолига	ўлчов бирлиги	1000 аҳолига	ўлчов бирлиги	1000 аҳолига	ўлчов бирлиги	1000 аҳолига
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
Алоқа уйи	-//-	1	1	8000-18000	400-72	8000-18000	400-72	5000-18000	250-40	5000-10000	250-36
Шаҳар сувоқова	-//-			3000-12000	150-48	3000-12000	150-48	5000-9000	250-36	5000-10000	250-36
Шаҳар газ	-//-			1500-4000	75-76	1500-4000	75-16	3000-9000	150-36	3000-9000	150-36

Шаҳар иссиқлик тармоғи	-//-			1500-4000	75-76	1500-4000	75-16	3000-9000	150-36	3000-9000	150-36
Шаҳар электр тармоғи	-//-			2000-9000	100-36	2000-9000	100-36	2000-7000	100-28	2000-7000	100-28
Шаҳар ёритиш тармоғи	-//-			1000-4000	50-16	1000-4000	50-16	1000-3000	50-12	1000-3000	50-12
Шаҳар суди	-//-			45	450	45	450-300	12-20	120-200	12-20	120-200
Туман суди	30 минг кишига 1 судья			30	300	30	300				
Жами					17029,1-16127		21719,9-20893,1		8197,6-10379		9642,2-12423

Изоҳ: 1. “/” белгиси касрни билдиради, масалан:

$$0,3-1/0,2-0,3 \frac{0,8-1}{0,2-0,3}$$

2. Суратда алоҳида участкада жойлашишдаги рақамлар, махражда эса турар жой биносининг биринчи қаватида жойлашишдаги рақамлар берилган.

3. Кимёвий тозалаш корхоналарини 90 кг гача қувватида турар жой уйларининг биринчи қаватларида жойлаштириш тавсия этилади.

4. Аҳолиси 250 минг кишидан ортиқ бўлган шаҳар аҳоли пунктларида тегишли туман объектларини кўзда тутиш лозим.

АЁҚС ларнинг қуввати ва технологик ечимларига кўра таснифи

АЁҚС ларнинг технологик ечимларига кўра турлари			АЁҚС ларнинг қувватига кўра тоифалари (сиғимлар ҳажми ва соатига ёнилғи қуйиш миқдорига кўра)					
Тур	Сиғимнинг жойлашуви		I - кичик		II - ўрта		III - катта	
	ЁТК га нисбатан	Участка сатҳига нисбатан	Сиғимларнинг умумий ҳажми, м ³	Соатига ёнилғи қуйишнинг энг катта миқдори, бирликлар	Сиғимларнинг умумий /бирининг энг кўп/ сиғими, м ³	Соатига ёнилғи қуйишнинг энг катта миқдори, бирликлар	Сиғимларнинг умумий ҳажми, м ³	Соатига ёнилғи қуйишнинг энг катта миқдори, бирликлар
А	Алоҳида (одатий)	ер ости	10 дан 40 гача	80 гача	40 дан ортиқ 100 гача	80 дан ортиқ 150 гача	100 дан ортиқ 200 гача	150 дан ортиқ
Б	Блоклаштирган (блокли)	ер ости	10 дан 40 гача	80 гача	40 дан ортиқ 100 гача	80 дан ортиқ 150 гача	100 дан ортиқ 200 гача	150 дан ортиқ
В	Алоҳида (модулли)	ер ости	20 гача	40 гача	20 дан ортиқ 80 гача /20 гача/	40 дан ортиқ 100 гача	-	-
Г	Блоклаштирган (контейнерли)	ер ости	20 гача	40 гача	20 дан ортиқ 80 гача /20 гача/	40 дан ортиқ 100 гача	-	-

Изоҳлар: 1. Сиғимдаги ёнилғининг энг баланд сатҳи ёндош ҳудуднинг сиғим деворидан камида 3,0 м масофада режавий белгиси сатҳидан камида 0,2 м пастда жойлашганда сиғим ер ости деб ҳисобланади.

2. Битта ЁТК да ёнилғи турларининг миқдори ва сиғимдаги бўлимлар сонига қараб 1 дан 10 тагача тарқатиш тўппончалари бўлиши мумкин. Бунда АЁҚС қуввати ҳисобларида ундаги тўппончалар сонидан қатъи назар бир ЁТК га бир вақтнинг ўзида кўпи билан иккита автомобиль ёнилғи қуйиши қабул қилинади.

3. Барча турлар ва тоифалардаги АЁҚС лар зич қурилишнинг танг шаҳарсозлик шароитларида экологик хавфсизлик даражасини оширишга оид қўшимча технологик тадбирлар билан лойиҳаланиши мумкин. (5 ва 6 иловалар).

4. Кичик АЁҚС лар аҳоли пунктларининг аҳоли жойлашган ҳудудларида жойлаштирилганда фақат енгил автомобиллар ва микроавтобуслар ёнилғи қуйиш, ўрта ва катталари эса – турар жой туманлари, микротуманлар (дахалар, мавзелар) дан ташқари жойлашиш шarti билан барча турдаги автомобиллар учун мўлжалланади.

5. АЁҚШ ларнинг суткасига ёнилғи қуйиш кўрсаткичига қараб мўлжалий қувватини аниқлашда қуйидаги нисбатга қараб ҳисоблаш керак ўтказиш қодирлиги учун:

40 бирл/соат 100 бирл/суткага мос келади
80 бирл/соат 200 бирл/суткага мос келади
100 бирл/соат 250 бирл/суткага мос келади

135 бирл/соат 500 бирл/суткага мос келади
150 бирл/соат 750 бирл/суткага мос келади
150 бирл/соатдан ортиғи 1000 бирл/суткадан ортиғига мос келади

5-ИЛОВА
Мажбурий

АЁҚС экологик хавфсизлиги
стандарт даражасини таъминлаш
бўйича технологик тадбирлар
рўйхати

1. Ёнилғи ташувчи авто-цистернадан ёнилғини сиғимга қуйиш учун тез ажраладиган герметик муфталарни қўллаш.

2. Ёнилғи ташувчи автоцистернадан ёнилғини сиғимга қуйиш пайтида нефть маҳсулотлари буғларини тутиб қолиш тизимини қўллаш.

3. Металл сиғимлар ва коммуникацияларнинг коррозияга қарши ҳимоясини, зарур бўлганда эса электрохимёвий коррозиядан катодли ҳимояни ҳам таъминлаш.

6-ИЛОВА
Тавсия этилган

АЁҚС экологик хавфсизлигининг
юқори даражасини таъминлаш
бўйича қўшимча технологик
тадбирларнинг рўйхати

1. Ёнилғи қўйиш пайтида автомобиль бакидан нефть маҳсулотлари буғларини тутиб қолиш тизимини қўллаш.

2. ТРК ёнилғи қуйиш ичак-ларида тез узиладиган ажратиш-ларни қўллаш.

3. Иккита деворли, нефть маҳсулотларининг оқиб кетишини назорат қилишнинг автоматлаштирилган қурилмалари билан жиҳозланган сиғимларни қўллаш.

4. Бехосдан нефть маҳсулотлари билан ифлосланган юзаки ёмғир

оқова сувлари (ТРК сиғимга қуйиш майдончалари ва автотранспорт тўхташ жойларининг жойлашувидан) тозалаш учун тозалаш иншоотларининг барпо этилиши.

7 – ИЛОВА
Мажбурий

Авиаобъектларнинг келишилиш
тартиби

Келишилиш зарур бўлган корхона ва ташкилотларни Ўзбекистон Республикаси Мудофаа Вазирлиги Ҳарбий Ҳаво кучлари штаби белгилайди.

3-7 бандларида кўрсатилган объектларнинг жойлашуви қаерда жойлашганидан қатъий назар қурилиши мўлжалланган худуди ва масъулияти мавжуд Давлат Табиат қўмитаси идоралари билан келишилиши лозим.

Юқори қаватли биноларни жойлаштиришни келишишга бериладиган ҳужжатларда барча ҳолларда лойиҳалаштирилаётган иншоотлар жойлашувининг координатларини кўрсатиш лозим. Мазкур келишувлар тегишли объектлар қурилиши уч йил ичида бошланмаган ҳолда ўз кучини йўқотади.

Қуйидагиларнинг жойлашуви келишилиши лозим:

1. Аэродромларга ҳаводан етиш йўллари доирасидаги, шунингдек, бу доирадан ташқари аэродромнинг назорат нуқтасидан (АНН) 10 км радиусидаги барча объектлар.

2. Аэродром сатҳига нисбатан баландлиги 50 м ва юқорирок бўлган АНН дан 30 км радиусидаги объектлар.

8 ИЛОВА **Мажбурий**

3. Баландлиги ер сатҳидан 50 м ва юқорироқ бўлган объектлар.

4. Алоқа ва электр узатиш линиялари, шунингдек радиотехник воситаларнинг нормал ишига халал бериши мумкин бўлган бошқа радио ва электрмагнит нурланиш объектлари.

5. Портлашдан хавфли объектлар.

6. Чиқарилаётган газларни фавқулодда ёндириш учун машъал қурилмалари, аланга чиқишининг энг юқори баландлигини ҳисобга олинади.

7. Фаолияти аэродром зонасида кўриниш ёмонлашувига олиб келиши мумкин бўлган саноат ва бошқа хил корхона ва иншоотлар.

8. АНН дан 15 км дан яқинроқ масофада озик-овқат қолдиқлари ахлатхоналари, ҳайвонотчилик фермалари, моллар қушхонаси ва қушларни жалб этувчи ва оммавий йиғилиши билан фарқланадиган бошқа объектларнинг қурилиши тақиқланади.

Изоҳ. АНН аэродромнинг геометрик маркази яқинида жойлашади:

бир учиш-кўниш йўли (УҚЙ) бўлганда – унинг марказида;

иккита параллель УҚЙ бўлганда – уларнинг марказларини туташтирувчи тўғри чизик ўртасида;

иккита нопараллель УҚЙ бўлганда – УҚЙ марказларидан тикланган перпендикуляр чизиклари кесишган нуқтасида.

«АМТА лойиҳаси» таркиби

«АМТА лойиҳаси» таркибига қуйидаги материаллар киритилиши керак:

1. Ҳудуднинг хўжалик тавсифи (антропоген таъсирнинг мавжуд манбалари, таъсир ҳажми ва турлари, атроф муҳит таркибий қисмларининг – атмосфера ҳавоси, юза ва ер ости сувлари, тупроқ-ўсимлик қатлами ва бошқалар)

2. Ҳудуднинг табиий тавсифи (табиий захираларни баҳолаш), атроф муҳитни тикланиш қобилияти ва салбий таъсирларга чидамлилиги бўйича баҳолаш.

3. Атроф муҳитнинг ҳозирги ҳолатини шаҳарсозлик ўзлаштириш учун муаммоли зоналар ва вазиятларни ажратиб, мажмуий баҳолаш.

4. Узоқ муддатли ва биринчи навбатдаги тадбирлар (шаҳарсозлик, муҳандислик-техник, ташкилий ва бошқалар) мажмуини уларнинг самарасини баҳолаб туриб, асослаш, ишлаб чиқиш ва танлаш.

5. Кўриб чиқилаётган ҳудудда атроф муҳитнинг ҳолатини мажмуий баҳолашни ўз ичига олувчи график материаллар.

Түрли шовкин манбаларидан эквивалент товуш даражалари, товуш даражасининг дарахтзорлар зоналари билан пасайтирилиши

1-жадвал

Транспорт оқимларининг шовкин тавсифлари

Йўллар ва кўчалар тоифалари	Қатнов қисмининг иккала йўналишда ҳаракат йўлаклари сони	LA _{экв} , дБА эквивалент товуш даражаси
Тез ҳаракатли йўллар	6 8	86 87
Умумшаҳар аҳамиятидаги магистраль кўчалар ва йўллар: тўхтовсиз ҳаракатли	6 8	84 85
тартибга солинадиган ҳаракат	4 6	81 82
тумандаги ҳаракат	4 6	81 82
Маҳаллий аҳамиятдаги кўчалар ва йўллар: турар-жой кўчалари	2 4	73 75
саноат ва коммунал-омбор районларининг йўллари	2 4	79 81

2-жадвал

Рельсли транспортнинг шовкин тавсифлари

Рельсли транспорт кўчма таркибининг тури	Товушнинг эквивалент даражаси, дБА, ҳаракат интенсивлигида, пар/соат										
	1	2	3	4	5	6	8	10	15	20	30
Йўловчи поезда	68	71	73	74	75	76	77	78	80	81	-
Юк поезда	77	81	82	83	84	85	86	87	89	91	-
Электropоезд	-	71	72	73	74	75	76	77	79	81	82
Трамвай	-	-	-	60	61	62	63	63	65	66	-
Метропоезд	-	-	-	-	-	63	64	65	67	68	69

3-жадвал**Темир йўл транспорти объектларининг шовқин тавсифлари**

Объектлар	LA _{ЭКВ} , дБА
Турларга саралаш станциялари:	
1 тоифа	99
тоифасиз	97
Юк станциялари	87
Юк ҳовлилари	97
Локомотивларнинг реостатли синовлари пункти	107
Локомотив ва вагон деполари	90

4-жадвал**Коммунал-транспорт объектларининг шовқин тавсифлари**

Корхоналар номи	Участка майдони, га	Участка чегарасида товушнинг энг кўп даражаси, дБА
Фабрика-кир ювиш хонаси	3,0	74
300 йўналишли автовокзал	4,0	78
300 автобус учун автобус парки	5,7	77
200 поездлик трамвай депоси	2,9	76
150 машиналик троллейбус депоси	4,1	69
Таксомотор парки	2,0	76
АТК:		
500-600 юк автомобили учун	2,8	80
300-600 автомобиль учун	3,2	74
200 автомашина учун	1,8	75
Автобус бекат станцияси	7,6	71

5-жадвал**Очиқ трансформатор кичик станциясидан 7 м масофадаги товуш даражаси, дБА**

Трансформаторнинг турига кўра қуввати, МВА	10	16	25	32	40	63	80	125	200
Шовқин даражаси, дБА	70	72	75	76	76	77	77	79	80

6-жадвал**Квартал (даҳа) ичидаги манбаларнинг шовқин тавсифлари**

Квартал (даҳа) ичидаги шовқин манбаи	Товушнинг энг кўп даражаси, дБА
Болалар ўйинлари	80
Спорт ўйинлари:	
футбол	85
волейбол	78
баскетбол	73
теннис	71
стол тенниси	66
Дўконларда моллар туширилиши ва ўрамлар юкининг ортилиши:	
«Саноат моллари», «Китоблар»	71
«Нон», «Баққоллик»	74
«Мебел-Жиҳозлар»	76
«Сут», «Сабзавот-мевалар», «Вино-салқин ичимликлар»	89
Ахлат олувчи машиналарнинг ишлаши	98
Турар жой уйлари гуруҳларининг ичида якка автомобилларнинг юриб ўтиши:	
енгил автомашина	63
юк автомобиллар	77

7-жадвал**Товуш даражасининг ихота дарахтзорлар йўллари билан пасайтирилиши**

Дарахтзорлар йўллари	Йўл эни, м	Товуш даражасининг пасайиши, дБА
Дарахтзор ичида бир қатор дарахт-ларнинг шахмат усулида экилиши	10-15	4-5
худди шундай	16-20	5-8
Икки қаторли, қаторлар орасида 3-5 м масофа; қаторлар бир қаторли экилишга айнан ўхшаш	21-25	8-10
Икки ёки уч қаторли, қаторлар орасида масофа 3 м; қаторлар бир қаторли экилишга айнан ўхшаш	26-30	10-12

Изоҳ. Дарахтлар баландлиги камида 5-8 м деб қабул қилиниши керак.

10 ИЛОВА
Мажбурий

Умумтовар ва ихтисослашган омборлар ер
участкаларининг ўлчамлари

Омборлар номи	1 минг аҳолига м ² Ер участка майдони
Озиқ-овқат моллари	135
Ноозиқ-овқат моллари	180
Совутгичлар	105
Мева сақлаш омборлари	148
Картошка сақлаш омборлари	102
Сабзавот сақлаш омборлари	120
Қурилиш материаллари омборлари	300
Ёнилғи омборлари	150
Бензин ва бошқа ёнилғи-мойлаш материаллари омборлари	360

11 ИЛОВА
Мажбурий

“Маданий мерос
объектларини муҳофаза қилиш ва
улардан фойдаланиш” лойиҳаси
таркиби

“Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш лойиҳаси” таркибига қуйидаги материаллар киритилган бўлиши керак:

1. Тарихий – шаҳарсозлик тузилмасининг замонавий ҳолатини баҳолаш;

2. Тарихий марказларда шакланган тарихий-шаҳарсозлик мероси ва уларнинг қадриятини баҳолаш;

3. Маданий мерос объектлари бўлган тарихий-таянч режа;

4. Алоҳида тартибга солинадиган шаҳарсозлик фаолияти объектларининг чегарасини

асосланганлиги (маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш зоналари, қурилишни тартибга солиш зоналари ва табиий ландшафтни муҳофаза қилиш зоналари), атроф-муҳит ва тарихий топографик, маданий мерос объектларини сақлаган ҳолда шаҳар ва қишлоқларни меросий ривожланганлиги;

5. Тарихий шакланган ландшафтни сақлаш бўйича чора-тадбирлар;

6. Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш бўйича қисқа ва узоқ муддатли тадбирлар мажмуасини асослаш, ишлаб чиқиш ва танлаб олиш;

7. Қараб чиқилаётган ҳудудда маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш бўйича тадбирлар мажмуаси киритилган график материаллар.

12-илованинг давоми

Т №	Худудлар	Ҳозирги кундаги фойдаланиш			Бош режа бўйича						
		га	%	м ² / киши	Биринчи навбатда			Ҳисобий муддатда			
					га	%	м ² /к	га	%	м ² /к	
	Жумладан: а) умумий фойдаланиш ерлар (1,2,5,6,7,8,12,13 п.п.) б) умумий фойдаланиш ерлар (3,4,10,11,16 п.п.) в) қишлоқ хўжалигида фойдаланадиган ерлар ва бошқа ер сувлар (14 п.) г) шаҳар ўрмонзорлари эгаллаган ерлар (15 п.) д) темир йўл, сув, ҳаво, трубопровод транспортларига қарашли ерлар ва бошқалар (9 п.) е) махсус муҳандислик тадбирларини ўтказиш талаб этадиган худудлар, захира худудлар ва бошқалар (17, 18 п.п.)										

Изоҳлар: 1. Худудларнинг баланси шакли шаҳар ёки посёлканинг маҳаллий шароитини ҳисобга олинган ҳолда аниқланиши мумкин.

2. 4, 7, 10 графаларда худудлар элементлари ўлчамлари фоизларда каср кўринишида келтирилган: суратда – “А” ва “Б” худудларига нисбатан; махражда – шаҳарнинг (посёлканинг) ҳамма худудига.

3. Шаҳар (посёлка) худудларининг баланси тушунтириш хати “Худудлардан фойдаланиш” бўлимининг таркибий қисми бўлади.

13-ИЛОВА***Тавсия этилган**

Шаҳарлар, шаҳар туридаги
посёлкалар ва туман
марказларининг лойиҳавий аҳоли
сони миқдорини ҳисоблаш бўйича
услубий кўрсаткичлар

1. Мавжуд шаҳарлар, шаҳар туридаги посёлкалар ва қишлоқ аҳоли пунктлари учун аҳоли сони миқдорини ҳисоблаш:

1.1. Аҳоли сонининг лойиҳавий миқдорини ҳисоблаш шаҳарлар, шаҳар туридаги посёлкалар ва қишлоқлардаги халқ хўжалиги турли соҳаларининг келажақдаги ривожланишини прогноз қилиш асосида, уларнинг умумий жойлаштириш тизимидаги аҳамиятини ва ролини ҳисобга олган ҳолда, шунингдек, меҳнатга лаёқатли аҳолини янада тўлиқроқ фойдаланган ҳолда меҳнат баланси усулида ишлаб чиқилади.

Шаҳар ва шаҳар туридаги посёлкаларнинг ҳар бири бўйича аҳоли сони ҳисобот миқдори алоҳида

аниқланади, қишлоқ аҳоли пунктлари бўйича эса ШНК 2.07.04-06 “Қишлоқ хўжалиги корхоналарини меъморий-режавий ташкиллаштириш” бўйича аниқланади.

1.2. Аҳоли сонининг лойиҳавий миқдорини ҳисоблашда, аҳолининг ҳозирги кундаги ёш бўйича таркиби ва унинг ҳисобий даврлар бўйича кутиладиган ўзгаришини ҳисобга олиш зарур.

1.3. Келажакдаги меҳнат ресурслари аҳолини келажакдаги ёш бўйича тузилмасига мувофиқ аниқланади, бунда аҳолининг меҳнатга лаёқатлилиқ гуруҳидан кўйидагилар истисно қилинади:

уй хўжалигида ва шахсий ёрдамчи хўжаликда банд бўлган шахслар ва кўп болали оналар (меҳнатга лаёқатлилиқ гуруҳининг ҳисоб муддатидаги умумий миқдоридан шаҳар ва шаҳар туридаги посёлкалар учун – 3-6%, қишлоқ аҳоли пунктлари учун – 4-8% ташкил этади);

Ишламайдиган ногиронлар ва ишга лаёқатлилиқ ёшида нафақа олувчилар (аҳолининг ҳисоб муддатидаги умумий сонидан шаҳарлар ва шаҳар туридаги посёлкалар учун – 1-2,5%, қишлоқ аҳоли пунктлари учун – 1-2% ташкил этади).

Меҳнат ресурслари таркибига қўшимча равишда нафақа олиш

ёшида ишлашни давом эттираётган шахслар киритилади (ҳисоб муддатига шу гуруҳга кирадиган аҳоли сони миқдорининг 25-40% ташкил этади).

1.4. Банд аҳоли уч гуруҳга бўлинади:

